

**ДУНЁ ГЛОБАЛЛАШУВ
ЖАРАЁНИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ**

“ДУНЁ ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ”

*мавзусидаги онлайн халқаро ёшлар илмий-амалий ва на-
зарий конференцияси мақолалар тўплами*

УДК 32.01:303

КБК 65.5(9)

“Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари” мавзусидаги онлайн халқаро ёшлар илмий-амалий ва назарий конференцияси мақолалар тўплами – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020. - 163 б.

ISBN 978-9943-6496-6-8

© Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2020.

КИРИШ

Бугунги кунда глобаллашув шароитида дунё мамлакатлари барча соҳаларда, барқарор тараққиёт йўлида ўзларининг ўринларига эга бўлиб бормоқда. Албатта, бунда ҳар бир давлатнинг табиий ва иқтисодий омиллари билан бирга. инсон омили, жумладан, ёш авлоддарни тарбиялаш, шарт-шароитлар яратиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳим. Давлат ва жамият бошқарувида ҳам, бизнесни тараққий эттиришда ҳам, умуман, барча соҳа ривожида салоҳиятли ёшнинг алоҳида ўрни бор. Сабаби, улар жамият учун “янги қон” вазифасини ўтайди. Янгидан-янги ташаббус-гояларни илгари сурин, замонавий иш юритиш услубларини жорий қилишда ана шу қатлам йигит - қизларнинг нуқтаи назари ва саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида 1,8 миллиард ёш авлод вакиллари бор. Жумладан, Ўзбекистон аҳолисининг деярли тенг ярмидан кўпроғини ёшлар ташкил этади.

Глобаллашув феномени замонавий дунёда нафақат иқтисодиёт ва хусусий секторни, балки сиёсий ва ижтимоий жабҳаларда ҳам ўз аксини кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда янги маълумотлар ҳаётимизнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий трансформация жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Глобаллашувнинг асоси ҳам айнан шу маълумотларни қабул қилиш, ўзлаштириш, таҳрир этиш ва узатишдан ташкил топган.

Ёшлар ҳар қандай жамиятнинг ажралмас қисмидир ва глобаллашув даврида авваламбор унинг муаммолари биринчилардан бўлиб юзага чиқади. Инсониятнинг глобал муаммолари, глобаллашувнинг реал жараёнлари ва шаклларини аниқлашда, биринчи навбатда, ёшлар параметри туради. Айнан ёшлар иқтисодий ва ижтимоий томондан азият чекадилар ва можаролар марказига бориб қолиши мумкин. Аввало, ёшлар янгиланиб бораётган дунёвий этикани пухта эгаллаб, унинг асосида яшашни ўрганишлари керак. Мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз тинчлик маданиятини англашлари ва тушуниб етишлари, глобализация жараёнига ижтимоий масофадан қарашлари муҳимдир.

Юзага келаётган қийинчиликларга қарамай, дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги ёш авлод глобаллашув жараёнини яхшироқ тушунишга, турли халқларнинг имкониятлари, тажрибаси ва билимларини бирлаштиришга, замонамизнинг глобал муаммоларини ҳал қилишда ўз ўрнини топишга интилмоқда, шу жумладан, ўзбек ёшлари мисолида гапириб ўтсан.

“Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари” мавзуидаги ушбу конференция турли хил фикрлар, янгиликлар, ёшларимиз дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва бошқа мавзуларда олиб борилишига ишонаман.

БИРИНЧИ ЙЎНАЛИШ:
ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА
ИЖТИМОЙ МУАММОЛАР ВА
УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

**ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ДАВЛАТНИНГ
БОШ ИСЛОҲОТЧИ ВАЗИФАСИДА БЎЛИШИ –
МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИДИР**

Азимова Дилафруз Мирзатуллаевна.
Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси

Дунё тажрибасидан маълумки, бюджет тақчиллиги ва инқирозли ҳолатларнинг вужудга келиши давлат қарзини ошишидаги сезиларли аҳамиятта эга бўлган омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг асримизда геосиёсий вазиятнинг кескинлашуви ва иқтисодий глобаллашувнинг чуқурлашуви ортидан давлат қарзининг ортиши тенденциялари кучайиб бормоқда. Шу билан бирга, турли эпидемик ва пандемия ҳолатларининг ҳам тарқалиши давлатларнинг фавқулодда харажатларини ортишига сабаб булмоқда.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 марта даги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПФ-5969-сонли Фармони асосида Ўзбекистон 1 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги ташки қарзни жалб этиши кўзда тутилди. Мазкур ҳужжатга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги ҳузурида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Ушбу жамғарманинг фонди 10 трлн. сўм этиб белгиланди. Ҳолбуки, ушбу жамғарма глобал эпидемик вазиятнинг кескинлашуви ортидан ташкил этилишига зарурат туғилди. Ушбу жамғарма доирасидаги харажатлар фавқулодда хусусиятга эга бўлиб, давлатнинг ташки қарз жалб этиши билан молиялаштирилиши мумкинлиги кўзга ташланади. Мазкур фармонга кўра қўйидаги йўналишларда маблағлар сарф этилиши кўзда тутилган¹:

1. Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича қўйидаги тадбирларни молиялаштириш, шу жумладан:
 - даволаш ва бошқа муассасаларни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар, ҳимоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш;
 - хавф-хатар остида бўлган ёки вирус юқтирганлар билан мулоқотда бўлган шахсларни карантинда сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;
 - коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда иштирок этаётган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан ҳимоя чораларини амалга ошириш харажатла-

¹ <https://lex.uz/docs/4770761>

ри учун қўшимча маблағлар ажратиш;

– юқумли касалликларни аниқлаш, профилактика қилиш ва даволаш бўйича тадбирларга жалб этилган даволаш ва бошқа муассасаларни қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш.

2. Кўйидагилар орқали тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш:

– кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги «Тадбиркорликни ривожлантириши қўллаб-қувватлаш» давлат жамғармаси томонидан биринчи навбатда ижтимоий аҳамиятга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш учун берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплашга кафиллик ҳамда компенсация тақдим этишни кенгайтириш;

– республика ҳудударида иқтисодий фаолликни ва бандликни кенгайтиришга қаратилган қўшимча инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, энг аввало, кичик саноат зоналарида муҳандислик коммуникацияларини қуриш.

3. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, шу жумладан, қўйидагилар учун қўшимча маблағлар ажратиш:

– Ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерацияси Кенгаши орқали кам таъминланган оиласаларни қўллаб-қувватлаш бўйича чораларни кучайтириш ва нафака олувчилар сонини ошириш;

– Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасида жамоат ишларини кенгайтириш.

4. Кўйидагилар орқали иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш:

– Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида жалб этилган кредитларни сўндириш, шунингдек, биринчи даражали харажатларни амалга ошириш учун фоизсиз бюджет ссудалари ажратиш йўли билан стратегик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

– ташқи савдо фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш;

– коронавирус инфекцияси тарқалишининг салбий таъсирига энг кўп учрайдиган иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини, шунингдек, кредит портфели сифати ёмонлашган ҳолларда тижорат банкларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чораларини тақдим этиш;

– уч йилгача бўлган муддатга фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш орқали солиқ тўлаш муддатлари бўйича кечикириш тақдим этилиши ҳамда тадбиркорлик фаолигининг сустлашиши муносабати билан Қорақалпогистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида олинмай

қолинадиган даромадлар ўрнини тўлдириш.

Демак, давлат қарзининг юзага келиши бевосита бюджет харажатларини ортиши натижасида рўй бериши мавжуд экан. Ушбу ҳолатнинг юзага келиши макроиқтисодий мувозанатни сақлаб қолиш учун давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши билан изоҳланади. Таъкидлаш лозим, давлат қарзи ва бюджет дефицити ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб, иирик дефицитлар қарзнинг асосий омили бўлиб қолаверади.

Мазкур пандемия натижасида нафақат давлат қарзининг ошиши, балки қуидаги иқтисодий ҳолатлар юзага келиши мумкин:

1. Мамлакатларда иқтисодий ўсиш даражаси ўрта муддатли даврда пасайиши кузатилади.

2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш қийинлашиши мумкин. Бунинг олдини олиш мақсадида, миллий фонд бозори барқарорлигини сақлаб туриш учун ички истеъмолни таъминлаш лозим бўлади.

3. Мамлакатларда макроиқтисодий мувозанат нобарқарорлашуви ортидан ЯИМ ҳажми қисқаради. Мувозанат бузилишига импорт самараси таъсирини камайтириш учун фоиз ставкаларини тушириш орқали ички истеъмолни таъминлаш муҳим ҳисобланади. Натижада, инсонларнинг кредитлар олиш имконияти ошиб, ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатига эришиш мумкин.

4. Туризм соҳасида тургунлик юзага келиши кузатилади. Натижада, ишсизликни юзага келишига шароит яратилиши ва иқтисодий ўсишга ҳам салбий таъсир кусатилиши мумкин.

Давлат қарзи мамлакат иқтисодиётiga нисбатан иириклишиб боргани сари миллий иқтисодиёт учун хавф орта бориши мумкин. Шу билан бирга, ташқи қарзнинг ЯИМдаги улуши қанчалик ортса, макроиқтисодий барқарорлик шунчалик мураккаблашиб бораверади. Жаҳоннинг иирик суворен кредит рейтингларини аниқлаш ва баҳолаш билан шуғулланувчи агентликлари ҳам ушбу кўрсаткичга алоҳида эътибор қаратади.

Умуман, Ҳалқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон ташқи қарзини ЯИМга нисбатан 55 фоизгача жалб этишни мўътадил ёки барқарор деб баҳолашини маълум қилган. Демак, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ташқи қарз жалб этиш имконияти бор.

Зоро, Ўзбекистоннинг айни пайтда ташқи қарз олиши масаласи муҳим. Чунки пандемия давридаги иқтисодий ҳаракатсизлик ҳолатида ялпи талаб ва ялпи таклифни таъминлаш орқали иқтисодий фаолликни минимал даражасида сақлаб туришга имкон беради. Таъкидлаш лозимки, ҳукумат томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ушбу олинадиган қарзларни самарали ишлатилишига кафолат бўла олади.

“ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ИНСОН” АЛОҚАДОРЛИГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Шовкатов Шокир Шовкат ўғли.

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги
Малака оширии маркази ўқитувчиси.*

XXI асрда инсоният фан-техник ютуқларини қўлга киритишда муваффақиятларга эришаётганлиги билан ўзига хослигини намоён этмоқда. Дунёнинг илгор мамлакатлари кундан-кун илмий-амалий кашфётларни жадаллаштироқда. Йирик ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган АҚШ, Япония, ХХР, Россия, Англия, Германия каби давлатлар энг илгор технологияларни ишга солиб, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширяпти.

БМТ, ЖСТ (Жаҳон савдо ташкилоти), НАТО, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби кенг имкониятларга эга нуфузли бошқарув тизимлари дунёнинг уёки бу минтақасида содир бўлаётган ўзгаришларда бевостиа ёки билвосита иштирок этишмоқда.

Жаҳон миқёсидаги муаммолар глобаллашув жараёнида бир томонлама ҳал этилиши даражасидан аллақачон юқорилаб кетди. Ҳеч ким, ҳеч бир давлат масалаларга бир томонлама ёндаша олмайди. Илгор, замонавий технологиялар асосида ишлаётган техник қурилмалар инсон онги маҳсули сифатида Ер шарини, космосни, атроф - оламни тўлиқ назорат остида ушлаш имкониятларига эришмоқда. Ўтган асрларда воқиа-ҳодисалар ўтмиш сифатида тарихдан жой олди. Янги фикир, янги онг келажак сари янгича кўринишда дадил қадам қўймоқда.

Жаҳон халқари дунёда тинч-тотув, барқарорлик, ҳамжиҳатлик, яқдиллик тамойиллари асосида демократик жамиятлар ташкил этиб яшашга интилади.

Умумбашарий анъаналарни сақлаб қолиш, уларни асраб-авайлаш, урфодатлар, жадал одимлаш, ижтимоий - иқтисодий комиллик сари ривожланишини давом эттириш ер юзида истиқомат қилаётган етти миллярдан зиёд кишиларнинг умумий истаги.

Ер куррасининг ўтмиши кўплаб бўхронлар, урушлар, қон тўкишларга гувоҳ бўлди. Ақл-заковат соҳиби бўлган инсон олдида бугунги глобаллашув даврида ҳаётни билан бирга, ота - боболаримиздан мерос қолган маънавий бойликларни эртанги келажак авлод учун сақлаб қолиш вазифаси кўндаланг турибди.

Ер шарининг, башарият тамаддунинг тақдирни инсоният ўз ўтмишидан қандай хулосалар чиқара олаётганига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Тузилаётган режалар, яратилаётган доктриналар Инсон ҳамда глобаллашув манфаатларига нақадар мос келиши жорий ислоҳотларнинг пировард натижала-

ри қандай якунланишини белгилаб беради.

Инсоният ўз тамаддунини асраб авайлаб қолиши учун нималарга нисбатан қандай муносабатда бўлмоғи керак? – деган масала ўта муҳим ва долзарбdir.

Албатта, глобаллашув бутун дунёда рўй берәётган, ортга қайтмайдиган жараён. Бошқа мамлакатлар қатори биз учун ҳам зарурий. Лекин у бирёзлама бўлмаслиги керак. Глобаллашув миллий ўзликни йўқотиш дегани эмас! Дунё тамаддуни турли халқларнинг ўзига хос анъаналари, маданияти, маънавий қадриятлари билан гўзал ва бой ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири яшаш ва равнақ топишга ҳақли. Лекин қайсиdir давлат ёки давлатлар, қайсиdir халқ ёки халқлар глобаллашувни ўз менталитетидан келиб чиқиб, ўзгаларга тиқишириши кишилиқ жамиятига тўғри келмайдиган ҳолат ҳисобланади. У ҳолда бу жараён бир томондан фойда қилса, иккинчи тарафдан жиҳдий зарап келтириши, асрий қадриятларга шикаст етказиши, халқ ўз илдизидан айрилган “омма”га, миллат ўз қиёфасини йўқотган “манқурт”га айланиб қолиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бундай хатарга йўл қўймасликнинг чораси битта: ўзгалар қадриятини камситмаган ҳолда ўз қадриятларимизни маҳкам туриб ҳимоя қилишимиз, лозим бўлса, жумла жаҳонга кўрсатишимиш керак.

Глобаллашув жараёнида кишилиқ жамияти эришган глобаллашув тарихи, ҳозирги куни, ютуқ ва камчиликлари, босиб ўтилган тарихий узоқ йўлдан олинган фалсафий хулосаларга эътибор қаратилади. Шу билан бирга эртанги кунимиз фаровонлиги йўлида назарий қарашларнинг аҳамиятли жиҳатларига назар солинади. “Одамлар оловга ўхшайди, деган эди донишмандлардан бири, иссигидан баҳра ол-у куйдиришидан эҳтиёт бўл”. Тараққиёт мевалари ҳам худди шундай, ундан қўрқиши эмас, фақат тўғри фойдалана билиш керак. Қандай мақсадда қўлласангиз, ўша тарафга етаклади.

Юртимизда бошланган барча эзгу ишлардан кўзланган асосий мақсад – давлатимиз салоҳиятини ошириш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, озод ва обод Ватан пойдеворини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказишига қаратилган. Ёшларимизнинг ўқиб-урганиб, замонавий илмларни эгаллаб, соғлом ва маънавий етук авлод бўлиб вояга етиши йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, зарур шароитлар яратилмоқда.

Ҳар йили миллатимиз ёшларининг келажак равнақини ўйлаб ҳамда ёшларимизнинг эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда замонавий мактаб ва коллежлар қурилмоқда, улар энг сўнгти русумдаги ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланмоқда. Шундай экан, давлатимиз фарзандларимиз истиқболи учун муттасил қайғураётган бир пайтда “глобаллашув” баҳонаси остида тарбияни издан чиқарувчи, маънавиятини кемирувчи ҳар қандай ёт таъсиrlардан ёшларимизни ҳимоя қилиш, дунёда кечеётган ахборот таҳдидига қарши ёшларимизда соғлом иммунитетни шакллантириш, огоҳликни бир дақиқа бўлсин қўлдан бой бермаслик – бугун сув ва ҳаводек энг муҳим заруратга айланган.

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

Глобаллашув тушунчасига аксарият ҳолларда инсоннинг жамият моддий, маънавий, хўжалик соҳаларидағи ўзгартирувчилик фаолияти ва унинг якунлар сифатида қаралади.

Хозирги кунда глобаллашув тўғрисида кўплаб фикирлар мавжуд. Абу Наср Форобий фикрича “ҳар бир инсон табиатига кўра олий даражадаги етукликка эришиш учун курашади. Бундай етукликка шаҳар жамоаси орқали эришилади”.

Америкалик профессор С. Хантингтон “глобаллашув” тушунчасини “ривожланган” маъносида қабул қилишни таклиф қилади.

Аслида глобаллашувнинг туб моҳиятига эътибор берсак у қандайдир утопик қарашлар самараси эмаслиги ҳам, ёки реакцион рұҳдаги жангари-фантастик ёндошишлар маҳсули эмаслиги ҳам аниқ кўринади.

Ер шари Фарб ва Шарқ глобаллашуви таъсири остида ўзининг бугунги қиёфасига келди. Ўрта асрларда фан-техника ютуқларидан ҳарбий мақсадда фойдаланган европалик ҳукумдорлар жаҳон мамлакатлари, ҳалқлари бошига оғир мусибатлар согани тарихда маълум. Биринчи, иккинчи жаҳон урушлари инсоният бошига қанча оғир кунлар соганини ҳамма билади. Глобаллашув жараёнида маданиятлар тўқнашуви натижасида урушлар пайдо бўлиши тўғрисида фикрларга борилганда ҳам бу фикр қанчалик глобаллашган жамият вакили фикри экан деган савол пайдо бўлиши табиий.

Шарқ глобаллашувида қадимги Хитой тамаддунига асос солган Конфуций таълимоти, Даосизм, неоконфуцийчилик кабилар, Ислом илоҳий дини таълимотидаги инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган муқаддас ояtlар ёки ҳадислардаги глобаллашув мужассамлиги ҳайратланарли.

Глобаллашувнинг тақдирини ўзаро урушлар, дунёга ҳукумрон бўлиш гояси, минтақаларда якка ҳоким бўлиб олиб ўз манфаатлари учун бошқа камкуч давлатларни, ҳалқларни талон-тарож қилиш усуллари эмас, балки инсоният тақдири ҳақида қайгуриб, ҳаёт неъматини келажак авлодларга тақдим этиш йўлидаги ҳамжиҳат интилишлар ҳал қиласи.

Глобаллашув даражаси шу ижтимоий қурилма ичида муайян шахс, инсоннинг камол топиши учун қандай имкониятларга эга эканлиги билан белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

XXI аср глобаллашувида инсон омили. Аллоҳ таоло ўз жалолати ва қудрати ила инсонга яратувчилик иқтидорини ато этди. Одам мулоқот қуроли сифатида тилдан, меҳнат қуроллари яратиш учун ақл ва қўлларидан, яратган қуролларидан яхшилик йўлида фойдаланиш учун онг ва тафаккурдан фойдаланди.

Инсон глобаллашув босқичларидан поғонама - поғона кўтарилар экан, фикрларини янгилик, яхшилик яратишга қаратади. Ихтиро этган нарсалари эзгулик мақсадига ишлатилишини истайди.

Инсон ўз фитратидаги яратувчанлик хислатини тарқ этмайди у ўз юрити-

ни, шаҳрини, қишлоғини, уйини ва ҳаказо маданийлаштириб, гўзаллаштириб яшашни истайди. Ватанпарварлик ҳисларини давом эттиради.

Ўзи яшаб турган мамлакат қонуналигига ҳурмат руҳида муносабатда бўлиш фуқароларга тинчлик, хотиржамлик, ижодий камолот беради. Инсон давлат органлари, ижтимоий жамиятга яхши муносабатда бўлиб, ўз фарзандларига ҳам фаровон турмуш қуриш шароитларини яратиш ва ўргатиш йўлида меҳнат қиласди.

Жамият аъзоларининг бир мақсад сари интилишлари шу жамиятда барқарорлик ва юксалишига замин яратади.

Глобаллашувлар тарихи ўрганилар экан, кўп ҳолларда инсоннинг маъдум глобаллашувга қўшган ҳиссаси ҳақида тўхталиниади. Қадимги Рим империяси, антик маданият, Византия, Месопотамия, қадимги Миср маданияти, қадимги Хитой тамаддуни, Европа уйғониш даври глобаллашуви ва ҳаказолар.

XXI аср фан-техника тараққиёти инсонга кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Инсон бугунга келиб нафақат глобаллашувларга ҳисса қўшувчи индивид, балки глобаллашувлардан ўз эҳтиёжларига кераклигини олиш ва уни ижодий та-комиллаштиришга томон қадам ташлади.

Ўз ислоҳотларида социализмга бозор-тадбиркорлик инструментлари-ни жорий этган Хитой (ХХР) тарихан унча катта бўлмаган даврда дунёдаги илгор мамлакатлар олдинги қаторига ўтиб олди, ўз фуқароларининг турмуш даражасини бир неча баробарга яхшилади. Бундай глобаллашувлар намуналарини Сингапурда, Малайзияда, Жанубий Кореяда кўришимиз мумкин. Республикамизда АҚШ, Япония, Европа давлатлари тажрибалари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан беш тамоил принциплари олга сурилганлиги инсон ва жамият муносабатларига янгича руҳ киритди.

Президентимизнинг мақсади халқнинг бой-бадавлат бўлиши учун тадбиркорлик, ишлаб чиқариш имконларидан унумли фойдаланиш кераклиги ҳақидаги фикрлари амалда тўғри эканини исботлаб турибди.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВИ МУАММОЛАРИ: АХБОРОТЛАР ТАЪСИРИ ВА ҲИМОЯЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Ражабов Орифжон Хонимқулович

Мирзо Улугбек номидаги
ЎзМУ мустақил тадқиқотчиси, психолог

“Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Ва шу баробарида эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни агдар-тўнтар қилиб, ўзимни ийқитиб ташлашини ҳам хоҳламайман”.

Махатма Ганди

Инсонларда ақлнинг жадал ўсиши, иқтидорнинг таркиб топиб бориши умр давомида тизимли ривожланиб борувчи психик жараён бўлиб, инсонга бир ва бир неча фаолият соҳаларида юқори натижаларга эришиш имконини беради. Иқтидорлиликнинг ушбу ифодаси у ҳақдаги аввалги тасаввурлардан чекиниб, иқтидорлиликни ижобий сифатлар тизимида қабул қилишни тақазо этади. Бу ўринда интеграция жараёни, яни бир бутун яхлитлик бошқа янги хусусиятлар билан ажralиб туриши назарда тутилмоқда.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш тажрибамизга таяниб айта оламизки, ёрқин иқтидорлилик ёки талант субъектнинг “ички” интеграция жараёни тезкорлиги, унинг қизиқишлар кўлами кенглигига бевосита боғлиқ. Бу эса ўз навбатида боланинг ахборот олиш эҳтиёжини янада оширади. Ушбу ахборотларни бола интеллектуал мулк сифатида тасавиф эта олиши, ўз қизиқиш доираси асосида салбий ахборот хуружидан ижобийларини ажратса олиши керак.

Бизга маълумки, иқтидорли ўқувчиларнинг ўз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда қизиқишлар доираси жуда кенг. Боланинг қизиқиши ва мақсадди эркинлигини чегаралаш, унга эътиборсизлик кўрсатиш иқтидорнинг сўнишига олиб келади. Аксинча, боланинг шахсий фаолияти кўламини кенгайтиришга имкон бериш ундаги иқтидорни янада фаоллаштиради, янги-янги нишоналар куртак бера бошлайди. Айни вақтда, уларга бериладиган ахборот тизими имкониятларини миллий манфаатларни ҳимоялаш ва ривожлантириш, шунингдек, глобал ахборот маконида давлатнинг манфаатларини амалга ошириш ва ўз билим савиясини ривожлантириш учун қулай шароит яратиш йўлида фойдала-

нишга ўргатиш жуда муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга уларни турли ахборот таҳдидаридан ҳимоялаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ахборот таҳдида шундай бир универсал характерга эгаки, унинг барча бошқа соҳаларга жиддий салбий таъсир қилиш имконияти бор: шахс дунёқарашига, жамият барқарорлигига, давлат тинчлигига, жамоатчилик фикрини чалғитишига ва охир оқибатда ҳар бир мамлакатнинг маънавий, сиёсий, иқтисодий, маданий юксалишига ҳам.

Ахборот таҳдида ахборотни қарши курашнинг самарали йўлларидан бири – мамлакат ўзини - ўзи ахборот билан таъминлаши зарур. Албатта, бундай ахборот тўлиқ, сифатли ва ҳаққоний бўлиши шарт, акс ҳолда ёшлар янада хорижий манбаларга мурожаат этадилар ва бунга ҳеч ким тўқсинглик қилолмайди. Мана шундай тўлиқ ахборотларни ва ёшлар учун муҳим манбааларни давлатимизнинг иқтидорли ёшлари яратадилар.

Шу ўринда айтиб ўтишимиз керакки, давлатимиз томонидан ҳам бу борада эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Яъни қонун доирасида вазифаларнинг бажарилиши ва ваколатларнинг белгиланиши, ушбу таъкидларнинг аниқ далили бўлиши мумкин: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 апрелдаги “Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-842-сонли, 1999 йил 3 сентябрда эса “Республика Маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ - 2385-сонли фармонлари, 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-451-сонли қарорининг қабул қилиниши, 2008 йилнинг эса “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши ва бу йўналишда Давлат дастурининг қабул қилиниши жуда аҳамиятлидир.

Тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, энг билимга бой, илмий нуқтаи назардан асосланган ахборотлар манбанини буюк иқтидор эгалари, қомусий олимларимиз биззагча етказиб беришган.

Шу нуқтаи назардан тарихимиз илм-фан, дин, санъат соҳасида юртимизда етишиб чиққан алломалар бутун дунёга донг тараттанидан гувоҳлик беради. Абу Наср Форобий жаҳон фалсафаси ривожига сезиларди ҳисса қўшган бўлса, Абу Райён Беруний, Абу Али ибн Сино, Замаҳшарий, Хоразмий, Мирзо Улугбек сингари алломаларимиз жаҳон фанини янги погоналарга кўтаришди. Исмоил Бухорий, Ат Термизий, Мотуридий, Абдуҳолиқ Фиждувоний, Баҳовуддин Нақшбандий, Нажмиiddин Кубро, Аҳмад Яссавийлар эса ҳадис, қалом, фикр илмлари ва тасаввуфда порлоқ юлдузлар ҳисобланишади. Амир Темур ва Мирзо Бобурнинг ҳарбий санъати нақадар юксаклигини бутун жаҳон эътироф этган. Бундан кўринадики, буюк аждодларимиз ҳам ўз замонасида жуда катта иқтидор соҳиблари бўлишган.

Ахборот турли ижтимоий қатламлар, профессионал ва миллий гурухлар ва-

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

килларига ҳар хил таъсир қилиш баробарида уни сустеъмол қилиш амалиёти турли гурухларда бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Бу энг аввало, ахборот манбаи минимал (телевидение, радио), айримларда эса кенг (интернет, янги телекоммуникациялар тизими) бўлиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан мутахассислар фикрига кўра, бугунги кунда жамиятда айнан ахборотни олиш, унга йўл топиш соҳасида кескин бўлиниш, табақалашув содир бўлмоқда. Бу борада иқтидорли ёшлар ўзининг ҳаракатчанлиги ва янгиликка интилувчанлиги ҳамда ўз вақт ресурсига эгалиги туфайли юқори даражада коммуникатив фаоллик кўрсатишади. Бошқа гурухларда эса, нисбатан пассивлик қузатилади. Коммуникатив фаолликнинг юқори даражаси иқтидорли ёшларда маълумот ва ахборотларга бўлган эҳтиёжни икки карра оширади. Уларга хос бундай хусусиятлар салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Шунинг учун, ёшлар олдида ахборот танлаш имконияти шу қадар юқори-ки, унинг талабини қондира олмайдиган маълумотлар бир зумда қимматини йўқотиши аниқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги даврда ахборот истеъмоли аввалгилардан тубдан фарқ қилади.

Шубҳасиз, зарур ахборотларга эга бўлиш давр талаби. Бироқ, бугунги кунда, шахс, ижтимоий гурух, миллат, жамият ва давлатнинг ўзи ҳақида ахборотларни тарқатиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Инсон учун ахборот – энг таъсирчан воситадир, чунки унинг онги бор. Мантиқий исбот, қолаверса, ахборот етказишнинг энг оддий усуллари шу қадар катта кучга эгаки, унга ҳеч ким ҳеч нарсани қарши қўя олмайди. Инсоннинг табиати шундай яратилганки, у ахборотни қабул қиласдан, уни тушунишга ҳаракат қиласдан яшолмайди. Айниқса иқтидорли ўқувчилар бунга кўпроқ эҳтиёж сезадилар. Шу нуқтаи назардан улар маълумотни кўради, эшилади, ўқийди ва энг муҳими, доимо, узлуксиз равишда, кечаю-кундуз унга етиб борадиган ахборотнинг таъсирида яшайди. Шунинг учун ахборот ёрдамида кимгадир руҳий таъсир қилмоқчи бўлганларга ўша одамнинг психологияси кўмаклашади.

Шу нуқтаи назардан уларни зарурларини олиш, сақлаш ва узатиш тизимини тўғри йўлга қўйиш керак. Чунки ахборот хуружи психологик томондан иқтидорли ёшларнинг дунёқараси, фикри, мотивлари, хулқ-автори стереотиплари, қадриятларини йўналтиришнинг усуллари, воситалари ва шакллари мажмусасидир.

ЁШЛАРНИНГ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Баходиров Баҳром Баҳодир ўғли

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат бошикваруви Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиши ва
истиқболли кадрларни тайёрлаши институти масъул ҳодими

Закирова Зухра Шакирджановна

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат бошикваруви Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиши ва
истиқболли кадрларни тайёрлаши институти юрисконсультти

Калит сўзлар: сиёсий маданият, ҳуқуқий маданият, илм-фан, ўқитиш методикаси.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг стратегик мақсади этиб бел-
гиланган ҳар томонлама ривожланган, эркин ва фаровон, қонун устувор бўлган,
замонавий демократик давлатлар қаторига қўшилиш учун мамлакатимизда бар-
ча соҳаларда ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда миллый ҳуқуқ тизимида сўнгги йилларда кўлами ва моҳияти
нұқтаи-назаридан ислоҳотларнинг янги даври бошланди. Инсон ҳуқуқ ва эр-
кинликларини, унинг қонуний манфаатларини амалда таъминлашга нисбатан
муносабатни тубдан ўзгартириш тизим ислоҳотларнинг бош гоясига айланди.
Давлат ва жамиятнинг ривожланганлигини белгиловчи бир қатор омиллар мав-
жуд, жумладан;

биринчидан, ривожланган жамият аъзоларининг, давлат фуқароларининг
ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксак бўлиши керак;

иккинчидан, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик даражаси
баланд бўлиши лозим;

учинчидан, уларнинг ўша жамиятдаги ислоҳотларга нисбатан дахлдор-
лик туйғуси мавжудлиги талаб этилади. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият,
ҳуқуқий саводхонлик ҳақида гап кетганда, кўпчилигимизда фақат қонуналарни
билиш ёки улардан боҳабарлик даражаси тушунилади. Лекин бу жуда кенг
тушунча бўлиб, юқорида санаб ўтганимиз давлат ва жамиятнинг ривож-
ланганлигини белгилайдиган учта муҳим омилни ҳам ўз ичига олади. Иж-
тимоий-сиёсий фаол фуқаро жамиятда рўй берәётган воқеа-ҳодисаларга
онгли муносабатда бўлиб, ислоҳотларга дахлдорлигини сезиб, давлат ва жа-
мият олдидаги фуқаролик масъулиятини ҳис қилиб яшайди. Энг муҳими, у
мамлакат тараққиётига амалий ҳисса қўшишга ҳаракат қиласади. Ўзбекистон

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармони²кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий саводхонлик даражаси юксалишида амалий аҳамият касб этади. Ушбу Фармонда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи қуйидаги муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинаётганлиги санаб ўтилди;

- ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимили ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган;

- ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одобахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини ўйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади;

- аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатади;

- ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб бориласлиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиiddий салбий таъсирини кўрсатмоқда. Ушбу муаммо ва камчиликларни таҳдил қиласлил. Энг охирида келтириб ўтганимиз “шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш”дан бошласак. Давлатимиз раҳбари ўзларининг кўплаб маъруза ва чиқишлиарида давлат ва жамиятни тараққий эттириш умумжамиятнинг ишига айланиши кераклигини, бунинг учун ҳар бир фуқаро ўзининг бу борада қатъий фуқаролик позициясини намоён этиши, фуқаронинг шахсий манфаати ҳеч қачон жамият манфаатидан устун бўлмаслиги лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Сиёсий жараёнларнинг муҳим мезонларидан бири бу сайловдир. Шуни инобатга олиб, эркин,adolatli сайлов ўтказиш демократик қадриятларни қарор топтиришнинг энг муҳим омилларидан бирига айланган. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли қарори 09.01.2019.

сайлов жараёнларида барчамизнинг, аввало, дунёқарашимиз, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятимиз, фуқаролик позициямиз яна бир бор намоён бўлади. Замонавий демократик ҳуқуқий давлатнинг сиёсий ҳаётида сайловнинг аҳамияти бекиёс. Сайлов ҳуқуқи ҳар бир фуқаронинг мамлакат ҳаётида, унинг бошқарувида фаол иштирок этишига қаратилган бўлиб, инсон ҳамда жамият ва давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун шароит яратиб беради. Жадал ривожланаштган, очиқ ва демократик давлатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан ортиқ асосий ҳужжатга қўшилган, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтига асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланган. Давлатимиз раҳбари 2017 йил 22 декабря Олий Мажлисга йўллаган илк Мурожаатномасида сайлов қонунчилигига ҳақида алоҳида тўхталиб, халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди³.

Кенг муҳокама ва экспертизалардан сўнг 2019 йил 25 июня 18 боб ва 103 моддадан иборат Сайлов кодекси қабул қилинди⁴ ва амалга киритилди. Шу муносабат билан ушбу соҳага оид 30 га яқин қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотиб, уларда акс этган барча нормалар янги қабул қилинган Кодексда унификация қилинди. Сайлов кодексининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда сайлов жараёнларининг янада демократик тарзда ва ошкоралик руҳида ўтишини таъминлайдиган янги, илфор амалиётни жорий этишни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлади.

Институт томонидан жорий йилнинг 28-30 октябрь кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани “Ёшлар оромгоҳи”да “Yosh_saylovchi.uz” мавзусида ўтказилган ўқув-семинар якунлари бўйича тадқиқот ўтказилди.

Тадқиқот давомида иштирокчиларнинг (143 нафар) фикри ҳамда мамлакатимиздаги сайлов тизимининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисида ва жойларда сайлов жараёнларини тарғиб қилишда уларнинг билим ва кўникмалари даражаси тадқиқ этилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, тадбирни ташкил этиш ва уни ўтказишда амалга оширилган ишлар самарадорлиги респондентларнинг аксарият қисми (88%) томонидан ижобий баҳоланди.

Хусусан, тадқиқот иштирокчиларининг **73%** сайлов жараёнига оид билим ва кўникмаларини янада ривожлантирганини билдирган бўлса,

23% сайлов жараёни тўғрисида умумий тушунчага эга бўлгани ва атиги

4% аҳамиятли бирон бир янгиликка эга бўлмагани ҳақида фикр билдирган.

Маълумот учун: 22 декабрядаги сайловларда иштирок этиши ҳуқуқига эга бўлганлар сони: 20,5 млн. нафар.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси 22.12.2017.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Сайлов Кодекси» 25.06.2019.

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

Бундан ташқари, ўрганиш давомида иштирокчиларнинг ўқув-семинар дастурида кўзда тутилган сайлов қонунчилиги ва уни ташкилий масалалари нинг ўзига хос жиҳатлари бўйича маъruzalар ва амалий машғулотлар даражаси аниқданди.

Жумладан, респондентларнинг 1/2 қисми ташкил этилган назарий ва амалий машғулотлар давомида тегишли сиёсий-хуқуқий билимларга эга бўлган, аммо ўртacha 35% қисман ўзлаштирган бўлса, 8,5% бу борада қийинчилкларга дуч келган ва 4,5% умуман ўзлаштирумаган.

Аниқланишича, юқоридаги ҳолатларнинг асосий сабаблари қўйидагилардан иборат:

- *Интерактив шаклдаги ўқув машғулотлар (45%);*
- *Маъruzalар даражаси (25%);*
- *Машиий шароитлар (18%);*
- *Тарқатма материаллар (12%).*

Таъкидлаш жоизки, мазкур кўрсаткичлар тадбир маъruzачиларининг ўз мавзулари юзасидан тайёрлаган слайдларидан деярли фойдаланмагани ва айримларининг маъзуза мавзусидан четга чиқиши ҳолатлари билан боғлиқ.

Шунингдек, тадқиқот доирасида тузилган сўровномада тадбир иштирокчиларининг хуқуқий саводхолгини ўрганиш бўйича қатор саволлар мавжуд бўлиб, таҳдиллар натижалари қўйидагиларни кўрсатмоқда:

- умумий иштирокчиларнинг 10% (14 нафари) сайловларда кузатувчиларнинг роли бўйича;
- 25% (35 нафари) сайловолди таргивоти тўгрисида;
- 45% (65 нафари) сайловларни ўтказувчи сайлов комиссиялари тизими ҳақида етарлича билим ва кўникмаларга эга эмаслиги аниқланди.


Ушбу кўрсаткичлар ҳудудларда ташкил этиладиган тарғибот гурухларини шакллантириш мезонларини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигини ва уларнинг хуқуқий билимларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш лозимигини кўрсатмоқда.

Маълумотлар таҳлилига кўра, тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг 53% депутатликка номзод қўйиш тартиби тўгрисида, 30% сайловолди ташвиқоти бўйича кўпроқ маълумотларга эга бўлиш заруратининг мавжудлигини эътироф этиши, ёшларнинг сиёсий жараёнларда сайловчи сифатида эмас, балки бевосита сайлов хуқуқи асосида сайланиш хуқуқидан фойдаланиш ташаббусининг юқорилигидан далолат бермоқда⁵.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқаруви Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан тайёрланган таҳлилий ҳужжат. 30.10.2019.

1-диаграмма

**Мазкур семинар-тренингдан қай даражада қониқиш
хосил қилдингиз?**




Респондентлар томонидан Ёшларнинг сиёсий-хуқуқий билимларини ри-вожлантириш ва сайловларда фаоллигини ошириш бўйича қўйидаги таклифлар билдирилди:

- сайлов тизимининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишида замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар имкониятларидан фойдаланган ҳолда муайян сайлов босқичи ёки жараёни тўғрисида анимациян лавҳалар, видео-роликлар ишлаб чиқиб, аҳоли орасида кенг ёритиши;
- сайловга оид тадбирларда самарадорликни янада ошириш мақсадида иштирокчиларнинг бевосита қатнашиши орқали сайлов жараёнларини (масалан: сайлов кунидаги вазиятни) моделлаштириш;

2-диаграмма

Респондентларнинг назарий ва амалий машғулотлар бўйича фикри



- сайловга оид тадбирларда “case-study” методларидан кенг фойдаланиш;
- Жойларда сайлов жараёнларига жалб қилинган ёшлар, соҳа мутахассислари ва эксперталари таркибида ижтимоий тармоқларда гуруҳ ташкил этиш ҳамда муаммоли вазият, саволлар бўйича онлайн тавсиялар олиш имкониятини яратиш;
- Жойлардаги фаол ёшлар орасида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи БТ етакчилари ва сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари ҳамкорлигида сайлов қонунчилиги ва унинг амалий жараёнлари юзасидан дебатлар ва акциялар ўтказиши.

ГЛОБАЛИЗАЦИЯ КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ КАДРОВ ПО ПРОФЕССИИ «РАБОТА С МОЛОДЕЖЬЮ» В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Лухманова Зарина Талибовна

*Институт изучения проблем молодежи и подготовки
перспективных кадров при Академии государственного управления
при Президенте Республике Узбекистан (г. Ташкент)*

Глобализация оказывает значительное влияние на развитие общества, как позитивное, так и негативное. Поскольку она способствует укреплению и развитию связей между государствами, обществами и молодежью, оказывает положительное влияние на трансформацию единого политического, экономического и социокультурного пространства. Вместе с этим, данный процесс влияет на ценностные установки и социокультурную среду, а также на социализацию, особенно молодежи. Именно процесс глобализации нарастает в обществе политическую либерализацию, толерантность и плюрализм мнений, а также уничтожает национальную самобытность и своеобразие, унифицирует национальные и этнические особенности и отрицает традиции. Отсюда следует, что глобализация – это процесс, когда на первый план выходят общепринятые ценности, а культурные уходят на второй план. В целом процесс глобализации не решил проблемы молодежи, на сегодняшний день в обществе все еще сохраняются социально-экономические проблемы молодых, в частности это вопросы образования, трудоустройства, семьи, жилья, социальной адаптации и социализации, организация досуга, положение девочек и молодых женщин, прав, интересов и свобод молодых.

В этой связи, с 2016 года молодежная политика Узбекистана стала приоритетным направлением реализуемых реформ в государстве, и нашла свое отражение

ние в принятом Законе «О государственной молодежной политике», а также в четвертом направлении Стратегии действия «По пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах»⁶.

В реализации, которой уже приняты соответствующие нормативно-правовые документы: Указ Президента «О мерах по повышению эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности Союза молодежи Узбекистана»⁷; Постановление Президента «О мерах по организации деятельности Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан»⁸ и другие. Данные нормативно-правовые документы стали основным базисом в выстраивании структуры системы государственной молодежной политики. Именно они определяют объект и предмет молодежной политики Республики Узбекистан, и акторов реализующих молодежную политику⁹. Однако предпринятые меры не показали эффективности в деятельности акторов реализующих молодежную политику.

В этой связи 27 декабря 2019 года состоялась встреча Президента страны с молодежью, где была выдвинута инициатива организации Агентства по делам молодежи, - это еще раз свидетельствует о повышении спроса на специалистов в сфере работы с молодежью¹⁰.

На протяжении двух лет деятельность по подготовке управленцев в молодежной сфере в Узбекистане согласно Постановлению Президента занимается Институт изучения проблем молодежи. За период с 2017 по 2020 года в Инсти-

⁶ Стратегии действия «По пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах» <https://standart.uz/ru/news/view?id=1140>

⁷ Указ Президента Республики Узбекистан от 05.07.2017 г. N УП-5106 «О мерах по повышению эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности Союза Молодежи Узбекистана https://nrtm.uz/contentf?doc=506558_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

⁸ Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по организации деятельности Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан» N ПП-3206/14.08.2017

⁹ В частности, на местах определена «малая четверка» региона: заместитель председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан; хокимов областей, города Ташкента, районов и городов по молодежной политике, социальному развитию и духовно-просветительской работе; заместитель начальника Главного управления внутренних дел города Ташкента по вопросам молодежи; заместители начальников управлений координации деятельности органов внутренних дел районов (городов) по вопросам молодежи; заместители начальников управлений (отделов) внутренних дел районов (городов) по вопросам молодежи - начальники отделов (отделений) по профилактике правонарушений;

¹⁰ Речь Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёев 27 декабря 2019 года на встрече с представителями подрастающего поколения в школе имени Мухаммада аль-Хорезми // <http://aza.uz/ru/politics/shavkat-mirziyev-2020-god-stanet-povorotnym-v-gosudarstvenn-27-12-2019>

туте прошли обучения 273 молодых специалистов, 35% из которых добились позитивных изменений в карьере. Но это не является основным показателем в успехе подготовке специалистов в работе с молодежью. В этой связи, все еще остается актуальным развитие как таковых специалистов, которые обладали бы определенными компетенциями по целевой работе с молодыми людьми, будь то сотрудник Агентства по делам молодежи, заместитель хокима, или лидер первичной организации.

Если анализировать зарубежный опыт, то профессия как «молодой работник» (youth worker) начала развиваться в 70-е годы XXго столетия в Западных странах и в США. В 90 годы данное направление достигло своего апогея, стали открываться кафедры, где могли получать степень магистра и PhD. В последующем, в вузах открылись программы бакалавра под одноименным названием «молодой работник» (youth worker), так и «забота о детях и молодых» (child and youth care), «дети и молодые», «работа по заботе о детях и молодых», «изучение детей и молодых» (child and youth studies) и т.п. программы. Данные программы были направлены на профессиональную подготовку специалистов по работе с молодежью.

На сегодняшний день направление как «молодой работник» развивается не только в Европейских странах, - обхват ее обширен. К примеру, профессия «молодой работник» с большим темпом развивается в странах Содружества (Commonwealth) Великобритании (Содружество состоит из 35 стран, 34 страны являются бывшими колониями Королевство Великобритания и плюс Великобритания).

Анализ работы с молодежью не имеет единой согласованной международной дефиниции, каждое государство, союз (ЕС, Содружества (Commonwealth)), имеют свое представление о работе с молодежью. Поскольку оно зависит от исторического контекста государства, государственной молодежной политики, экономического развития, культуры и социального положения самой молодежи в стране. Но в тоже время, за последние годы экономические и политические изменения сделали профессию «молодой работник» наиболее схожей во многих странах мира.

Опираясь на проведенное в 2010 году исследование компетентностей и потребностей специалистов по работе с молодежью¹¹, исследование качества результатов обучения, направленного на людей, работающих по специальности «Работа с молодежью»¹², и профессиональный стандарт специалиста по работе с молодежью¹³, можно привести перечень самых необходимых компетентнос-

¹¹ Murakas, R. (ред.) (2010). Uuring “Eesti noorsootöötaja, tema pädevused ja koolitusvajadused”. Tartu Ülikooli Sotsioloogia ja Sotsiaalpoliitika Instituut.

¹² Исследование качества результатов обучения, предлагаемого людям, действующим по специальности «работа с молодежью» в рамках программы ESF «Развитие качества работы с молодежью». Заключительный рапорт. (2011). ОÜ Eesti Uuringukeskus.

¹³ Профессиональные стандарты специалиста по работе с молодежью, уровни 4, 6 и 7 (2012). <http://www.kutsekoda.ee/> et/kutseresister/kutsestandardid/otsing

тей для работы с молодежью:

Специфические знания и навыки в области работы с молодежью: молодежная культура, работа молодежью с особыми потребностями, консультирование в области карьеры, сущность, организация и формирование молодежной политики, педагогические знания и навыки (общая педагогика, социальная педагогика, специальная педагогика, педагогическая психология), психология (психология развития, психология общения, социальная психология, психология личности) и т. п;

Прочие знания и навыки: стратегическое планирование, сбор, анализ и обобщение информации, составление, руководство, реализация проектов и отчетность по проектам, знания и навыки в области музыки, искусства, рукоделия и спорта, неформальная учеба, сущность волонтерство и его результаты в практической работе с молодежью и т. п.

Социальные навыки специалиста по работе с молодежью, например выслушивание, аргументирование, сотрудничество и командная работа, участие в сетевой работе, инициирование и управление, мотивация и т.д.

Личностные качества, например честность и открытость, способность к эмпатии, творческое мышление, способность принимать решения и нести ответственность, добросовестность, устойчивость к стрессу, способность к адаптации и т. д.

Этические ценности, например толерантность и терпимость, права человека, содействие диалогу между поколениями и гендерному равенству и т. п¹⁴.

Данный список следует также рассматривать как условное деление, используя его скорее как инспирирующий материал для оценки собственного представления о необходимых для работы с молодежью компетентностях и их роли с учетом целей и сути работы с молодежью. Кроме того, центральное место в трактовке компетентностей занимают определенные сквозные компетентности, такие как владение, иностранными языками, владение компьютером как инструментом работы, наличие личностных качеств, способствующих созданию доверительной среды общения, и как основной акцент - соблюдение профессиональной этики, ценностей и принципов, являющихся основой работы с молодежью указанных в нормативно-правовых документах.

В основном, целью данной профессии является создание условий для развития деятельности молодежи на основе их свободной воли вне семьи, учебы и работы, то есть организация условий для развития молодежи внеинституциональное время и институциональное. Поскольку в некоторых случаях требуется вмешательство в вопросы касательно семьи (в рамках законодательства). То есть работа с молоде-

¹⁴ Профессиональные стандарты специалиста по работе с молодежью, уровни 8 и 9 (2012). <http://www.kutsekoda.ee/et/kutseregister/kutsestandardid/otsing>

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

жю подразумевает не только работу с социально активной частью молодежи, но и оказание помощи обездоленным и подверженным риску молодым людям.

В частности, эта деятельность может быть реализована посредством разработки и внедрении специализированных программ и услуг, предоставления кризисного консультирования или просто предложения поддержки семьи.

Профессия, как «работа с молодежью», дает возможность работать специалистам:

– в кризисных центрах, молодежных агентствах по вопросам жилья, образования, поддержки семьи, медицинское обслуживание;

– в государственных, региональных, частных или некоммерческих учреждениях, в частности в общеобразовательных школах, молодежных центрах, объединениях, молодёжные лагерях, в культурных и спортивных учреждения и т.д.

Собственно данное является проблемой сегодняшнего Узбекистана, в молодежной среде отсутствуют квалифицированные специалисты по целевой работе с молодежью, что влияет на снижение эффективности реализации молодежной политики.

В этой связи, исходя из темпов глобализации, и для реализации более эффективной молодежной политики, актуальным является на базе Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров:

- организовать учебные курсы по работе с молодежью для актор реализующих молодежную политику в стране;

- кафедрам «Стратегического управления» и «Психологии управления и лидерства» разработать курсы, направленные на развитие вышеуказанных компетенций для подготовки специалистов по профессии «работа с молодежью» у учащихся четырех месячных курсов Института;

- рассмотреть на базе Института открытие магистерской программы «работа с молодежью».

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ - ЁШЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Хўжақулов Сиёвуш Баҳтиёрович,

Олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети докторантурасидан

докторант, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишилар вазирлиги Академияси, Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020

йил 24 январда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариш қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга ошириладиган қўшимча вазифалардан бирни сифатида белгилаб олинди.

Маълумки, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш - бу нафақат жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишини тақозо этувчи ижтимоий салбий омилларни барвақт аниқлаб, уларни бартараф этиш, балки имкон қадар мазкур ижтимоий салбий омилларнинг жамиятда бўлмаслигини таъминлашга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқиш ва амалга оширишга йўналтирилган фаолиятдир.

Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бирламчи босқичи бўлиб, у ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини тақозо этувчи омилларнинг жамиятда бўлишини олдини олиш ва бартараф этишни таъминлайди.

«Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш» тушунчаси тиббиёт соҳасида кенг қўлланилиб, кейинчалик ҳуқуқбузарликлар профилактикасига ҳам тадбиқ этила бошлаган. Тиббиётда «барвақт олдини олиш» деганда, асосан касалликни бошлангич босқичида аниқлаш ва ривожланишининг олдини олиш, шунингдек муайян касаллик турларини болалик ва ўсмирлик давридаёқ аниқлаб, унга қарши курашиш тушунилади. Бу борада тиббиётда муайян касалликларнинг барвақт олдини олишнинг назарий асослари яратилиб, амалиёт етарли даражада таъминланиб келинмоқда.

Аммо ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишнинг назарий қоидалари ишлаб чиқилган ва амалиётта татбиқ этиланган, деб айтиш қийин. Чунки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиётида, кенг жамоатчилик орасида, оммавий ахборот воситаларида ва ҳаттоқи, айрим норматив ҳужжатларда ҳам «ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш» тушунчаси шунчаки долзарб масала сифатида тилга олинади. Ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишнинг мақсади, вазифалари ва амалга ошириш механизми хусусида аниқ ёндашувлар кузатилмайди.

«Барвақт» тушунчасининг моҳиятидан келиб чиқилса, «ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш» муайян оқибатга нисбатан турлича қўлланиши мумкинлиги намоён бўлади. Шу боисдан, агарда оқибат сифатида «шахсда шаклланган гайри ижтимоий хулқ-атвор» қаралса, унда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш инсоннинг болалиқда оиласи, таълим муассасасида олган тарбиясида намоён бўлади.

Демак, «ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш» вояга етмаган ва ёшларнинг ижтимоийлашувини таъминлашга, уларнинг онгига умуминсоний, миллий, диний, маҳаллий, оиласи, касбий каби ижтимоий маъқулланган қадрияtlарни сингдиришга ва аксинча терроризм, диний экстремизм,

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

зўравонлик, шафқатсизлик, шаҳвонийлик каби салбий таъсирларнинг олдини олишга йўналтирилган профилактик чора-тадбирларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Шунинг учун ҳам, С.М. Селеминова, ҳар бир профилактика инспектори одамларни тинглаши, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва содир этилган жиноятларни очишда фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиши, шунингдек ёш авлод зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда фаол бўлишлари учун ёшларни ватанпарварлиқ, Ватанини севиш руҳида тарбиялаши шарт, деб ҳисоблайди.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил

18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5938-сон фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4602-сон қарорининг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги фаолият самарадорлигини оширишга улкан ҳисса қўшади.

Шунингдек, бу борада яна қуидаги ишларнинг амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчиси, жамиятда қадриятларни (умуминсоний, диний, миллий, касбий, маҳаллий, оиласи каби) шакллантириш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш;

Иккинчидан, ҳар бир маҳалла марказларида бадиий кечалар (маҳалла аҳли, айниқса, ёшлар иштироқида спектакль, концерт дастурлари)ни ўтказишга мўлжалланган маданият уйлари қурилишини йўлга қўйиш (Бунда, бу каби маданият уйларининг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиш, улардан оқилон фойдаланишнинг ижтимоий-ҳуқуқий механизмини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш);

Учинчидан, ҳар бир маҳаллада радио ва Интернетдаги телеграмм каналларни ва ундан оқилона фойдаланиш тизимини яратиш (Мазкур амалиёт аҳолининг бирдамлигини таъминлаш, маҳалла ҳаётига оид энг сўнгти маълумотлардан тезкор хабардор бўлиш каби имкониятларни беради);

Тўртинчидан, вояга етмаган ва ёшларнинг бирдамлигини таъминлаш, уларда миллий гурур ва ифтихорни шакллантириш мақсадида ўғил болалар ва қизларнинг якка, шунингдек уларнинг гуруҳ бўлиб ҳаракатланишини назарда тутувчи замонавий миллий рақс элементларини яратиш (Бу каби тажрибалар қўшини Туркменистон, шунингдек Чеченистон, Грузия, Озарбайжон, Украина ва Россия каби давлатларда мавжудлиги барчага маълум. Бугунги кунда йигитларнинг «Андижон полкаси», «оши солинган лаган ўйини» кабилар ўзининг ижтимоий аҳамиятини борган сари йўқотиб бормоқда. Уни замонавий элементлар билан

*Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари
бойитии, янги-янги рақс турлари ва кўринишиларини яратии зарур).*

Ўйлаймизки, мақолада илгари сурилган илмий хулоса ва амалий тавсиялар биринчидан, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш - ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигининг муҳим кафолати эканлигини англашга; иккинчидан, ёшлар ўртасида амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқишга ва учинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш самарадорлигини ошириш йўналишларини белгилаб олишга ўз ҳиссасини қўшади.

ЁШЛАР ВА КАРАНТИН: ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР, АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР

Норкулова Наргиза Ташпулатовна

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқарув академияси қошиидаги ЁМЎИКТ институти
“Бошқарув психологияси ва лидерлик” кафедраси доценти*

Калит сўзлар: карантин, ўз-ўзини изоляциялаш, психологик ёрдам, эмоционал ҳарорат, хавотирланиш, қўрқув, нерв толиқиши, руҳий баланс, реактив ва проактив фикрлаш.

Хозирги глобаллашув жараёнида карантин, ўз-ўзини изоляциялаш ёки шунга ўхшаш экстремал (форс-мажор) вазиятларда одамларнинг бир неча ойлаб уйда ўтиришга мажбур бўлиши давр тақозосига айланмоқда. Айниқса бу вақт 2-3 ойларга чўзилиб кетганда, биз ва яқинларимиз орасидаги зўриқиши, салбий эмоцияларни ҳис этиш ҳисси ошиб бораверади. Бундай вазиятда бизда энг кўп намоён бўлувчи ҳис, у ҳам бўлса – хавотирланиш ҳисси олдинга чиқади. Ёш болалар турли ўзгаришлар ва оиласидаги таранг муносабатларга айниқса сезир бўлишади, шунинг учун ота-оналар ўз болаларидағи фаоллик ва агрессия даражасини нормадан кўра анча ошиб кетганлигига ҳайрон бўлмасликлари керак. Яъни, бу бизни табиий кечинмамиз ҳисобланиб, биз энди нима бўлади, ишим нима бўлади, болларимни ўқишичи? Уларни онлайн таълими, имтиҳонлари, бизнесим нима бўлади деган хавотирлар бизни кучли безовта қилиши табиий. Айтиш жоизки, бу бизни нормадаги реакцияларимиз ҳисобланиб: амин бўлингки, сиз ёлғиз эмассиз, яъни бу нафақат сизни, балки ҳозирги кунда бутун дунё одамларини безовта қилувчи муаммолардир.

Бундай вазиятларда хориж психолоғ мутахассислари баркамол инсонларга биринчи ўринда ўз эмоционал ҳароратларини ўлчашни маслаҳат беришади. Чун-

ки биз буни кейинроқ ўз маслаҳатларимизда ҳам айтиб ўтамиз, боладаги агрессия ва безовталаниш ҳолатлари биринчи ўринда ота-онанинг стресс, безовталаниши ва агрессив хулқининг асорати оқибатида намоён бўлар экан. Агар ота-она саросимага тушса, бу бола хулқ-авторида ҳам намоён бўлиши мұқаррардир. Мана шу пайтларда ўз эмоцияларини бошқара билиш мұхим ҳисобланади. Бошқаришга ўрганишдан мақсад эса уларни йигилиб, нерв толиқишига(нервное истощение) олиб келмаслигининг олдини олишдир. Уларни бошқариш учун эса энг аввало, уларни англаш мұхим, чунки психологлар аниқлашича, агар биз ўз эмоцияларимизни англасак, биз уларни ўзимизга нисбатан таъсир кучини пасайтирас эканмиз. Бунинг ички ишлаш механизми - хавотирланиш қўрқув ҳолатидан шуниси билан фарқ қиласди, инсон қўрқувни ҳис этганида, у аниқ бир нарсадан қўрқади (метродда юришдан, боласини касалланишидан, авариядан ва ҳоказо), хавотирланиш ҳиссида эса инсон нимадан қўрқаётганини ўзи билмайди. Шунинг учун, қандайдир маънода хавотирланиш ҳолати, қўрқув ҳолатидан оғирроқ, чуқурроқ ҳолат ҳисобланади. Хавотирланиш ҳолатининг сабаблари:кўпинча ахборотнинг етишмаслиги ва шунинг оқибатида исталган фавқулодда вазиятга хос бўлган ноаниқдик ҳолати ҳисобланади. Бундай ҳолатда биз нима қилишимиз керак:хавотирланиш ҳолати - бу шундай ҳолатлардан бирики, у узоқ вақт давом этиб, инсон бутун кучи ва энергиясини секин-асталик билан сугуриб олиши, инсонни дам олиш ҳамда ҳаракат қилиш қобилияtlарини фалаж қилишга ҳам қодир, шунинг учун биз бу ҳолатни юмшатишга ҳаракат қилишимиз керак.

1. Ўзингиз истаган, кўнглингиз чопган ишингизни бажаринг, қилаётган ишингиздан завқ олинг. Бунинг учун биз энг аввало кўраётган, эшитаётган, ҳис этаётган нарсаларимизга диққатимизни тўплашимиз, ўзимизни кузатишимишга эътиборни кўпроқ қаратишимиш керак бўлади. Мисол учун, шунчак вақтдан бери ҳаётингизда вақт ажратса олмаётган севимли машғулотларимиз билан шуғулланиш (кимдир пианино чалишни ўрганади, кимдир янги рецептларни тайёрлаб кўради, кимдир уйини ремонт қиласди ва ҳоказо). Ўзингизни қўйиб юбориб, оқим бўйича сузинг, чунки тадқиқотларда шундай нарса аниқланганки, агар биз ўзимизга ёқимли машғулот билан шуғуллансанак, бу биринчидан хавотирланиш ҳиссини йўқолишига, иккинчидан бизни иммунитетимизни оширишга хизмат қиласди.

2. Вазиятга позитив ёндашинг. Иккинчи маслаҳатимиз, мавжуд вазиятдан ижобий томонларни кўпроқ қидиринг, уларга ижобий тус беришга ҳаракат қилинг. Мисол учун, уйда ўтирганингизда қанча ҳаражатлардан холи бўлишингиз (машинага бензин сарфламайсиз, тушлик пули ёнингизда қолади, болаларингизга яқинроқ бўласиз, мазза қилиб ухлаб оласиз, ва ҳоказо). Бизни ижобий ёндашувимиз, бу биз доим суюнишимиз мумкин бўлган база, ресурсимиздир ва айнан у бизнинг вазиятимизда бизга жуда керакдир.

3. Реактив фикрловчи инсондан проактив фикрловчи инсонга айланинг. Бу

вазиятга сиз бошингиздан ўтказишингиз керак бўлган тажрибага назар ташлагандек қаранг, ушбу тажрибадан ижобий хуросалар олишга ҳаракат қилинг. Буни бошингиздан ўтказмагунингизча, тажриба орттира олмаслигинги ҳақида ўйланг.

4. Дўстларингиз билан мулоқот қилишнинг янги усулларини эгалланг. Бунда сиз учун ижтимоий тармоқлар - мулоқот ўрнатишнинг энг зўр усули бўлиб хизмат қилиши мумкин.

5. **Ота-оналар учун маслаҳатларга ўтсак.** Қадрли ота-оналар, бизни эмоцияларимиз худди ойнадаги аксимиз сингари акс этиш хусусиятига эгадир. Яна шундай қизиқ нақл борки, “**Ижодкор болани фақат ижодкор ота-она ёки педагог, баҳтли болани фақат баҳтли ота-она ва замонавий болани фақат замонавий ота-онагина тарбиялаши мумкин**”, шуни ёдда тутинг. Яъни биз ўз ҳолатимизни, эмоцияларимизни болаларимизга, яқинларимизга узатар эканмиз. Айнан биз катталарнинг эмоционал ҳолатимиздан оиласдаги эмоционал муҳит яратилар экан.

6. **Ушбу тавсиялар оила аъзоларининг барчасига, яъни ота-она, эрхотин, бува ва бувижонлар ҳамда болаларга тегишли.** Хавотирлик даражасини энг зўр пасайтирувчи фаолият тури, у ҳам бўлса спорт ва ижодий фаолият турлари ҳисобланади. Айниқса болаларни олсак, улар одатда расм чизиш орқали ўз ички дунёлари билан бизни таништирадилар. Чунки, улар бизга айтолмайдиган нарсаларини расм орқали тасвиirlаб бера оладилар, улар шу усул орқали руҳиятларини даволайдилар, буни невроздан холи бўлиш усули ҳам дейиш мумкин. Бу усул арт-терапия усули деб ҳам аталади. Худди шундай хавотирлик, стресс ҳолатидан холи этувчи усуллардан яна бири бу спорт билан шугулланишидир. Агар бу оиласий бажарилса, бу янада қизиқарлироқ ва самаралироқ кечади, чунки бу яхши кайфият ҳамда оиласий жипслашувни таъминлайди.

7. Таниқли рус ёзувчиси Достоевский айтганидек, “Гўзаллик дунёни кутқаради”. Гўзал нарсаларни томоша қилинг, улардан баҳра олинг, бунга сизда ҳам имконият, ҳозирги кунда вақт ҳам етарли, ўз вақтингиздан самарали фойдаланинг. Романтик комедиялар кўриш ва ёқимли мусиқани тинглаш инсонпарварлик ва эзгуликка бўлган ишончни қайтарар экан. Яхши кўрган фильмалингизни томоша қилинг, иш пайтида ўқий олмаган китобларингизни ўқиб чиқинг. Албатта вақтни бошқариб бўлмайди, аммо ундан самарали фойдаланиш ўзингизни қўлингизда. Вақтдан унумли фойдаланган ҳолда, ўз устингизда ишланг, тилларни ўрганинг, бадантарбия ва спорт билан уйда шугулланинг. Шунингдек, ўзингизнинг камчиликларингизни бартараф этадиган, сизни ривожлантирадиган, ўзингиз учун янги соҳаларни ўрганишга ҳаракат қилинг. Бугунги ишингизни эртага қолдирманг, бугунги кун ганимат, ундан унумли ва сермазмун фойдаланишга ҳаракат қилинг. Хулласмана шу айтилган фаолият доираларидан гоҳ угоҳ бу иш билан шугуланиб, ҳар куни режалаштириб, алмаштирилб ту-

рилса инсон ҳам зерикib қолмайди, ҳам чарчамайди, устига-устак ҳар томонла-
ма ўзини ривожлантиришга эришади.

8. Ушбу вазият ва вируснинг ижобий томонлари ҳақида фикр-мушоҳада юритсан. Ўтиринг, тинчланиб олинг, бир ўйлаб кўрингчи, ахир бу вазият ҳамда вируснинг ижобий томонлари ҳам мавжудку. Ушбу вирус бизни тўхташга, фикрлашимизга имконият яратяпти ахир. Биз она табиатимиз билан нималар қилаётганимиз ҳақида ҳам ўйлаш вақти етиб келди. Бу вирус сабабли биз яхшилик томонга силжишимиз, қандай яшаётган эдик ва энди келажакда қандай яша-
шимиз ҳақида ўйлаш вақти келди. Бу бизнинг онгимиздаги гоявий, юксак маъ-
навий ўзгаришларга, яъни биз нима учун яшаяпмиз, умуман нима учун дунёга келганлигимиз, нимани қадрлашимиз кераклиги ҳақида ўйлашга ундаши керак. Кўркув - асосан тўғри яшаяпманми, менга ажратилган вақтдан унумли фойдала-
непманми, кейинги ҳаётимни қандай қурман деган саволларга жавоблар, яъни тўғри фикрлашга ва хуносалар чиқаришга йўналтирилган бўлиши муҳимдир. Айнан шу вазият бизни соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш тизими, соғлом муносабатлар тизимига олиб келишини унутмаслигимиз ва ушбу вазиятдан ҳар биримиз тўғри хуоса чиқариб, унумли фойдаланишимиз даркордир.

Хуоса қилиб айтганда, узоқ муддатли карантин (изоляция) бизнинг психикамиз учун жуда катта ва мураккаб бўлган синовдир ва бундай вазиятда бизда икки стратегиялардан бирини танлаш имконияти пайдо бўлади. Кимдир бу вазиятга муаммо, инқироз назари билан боқади, кимдир эса Оллоҳ томонидан бизга берилган имконият сифатида қарайди ва ушбу вазиятга қайси кўз билан қараш ва қай бирини танлаш бу ҳар бир инсоннинг шахсий танловидир.

МЕҲНАТГА РАҶОБАТБАРДОШЛИК – ФАРОВОН ТУРМУШ АСОСИ

Райимова Шаҳноза Содиқовна
Қўйкон Давлат Педагогика Институти

Раҷобатбардошлик тушунчаси мамлакат иқтисодий ҳаётининг етакчи омиларидан экани, шубҳасиз. Раҷобат бор ерда ўсиш, юксалиш бардавом бўлишини инобатта олсак, меҳнат бозорининг етук ва малакали кадрлар билан таъминланиши раҷобат муҳитининг жонланишида муҳим ўрин тутади. Бинобарин, раҷобатбардош ишчи кучига бўлган талаб ва эҳтиёж ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида бирдек долзарб масаладир. Ҳозирда меҳнат бозорига кириб келаётган аҳоли қатлами орасида меҳнатга раҷобатбардош бўлмаганларнинг ҳам борлиги, уларни ижтимоий ҳаётдан ажратмаган ҳолда бандлигини таъминлаш,

қулай шароит ва тартибларда иш ўринларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Глобаллашув жараёнида ижтимоий муаммолардан бирини бўлган мазкур масаланинг ечимини топиш жиддий эътибор талаб этиладиган жараён бўлиб, бунда, аввало, *мехнатга рақобатбардош бўлмаган аҳоли вакилларини аниқлаш, доимий рўйхатини шакллантириши, улар ўртасида сўровнома ўтказиши, ўзлари қизиқсан ўйналиши ва имкониятларга доир таклифлар бериси ва шу орқали улар бандлигини таъминлашни кўзда туради*.

Мехнатга рақобатбардошлик айнан ишчилар синфига тааллуқли тушунча бўлиб, у барча соҳаларда бирдек амал қиласди. Мехнатга рақобатбардошлик – белгиланган вазифани ўз вақтида ва сифатли бажариш учун яроқдиллик даражасидир. Мазкур мезоннинг етарли равишда мавжуд бўлмаслиги эса бунинг аксими намоён этади. Аҳолининг меҳнатга рақобатбардош эмаслигини қўйидагича таснифлаш мумкин:

- 1. Тұғма ногиронлик;**
- 2. Ҳаётда орттирилган ногиронлик, меҳнатга лаёқатсизлик белгиларининг мавжудлиги;**
- 3. Кишининг соҳа бўйича билим, кўникма, малака ва тажрибасизлиги ёки маълумотининг тўлиқ эмаслиги.**

Мазкур ҳолатлардан бирининг мавжуд бўлиши, шубҳасиз, меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган аҳоли сонининг ортиши баробарида, меҳнат бозорида ишсизликнинг ҳам юзага келишига сабаб бўлади. Бу эса ҳар қандай ривожланган ёки ривожланаётган давлатнинг ички ҳаётидаги ҳал этилиши лозим бўлган жиддий масаладир. Шундан келиб чиқиб, ишсизликни бартараф этишга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, сўнгги йилларда қатор салмоқли натижаларга эришилди. Жумладан, “хусусий иш билан банд бўлганлар сони **1,5 баробар**, иш берувчилар сони **4,5 баробарга** ошди. Иш билан банд бўлган **13,5 мингдан зиёд** фуқаронинг **42,2 %** и расмий, **57,8 %** и норасмий тармоқда фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг 1-чорагида мамлакатимизда **63630 та янги иш ўрни яратилди**”.

Мехнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш баробарида меҳнатга рақобатбардош бўлмаган аҳоли қатламини ҳам аниқлаш, уларга зарурий ёрдам кўрсатиш, имтиёз ва қулайликлар яратиш масаласи ҳамонки ўз ечимини кутаётган масалалардан эканини унутмаган ҳолда, мазкур ўйналишга доир қўшимча чора-тадбирлар дастурларини яратиш, аниқ мақсадли лойиҳа ва режаларни амалиётга татбиқ этиш аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича кутилган натижаларга эришишда яхши самара бериши шубҳасиз. Шундан келиб чиқиб, глобаллашув шароитида мазкур масалага бир қадар ечим топилишида қўйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

- ҳудудларда қисқа муддатли касбга қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйичамарказлар фаолиятини йўлга қўйиш;

– маълум касбга доир бошлангич маълумотга эга аҳоли вакилларини ҳудудлар кесимида йирик тадбиркорлик субъектларига эркин ишчи сифатида қамраб олиш;

– вақтингча ишсиз оиласар учун 10 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратиш;

– ҳар бир қишлоқда сутни қайта ишлаш, сут ва сут маҳсулотлари тайёрлайдиган мини-фабрикалар барпо этиш орқали қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш;

– ҳудудларнинг халқ ҳунармандчилиги ихтисослигидан келиб чиқиб, асосан, қишлоқ ва овуллар кесимида ҳунармандчilik марказлари тармоғини кенгайтириш;

– ўз касби бўйича шу касбга эҳтиёжи юқори бўлган ҳудудлараро ишчи кучи айланмасини йўлга қўйиш орқали ички меҳнат миграцияси тизимини яратиш;

Меҳнатга рақобатбардош бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш йўлларини яратиш ҳозирда барча учун сердаромад ва истиқболли мақсадга айланган тадбиркорлик фаолиятидан фойдаланишни тақозо этади. Расмий статистик маълумотларга кўра, 2019 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқда иш билан бандларнинг жами бандлиқдаги удуши 78,3 % ни ташкил этган. Мазкур уауш таркибида бўлган эркаклар асосан, қурилиш, савдо, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида меҳнат қилаётган бўлсалар, аёлларнинг бандлиги касачалик, тикув-трикотаж цехлари, енгил саноат, қандолатчилик фаолияти билан таъминланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимида банд бўлганлар орасида кам фоизни ташкил этувчи ва айнан “меҳнатга рақобатбардош бўлмаган” дея таснифланувчи аҳолининг ҳам фаровон турмуш тарзини яратиш ечими узоқ муддатга таалуқли масала эмас. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига биноан ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соглиги ҳимоя қилинишини, иш сифати яхшиланишини кучайтиришдан, моддий ва маданий турмуш даражасини юксалтиришдан иборатdir.

Меҳнат ва унинг ортидан яратилажак фаровон турмушнинг бардавомлигига эришиш аввало давлатимиз, қолаверса, ҳар кимнинг ўзига боғлиқ бўлган эзгу ташабbus, амалий мақсадлар рӯёбидири. Тупроғини севган, шу севгисини ўз амалида намоён этишга бел боғлаган азму шиҷоатли ҳалқнинг келажаги порлоқ, эртаси ёрқин бўлаверади. Азалий қадриятлар негизида шаклланган меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик тушунчалари бугун ҳам бардавом, бугун ҳам ўз қадру қимматини йўқотган эмас.

Мамлакатда иқтисодий ўсишга эришиш, фаровон турмуш шароитларини яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш орқали меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришнинг истиқболли келажагини яратиш кабилар бугунги кун талабидир. Иқтисодий ривожланиш жараёнларининг бирламчи иштирокчиси бўлганишчи кучи, яъни аҳоли қатлами вакилларини ижтимоий, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, бунда уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, оиласиб бизнес ва тадбиркорликни йўлга қўйишларида қўмаклашиш, ҳуқуқий маслаҳат, таклиф ва тавсиялар бериш, бир сўз билан айтганда, меҳнатга рақобатбардош бўлмаган аҳолини ҳам иш билан таъминлаш орқали мамлакат ички ҳаёти ва ишлаб чиқариш соҳасини янада кенгайтириш, жаҳон бозорига чиқиш, экспорт ва импорт масалаларида қулай ечим, жозибадор инвестициявий муҳит яратиш кабиларга эришишга хизмат қилади. Бинобарин, ҳар қандай давлатнинг кучу құдрати ўз халқининг яқдиллиги, ташаббускорлиги ва меҳнатсеварлигига боғлиқ бўлиб қолаверади.

ЗАМОНАВИЙ ЁШЛАР: ЮТУҚЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

Г.К.Уразбоева

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Касбий тайёргарлик факультети ҳуқуқий фанлар цикли ўқитувчиси

XXI аср! Бугунги кунда замонавий болалар бармоқларида тугма билан туғилишмоқда. Улар интеренетда яшашади, чунки у ерда мулоқот қилиш, ўзлари ҳақида гаплашиш, харид қилиш ва маълумот қидириш осонроқ.

Таъкидлаш жоизки, мактабларда “Информатика фани”ни ўқитувчиларидан ҳам яхшироқ тушунадиган ўқувчилар сони ортиб бормоқда.

Ташқаридан қараганда, бугунги замонавий ёшларимиз икки гуруҳга ажralланлигини кўришимиз мумкин. Биринчи гуруҳ ёшларимиз ўзларининг ютуқлари билан ҳаётда олға қадамлар билан ўз мақсадларига эришадилар. Иккинчи гуруҳ ёшларимиз эса аксинча.

Келинг бу икки гуруҳ замонавий ёшларимизнинг ютуқлари нимада эканлигинию, камчиликлари нимадан иборт эканлигини таҳдил қилиб кўрсак.

Биринчи гуруҳдаги замонавий ёшлар:

- Замонавий ёшлар фақат қисқача маълумотни идрок этадилар. Бир нарсага дикқатини жамлаш вақти сонияларни ташкил этади, шунинг учун уларнинг матнлари тез-тез смайлклар, стикерлар ва расмлар билан тўлдирилади;
- Замонавий ёшлар ҳаётда узоқ муддатли бренձларга қарамайдилар. Бир нарса бугун мода, бошқа нарса эртага;
- Ота-она ва болалар ўртасидаги можаролар аввалгидек кескин эмас.Ота-

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

оналар болаларини койимасдан кўпроқ мақташмоқда. Чунки уларга шу ёқади;

– Замонавий ёшлар хушмуомалаликни қадрлашади. Ёлғизликка дош беролмайдилар;

– Янги авлод доимо “ҳар бир инсон ноёб” деган ғояни суради. Шунинг учун ота-оналарини энг зўр деб билишади, ўзларини эса ноёб деб ўйлашади;

– Ҳозирги ёшлар оммавий ахборот воситалари ва блогерларнинг тавсияларига тўлиқ амал қиласидилар;

– Замонавий авлод очиқчасига исён қиласиди. Улар ота-оналарига бўйсуниш ва бўйсунишни намойиш қилиш учун тинчкина бирон бир ишни қилишади;

– Ҳозирги ўсмирлар, эркаклар ўз оиласини боқиши, аёллар эса уй бекаси ва фарзандларининг тарбияси билан шуғулланиши кераклигини инкор этадилар. Чунки улар “гендер тенглиги” тушунчасини яхши билишади;

– Ҳозирги авлоднинг мақсади – ҳаётда ўзларини ва тақдирларини топиш. Улар ўзлари ёқтиргмаган нарсаларни қилишни хоҳламайдилар;

– Уларнинг асосий талаби – баҳтли бўлиш. Баҳт бойлик билан бевосита боғлиқ эмаслигини ҳамда нотўғри йўлни танлашганини англашганида баҳтга ҳаётнинг қийинчиликларисиз эришганлигини англаб етишади;

– Замонавий ёшлар – баҳт “ўзингизнинг йўлингиз” эканлигини, турли ҳил нарсаларни синаб кўришлари уни топишга интилишлари ва иштиёқлари кучли. Шунинг учун улар ўз манфаатларини доимо устун қўйишмайди, улар доимий равишда янги, қизиқарли ва номаълум нарсаларни излайдилар ва шунга эришадилар;

– Ёшлар таниқли бўлишни истайдилар. Қариндошлари, дўстлари томонидан ҳар қандай, ҳаттоқи жуда катта бўлмаган муваффақиятлари учун ҳам мақтовларни кутишади. Замонавий авлод ижтимоий тармоқларда ўзлари ҳақидаги мақтовлар ёритилишини ҳоҳлашади;

– Ақлли ва зерикарли бўлса ҳам, ҳар қандай суҳбатни қўллаб-қувватлашади. Улар ақдни академик билим сифатида эмас балки онгли равишда тушунишади, масалан бир инсон мактабда қониқарли даражада ўқиши мумкин, аммо жуда ақилли бўлиши улар учун бу ажойибдек туюлади;

– Ёшлар учун оилавий қадриятлар биринчи ўринда туради. Оиладаги фаровонликни эса мансабдан кўра мухимроқ деб билишади;

– Ўсмирлар ота-оналарининг калтакларидан қўрқишишади, улар калтакдан кўра мақтовларини хуш кўрадилар, чунки мақтов камроқ босим ўтказади, фақат бу босим “ижобий” деб номланади;

– Ёш авлод йўл танлашда хато қилишдан жуда қўрқадилар;

– Бугунги ўсмирларнинг аксарияти улғайганда зерикишдан қўрқишишади. Бир хил кундалик ҳаёт ва тартиб уларни ўлдиради. Улар ҳаётдаги янги ва қизиқарли нарсаларга интилишади;

– Яна бир қўрқув – ёлғизликдир. Уларнинг ижтимоий тан олинмасдан ёлғиз

қолиши – бу муваффақиятсизлик;

– Замонавий ёшлар олдиндан режалаштиришни ёқтиришмайди. Уларнинг режалари одатда қисқа муддатли бўлиб, фақат мақсад ва танлаган йўли тўгри бўлса бас. Улар узоқ муддатли режаларни тузмайдилар;

– Келажакдан асосий умиди – бу оддий инсоний баҳт, оила, дўстлар ва севимили ишидир. Улар умидсизликка тушмаслик - учун олдиларига катта мақсадларни қўймайдилар.

Иккинчи гуруҳдаги замонавий ёшлар:

– Бу гуруҳдаги ёшларимиз болалиқдан қалблари парчаланган, яраланган ва ҳаётга ўзларини кераксиздай ҳис қилишади;

– Улар доимо ўзга оламда яшаб келишади, улар муваффақиятсизликка дуч келганларида, эшикни ёпадилар, қайта бошлаш учун бор кўприкларини ёқадилар, ҳаттоқи ўзларини сузицдгача олиб борадилар, улар бу қарорни тўгри деб билишади. Аммо бу ҳаракатлари хеч қачон муваффақиятни яқинлаштирумасликни, муваффақиятни “магрут бош билан” қайтаришни, ўзини такомиллаштириш ва тажриба орттириш учун имконият борлигини билишмайди;

– Бу замонавий ёшлар, доимий саъи-ҳаракатлар мақсадга эришиш эканлигини билишмайди. Улар муваффақиятга осон ва тез эришса бўлади деб ўйлашади;

– Бу ёшлар бир бутунни кўрмайдилар, ҳамма ўзи хоҳлаган нарсасини қилишлари мумкин деб ҳисоблашади;

– Ота-оналар бундай фарзандларга ҳозирги кунда кўпроқ ҳомийлик қилишади. Натижада ўсмиrlар ҳақиқий кундалик муаммоларини мустақил рашидда ҳал қилиш имкониятидан маҳрум бўладилар;

– Улар баҳтни пул билан тенглаштиришади. Бўш чўнтак билан яшаш қийин деб билишади;

– Ҳозирги ёшлар соғлиққа аҳамият бермайдилар. Улар ҳеч қачон кексалик ёшига етиб боришини тан олгиси келмайди;

Улар шошилинч масалаларни “кейинроқ”қа қолдирадилар. Ёшлик йилларини кўнгилочарликка сарф қиласди. Аммо афсуски, балоғат ёшидан сўнг нимадир бошлаш қийинроқ эканлигини тушуниб етишади;

Бу гуруҳдаги замонавий ёшлар ўз мақсадларига эришиш учун бошлиқлари, ҳамкаслари ёки мижозлари билан яқин муносабатда бўлишни табиий кўрадилар ва уларни хурсанд қилиш мумкин деб ўйлашади. Бироқ, қинфир йўл билан битирилган иш бир кун келиб панд беришини билишмайди;

Улар дунёни оқ ва қора рангда кўрадилар, уларда танлаш ҳуқуқи мавжуд. Лекин улар, ҳаётнинг у ёки бу устуворликлари орасидаги танловни табиий ва ягона муваффақият деб билшади. Масалан: мансабга эришиш учун оиладан ёки дўстларидан воз кечиш керак деб ўйлайдилар.

Мана шундай иккинчи гуруҳ замонавий ёшларимиз келажакда, ҳаётда ўз

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

йўлларини топиб кетишларида биз ота-оналарнинг масъулияти жуда катта. Бундай замонавий ёшлар ота-оналарининг харакатларига эмас балки биз ота-оналар уларнинг ҳәётига мослашишимиз даркор.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, ҳозирги XXI аср болалари билан яшаш, уларни тарбиялаш, уларнинг келажагига янгича қарашлар билан боқиши жуда қизиқарли. Бу ерда ота-оналарнинг вазифаси жудаям оддий бўлиб кўринсада, бироқ жуда машаққатлидир. Биз фарзандларимизга чақалоқдигидан кўпроқ гаплашишимиз, ранг-баранг китобларни кўрсатиб уларни китобга қизиқтиришимиз, уларнинг болаликдан қизиқиб бераётган саволларига сабр тоқат билан тўғри жавоб қайтиришимиз, уларнинг эришаётган энг кичкина ютуқларини ҳам мақтаб қўйишимиз шарт ва зурурдир.

Баъзида эса, фарзандларимиз дуч келган қийинчиликларга дош беришини тўғри ўргатишимиз, умидсизликка чўкмасликлари учун сабр билан ўз муваффақиятларига эришишда янгича усусларни бирга ўйлаб топишимиз керак бўлади. Ана шундагина иккинчи гурухга кирувчи замонавий ёшларимизга ҳаётдаги оқ қорани ажратса билишларини ўргатган бўламиз ва улар бунинг удавасидан чиқишлирига сабабчи бўламиз.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРДА ТУРЛИ ЁТ ГОЯЛАРГА ҚАРШИ ТАРГИБОТНИ КУЧАЙТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ!

Махмудов Лазиз

Тошкент тиббиёт академияси

“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Остонов Жамолиддин

Самарқанд давлат ветеренария институти

“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Маънавият – аждодларни авлодларга, ўтмишни бугунга, бугунни эса келажакка боғловчи қўприк. У ота-боболаримиз тўплаган жамики яхши фазилатлар ва хислатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг мажмуи, қолаверса, аждодларимиз тўплаган тарихий-ижтимоий тажриба ва барча қарашларни ўзида мужассам этади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, **“Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улгайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган, виждонини уйғотадиган**

беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”.

Дин – азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат, тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган гоя ва қарашларининг яхлит бир тизимиридир, дейилади худди шу манбада. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев айтиб ўтганидек, “...Биз кўп жойларда жаҳолатга қарши маърифат ташаббуси билан чиқяпмиз. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб бошқа кўчаларга кириб кетаётган жоҳил кимсалар бир нарсани тушунмайди ёки тушунишни истамайди. Яъни, ислом фақат нурли ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундейди. Ҳеч қачон хунрезлик, қотиллик, зўравонликка чақирмайди!”.

Диний ташкилот – бу шахсларнинг диний эҳтиёжларни биргаликда қондириш ёки қондиришга кўмаклашиш мақсадида тузиладиган ва диний маросимларни адо этиш асосида иш кўрадиган ихтиёрий, тенг ҳуқуқли ва ўз-ўзини бошқарувчи уюшма ҳисобланади.

Бугунги кунда кўп асрлар мобайнида ҳалқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келмоқда, албатта.

Инсон камолоти, эътиқоди ва юксак маънавияти ҳақида гап кетганда, ижтимоий муҳит ҳақида ҳам фикр юритиш жоиз. Чунки қадимда ота-боболаримиз ўз фарзандлари тарбияси масаласига катта масъулият, жиҳдий эътибор билан ёндашганлар. Масалан, бола тарбияси билан асосан диний-дунёвий илм соҳасида оқила энагалар ёки илм-маърифатда катта обрў-эътиборга эга устоз-мураббийлар шугулланган.

Доно ҳалқимизда “Куш уясида кўрганини қиласи” деган ибратли сўзлар бежиз айтилмаган. Яъни, ҳар бир шахснинг ўсиб камол топишида у яшаган оила муҳити, устозлари ва мавжуд ижтимоий шароитлар муҳим ўрин тутади.

Афсуски, эски тузум замонида таълим-тарбия, маърифат ва маданиятга иккинчи даражали соҳалар деб қаралди. Инсон маслаги ва эътиқоди, ҳалқ маънавияти, миллатимизнинг маънавий меросига нисбатан бир томонлама ёндашилган, бундай муқаддас тушунчаларга синфий ва партиявий нуқтаи назардан баҳо берилган.

Янада аниқроқ айтадиган бўлсақ, яқин ўтмишда маънавий мероснинг минглаб дурданалари ҳақида сўзлаш, ёзиш, тарғиб-ташвиқ қилиш тақиқланган эди. Юзлаб маънавият дарғалари миллатчилик, миллий биқиқлиқда, диндорликда айбланиб, қатагон қилинган. Ҳатто, яқин қариндошининг жанозасида бўлгани, таъзиясига боргани учун юртдошларимизга нисбатан жазо чоралари кўрилиши эски тузумнинг охирги йилларида одатий ҳолга айланганди. Бошқача айтганда, бу тузум ўз ҳалқинининг тарихини, унинг руҳи ва одатларини, ўз авлод-аждодиди-

ни билмайдиган манқуртларга таянар эди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда диний-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Маҳаллалар жамиятимизда маънавий-ахлоқий қадриятларни, аввало, инсонпарварлик, бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва аҳиллик фазилатларини қарор топтириш, ёш авлодни истиқдол оғоялари руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислоҳотлар моҳияти ва аҳамиятини фарзандларимизга теран тушунтириш йўлида астойдил ҳисса қўшиб келмоқда.

Узоқ ўтмишда шаклланган ноёб жамоат институти бўлган маҳалла тизими бугунги кунда “маҳалла – халқ вижданни” деган муносаб таърифга тўла жавоб берини ва жамиятимиздаги ислоҳотлар учун мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим. Ҳозирги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудларида жамоатчилик назорати доирасида бир қатор вазифаларни самарали амалга ошириб келмоқдаки, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш масаласи шулар жумласидандир.

Бу борадаги жамоатчилик назорати ҳам тегишли органлар ва маҳалла посбонлари билан ҳамкорлиқда ўрнатилиб, турли заарали оқимлар ёшларнинг онгини заҳарлаб, уларни ўз домига оғдиришининг олдини олишда, маҳаллада тинчлик осойишталиктин сақлашда катта аҳамият касб этади. Жамоатчилик назорати оиласида ота-оналарнинг фарзандларига бераётган тарбиясини ўрганиш, таълим мусассасаларида мураббий ва ўқитувчиларнинг тарбиявий-ахлоқий ишларни олиб борини таҳдил қилиш ҳамда маҳаллада, тадбирларда фуқароларнинг дин ва виждан эркинлигини камситувчи, чекловчи ноқонуний хатти-ҳаракатларни ўрганиш, дин соҳасида етарли билимга эга бўлмаган шахслар билан кенг тушунтириш ишларини олиб бориш каби масалаларни қамраб олади. Бу борада Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анҷуманда таъкидлаган қўйидаги фикрлари ўта муҳим аҳамиятга эга: “...Шунинг учун ҳам сизларнинг катта билимингиз, обрў-эътиборингизни инобатта олиб, мен сизларга, барча дин аҳларига, жамоатчилигимизга мурожаат қилмоқчиман: юртимизда тинчликни, осойишталиктин сақлашда бизга ёрдам беринг. Агар маҳаллангизда бирорта бола заарали диний оқимга кириб қолган бўлса, уни нотўғри йўлдан қайтаришга ҳаракат қилинг. Аввало, улар билан гаплашиб, бу – ота-боболаринг йўли эмас, бу йўлдан қайт, ҳақиқат мана бу ёқда, тинчлик ва эзгулик йўлидан бориб, ҳеч ким кам бўлмаган, деб уларни соғлом эътиқодга ишонтириш керак. Билим билан, ақл ва маърифат, намунали ишлар билан ишонтириш керак. Тарихдан, бугунги ҳаётимиздан олинган ҳаётий, таъсиричан мисоллар билан инонтириш керак!”.

Дарҳақиқат, тез ўзгариб бораётган шиддатли замонда – ахборот асирида бефарқ ва бепарво бўлмасдан, аксинча, ён-атрофимиизда содир бўлаётган воқеа-

ҳодисаларга дахлдорлик билан яшаш, жаҳоннинг турли ҳудудларида қайта бош кўтараётган фашизм, миллатчилик, шовинизм, диний ақидапарастлик ва терроризм каби хавфли балою-иллатларга нисбатан муросасиз бўлиш, “оммавий маданият” кўринишларига қарши курашиш ҳақида бот-бот огоҳ этаётган сўзлар бутун шунчаки даъватлар эмас.

Ҳаммага маълумки, бутун наинки юртимизнинг, балки дунёнинг у чеккасидан бу чеккасига қадар – бир қадам. Бугун деярли ҳар бир хонадонда, ўқув даргоҳида, корхонада, кўча-кўйда – замонавий компьютерлар бор ва улар интернетга уланган. Демак, ҳар қандай хабарни тезкор узатиш ва қабул қилиш имконияти мавжуд. Эндилиқда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари шарофати туфайли инсон ўз уйида ўтирганича дунёнинг турли чеккаларида қандай воқеа-ҳодисалар юз берадиганини нафақат эшитиш, айни чоғда кўриб-кузатиш ва ҳатто ўз муносабатини билдириш имконига эга.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, биз ижтимоий-гуманитар соҳада фолият олиб бораётган педагог-ходимлар, жамоатчилик вакиллари, махалладаги масъуллар, диний уламолар ва соҳага алоқадор бўлган бошқа ташкилотлар бутун ёшлар ўртасида турли ёт тояларга қарши тарғиботни кучайтиришимиз ва бу давр талаби эканлигини англашимиз лозим.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ МАСАЛАСИ

Эрматов Ш.А.

Қарши давлат университети

«Ижтимоий фанлар» кафедраси доценти

Авазов Шукурулло

Қарши давлат университети талабаси

Глобаллашув жарёнларида жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг муайян ҳолати сифатида кенгхалқ оммасининг алоҳда шахслар, гуруҳлар ва реал борлиқ воқеа-ҳодисаларга нисбатан билдирувчи ўзига хос нуқтаи назариdir.

Шахс, давлат ва жамият муносабатларида жамоатчилик фикри муҳим ахамият касб этиди. Бу эса ўз навбатида, глобаллашув жараёнларида, демократик хуқуқий, фуқоролик жамиятининг шакиллантириш асоси саналади. Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижасижа глобаллашув натижасида юзага келадиган айрим муаммоли вазиятлар аниқданади, демократик давлатчилик механизимлари ижтимоий ларзаларсиз

Жамоатчилик фикри XVII-XVIII асрларда Англия, Франция, Германия, Италия ва бошқа Европа давлатлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётида кенг фойдаланила бошлаган. Англияда жамоатчилик шакилланиб боради. фикри мамлакат парламентида қабул қилинган қарорларга нисбатан халқнинг қарши ёки тарафдор кайфияти жамоатчилик фикри сифатида талқин этиб келинади.

Шахс эркинлиги ва озодлигини амалда таъминланиши, шахс ўз фикр мулоҳозаларини, қарашларни эркин билдиришнинг хуқуқий асослари яратилиши ва мустахкамланиши натижасида жамоатчилик фикри тушунчаси кенг оммалашиб борди. Натижада ижтимоий фанларнинг марказида ўрганила бошлади. XIX аср охирига қадар жамоатчилик фикри хуқуқшунослик фанининг предмети сифатида ўрганилган бўлса. XX аср бошларида ижтимоий психология фани шуғилдана бошлаган.

XIX асрнинг 30 йилларида вужудга келган социология фанининг, жамият хаётига кенг маънода кириб келиши натижасида, жамоатчилик фикрининг ижтимоий-сиёсий ахамиятини янада ошириб юборди.

Бу эса ўз навбатида социологик тадқиқотлар ўтказиш марказлари, уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва роли беқиёслигини кўрсатиб берди.

Бугунги кунда тараққий этган давлатларда жамоатчилик фикрининг ўрганиш марказлари самарали ишламоқда. Биргина Калифорния университети социологик тадқиқот марказида 16 минг, Париж университети социологик тадқиқот марказида 15 минг мутахасиснинг фаолият олиб бориши, Москва шаҳрида мингдан ортиқ социологик тадқиқот марказларининг мавжудлиги ва ва бу марказлар жамоатчилик фикрининг қанчалик ўрганиётгани аҳамиятлидир.

Жамоатчилик фикри, мазмун моҳити жихатидан ахамиятлиги учун унга тарифлар ҳам турлича бўлган.

Ижтимоий фанларда жамоатчилик фикри моҳиятини изоҳлашда яқдил фикр бўлмасада, жамоатчилик фикри кишиларнинг у ёки буходисага нисбатан билдирган эътирози ёхуд эътирофий муносабатлари, таклиф ва истаклари йигиндисидир [1] Жамоатчилик фикри масаласи мазмун моҳияти жиихаттан кенг қамровли тушунчадир.

Амеркалик социолог Уолтер Липман фикрига кўра “Жамоатчилик фикри кишиларнинг умумий, жамовий манфатлари ифодасидир” [2].

Жамоатчилик фикрининг умумий мазмун моҳият жиҳатдан тахлил этилса, яъни маълум гурихлар, синфлар қатламлар, шахсларни манъфатларини қамраб олмаслигни унинг тасирчанлиги юқори булади.

Немис мутафакири Гегель ўзининг “Хуқуқ фалсафаси” асарида “Кишилар ижтимоий ходисалар хусусида ўз мулоҳозаларини изҳор этишлари хисобига кўпчиликнинг ўзаро умумий фикри юзага келади” [3] дейди. Яъни халқ ўй-хаёли ва ҳошишларининг ноорганик бирлашуви ва ялпи намоён бўлишидан бошқа нарса эмас.

Хақиқатдан ҳам жамоатчилик фикрини таҳдил этувчи давлат ва жамоат бирлашмалари мавжуд бўлмаса ёки самарали ишламаса фикр-мулоҳозалар, тасодифий факлар, тасдиқланмаган ҳабарлар, фисқ-фасод ва гийбатдан бошқа нарса бўлмай қолиши мумкин.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш унга мурожат қилиш хар бир давирда давлатларнинг устувор вазифаси сифатида қараб келинган. Лекин ҳамиша ҳам жамоатчилик фикри давлат сиёсатини белгилаб бермаган. Масалан собиқ СССРда жамоатчилик фикридан фақат давлат манфатлари учун фойдаланилган. Бу ўз навбатида далат ва ҳалқ ўртасидаги ўзилишни юзага келтириб турли туман маъмолар, охир оқибат давлатнинг парчаланиб кетишига олиб келган.

Жамоатчилик фикри негизларидан бири унинг жамовий хусусиятга эга эканлигиdir, қанчалик даражада бу хусусият мустахкам булса, шунчалик самарали бўлади.

Айрим ривожланган давлатларда жамият аъзолари давлат, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларни онгли равишда нисбатан идрок эта биладилар. Албатта, бўндай тафакўр қилиш жараёни ўзоқ глобаллашув жараёнларининг тадрижий ривожланишнинг маҳсулидир.

Жамоатчилик фикрининг тадрижий шакилланиш жараёнлари уч босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда, ижтимоий холат, фактлар, ҳодиса таъсирида алоҳида шахслар онгида индивидуал фикр-таассуротларнинг юзага келиши; иккинчи босқичда алоҳида шахслар фикрларининг сухбат, баҳс, муҳокама, йигин ва митинглар воситасида жамоалар фикрига айланиши; учунчи босқичда эса жамоалар фикрининг сифат ўзгаришига юз тутиб, жамоатчилик фикрига айланишини ифодаловчи нуқтаи назарлар уйғунашуви ва бирлашуви жараёнлариdir.

Хулоса қиладиган булсак глобаллашув жараёнларида жамоатчилик фикрини ўрганиш масаласи бугунги кунга келиб узининг янгиланиш даврини бошдан утказмоқда. Ҳалқ билан мулоқот орқали инсон манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятини кучайтириш глобаллашув жараёнларида жамоатчилик фикрини ўрганиш механизимлари фаолиятини янада такомиллашувига олиб келади. Нафақат республика марказида балки вилоят, туманларда социологик тадқиқот марказлари фаолияти янада ривожланади.

GLOBALLASHUV JARAYONIDA MILLIY QADRIYATLAR ASOSIDA YOSHLARNING MA'NAVİY MADANIYATINI YUKSALTIRISH

Po'latov Zarifjon

*NavDPI tarix fakulteti milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va
huquq ta'limi yo'nalishi talabasi*

Ma'naviyat va ma'naviy tarbiya masalalari bugungi kunda jahonda kechayotgan globallashuv jarayonlari sharoitida nihoyatda dolzorb masalaga aylangan. Har bir taraqqiy etgan, madaniyatli xalqning o'z tili, urf-odatlari, an'anaviy moddiy va ma'naviy boyliklari bo'ladi. Insonda til, fe'l-atvor bilan birgalikda odamga qon bilan kiruvchi an'ana-qadriyatlar bor.

Ma'naviyat doimo milliy bo'ladi, shu bilan birga unda umuminsoniy qadriyatlarga zid narsa ham bo'lmaydi, chunki har bir millatning mustaqil ma'naviy dunyosi, ma'naviy qiyofasi bir paytning o'zida ichki mohiyatiga, o'zak tomirlariga ko'ra, o'zga xalqlar ma'naviyati bilan umumiy jihatlarga, butun bashariyatni birlashtirib turuvchi mushtarak unsurlarga ega bo'ladi. [1]

Millatlarning o'z milliy qadriyatlariga e'zozi, hurmati va sadoqati qanchalar ulug' bo'lsa, ularning nufuzi ham shunchalar yuksak bo'lib boradi. Butun dunyodagi juda ko'p xalqlar biz-o'zbekalrning ota-onaga, uztozga bo'lgan hurmatimiz, nonga nisbatan e'zozimiz, marhumlarruhiga bo'lgan e'tiborimiz, tug'ilib o'sgan makon-Ona-yurtga mehr-muhabbatimiz, duoni qadrlashimiz, mahalla-ko'ydag'i oqibatimiz, ibo, hayo, sadoqat, or-nomusni joyiga qo'yishimizga havas bilan qarashadi, tan berishadi. Milliy qadriyatlar xalqni ma'naviy poklanishga yetaklaydigan asoslardan biri bo'lib, tug'ilgan joy va ona yurtga muhabbat, avlodlar xotirasiga sadoqat, kattalarga hurmat, muomalada mulozamat, hayo, andisha kabi jihatlar ustuvorligi bilan belgilanadi.

O'zbekona, milliy axloqda ota-bobolarimizning tarixiy tajribalari, davrlar sinovidan o'tgan saboqlari va bizga doimo madad bo'lib turgan ruhiy quvvatlari jamuljamdir. Ular tufayli milliy-axloqiy qadriyatlarimiz asrlar osha avloddan avlodlarga o'tib kelmoqda. Yosh avlodni milliy ruhda tarbiyalash shaxsning milliyligiga bevosita aloqador bo'lgan fazilatlarni singdirish tamoyilidan kelib chiqib belgilanadi. Merosimiz durdonalaridan kelajak avlod tarbiyasida foydalanish, ularni yoshlар hayotiga tadbiq qilish orqali bolalarda davr talabi asosida axloqiy, estetik, mehnat va jismoniy fazilatlarini takomillashtirish mumkin.

Maktabgacha ta'lim muassalari tarbiyachilari, maktab o'qituvchilar darslarda, sinfdan tashqari tadbirlarda, tarbiyaviy soat mashg'ulotlarida milliy -ma'naviy qadriyatlarimizdan foydalanish orqali bolalar tarbiyasini, o'qishini, tafakkurini,

bilim olishga qiziqishini rivojlantirish samarali natija beradi. Bu kabi qadriyatlarni yoshlikdan bola ongiga singdirib borish kerak. Oliy ta'limda esa buni eng yuqori bosqichga olib chiqish lozim.

Yosh avlodda qadriyatlar assosida ma'naviyatni shakllantirish bizning oldimizdagи asosiy masala bo'lib qolmoqda. Bizda bola tug'ilgandanoq tavallud, beshik, hatto ism qo'yishda ham an'analar mavjud. Salom va alik; kattalarva yoshi ulug'larni e'zozlash, ularning hurmatini ado etish; dasturxon odobi; ovqatlanish odobi; to'ytomoshalar; hayit-bayramlar; sovchilik; ta'ziya; tug'ilgan joyi, mahalla-ko'yga munosabat; qo'shnichilik munosabatlari va b. kabilarning ham o'ziga xos milliy an'ana qonun-qoidalari mavjud. Bunday qadriyatlar o'z ahamiyatini yo'qotmaydigan abadiy qadriyatlardir.

Odamlarning fe'l-atvori turlicha. Ular nihoyatda murakkabdirlar, shuning uchun hayot murakkab. Biroq tuirmush insonning xatti-harakatlarini ma'lum chegarada, ma'lum me'yorda bo'lismeni taqozo qiladi. Odob-axloq insoniyat tarixidagi butun tajribalarga suyangan holda yaratilgan. Ularning zamirida urf-odatlar turadi. Bu urf-odatlar qadriyatga aylanib boraveradi. Qadr tuyg'usi yo'q joyda qadriyat bo'lmaydi. Qadriyatlar yo'q joyda insoniylik bo'lmaydi. Insoniylik bo'lmasa, xalq, odamzod yo'q bo'ladi, tanazzulga uchraydi. Qadriyatlar inson ma'naviyatini boyitadi. Ma'nан barkamol, ma'naviyati yuksak insonni hech qanday kuch yenga olmaydi.

Insoniyat tarixi fikrlar, g'oyalari kurashidan iborat bo'lib kelgan va biz yashayotgan davr ham bundan mustasno emas. Fiksiz inson bo'limgaganidek, g'oya va mafkurasiz jamiyatham bo'lmaydi. Biroq shunday paytlar bo'ladiki, muhitda mafkuraviy bo'shliq yuzaga keladi va bu jamiyat uchun juda tahdidlidir. Chunki mustahkam imon – e'tiqod yoshlarning zamon sinovlaridan o'tishida suyanch va tayanch bo'ladi. Shunda duch kelgan hayotiy va ma'naviy muammolarga javob bera oladi.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Тайлаков Н.И.
педагогика фанлари доктори, профессор,
Эрназаров А.Э.
мустақил тадқиқотчи

Дунё глобаллашув жараёнлари натижасида яхлит бир медиа маконга айланниб қолди. Ҳозирда маълумотларни олиш узатиш ва тарқатиш жуда осон. Лекин бу ахборотларни таҳдил қилиш, сарагини ва пучагини ажратиш қийин масала бўлиб, бу ёш авлод тарбиясига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Глобаллашув на-

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

зарийтчиларидан бири – Энтони Гидденс айтадики: “Анъана ва одатларнинг ҳаётимизга таъсири кундан-кун камайиб бормоқда, бу ижобий жараён, зеро у инсонга шу пайтгача эришилмаган шахсий эркинликни беради”. Бу сўзлар замиридаги хавфни англаш қийин эмас.

Глобаллашув шароитида ижтимоий муаммолар, хусусан оиласда фарзанд тарбиясидаги муаммолар ҳам ҳозирги кунда ўз долзарблигини бутун бўй басти билан намоён қилмоқда. Ҳозирда жамиятдаги ижтимоий муаммоларнинг туб моҳиятига теран назар солиш уларнинг оиласдаги фарзанд тарбиясида йўл қўйилаётган камчиликлар билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатмоқда. Отоналар томонидан фарзанд тарбиясига етарлича эътибор қаратилмаётганлиги қўйидаги ўринларда намоён бўлмоқда:

- ёш оиласларни мустақил яшашга интилишлари натижасида ўзбекона оиласий қадрияларни кейинги ёш авлодга етиб бормаётганлиги;
- ота-оналарда оиласда фарзанд тарбияси ҳақида етарли билим, кўникма ва тажрибаларнинг шаклланмаганлиги;
- иқтисодий муаммоларни ҳал қилишни асосий устувор вазифа деб белгилаб олиш ва натижада фарзанд тарбиясига эътибор қаратмаслик;
- фарзанд тарбиясига кам вақт ажратиш ёки тарбияни асосан оналар ва таълим-тарбиячилар зиммасига юклаш;
- мактабгача бўлган даврда болалар таълим ва тарбиясига етарлича эътибор қаратмаслик;
- мактаб даврида болалар таълими ва тарбияси билан мунтазам шугулланмаслик, бирга дарс қилиш ва турли тарбиявий мавзуларда суҳбатлашишнинг камлиги;
- фарзанд тарбиясининг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши, унинг ички дунёсига кириб бормаслик, келажак режалари билан қизиқмаслик ва ҳаётга тўғри йўналтирумаслик;
- ота-оналарда турли ёшларда оиласда фарзанд тарбиясига доир режалар, билимлар ва амалий кўникмаларнинг етишмаслиги.

Ҳар бир оиласдаги фарзанд тарбияси фақатгина шу оиласнинг муаммоси бўлибгина қолмай, балки бутун жамиятнинг муаммоси сифатида қаралиши керак. Қадимдан бекорга “Битта болага етти маҳалла ота-она” деб айтишмаган. Фарзанд тарбияси билан ота-оналар, ўқитувчи-педагоглар, қўни-қўшни, маҳалла ва бутун жамият шугулланмоқлиги лозим бўлиб қолмоқда.

Глобаллашув “оммавий маданият” деб аталадиган ўзининг ижтимоий таъсирини асосан интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарғиб қилиб бормоқда. Бу ҳолат ёшларнинг таълим ва тарбиясига жуда катта таъсири қилмоқда. Бундай ҳолатларда фарзанд тарбиясига эътибор қаратилмаса, уни тўғри йўналтирилмаса бола тарбияни оиласдан эмас, кўчадан, интернетдан ва бошқа манбалардан ола бошлайди ва бу жуда ёмон оқибатларга олиб келиши

мумкин.

Хозирги ҳолатимизда оиласа фарзанд тарбияси тақлидий характерга эга бўлиб, болалар ота-оналарига ҳар бир ишда тақлид қилишга ҳаракат қилишади. Шунинг учун ота-оналар фарзанд тарбиясига оид манбаалар билан мунтазам танишиб боришлари ва ушбу усусларни ўз оиласида татбиқ этиб боришлари лозим.

Оиласа фарзанд тарбияси ҳақида Имом Ғаззолийнинг “Иҳёу улумуд-дин” китобида бундай дейилади: “Бола ота-она қўлида бир омонатdir. Қалби турли нақш ва расмлардан пок, нима нақш солинса, қабул қиласи, нимага мойил қилинса, мойил бўлаверади. Агар яхшиликка ундалса ва ўргатилса, унинг устидаги ўсоверади, дунё ва охиратда саодатли бўлади, ота-онаси ҳамда одоб, таълим-тарбия берганлар барчаси савобга шерик бўлишади. Агар ёмонликка ундалса ва ҳайвон каби бўш қўйилса, ёмонликка учрайди, ҳалок бўлади ва унга қараб турган киши зиммасига гуноҳкорлик тушади”.

Ота-оналар фарзандларига бадан тарбияси, руҳий тарбия, ақл ва фикр тарбияси, ахлоқий тарбия, ирода тарбияси, сўзлашув тарбияси ва меҳнат тарбияси кабиларни мунтазам равишда ўргатиб, тушунтириб, ўрнак бўлиб, тарбиялаб боришлари лозим. Яна ижтимоий одобларни ўргатиб тушунтириб боришлари, саломлашиш, сўзлаш, овқатланиш, кийиниш, жамоат жойида ўзини тутиш, сұхбатлашиш, қўшничилик ва касб-кор одоблари каби одоблардан боҳабар бўлиб боришлари тадкирдорликларини кўриб боришлари керак бўлади.

Битта дарахтни парваришлаб ҳосилга киришини йиллаб кутилгани сингари оиласа фарзанд тарбияси ҳам мунтазам ва узлуксиз равишда йиллар давомида бажариладиган жараёндир. Глобаллашув жараёнида фарзанд тарбиясида қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- ота-оналар фарзанд тарбияси энг муҳим жараён эканлигини яхши англашлари ва бунга барвақт киришишлари лозим;
- ота-оналар фарзанд тарбияси энг шарафли иш эканлиги, фарзандни келажакда миллатга, ота-онасига ва жамиятга манфаат келтирадиган инсон қилиб тарбиялаш лозимлигини яхши ангалаб етишлари керак;
- ота-оналар фарзандлар адолатли бўлишиллари уларда келажакда ҳасад, кўролмаслик, бошқаларга нисбатан душманлик ҳисси кабиларни пайдо бўлмаслигини билишлари керак;
- ота-оналар фарзандларига меҳр-шафқатли бўлишлари ва уларни суюб эркалашлари уларда ҳам меҳр-муруvvват туйғуларини ҳосил қиласи;
- фарзандлар билан ҳамиша очиқ чеҳра билан мулойим муомилада бўлиш, ҳар бир ишда шахсий намуна бўлиш лозим бўлади;
- фарзанд тарбиясида муқаддас динимиз асослари, миллий урф-одатлар, ўзбекона менталитет гояларини ҳисобга олиш лозим;
- ота-она фарзандлари билан мунтазам бирга бўлишга ҳаракат қилишлари,

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлиари

турли машғулотларни бирга ўтказишлари, ҳазил-мутойиба қилиб туришлари ҳамда нутқини ўстиришга эътибор қаратишлари лозим;

– фарзандларни қарғаш ва калтак воситасида тарбиялашга ҳаракат қилиш уларни фақат оиласдан безитишга хизмат қилишини англаб етиш лозим;

– болалар шўхлик қилиб, гапга қулоқ солмаса ёки бирон ишни хато қиласа, бошқалар олдида уялтиrmай, холи ҳолда насиҳат қилиш, масалани яхши ва ёмон томонларини тушунтириш лозим;

– фарзандларда “бўш вақт” тушунчаси деярли бўлмаслигига ҳаракат қилиш, доимо уларни бирор иш, топшириқ, илм олиш ёки спорт билан шуғулланиш билан банд қилиш лозим;

– ҳазиллашиб ҳам ёлғон гапирмаслик ва доимо ваъдага вафо қилишга ўргатиб бориш лозим;

– ёшлиқдан бирор ҳунарга ўргатиб бориш, ҳунар ўрганиш бўйича шогирдликка бериш лозим;

– ота-она фарзандини илм олишига алоҳида эътибор қаратиши, энг яхши сармоя келажаккага қўйилган сармоя эканлигини англаб етишлари, бунинг учун барча зарурий ва ташкилий ишларни қилиб боришлари лозим;

– ота-она фарзанд тарбияси ва илм олишига зарурий бўлган барча чораларни ҳозирлашлари ва уларни узлуксиз равишда маълум бир режа асосида амалга ошириб боришлари лозим.

– глобаллашув жараёнида болани турли “ахборот хуружлари”дан асраб боришлари, уларга қарши “мафкуравий иммунитет” ни шакллантириб боришлари лозим бўлади.

Оилада фарзанд тарбияси узоқ вақт давом этадиган ва ҳар бир ота-она учун мунтазам равишда бажариб боришлари лозим ва шарт бўлган ишлардан бўлиб, айниқса ҳозирги глобализация даврида бу масала жуда муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ЁШЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

Исматов Иброҳимжон Муртозо ўғли

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат

*муносабатлари вазирлиги Республика аҳоли бандлиги ва
меҳнатни муҳофаза қилиши илмий маркази кичик илмий ходими*

Маълумки, сўнгги йилларда дунё мамлакатлари томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ислоҳатлар замирида ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш борасидаги ишларни такомиллаштириш дунё ҳамжамиятининг олдида турган асосий вазифаларидан бири сифатида эъти-

роф этилмоқда. Халқаро миграция ташкилоти (ИОМ)нинг 2019 йил маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 3,5 фоизи (271 642 105 киши) ташқи меҳнат миграцияси иштирокчиларидир ва бу рақам сўнги йилларда ортиб бормоқда. Асосий эътиборли жиҳатлардан бири шундаки, дунё мигрантлари орасида 15-29 ёш оралигидагилар 20,9 фоизни ташкил этайдиганлиги ушбу масалага янада кўпроқ эътибор бериш кераклигини талаб этади. Ёшларни миграцияга нима мажбур этмоқда? Ёки қандай сабаблар бугунги кунда муҳожирликка стимул беради? Бу каби кўплаб саволларга жавоб топиш мақсадида Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази йиллар давомида республикадан ташқарига меҳнат фаолиятини юритиш учун чиқиб-келётган мигрантлар орасида социологик тадқиқотлар ўтказиб келади. Ўрганишлар асосида олинган маълумотлар таҳлилий хulosалар кўринишида кенг оммага тақдим этиб борилади.

Ушбу ўрганишлар доирасида амалга оширилаётган таҳдиллар меҳнат миграцияси иштирокчиларининг ижтимоий-демографик таркиби, ташқи меҳнат миграция жараёнлари омиллари, йўналишлари, географиясини аниқлаш, мигрантларнинг хориждаги яшаш, меҳнат шароитлари, даромадларини баҳолаш, уларнинг келгуси режалари, ўзлари яшайдиган жойдаги иш топиш имкониятлари хусусидаги меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш юзасидан фикр ва таклифларини ўз ичига олган.

Айтиш жоизки, ташқи меҳнат миграцияси масалаларини ўрганиш бўйича 2016 – 2019 йиллар мобайнида олиб борилган таҳлилий хulosалар шуни кўрсатмоқдаки, ташқи меҳнат бозорида фаолият юритаётган мигрантларнинг 3/5 қисми ўрта маҳсус маълумотта эга шахслар бўлиб, сўнгги йилларда бу кўрсаткич сезиларли ўсиб бораётганлигини кузатишимиш мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида 30 ёшгача ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиси бўлган ёшларнинг ташқи меҳнат миграциясидаги иштироки кескин ортиши билан изоҳланмоқда. Аниқланган таҳдилларга кўра жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни қониқарли эмаслиги натижасида қишлоқ аҳолиси шаҳарликларга нисбатан ёшлиқдан хорижга чиқиб ишлашга интилиши аниқланган. Демакки, бундай маълумотлар ҳудудлардаги инфраструктурани яхшилаш орқали чет элга ҳеч қандай кафолатсиз кетаётган уқувсиз ва тажрибага эга бўлмаган ёш мигрантлар сонини камайтириш мумкинлиги ҳақидаги таклифларни тасдиқлайди. Қуйида ёшларнинг миграцияга киришишига туртки бўладиган асосий сабаблар кўрсатилган.

2017–2019 йиллардаги тадқиқот натижаларига кўра, яшаш жойида юқори ҳақ тўланадиган ишнинг йўқлиги сабаб ёшлар орасида хорижга меҳнат қилишга кетувчилар сони ўтган йилларга нисбатан ортганлиги кузатилди. (1-расм)



Бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 2018 йилда деярли 56 фоизга етган. Айниқса 2018 йил давомида истеъмол товарлари, коммунал, транспорт, маиший ва бошқа хизматларнинг нархларини норасмий секторда банд аҳолининг даромадларига нисбатан тез суръатларда ортиши хорижга меҳнат қилишга кетувчи мигрантларнинг кўпайишига олиб келган, 2019 йилда эса бу рақамларда бироз тургунликни кузатишимиш мумкин. Шу билан биргаликда тадбиркорликка қизиқиш билдирган, яъни тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун сармоя тўплаш мақсадида хорижга борувчи ёшлар сонида шу йиллар даврига нисбатан ўсиш тенденцияси кузатилди.

Кузатувлардан яна шулар маълум бўлдики, мигрантларнинг аксарияти, яъни 43,2 фоизи сўнгти 3 йил (2017-2019 йиллар) мобайнида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга бориш бўйича пассив ҳаракатланаётганликларини таъкидлаб бу кўрсаткич энг кўп Жиззах вилоятида (68,0%) кузатилган бўлса, энг кам Қорақалпоғистон Республикаси (14,7%) ва Хоразм (19,3%) вилоятларида кузатилди. Мамлакатимизнинг шимолий қисмида жойлашган ушбу ҳудудлар аҳолиси Қозогистон Республикаси ва Россия Федерациясига яқин жойлашганлиги сабабли тез-тез бориб туришлари кузатилди. Масалан, Хоразм вилояти мигрантларининг 2/5 қисми ва Қорақалпоғистон Республикаси мигрантларининг 1/3 қисми сўнгги 3 йил мобайнида республиканинг бошқа вилоятларига нисбатан хорижга бир нечамаротаба кўпроқ бориб келаётганликлари кузатилган.

Маълумки мигрантларнинг кўпчилиги Россия Федерациясида меҳнат қилишади ва олинган маълумотларга кўра 15-29 ёш мигрантлар таркибида бу давлатда меҳнат қилганларнинг энг кўп қисми Қашқадарё (12,9%), Андижон (12,1%) ва Самарқанд (11,6%) вилояти ёшлари ҳиссасига тўғри келади. Урфодатлари ва сўзлашув тили ўхшаш бўлганлиги туфайли Қорақалпоғистон Респуб-

бликаси аҳолиси мавсумий Қозогистон Республикасида меҳнат қилишади вашбу давлатда меҳнат қилганлар тадқиқотда иштирокэтганинг ёшларинг 29,5 фоизини ташкил этган.

Ўтган йилларда ёш мигрантларимиз сони кескин ортиб бораётган Туркия давлатида меҳнат қиливчилар асосан Тошкент шаҳри (23,2%), Тошкент вилояти (17,9%), Андижон (15,9%) ва Самарқанд (15,2%) вилоятлари аҳолиси ҳиссасига тўғри келди. Жанубий Кореяга бориб меҳнат қилганларнинг аксарият қисми, яъни 2/5 қисми 23,5 фоизи Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ёшларига тўғри келган. Узоқ хорижга борган мигрантларнинг ярмидан ортиги (53,6%) Тошкент шаҳар мигрант ёшлари ҳисобига эканлиги аниқланган. Бундан маълумки шаҳар ёшларида хорижий тил ўрганишга шароит ва муҳит қулайроқ эканлиги уларни узоқ чет эл мамлакатларнинг тилини ва маданиятини ўрганиб турли дастурлар асосида нисбатан ишончли ва даромадлироқ фаолиятларни танлаш имкониятларини кўпайтиради.

Тадқиқотнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, изланишлар давомида 30 ёшгача бўлган мигрантларнинг иш билан бандлик имкониятлари ва режалари тўғрисида батафсил маълумотлар олинди. Кутинганидек, уларнинг аксарияти ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган ёшлар эканлиги аниқланди. Шу сабабли дастлаб улардан олий ўқув юртлари ёки касб-хунар коллежларини битирганлар учун ишга жойлашишдаги яратилган имтиёзлар ҳақида маълумотлар олинди. Афсуски, уларнинг 80,9 фоизи имтиёзлар ҳақида маълумотга эга эмасликларини айтиб ўтдилар. Жавобларда йигит ва қизлар ўртасида деярли фарқ кузатилмаган бўлса-да, ҳудудлар ўртасида сезиларли тафовутни кўришимиз мумкин. Энг катта кўрсаткичлар Жиззах (98,8%), Буҳоро (95,5%), ва Самарқанд вилоятларида (94,7%) кузатилди. Ушбу ёшдаги мигрантлардан тадбиркорликни ташкил этиш борасида саволлар сўралганда, улардан 89,0 фоизи имтиёзли (кам фоизли) кредитлар ҳақида маълумотга эга эканлиги маълум бўлди. Таъкидлаш жоизки, юқорида кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланиш кўрсаткичи 2019 йилда ўтган йилга нисбатан 12,9 фоизга кўтарилиган.

Кувонарлиси шундаки, сўнгти тўрт йиллик динамиканинг таҳлилига кўра ўзи яшайдиган туман ёки вилоятда муносиб ишга жойлашганлиги сабабли 2019 йилда хорижга қайтиб бормаган ёшлар сони 2016 йилга нисбатан анча кўпайган ва мос равишда 18,0 фоиздан 34,7 фоизгacha ошган. Бу рақамларни ошганлигининг сабабларидан яна бири ёшларимизнинг олий таълим муассасаларига кириш имкониятларини ортирувчи ислоҳотлардир. Олий даргоҳдарга кириш имтиҳонларини соддалашибиши, коррупцияга қарши чоралар, ОТМлар сони ва қабул квоталарининг кўпайганлиги, шунингдек абитетиентларга яратилган кўплаб қулайликлар уларнинг чет элга пул топиш учун ундейдиган сабабларни бироз бўлсада камайтириди.

Мазкур ўрганилган таҳдилий хуносалардан келиб чиқган ҳолда:

Биринчидан, Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграциясини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштиришда ташқи меҳнат миграциясини мониторинг қилишнинг доимий механизмини жорий қилиш, шу жумладан танланма ижтимоий тадқиқотлар ўтказиши орқали қабул қилувчи мамлакатлар билан меҳнат мигрантлари муаммоларини бартараф этувчи икки томонлама ҳукуматлараро битимларни тузиш механизмини кучайтириш. Иккинчидан, чет элда мигрантларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича асосий кўрсаткичларини мунтазам равища (ойлик) кузатиш орқали қайтиб келган ёш мигрантлар сегментини дифференциал ёндашув асосида фаол равища ишга жойлаштириш ва ихтисослаштирилган иш жойларини яратиш масаласини ҳал қилиш. Учинчидан, меҳнат мигрантларининг статистикасини ва ҳисобга олишнинг янги тизими ни жорий этиш, миграцияни маҳсус усул ва методларини ўрганиш, ишончли маълумот тўплаш учун тўла ҳуқуқди тизимни жорий қилиш зарурлиги ушбу масалани мунтазам ўрганишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қиласи. Шубҳасиз, миграция статистикасини йиғиш, шакллантириш ва таҳдил қилишнинг халқаро принципларини ўрганиш ва амалга ошириш зарур. Фақат шу тарзда самарали миграция сиёсатини ишлаб чиқиши мумкин. Мигрант ёшларнинг сони, таркиби, меҳнат миграциясининг иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳақиқий (реал) ва тўлиқ маълумотларга эга бўлмасдан туриб, ижобий ва салбий оқибатларини аниқлаш мумкин эмас. Айниқса, бугунги кунда Ўзбекистоннинг Халқаро миграция ташкилоти фаолиятида иштирок этган ҳолда кузатувчи сифатида қатнашишини таъминлаш, ушбу мураккаб жараённи тартибга солишнинг асоси бўлиб хизмат қиласи.

GLOBALLASHUVNING YOSHLAR DUNYO QARASHIGA TA'SIRI

Saidqulov Nuriddin Akramkulovich
Guliston davlat universiteti o'qituvchisi,
Yo'Idoshev Sherzod Ravshan o'g'li
Guliston davlat universiteti talabasi

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev "Kitob mahsulotlarini chop etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ibot qilish bo'yicha komissiya tuzish to'g'risida"gi farmoyishni qabul qilganligi xalqimiz ma'nnaviy qiyofasini yanada boyitishda xizmat qiladigan huquqiy hujjat bo'ldi desak, mubolag'a bo'lmaydi. Bu farmoyishni qabul qilinishi keng

jamoatchilik uchun birdek daxldor va zarur edi. Shu bois bu huquqiy hujjat bir so‘z bilan aytganda hayotiy ehtiyoj yuzasidan qabul qilindi. Biroz vaqt o’tib, ya’ni 2017-yil 13-sentyabr “Kitob mahsulotlarini nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ‘ib qilish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar dasturi to‘g’risida” gi Prezident qarori qabul qilingani bu sohada amalga oshirilayotgan islohotlarni yanada jadallahishiga sabab bo‘ldi.

Shundan so‘ng, jamiyat hayotida ezgu qadriyat va an’analarni chuqur qaror toptirishga, xususan, xalqimiz, ayniqsa, yosh avlodning ma’naviy-intellektual salohiyati, ongu tafakkuri va dunyoqarashini yuksaltirishda, ona Vatani va xalqiga muhabbat va sadoqat tuyg‘usi bilan yashaydigan barkamol shaxsni tarbiyalashda beqiyos ahamiyatga ega bo‘lgan kitobxonlik madaniyatini oshirishga alohida e’tibor qaratila boshlandi.

“Badiiy asarning eng muhim xususiyati shundaki, u inson qalbini mayinlashtiradi, tuyg‘ularini o’tkirlashtiradi, ma’naviy-ruhiy barkamollikni tarbiyalaydi”. Yangi tahdidlar, jumladan, “ommaviy madaniyat” xavfi va boqimandalik kayfiyati paydo bo‘layotgan, odob-axloq, qadriyatlarning yo‘qolish xavfi yuzaga kelayotgan hozirgi globallashuv sharoitida kitobxonlik, mutoalaa g‘oyatda muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Shu maqsadda har bir davlat o‘z aholisini, ayniqsa bilim va yangilikka chanqoq yosollarini ilmiy bilimlar, ma’rifiy-ma’naviy ozuq bo‘ladigan axborotlar bilan ta’milanishidan manfaatdordir. Yoshlarni kitobxonlik madaniyatini shakllantirish bu davlat va jamiyatda bo‘layotgan o‘zgarishlarga o‘zining mustaqil fikrini bildira olish imkoniyatini beradi.

Dunyo shiddat bilan o‘zgarib, barqarorlik va xalqlarning mustahkam rivojlanishiga raxna soladigan turli yangi tahdid va xavflar paydo bo‘layotgan bugungi kunda ma’naviyat va ma’rifatga, axloqiy tarbiya, yosollarining bilim olish, kamolga yetishga intilishiga e’tibor qaratish har qachongidan ham muhimdir.

Keyingi yillarda Yer yuzida keskin geosiyosiy o‘zgarishlar ro‘y berdi, xalqaro miqyosda xavfsizlik va barqarorlik tizimi izdan chiqmoqda. Globallashuv jarayonining tobora shiddatli tus olishi nafaqat insoniyat imkoniyatlarini kengaytirmoqda, balki ziddiyatlarning keskinlashuvi, rivojlangan va qoloq davlatlar o‘rtasidagi tafovutning o‘sishiga olib kelmoqda. Buning oqibatida tinchlik va barqarorlikka raxna solayotgan, mohiyati va ko‘lamiga ko‘ra transmilliy xususiyatga ega turli xatti-harakatlar sodir etilmoqda.

Globallashuv davrida yuksak ma’naviyatli va axloq-odobli, iqtidorli, bilim saviyasi yuqori va chuqur, zukko, ishbilarmon, ishchan kishilar zarur. Qashshoq ma’naviyat, axloqiy sust, bilim saviyasi yuzaki va past, ishning ko‘zini bilmaydigan kishilar bozor munosabatlarda ko‘zlangan maqsadga erisha olmaydilar. Ana shunday holatlarda bir qancha muammolar yuzaga kelishi tayin. Bugungi kunda yosollar va ularning axloqi bilan bog‘liq muammolar mayjud. Jumladan, - Yoshlar tomonidan jinoyatlarni sodir

etilishi;

- yoshlar o'rtasida o'z joniga qasd va suiqasd qilish holati;
- yoshlar o'rtasida giyohvandlikning ko'payishi;
- yoshlarni surunkali ichishga ruju qo'yishi;
- OITS va OIVga chalingan yoshlarning mavjudligi;
- yoshlar o'rtasida nikohning bekor bo'layotganligi;
- Doimiy ish joyiga ega bo'limgan yoshlar hamda xorijiy mamlakatlarga ishslashga ketgan yoshlar va ularning ayrimlarida yuzaga kelayotgan axloqsizlik va bu orqali jamiyat kishilariga bo'layotgan salbiy ta'sirlari kabi boshqa muammolarni misol keltirish mumkin. Yoshlar tomonidan sodir etilgan jinoyatlar 2012-yilning 1-yarim yilligida 10,1 mingtani tashkil etgan bo'lsa, 2013-yil yanvar holatiga ko'ra bu ko'rsatgich tahminan 18,2 mingtaga yetgan va 8 mingtaga o'sish holati kuzatilgan.

Bundan xulosa qilish mumkinki, yoshlar o'rtasida hali ko'p muammolar mavjud. Lekin yuqorida keltirilgan muammolarni aniqlashni o'zi bilan ish bitmaydi. Balki, muammolarning yuzaga kelish sabablari va ularni bartaraf etishning samarali yo'llarini qidirib topish hamda amalga oshirish zarurligi eng muhim vazifalardan ekanligi shart qilib qo'yiladi. Bunday muammolarni yuzaga kelish sabablarini o'rganish davomidayoshlardagi iroda zaifligi, sabrsizligi, aqlsizligi va bir so'z bilan aytganda ulardagi ma'naviy qashshoqlik asosiy omil bo'lib xizmat qilmoqda. Ma'naviy yetuk yoshlar hech qachon axloqsizlikka olib boradigan ishlarni qilmaydi, balki, u zararli narsalardan ehtiyoj va ogoh bo'lishga doimo intiladi. Shu jihatdan muammoning dolzarbliqi quyidagilardan iboratdir:

- Siyosiy jarayonlar globallashib, mamlakatimizga nisbatan g'oyaviy taxidillar kuchayayotgan bir paytda talaba-yoshlar tarbiyasi masalalarining dolzarbliqi yanada yaqqolroq namoyon bo'ladi. Bu esa ulardan ko'proq o'qishni, o'z ustida ishlab, o'zining bilim va ko'nikmalarini doimiy oshirib borishni talab etadi.

- Bugungi kunda bizning fikrimizcha ma'naviyat masalalari nafaqat bizning mamlakatimizda, balki butun dunyo hamjamiatida har jihatdan davrimizning eng dolzarb masalasiga aylanmoqda. Shu jihatdan olib qaraganda yoshlar ma'naviy kamolotining ijtimoiy-falsafiy taxlili masalasi yanada dolzarb ahamiyatga ega.

- Jahonda bugungi kunda turli global muammolar – ekologik halokatlar, terrorizm, ekstremizm, odam savdosi, giyohvandlik kabi illatlar xalqaro xavfsizlikka tahdid solayotgan bir paytda bunyodkor g'oyalarni o'zida mujassam etgan, odamlarni ezgulikka da'vat eta oladigan, milliy g'oyani o'rganish, hozirgi davrdagi murakkab ilmiy-kontseptual muammolarni tahlil qilishda, mafkuraviy immunitetni shakllantirishda Islom falsafasining ta'lim-tarbiya masalalari muhim ahamiyatga ega.

- Bugungi globallashuv jarayonlari dunyo xalqlarining hayotiga, ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy negizlariga o'zining ta'sirini o'tkazmoqda. Dunyo xalqlari bir-biri bilan uzviy bog'lanib bormoqda. Shunday sharoitda o'zligini saqlab qolish, o'ziga xos va mos diniy, milliy-ma'naviy qadriyatlarini unutmasdan, uni demokratik jamiyat

qurish tamoyillari bilan bog'liq holda amalga oshirishga erishish, demokratik jamiyat qurishni maqsad qilib olgan O'zbekiston xalqi uchun ham muhim va dolzarb vazifadir.

НОСИРУДДИН САМАРҚАНДИЙНИНГ “АЛ-ФИҚҲ АН-НОФЕЪ” АСАРИДА БАЁН ЭТИЛГАН ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ

Бекзодбек Мухтаров Муроджон ўғли
Ўзбекистон ҳалқаро ислом академияси таянч докторанти

Бугунги глобаллашув жараёнида дунё бўйлаб ҳар-ҳил foя ва қарашларнинг кенг тарқалиши кузатилмоқда. Бу жараён айниқса, ёшлар орасида фаол кечиб, уларнинг хатти-ҳаракатларида ўз аксини топмоқда. Хусусан, “оммавий маданият” ва унинг турли кўринишлари бунга мисол бўлади. Оммавий маданиятнинг асосий кўринишларидан бири бу киши ташки қиёфасини инсонларга хос бўлмаган шаклларга солиш, ўз тана аъзоларини ўзгартириш, кийиниш маданиятини буткул инкор этиш каби ҳолатларда ўзини намоён этмоқда.

Носируддин Самарқандийнинг “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асари бундан қарийб тўққиз аср олдин ёзилган бўлсада, унда кўтарилган масалалар ҳануз аҳамиятини йўқотмади. Хусусан, асарнинг 23-бўлими (китоби) “Истеҳсон” – “Маъқулланган ишлар китоби”деб номланиб, унда айни ижтимоий ҳаётга оид масалалар ёритилган. Айниқса, кийиниш маданияти, эркак киши ва аёлларга хос кийим ва тақинchoқлар масаласи батафсил баён этилган. Жумладан, мазкур бўлимда эркак кишилар учун ипак матодан бўлган либослар кийиш ҳалол эмаслиги, аксинча, ипак мато аёл кишилар учун мумкин бўлиб, уларга зийнат бўлиши таъкидланган [2. 887]. Бунга эса Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг “**Ипак матодан либос кийиш ва тилла (тақинchoқлар тақиши)** умматимнинг эркакларига ҳаромдир. Уларнинг аёлларига эса ҳалолдир”, – деган ҳадисини далил қилиб келтирилади.

Ундан кейин мазҳаб бошиларнинг ипак ёстиқдан фойдаланиш борасидаги қарашларини баён этади. Абу Ҳанифа ипак ёстиқдан фойдаланишга рухсат берган бўлса, унинг шогирдлари Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад ипак ёстиқдан фойдаланиш ҳам эркак киши учун макруҳ, деб қайтарган [2. 887-888]. Абу Ҳанифа ёстиқда кийимлик белгиси йўқ, Аллоҳ таолонинг “**Айтинг: “Бандалари учун чиқарган Аллоҳнинг зийнатини ва пок ризқларни ким ҳаромга чиқарди?”**” оятига мувофиқ рухсат беради [1. 154].

Шунингдек, кейинги масалада ипак толасидан тўқилган қаттиқ кийим -

кимхоб (Кимхоб – урушда кийилган кийим. Инсон кўкраги ва олд танасини ўқлардан ҳимоя қилувчи совутни ичидан кийилган кийим) ҳақида Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад уруш вақтида совутни ичидан кийса бўлади, деб рухсат берган. Абу Ҳанифа эса макруҳ санаган [2. 888].

Демак, эркак кишиларга кийим кийишда ипак матодан сақланиш тавсия қилинган. Чунки у жуда ҳам майин бўлиб, эркакларга хос сифатлардан эркакларни чиқариб юборади. Ипак либос аёлларга хос бўлиб, уларга зийнат ва кўрк бағишлайди.

Ҳозирги кунда афсуски, “оммавий маданият”га эргашган ёшлар орасида кийим кийишда миллий анъаналарга беътиборлик Farb услубидаги кийимларга ружуъ қўйиши кучайиб бормоқда. Бу эса бизнинг жамиятига Farb маданияти ва урф-одатлари ҳам кириб келишига сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳам ёшларимизни миллий ва диний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ота-оналар олдида турган муҳим вазифаларидан бири саналади.

“Оммавий маданият”нинг яна бир кўринишларидан бири бу турли хил тақинчоқ тақишидир. Бу ҳолатларнинг эркак кишилар орасида тарқалиши эса миллий ва диний қадриятларимизга зид ҳисобланади.

“Ал-Фикҳ ан-нофеъ” асарида бу ҳақида алоҳида тўхталиб, эркак кишиларга тилла ва кумушдан ясалган тақинчоқларни тақиши ман этилиши, аёлларга эса рухсат берилгани айтилади [2. 889]. Шунингдек, эркак кишиларга фақатгина кумуш узук, камар (белбоғ) ва қиличининг ушлайдиган жойи кумушдан бўлишига рухсат берилади.

Бугунги кунда учрайдиган тиллодан ясалган никоҳ узукларини тақиши ҳам Farbdan кириб келган маданиятлардан биридир. Миллий ва диний қадриятларимизда эркак кишиларга тиллодан узук тақишига рухсат берилмайди. Никоҳ маросимларида ҳам бундай одат бўлмаган. Лекин аёлларга тилло ва кумуш тақинчоқлар маҳр сифатида бериш одати бўлган.

“Нофеъ”нинг давомида Самарқандий ўғил болаларга ҳатто чақалоқ бўлса ҳам ипак либос кийдириш ва тиллодан бўлган тақинчоқлар тақиши макруҳ, деб айтади [2. 890].

Бу билан олим ёш болаларни чақалоқлигидан бошлаб, тўғри тарбия қилиш лозимлигини таъкидлайди. Ёшлигидан чиройли тарбия топган бола, катта бўлганида ҳам адашмайди.

Аммо ҳозирги вақтда ёшу катталар орасида зебу зийнтага берилиш, дабдаба-бозлиқ, ҳашамкорлик каби иллатлар кучайиб бормоқда. Бу эса уларнинг миллий ва диний қадриятларимиздан узоқлашаётганликлари, ўзга маданиятларга кўр-кўрона тақлид қилаётганликлари натижасидир.

Бу ҳолатлар айниқса, кундалик ишлатиладиган уй-рўзғор буюмларидан тортиб, меҳмонлар учун ишлатиладиган анжомлар, тўй-ҳашамда фойдаланиладиган идиш-товоқларда ҳам ўз аксини топган. Бу ҳолат ислом динида исроф хисобла-

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

ниб, бундай қилишдан қайтарилган. Носируддин Самарқандий ҳам китобида бу ҳақида келтириб, “эркак ва аёл кишиларга ейдиган, ичадиган, ҳушбўйланадиган ва кундалик ишларда фойдаланадиган идишлари кумуш ва тиллодан ясалган бўлиши жоиз эмас”, – дейди [2. 890]. Бунга Расулулоҳ (с.а.в.) нинг “**Ким кумуш ёки тилло идишдан ичса, қорнига дўзаҳ оловидан ебди**”, – деган ҳадисини далил қилиб келтиради.

Мавзу давомида шишидан ясалган идишлар, билур, ялтироқ тошлардан ясалган идишлардан фойдаланиш жоиз эканлиги айтилади. Шунингдек, эгар ва доимий ишлатиладиган идишларга кумуш ранг берилган бўлса, ундан фойдаланиш мумкин. Демак, инсонлар фойдаланадиган идиш-товоқлар тилло ва кумуш бўлишидан қайтарилган. Чунки буларнинг барчаси биринчидан, исроф ҳисобланса, иккинчидан, инсонлар бу каби нарсалар билан бошқалар олдида фарҳланиб, кибрланишига олиб келади. Кибр эса инсонларни ёмонликка етаклайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, глобаллашув жараёнида юзага келаётган ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва уларни олдини олиш чораларини кўриш бугунги куннинг долзарб масалалардан бири саналади. Бу жараёнда буюк алломалармизнинг маънавий меросидан фойдаланиш эса самарали натижалар беради. Носируддин Самарқандийнинг илмий мероси, хусусан, “ал-Фиқҳ ан-нофеъ” асари ҳам ана шундай манбалардан бўлиб, асарда баён этилган ижтимоий масалалар ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

ГЛОБАЛЛАШУВ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ

Матёкубов Сардорбек Ибрагим ўғли

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Нукус ш.

Қорақалпогистон Республикаси.

Ҳозирги кунда глобаллашув жараёни тез суръатларда ўсиб бормоқда. Бу жараён эса барчамизни огоҳдикка чақиради. Глобаллашув яхлит жараёнларни ўз ичига қамраб олади. “Энг умумий маънода, глобаллашув, бир томондан муайян ҳодиса, жараённинг барча минтақалар, давлатлар ва бутун Ер юзини қамраб олганини, иккинчи томондан, уларнинг инсоният тақдирига даҳлдор эканини англатади. Ижтимоий ахлоқнинг шаклланиши тарбия жараёнига, диний тарбияга ҳам асосланади. Инсоният цивилизацияси тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ибтидоий жамият даврида инсон ҳаётига ҳавф солувчи, нафақат битта одам ҳаётига, балки бутун инсоният эволюциясига ҳавф солувчи омиллардан бири сифатида яшаш учун кураш

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёилари

ва ташқи душманлардан, яъни ёввойи ҳайвонлардан ҳимояланиш ҳисобланган. Бу ташқи таъсирлардан ҳимояланишнинг ягона омили эса, бу шак-шубҳасиз ўзаро бирга яшаш зарурати ҳисобланган. Айнан мана шу омилнинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, дастлабки даврлардан бошлаб бирга ривожланиш омили туфайлигина инсоният эволюцияга эришган ва бугунги тараққиётгача этиб келган. Шундан ҳам кўриниб турибдики, глобаллашув нафақат бугунги куннинг ижтимоий зарурати бўлиб келган ва бўлиб қолади. Глобаллашув жараёни ўзининг мураккаблиги ва серқирралиги билан алоҳида ажралиб туради. “Глобаллашув тушунчаси ҳақидағи қарашлар турли-туманлигича давом этиб келмоқда. Бу табиий ҳол. Чунки унинг макон ва замонда содир бўлиш хусусиятлари турлича бўлиб дунёнинг ўзгаришига ўтказаётган таъсирида ҳам янги янги имкониятлари намоён бўлмоқда”. Глобаллашув жараёнида ахборот ва компьютер технологиялардан тўғри ва самарали фойдаланиш зарур. XXI аср инсоният тамаддунига ахборот технологиялари ва интелектуал салоҳият асри сифатида кирди. Бу асрда инсон ақдли ва тафаккури ёрдамида ақл бовар қилмас даражадаги техника ва технологиялар яратилди, айнан мана шу техника ва технологиялар ёрдамида ҳаётнинг барча соҳаларида юксак на-тижаларга эришилмоқда. Мазкур қашфиётларнинг бири сифатида бугунги кунда энг оммалашган интернет тармоғи эса ягона ахборот тарқатувчи манба сифатида бугунги кунда бутун дунё томонидан эътироф этилмоқда. Гуруч курмаксиз бўлмагани каби, айнан мана шу манбадан ҳам ўз гаразли мақсади йўлида фойдаланувчилар чиқиб турибди. Статистик маълумотларга қарагандা бир кунда дунё аҳолиси бўйича 3,8 миллиард киши интернет тармоғи турли ижтимоий сайларидан фойдаланади. Бу эса дунё аҳолисининг 70 фоизи демакдир. Шулардан 40 фоизини 28 ёшгача бўлган ёшлар, 22 фоизини ўрта ёшлилар, 8 фоизини эса кексалар ташкил қиласи. 28 ёшгача бўлган интернетдан фойдаланувчилар 60 фоизи турли ижтимоий тармоқлардан, 30 фоизи турли янгиликлар, реклама роликлари, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётда юз берәётган воқеа-ҳодисалардан, 10 фоизи эса адашиб интернетни тушунмасдан фойдаланувчиларни ташкил этади. 1 дақиқада ўртача ҳисобда интернет тармоқларига 45 та хабар reklama турли янгиликлар киритилади. Айнан мана шу статистикага таянган ҳолда бир фикр юритиб кўрайлик: бир дақиқада 45 та хабар қолдирилса, шулардан атиги 5 та хабар ўчирилса, кунига фойдаланувчи аҳоли ушбу хабарномаларга билиб кирса, кимдир хоҳламасдан, кимдир ўқиган нарсасидан тўғри хуолоса чиқарса, кимнидир эса бу янгилик умуман қизиқтирмаса, яна кимгадир бу нарса қанақадир куч бағишлайди. Бу хабарларнинг бири ҳақиқат бўлса, яна бириси эса кимгадир қилинган тухмат, кимдандир аламини олиш ёки кимгадир берилган текин фойдасиз маслаҳатлар. Айнан мана шу интернет тармоқлари орқали тарқалаётган ва ҳамма учун урғ бўлаётган маслаҳатлар йўл-йўриқлар мажмуаси “оммавий маданият” номи остида жаҳон саҳнаси остида пайдо бўлди. Оммавий маданият – дунё маданиятларининг

қўшилиши, аралashiши, миллий маданиятларнинг секин асталик билан йўқолиб боришидир. Энди бир ўйлаб кўрайликчи, миллий маданият йўқолиб, бутун дунё битта маданиятга бўйсунса, амал қилса, шу маданиятни келтириб чиқарган, халқ қаерда қолади, миллат қаерда қолади? Унинг минг йиллик тарихичи? Бир қарашда арзимас, эътибор берилмас даражада кўринган бу нарса вақти келиб битта инсон ёки маҳаллада ёхуд шахс тақдирига ва келажагига эмас, балки бутун бир миллат келажагига, тарихига, илдизига урилган болта бўлди. Шундай экан биз бу жараёнга қарши курашни аввалам бор фуқароларда гоявий ва маънавий иммунитетни шакллантиришдан бошлашимиз лозим. Бунинг учун эса биринчи навбатда оиласарда соғлом маънавий муҳитни, айниқса энди турмуш қураётган оиласар туман ФХДЁ бўлимларида маънавий тарғибот марказларини ташкил қилиш керак. Бундай марказлар томонидан оиласарга, бўлажак ота-оналарга оила, унинг муқаддас даргоҳ эканлиги, фарзанд тарбияси келажакда жамиятда қандай инсон сифатида кириши, бевосита уларнинг бугунги кунда унга кўрсатаётган йўл йўриқларига даҳлдор эканлиги, бу эса фарзанд келажаги учун қайғуриш ота-она олдидаги муқаддас бурч эканлигини уларга тушунтириш ва мазмун-моҳиятини этказиб бериш лозим. Ўз тарихини авлод-аждоди кимлигини, ўзлигини англаган, миллий ўзлигини англаган, билмаган унутмаган инсон ҳар қачон ўз танлаган йўлидан оғишмай ҳаракат қилиб, ватан ва халқ манфаати келажаги учун ўзини даҳлдор сезиб ҳаракат қилади. Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий шундай деган: «Инсоният фақатгина илм ва юксак ахлоқийлик асосида яхлит фозил жамоага бирлаша олиши мумкин». Унинг таълимоти марказида юксак маънавиятли ва ахлоқли комил инсонни шакллантириш гояси ётиби.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мўминов Раҳимжон Қаюмжонович
Андикон давлат тиббиёт институти
«Психиатрия ва наркология» кафедраси катта ўқитувчиси,
Каримов Абдулвоҳид Хатамович
ассистент,
Азимова Гулчехра Азизбековна
ассистент

Ҳаммамизга маълумки, XIX асрнинг охири XXI асрнинг бошларидағи халқаро вазият глобаллашув жараёнларининг ниҳоятда чуқурлашиб кетганини билан характерланади. Масаланинг муҳим ва долзарб жиҳати шундан иборатки, ҳозирги замон глобаллашув жараёнлари инсоният учун келтириб чиқараётган оқибатлар моҳиятини тезда тушуниб англаш осон кечмаяпти. Бугун глобаллашув ўзининг

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёилари

қамрови, таъсир кучи, тобора оммавий тус олиши билан кам тараққий қилган ва энди тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлар халқарини миллий маънавиятига тажовуз қилмоқда, уларнинг заминларини емирмоқда ва истиқболда оммавий маънавият таъсирида уларнинг барбод бўлишига замин тайёрламоқда. Бу тажовуз нафақат оммавий ахборот воситалари телевединие, интернет ёки уяли телефонлар воситасида, шунингдек инсонларнинг ҳаёт кечириши ва турмуши учун зарур бўлган иқтисодиёт воситасида ҳам амалга оширилмоқда.

Бугунги глобаллашув жараёнида диний экстремизм ва терроризм инсоният учун жиiddий хавф-хатарга айланди. Четдан “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган мағкуравий хуружлар, ёшлар онгига бузгунчи таъсир кўрсатишга йўналтирилган уринишларга қарши курашиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида дунёда турли мағкуралар ўртасида кураш кескин тус олаётган бугунги кунда фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш кераклигини таъкидлаб ўтганлар.

Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур тахлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади[1].

Мамлакатимизда эртанги кунимиз эгаларининг ҳар жиҳатдан соғлом камол топиши, замонавий билимларни эгаллаши, ўз иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқариши давлат сиёsatининг устувор йўналишларидан биридир.

Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти, уларга қарши қаратилган ёт ғоя ва маънавий таҳдиidlар моҳиятини очиб беришга қаратилган тадбирлар ёшларни ҳушёрликка, ҳаётга теран нигоҳ билан боқишига чорламоқда.

“Оммавий маданият” куткусига қарши доимо огоҳ бўлиш, бундай пайтда аҳоли, айниқса, ёшларнинг хатти-ҳаракати, нима иш билан машғул эканини назорат қилиб бориш асосий вазифамиздир. Бугунги кунда турли тадбирларда ёшлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида мустақиллик йилларининг илк давридан бошлаб, ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш мақсадида турли ёшлар фестиваллари ўтказилиб келинди.

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омил - бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқdir. Маълумки, отабоболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган[1].

Сўнгги йилларда ёшларни маънавиятини юксалтиришда “Ёшлар

гиёҳвандлик, жиноятчилик ва терроризмга қарши” мавзусида тадбирлар мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқдаки, бугунги кунда ушбу тадбирларни са-мараси натижасида Ўзбекистонда гиёҳвандлик ва у билан биљиқ муам-моларнинг камайганини кўрамиз. Ушбу тадбир орқали огоҳлик ва ҳушёрлик нечоғли муҳим эканини, бугун биз замонавий билимларни эгаллаб маънавияти-мизни бойитишимиз, ёт таъсирларга ҳар доим сергак туришимиз кераклигини янада чуқур тушуниб етдик.

Мамлакатимизда ёшларни юрт равнақи йўлида бирлаштириш, маънан етук, мустақил фикрлайдиган, аниқ ҳаётий позицияга эга инсонлар этиб тарбиялаш, уларда сиёсий-ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтказилаётган турли танловлар йигит-қизларда сиёсий-ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга хизмат қилмоқда[2].

Олий ва ўрта маҳсустаълим, Адлия, Ички ишлар вазирликлари ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган “Сиз қонунни биласизми?” танлови ва шундай лойиҳалар кўплаб ўтказилиб келинмоқда. Ўғил-қизларимизни Президентимиз асарлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила, Мехнат кодексларининг ёшларга оид бандлари, “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича билимларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда юксак салоҳиятли, чуқур билимга эга ёш авлод камолга етмоқда. Улар қалбида она Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйгуси юксалмоқда[3]. Ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар, лойиҳалар мустақил фикрли, онгу тафаккури соғлом гоялар асосида шаклланган баркамол авлодни вояга етказища мухим аҳамият касб этмоқда.

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ И ИХ РЕШЕНИЯ В ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Раджапов Камоладдин Эркаевич

Ташкентский государственный экономический университет, к.э.н., доцент,

Эркаева Бибиробия Камоладдин кизи

Ургенчский государственный университет,

г.Ургенч Хорезмская область, студентка 2 курса

Глобализация является характерной чертой процессов изменения структуры, понимаемого как совокупность национальных хозяйств, связанных друг с

другом системой международного разделения труда, экономических и политических отношений, путём включения в мировой рынок и тесного переплетения экономики на основе транснационализации и регионализации. Глобализация стала важнейшей реальной характеристикой современной мировой системы, одной из наиболее влиятельных сил, определяющих ход развития нашей планеты. Согласно преобладающей точке зрения на глобализацию, ни одно действие, ни один процесс в обществе (экономический, политический, юридический, социальный и т.д.) нельзя рассматривать ограниченно только как таковое (таковой). Глобализация международных отношений — это усиление взаимозависимости и взаимовлияния различных сфер общественной жизни и деятельности в области международных отношений. Она затрагивает практически все сферы общественной жизни, включая экономику, политику, идеологию, социальную сферу, культуру, экологию, безопасность, образ жизни, а также сами условия существования человечества.

Узбекистан, успешно формирует демократическое государство на основе развития и укрепления социально-ориентированной рыночной экономики, поддерживает принципы и рекомендации Глобальной повестки дня на XXI век, определивших основные направления развития человечества в новом столетии. Решения, принятые мировым сообществом о необходимости общемирового сотрудничества по гармоничному достижению двух важнейших целей современной цивилизации – высокое качество окружающей среды и здоровая, социально справедливая экономика для всех народов мира восприняты в Узбекистане с особой остротой и заинтересованностью. В условиях глобализации, решение вопроса об участии Узбекистана в различных международных организациях становится еще более определяющим в обеспечении устойчивого развития страны. Что является наиболее первостепенным в этих условиях – быстро и адекватно реагировать на изменения в международной среде, успешно интегрироваться в мирохозяйственные инновационно-воспроизводственные процессы и на этой основе обеспечить способность страны успешно конкурировать в международной торговле, привлекать и эффективно использовать иностранный капитал и решать задачи структурной перестройки экономики.

В эпоху глобализации каждой стране, каждой нации очень трудно найти свое место, выгоду, свою политику. Вчерашний анализ уже не соответствует требованиям сегодняшнего дня. Это очень сложно, сами видите, как стремительно развиваются события на международной политической арене крупнейшие государства противостоят друг другу¹⁵.

Отношение к глобализации как специалистов, так и всех жителей нашей пла-

¹⁵ «Газета.uz», из выступления Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева по вопросам развития Шайхантахурского района Ташкента и решения проблем в жилищно-коммунальной сфере

неты очень неоднозначно, а порой и диаметрально противоположно. Это связано с разными точками зрения на последствия глобализационных процессов, в которых одни усматривают серьезную угрозу мировой экономической системе, а другие видят средство дальнейшего прогресса экономики. Несомненно, последствия глобализации могут носить как позитивный, так и негативный характер, однако альтернативы ей нет, в связи с чем основное внимание в статье уделено исследованию опасностей (угроз), которые несут эти процессы, и возможностей и выгод, возникающих в процессе глобализации. Позитивное значение глобализации трудно переоценить: неизмеримо умножаются возможности человечества, более полно учитываются все стороны его жизнедеятельности, создаются условия для гармонизации. В качестве позитивных последствий (преимуществ) глобализационных процессов можно назвать:

- Использование все большим количеством стран инновационных технологий и достижений;
- Современных технических стандартов и методов корпоративного и государственного управления экономикой;
- Глобальной конкуренции;
- Повышению отдачи человеческого капитала;
- Более рациональное использование вовлекаемых в воспроизводственный процесс ресурсов и другие.

В процессе глобализации концепция социального развития рассматривает несколько способов, благодаря которым можно достичь оптимальной взаимосвязи между экономическим ростом и социальными процессами: Увеличение инвестиций (в том числе и государственных) в образование, здравоохранение, профессиональную подготовку. В социально-экономической сфере под воздействием процессов глобализации выделяются следующие проблемы:

- проблема истощения ресурсов;
- экологическая проблема (которая может быть рассмотрена как некая модификация проблемы истощения ресурсов);
- гонка вооружений, без прекращения которой невозможно решение никаких других проблем, поскольку именно она забирает львиную долю всех ресурсов;
- разрыв в уровнях развития развитых и развивающихся стран, который является источником постоянно растущей международной напряженности и нестабильности, поскольку «бедные» страны и люди завидуют «богатым»;
- проблема продовольствия (как важную часть проблемы истощения ресурсов), производство которого не поспевает за ростом населения;
- демографическая проблема (удвоение числа жителей Земли каждые 20-30 лет) представляется многим не столь очевидной, но ее катастрофический характер несомненен (хотя в развитых странах Европы число коренных граждан не-

- проблема бедности, характерная резкой разницей в уровнях доходов людей из развитых и развивающихся стран;
- проблема миграции десятков миллионов людей из «бедных» стран в «богатые» и другие.

В качестве решений этих проблем можно предложить следующие:

- проведение некоторых мероприятий, в том числе проведение аграрных реформ, социально-экономических преобразований, способствование накоплению капитала и т. д.;
- создание заменителей природных ресурсов посредством научно-технического прогресса и увеличения капиталовложения умственным способностям рабочей силы;
- создание сильной и устойчивой стратегии обеспечения продовольствием всего мира;
- распространение малого и семейного бизнеса среди населения с низким доходом, увеличение количества промышленных предприятий и создание новых рабочих мест;
- увеличение качества образования и подготовка высококвалифицированных кадров исходя из их возможностей, способностей, интересов и потенциала.

В процессе глобализации высокие темпы экономического роста оказывают влияние на социальное развитие. Если они, например, достигнуты за счет экспансивных факторов, усиления эксплуатации труда населения, резкой дифференциации доходов, то говорить о социально-экономическом развитии. Само понятие экономического развития должно предполагать не только рост показателей объемов производства, но обязательно включать качественный аспект воспроизводственного процесса, и в качестве результата, увеличение эффективности, включая обязательно социально-экономическую и экологическую составляющую.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР МАСЬУЛИЯТИ ВА ИЖТИМОЙЛАШУВИ МАСАЛАЛАРИ

Абдужабборова Мусаллам Лапасовна
педагогика фанлари номзоди, доцент,
Давлатов Ойбек Фаниевич
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

XXI асрда бирон-бир мамлакат ёки ҳудуднинг тараққиётини фаол ахборот алмашувисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ахборотлашган жамиятнинг шакллани-

ши давлат ва жамиятлар ҳаётининг барча соҳаларида жиддий ўзгаришларга олиб келмоқда. Ахборотлашган жамият шаклланишининг ижобий жиҳатларини, ахборот тараққиётининг бош омилига айланганини инкор этмаган ҳолда, айтиш лозимки, бу жараён билан боғлиқ қўйидаги қатор салбий тенденцияларни ҳам қайд этиш мумкин. Бу борада сиёсатшунос олима Н.Умарова шундай ёзади: “... Ахборотни тараққиёт кушандасига айлантираётган кучлар ҳам йўқ эмас. Ахборотлаштириш жараёнининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда ахборот соҳасидаги ютуқлардан ёмон ниятларда фойдаланиш хавфи ҳам туғилмоқда. Бунда ахборотдан жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг суверен тенглиги тамойилларига амал қилиш, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, кучдан фойдаланмаслик, ички ишларга аралашмаслик, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳурмат қилиш каби мақсадларга зид равишда фойдаланилмоқда”.

Шунингдек, дунёнинг тобора интеграциялашуви, глобаллашувнинг янада чуқурлашиб бориши оқибатида кишилар ўртасидаги муносабатларда индивидуалистик қарашлар кучайиб бормоқда. Тўгри, инсоннинг шаклланишида унинг фақат ўзига хос қобилиятлари, истеъоди, имкониятлари, билим савияси катта рол ўйнайди. Уларсиз шахс комолотини тасаввур этиб бўлмайди. Аммо ёшларда фақат ўз қобигида ҳаракат қилиш, жамият ҳаётидаги умумэътироф этилган нормалардан чекиниши уларнинг ижтимоийлашувига салбий таъсир кўрсатади.

Глобаллашув (лотинча *globus* – шар, фр_global – умумий, ялпи) – халқаро ҳамжамиятнинг барча соҳаларидағи ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқликни чуқурлашуви асосидаги янги, умумжаҳон глобал тизимнинг шаклланиши, ташкил этилиши, амал қилиши ва ривожланишининг объектив жараёнидир. “Глобаллашув” атамаси дастлаб америкалик олим Т. Левитнинг “Гарвард бизнес реўю” журналининг 1983 йилги сонларидан бирида тилга олинган.

Албатта таъкидлаб ўтишимиз керак, глобаллашув жараёнининг ёшлар тарбиясидаги ижобий жиҳатлари билан биргаликда айрим салбий таъсирларига ҳам гувоҳ бўлаяпмиз. Шундай экан, глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий тарбия тизимини янада такомиллаштириш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, ёш авлоднинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш катта аҳамият касб этади.

Айни пайтда миллат ва мамлакат келажаги йўлида ёшлар масъулиятини янада ошириш масаласи шу куннинг ўта муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда. Бизнинг назаримизда бунинг қатор йўллари мавжуд деб, тарих фанлари доктори, профессор А.Маврулов ўзининг “Ватанни севиш масъулияти” деб номланган китобида қўйидаги фикрларни баён этади: “...Жамият ривожланишида фуқаролар, айниқса ёш-йигит қизларнинг ижтимоийлашувига алоҳида эътибор бериш лозим. Маълумки, ижтимоийлашув – у ёки бу воқеа, шахс ёки ҳаракатнинг ижтимоий моҳият касб этиб, қўпчиликка даҳлдор бўлиб, ижтимоий муносабатлар

мужассамига айланиб боришини англатадиган тушунча ҳисобланади. Ижтимоийлашув аслида Шарқ миллий-маданий меросида, хусусан, ўзбек миллий характерига хос ҳодисадир. Ўзбеклар азал-азалдан ўз олдиларига барча вазифаларни жамоавийлик асосида ҳал этганлар. Биргина ҳашарни олиб кўрадиган бўлсак, у шубҳасиз, кишилар ижтимоийлашувининг юксак кўринишидир”[3.93].

Дарҳақиқат, ижтимоийлашув тушунчасига психологик нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, шахс ўзини англашида ижтимоий муҳитнинг таъсири муҳим ҳисобланади. Чунки, шахснинг ўз-ўзини англашини психологлар шартли равишда тўртта ўзаро боғлиқ томонларини кўрсатиб ўтадилар:

1. Ўз-ўзини билиш. 2. Ўз-ўзига муносабат. 3. Ўз-ўзини ҳис қилиш. 4. Ўз-ўзига таъсир кўрсатиш. Демак, хулоса қилиш мумкинки, ёшлардаги ўз-ўзини билиш асосида ўзликни англаш, ўз-ўзини бошқариш, тарбиялашгача олиб бориш мумкин экан.

Шу ўринда ёшлар масъулиятини янада оширишга имкон берадиган муҳим жиҳатлардан бири - уларнинг компетентлигиdir. “Маънавият: асосий тушунчалар” изоҳди лугатида “компетентлик”ка қуйидагича таъриф берилади: “Компетентлик – маълум ҳолат хусусида тўғри мулоҳаза юритишга имкон берадиган билимга эга бўлиш, далил-исботли фикр, кишининг муайян соҳада савиясини ифода этадиган атама”.

Хўш, нима учунбиз ёшлар масъулияти хусусида фикр юрита бориб айнан компентентлик тўғрисида сўз очдик. Бунинг қатор сабаблари бор. Биринчидан, илм-фан тобора ривожланишиб борган сари билимлар кучайиб бормоқда. Билимлар уммонида ягона тўғри хулосани айта билиш жуда қийин. Иккинчидан, ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги босқичидабир-бирига зид, бир-бирини инкор этувчи фикрлар жуда кўпайиб кетган. Уларнинг мантиқан энг тўғрисини топиш ва бу бўйича ҳаракат қилиш осон эмас. Учинчидан, турли имкониятлар ичида ягона тўғри қарорниқабул қилишдан ҳам мураккаб вазифа йўқ.

Буларнинг бори шахсдан, ёш йигит-қизлардан кучли компетентликни талаб этади. Компетентлик ўз-ўзидан ҳосил бўладиган даража эмас. Унинг учун ҳар бир ёш йигит-қиз ўз билим соҳасини мукаммал эгаллаши, муайян педагогик, психологик кўникмаларга эга бўлиши, бошқарув тизимиданхабардор бўлиши лозим. Компетентлик аслида аниқлик, равонлик, мантиқан фикр юрита билиш, тўғри хулоса чиқара олишкабиларни тақозо этади. Миллат келажаги учун қайгура оладиган, унинг тақдирига ўзининг даҳлдор деб билган, том маънода масъулиятли шахс аслида компетентли шахсдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, глобаллашув жараёнлари ҳам обьектив жиҳатлари билан ҳам субъектив томонлари билан бугун кўз-ўнгимизда тобора намоён бўлиб бораётган воқелик сифатида ривожланиб бормоқда. Шундай экан, ўсиб келаётган ёшларда Ватанг бўлган масъулият тушунчасини шакллантириш масаласи долзарблигини юқотмайди. Бу жараёнда таълим-тарбия

масаласида янада янги механизмларни яратиш, бугунги кундаги зарур вазифалардан бири ҳисобланади.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРНИНГ МАФКУРАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИ ВА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТИНИ ШАКЛАНТИРИШ ШАРТЛАРИ

Хайдаров Холбек Хайдар ўғли

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Тошкент и.

Давлатимиз раҳбари доимий равишда бугунги даврнинг қатор муаммоларига: халқаро терроризм, диний экстремизм, жамиятда, айниқса, ёшлар орасида ёт гоялар тарқалиши каби хавф-хатар ва таҳдидлар, уларнинг мутасадди идоралар томонидан ўз вақтида олдини олиш ва чек қўйишга доир кескин чора-тадбирлар кўришни талаб этаётганини таъкиддайдилар.

Президент Ш. Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72- сессиясидаги нутқида қатор масалалар билан бирга 30 ёшга тўлмаган ёшлар орасидаги жиноялтлар сони ортганлигини, айни пайтда дунё бўйича ёшларнинг сони 2 миллиард кишига етганлигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Бугунги кунда жамиятимизнинг энг йирик қатлами ёшлар ва уларнинг муаммосига ҳар тарафлама ёндашиш, уларнинг истак-ҳоҳишларини, орзу-умидларини, бир сўз билан айтганда ҳаётий мақсадларнини аниқлаб олиш олдимизда турган устувор вазифа ҳисобланади. Ёшлар ва катталар ўртасидаги тафовут катта, дейди педагогика фанлари доктори, “Республика маънавият ва маърифат маркази” раҳбар ўринбосари Муҳаммаджон Куронов, – Йилдан-йилга одамларнинг турмуш шароити, ўз мақсадларига эришиш воситалари ўзгаряпти. Бу табиийки ёшлар қадриятларнинг ўзгаришига ҳам олиб келади. Бундан юз йил аввал андиша, уят орқали мақсадга эришилган бўлса, гарбдан кириб келаётган “оммавий маданият” ниқоби остидаги иллатлар касофати билан бу қарашлардан воз кечиляпти. Бу айниқса Фарбда кескин намоён бўляпти. Уларда “лост женерейшн”, яъни “бой берилган авлод”, деган ибора бор. Бу авлод ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайди. Ҳатто жамият томонидан қабул қилинган меъёрлар улар учун иккинчи даражали. “Мен” деган эгоистик детерминатор уларда етакчилик қиляпти. Бунинг мисолларини Фарбда кўп бора кўрдик. Аслида ёшлар қадриятлари ўзидан олдинги авлоднинг қадриятларига зид эмас. Умуман, қадриятлар ўзгаргани йўқ. Айтайлик, билимлилик ёшлар учун қадрият. Бироқ ёшлар ҳар доим ҳам уларни тўғри англолмайди. Ёшларда ҳисобдорлик туйғуси кучли. Уларнинг энг зўравони ҳам ўзини жамият олдида бўлмаса ҳам, жуда бўлмаганда ота-онаси олдида ҳисобдор деб

билади. Мана шу жанжалнинг кенг тус олишида ҳам ўртоғи, колледждоши, маҳалладоши олдиғарлық түйгуси туфайли, деса тўғрироқ бўлади. Фарбда эса ундей эмас. Фарбда жамиятнинг “атомлашуви” кузатилмоқда. Бу дегани, жамиятда икки кишини боғлайдиган ҳеч нарса йўқ. Одамлар орасида автоном турмуш тарзи кенг ёйилиб кетмоқда. Қулоғида “наушник”, кўзи телефон экранига қадалган ҳолда одамлар орасида автоном яшаш – жамиятнинг “атомлашуви”. Мана, ёшларнинг жамиятдан бегоналашишининг бошланиши. Моддийлик маънавиятдан устун келмаслиги керак. Акс ҳолда одам одамга худади ғарбдагидек. восита сифатида қарашни бошлайди. Бизда эса кўнгилга йўл топиш қадрият ҳисобланади.

Ёшлар жамиятда ўз ўрниларини тополмай қолишлари ва натижада муаммоли ёшлар термини билан аталаётганликлари улардаги ҳаётий позицияларнинг тўғри шакллантирилмаганлиги билан бевосита боғлиқ. Бирор воқеа ҳақида инсоний тасаввурлар ҳосил бўлиши учун аввало билимнинг мавжуд бўлиши талаб этилади. Ахборот оқимининг шиддат билан кириб келиши эса бугун ёшлар онгигда мафкурага эҳтиёжнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Эҳтиёж тушунчаси инсонни ташқи дунёга бўлган муносабатини билдиради. Эҳтиёж шахс, гурух, умуман жамиятни ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган моддий, ижтимоий, руҳий борлиққа бўлган ижтимоий дунёқараси. Эҳтиёж – инсоннинг яшashi ва камол топиши учун керакли ҳаётий воситаларга бўлган зарурият. Ёшлар муаммоларидан ҳисобланган диний экстремизим, “оммавий маданият”, терроризм, уюшган жиноятчилик, ноқонуний миграция, одам савдоси, “Ватан хоини” га айланиш каби салбий ҳолатларнинг аксариятида мафкуравий эҳтиёжнинг тўлиқ қондирилмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Инсонда бирор нарсага нисбатан эҳтиёж юзага келадиган ва ўз навбатида унинг ўрни тўлдирилмайдиган бўлса, қандайдир оғишиш ҳолатлари юзага келиб қолади. Масалан, организмимизнинг сувга бўлган эҳтиёжи мавжуд. Сувга бўлган эҳтиёж ўз вақтида қондирилмаса, дегидрататсия ҳолати, яъни организмда сув балансининг бузилиши юзага келади. Билимга бўлган эҳтиёж қондирилмаса, инсонда маънавий камолот, тафаккур ривожланиши нормага қараганда пастроқ бўлиши мумкин. Ҳудди шундай мафкуравий эҳтиёж ўзига мос таклиф билан қондирилишга зарурат сезувчи тушунчадир. Агар у қондирилмаса, инсон миясида бўш жой пайдо бўлади. Ёшлар онгигда, руҳиятида мавжуд бўлган мафкуравий бўшлиқ аслида эҳтиёж натижасида ривожланган ва турли ёт ғояларнинг сингдирилиши учун “қулай жой” ҳисобланади. Бугунги кун ёшларида кузатилаётган ушбу ҳолатни бартараф этиш учун мафкуравий иммунитетни таркиб топтиришга ҳаракат қилишимиз зарур.

Иммунитет – тиббиёт атамаси бўлиб, организмнинг турли касалликлардан ўзини ҳимоя қила олиш қобилиятини англатади. Мафкуравий иммунитет

тет – онг ва тафаккурнинг шахсни турли бузгунчи гояларданҳимоя қила олиш қобилиятидир. Киши жисмонан қанча бақувват бўлса, унинг организми турли касаллликларни авж олмасдан туриб тез бартараф эта олади. Шунингдек, инсон онгти қанча соғлом бўлса, у турли бузгунчи гоялар таъсирига берилмайди. Организм микробларни енгса, онг ёвуз фикрлар, ташвиқотларни бартараф этади. Мафкуравий иммунитетнинг асосий қуроли объектив билимлар ва маънавий қадриятлардир. Қадриятлар инсон маънавий қиёфасини белгилаб берувчи муҳим омил. Ёшлардаги мафкуравий эҳтиёж қондрилмаслиги натижасида юзага келаётган қатор муаммоли ҳолатларни бартараф этиш учун, биз бевосита инсоний қадриятларни шакллантириш ва мафкуравий иммунитетни таркиб топтириш жараёнига эътибор беришимиз керак.

Ижтимоий ҳаётда “муаммоли” ёшлар сонини камайтириш учун қуидаги тавсияларни беришни лозим деб топдик:

- ёшларнинг қадриятлар тизимиға таъсир қилувчи самарали воситаларни топиш;
- жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш;
- ёшларни, хусусан “муаммоли” ёшларни диний-экстремистик ва бошقا бузгунчи гоялар таъсиридан, четдан “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган таҳдидлардан асрар, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликларни олдини олишга кўмаклашишда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини янада ривожлантириш;
- маҳсус клублар фаолиятини йўлга қўйиш орқали уларда таянч компетенсияларни таркиб топтириш;
- диний билимлар бериш, диний маърифатни ривожлантириш орқали юзага келиши мумкин бўлган адоват, ғазаб, ҳасад ва кибр қаби салбий ҳолатларни олдини олиш;
- ёшлар орасида китобхонлик маданияти ва китоб танлай олиш дидини ривожлантириш.

Хулоса қилиб айтганда, миллий истиқдол гояси, юрт шаъни учун пойдевор вазифасини ўтовчи мафкуравий иммунитетга нисбатан бугунги кун ёшларнинг эҳтиёжлари баланд. Кимdir буни англаб, эҳтиёжларни муносиб таклифлар билан бартараф қилишга эришмоқда. Бефарқлик қилиб муаммони авж олдириб юбориш ҳолатларига ҳам афсуски кўплаб гувоҳ бўлмоқдамиз. Нима бўлган тақдирда ҳам шуни унутмаслигимиз керакки, бугуннинг эътиборсиз қолдирилган ҳар қайси масаласи эртага газак олиб, давосиз ҳолатга айланиши мумкин. Шундан келиб чиқсан ҳолда, турли салбий оқибатларни олдини олиш ва бартараф этишда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилишимиз керак.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА МАЊНАВИЙ МЕРОСНИНГ АҲАМИЯТИ

Азизқулов А.
СамИСИ доценти, ф.ф.н.
Абдурахмонов И.
СамДУ магистранти

Кишилик жамияти ўз тараққиётининг навбатдаги – информацион жамият босқичига қадам қўйди. Информацион цивилизация босқичи ва глобаллашув жараёни кишилик жамияти тараққиётига хос бўлган табиий-тарихий жараён бўлиб, муайян шарт-шароитлар ва омиллар таъсиридавужудга келди. Инсоният ижтимоий эҳтиёжининг ҳосиласи бўлмиш глобаллашув жараёнининг ижобий жиҳатлари «давлатлар ва ҳалқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларини кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат кашф этиши, экологик оғатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши» билан белгиланади¹⁶.

Глобаллашув жараёнинг салбий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб, у кўпроқ “оммавий маданият” ниқоби остида миллий мањнавий қадриятларимизда таҳдиid сифатида намоён бўлмоқда. “Оммавий маданият” ёки информацион хуруж кўринишидаги мањнавий таҳдиидларнинг хавфи шундаки, бунда гўёки гарбдаги замонавий маданият тамойиллари тарғиб этилаётиганидек ва бунинг ҳеч кимга ҳеч қандай таъсири йўқдай туюлади. Масалан, турли хил кийим-кечаклар ва парфюмерия буюмларида ёпиштирилган ёриқлардаги беҳаё расмлар ҳам “оммавий маданият”ни тарғиб қилишининг бир кўринишидир. ОАВларида намойиш этилаётган турли хил сериаллар, кўрсатувларнинг айримлари ҳам Фарбдаги “оммавий маданият”ни тарғиб этишдан бошқа нарса эмас.

Аслида эса бу пинҳона ҳатти-ҳаракатлар ва иллатлар замирида миллий мањнавиятимизга таҳдиid, шарқона ахлоқ-одоб тамойилларига асосланган ҳамда асрлар давомида сайқалланиб келинган миллий қадриятларимиз илдизларига барҳам бериш, ёшларимизни миллий ифтихор ва ғурур туйғуларидан, ўзлигидан бегоналаштириш каби гаразли мақсадлар ётади.

¹⁶ Каримов И.А. Юксак мањнавият - енгилмас куч. Т. “Мањнавият”, 2008, 112-бет.

“Оммавий маданият” замиридаги маънавий таҳдиидни биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай изоҳлаган эди: “...“Оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм тояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошقا халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзини маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришига қаратилган хатарли таҳдиidlар одамни ташвишга солмай қўймайди”¹⁷.

“Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдиidlарга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пингҳона кўринишдаги таъсирларига бардош бериши амри маҳол”¹⁸.

Маънавий таҳдиidlар ва ахборот хуружларидан ҳимояланиш мураккаб жараён бўлиб, фуқаролардан ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлиш талаб этилади.

Афсуски, “оммавий маданият”га хос иллатларни, хусусан Фарбдаги анъана ва үдумларга бевосита тақдиd, беҳаёй кийиниш ва бачкана қилиқларни айрим ёшларимизда ҳам кузатилмоқда. Санъат аҳлининг ҳамда ёшларимизнинг айрим қисмларини “Оммавий маданият”га тақдиidi жамиятда жаҳолат илдизини отишига олиб келиши мумкин. Бу хусусида Республикализнинг Президенти Ш. Мирзиёв шундай деган эди: “Биз бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар “оммавий маданият” таҳдиidi фақат четдан – Фарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин. Мен бу гапларни осмондан олиб айтиётганим йўқ. Юртимиизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китобларни, суратга олинаётган баъзи клип ва киноларни, эфирга берилаётган қўшиқ ва рақсларин кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий.

Энг ёмони, бадиий ижод соҳасида жаҳолат кўринишлари кучайиб бормоқда”¹⁹. Ёшларимизни бундай жаҳолатга берилиб кетмасликларини уқтирас экан Президентимиз шундай дейди: “...маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимизда жуда муҳим вазифалар турибди”²⁰. Шу боис ҳозирги мураккаб ахборотлашган жами-

¹⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т. “Маънавият”, 2008, 117-бет.

¹⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т. “Маънавият”, 2008 й., 113-бет.

¹⁹ Мирзиёв Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавийолаимни юксалтиришнинг м устаҳкам пойdevoriidir//Халқимиз розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.”Ўзбекистон”2018й.195 бет.

²⁰ Ўша ерда.

ят босқичида ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий ахлоқий қиёфасини шакллантириш таълим-тарбия тизимининг энг долзарб масаласи ҳисобланади. Маънавий таҳдидалар ва ахборот хуружлари кучайган бир пайтда ёшларни мағкуравий иммунитетини шакллантириш, уларда миллый ўзликни англаш туйғусини такомиллаштириш давр талабидир. Ёшларни маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришнинг бир қанча асос ва омиллари, усул ҳамда воситаларимавжуддир. Асрлар давомида шаклланган ва аждодларимиз томонидан сайқалланиб келинган миллый қадрияларимиз – ёшлар маънавий қиёфасини шакллантиришнинг энг муҳим омилидир.

Аждодларимиз томонидан яратилган улкан илмий маънавий меросда ёшлар ахлоқий қиёфасини шакллантиришга алоҳида ургу берилади. Мутафаккир алломаларимизнинг аксарияти шахс маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришга оид маҳсус асарлар яратиб қолдирганлар. Юсуф Хос Xожибининг “Кутадгу билик”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Алишер Навоийнинг “Маҳбубул қулуб”, “Ҳайрат ул-аброр”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи Султоний ёхуд Жавонмардлик тариқати» ва «Ахлоқи муҳсиний» асарлари Шарқ ҳалқлари маънавий тараққиётида муҳим ўрин эгаллаб келган.

Мазкур асарларда шукр ва сабр қилишлик ва унинг фазилатлари баён этилиб, ҳаё, покизалик, олийҳимматлик, событқадамлик, адолатли бўлиш, авф этиш, шафқатли ва марҳаматли бўлиш каби ахлоқий фазилатлари тарғиб этилади. Шунингдек, бу асарларда киши фаолиятида чиройли хулқ ва мулоҳимлик фазилатларининг моҳиятини очиб берилади. Омонат ва диёнат, вафо ва аҳд, ростгўйлик каби ахлоқий фазилатлар хусусида мутафаккир алломаларимиз батафсил тўхталиб ўтадилар. Оҳисталик ва шошилмаслик, андишалик каби хислатларни киши ахлоқ одобида тутган ўрнини баён этар эканлар, шижаот, ғайрат, фурсатни ғанимат билиш киши учун зарур фазилат эканлигига алоҳида тўхталиб ўтади. Мазкур асарларда турли миллатлар ва динлар вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, тинч-тотувлик каби бағрикенглик тамоили илгари сурлади.

Мутафаккир алломаларимиз асарларида ислом динининг соф моҳияти очиб берилади ҳамда ҳар қандай зўравонлик ва мутаассиблик, босқинчилик, киши жонига қасд қилиш каби жоҳиллик хислатлари қораланади, сохта пир ва сохта тариқатчиларнинг асл қиёфасини фош этадилар. Шунинг учун узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида, хусусан мактабгача таълим тизимидағи тарбияланувчиларда миллый маънавий мерос, миллый қадрият ва анъаналарнинг илк тушунчаларини қарор топтириш бўйича таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқот ишлари тизимини яратиш ва босқичма босқич жадаллаштириб бориш лозим. Марказий Осиё мутафаккиларининг илмий-маънавий меросига таянган ҳолда миллый таълим-тарбия тизими ижобий натижаларга эришга ёрдам беради. Жаҳонда мағкуравий, гоявий ва ахборот курашлари кучайиб бораётган мураккаб ва таҳликали глобаллашув жараёнида маънавий-маърифий ишларни замон

талаблари асосида ташкил этиш, фарзандларимизни турли мафкуравий хуружлар ва маънавиятга қаратилган таҳдидлардан ҳимоя қилишга, ҳар бир ёш авлодни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда дунёда юз берайтган воқеаларга даҳлдорлик ҳиссини оширишда миллий маънавий меросимиз муҳим ўрин тутади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аввало, ҳозирги мураккаб глобаллашув жарайёнида талаба ёшларимизни маънавий таҳдидлар ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш таълим-тарбия тизимининг энг долзарб масаласи ҳисобланади.

Иккинчидан, ёшларимизни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя этиш ва уларда миллий ўзлигини англаштуйғусини ҳамда маънавий–ахлоқий қиёфасини шакллантиришда миллий маънавий меросимиз, мутафаккир алломаларимизнинг илмий мероси муҳим назарий манбалардин бири бўлиб хизмат қиласди. Учинчидан миллий маънавий меросимиз ёшларимизда миллий ахлоқ-одоб қоидалари ва шарқона этикетталабларини сингдиришда муҳим тарбиявий асос бўлиб хизмат қиласди. Тўртинчидан ёшларимизни турли маънавий таҳдидлардан, диний экстремистик ва “сохта тариқатчилик” гояларидан ҳимоя этишда ҳамда тасавввуф таълимотини асл моҳиятини объектив тушиниб олишда мутафаккир алломаларимиз илмий мероси муҳим назарий манбалардин бири бўлиб хизмат қиласди.

ПРИОРИТЕТНЫЕ ЦЕННОСТИ МОЛОДЁЖИ УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Закиров Шакирджан Мамажанович
кандидат философских наук, ТГТУ Алмаликский филиал,
Абдукадов Абдукаюм Абдулаевич
кандидат исторических наук, АФ НИТУ “МИСиС”

Государственная молодёжная политика является движущей силой в интегрировании усилий различных молодёжных государственных и негосударственных организаций, в создании правовых, экономических и организационных условий и гарантий для самореализации личности молодого человека и развитии молодёжных объединений и движений. Повышение духовности молодежи, воспитание юношей и девушек достойными потомками наших великих предков, в духе уважения к национальным традициям и ценностям определены в качестве приоритетного направления государственной политики, в частности, в принятом Законе «О мерах по повышению эффективности государственной моло-

дежной политики и поддержке деятельности Союза Молодежи Узбекистана».

В нынешних условиях глобализации все более актуальным становится вопрос предупреждения различных угроз, ограждения сознания и мышления молодежи от разрушительного воздействия «массовой культуры», повышения роли и значения образовательных учреждений в этом процессе.

Формирование здорового и гармонично развитого поколения, воспитание молодежи в духе преданности национальным традициям, уважения общечеловеческих ценностей являются приоритетным направлением государственной политики, целью всех наших благородных устремлений. В стране созданы условия для образования, воспитания и профориентации юношей и девушек, их занятий спортом и искусством. Пользующаяся этими возможностями молодежь повышает свой потенциал и вносит вклад в развитие страны.

Однако в нашем обществе еще есть силы, стремящиеся сбить молодых людей с истинного пути. Для достижения этих целей они скрывают свое влияние под видом «массовой культуры».

С целью ограждения молодежи от негативного воздействия этих влияний при сотрудничестве некоммерческой организации Союза молодежи Узбекистана, объединяющей молодое поколение Республиканского научно-практического центра национальной идеи и идеологии подготовлены пропагандирующие фильмы и материалы. Среди молодежи проводятся социологические опросы. Различные мероприятия в этом направлении проходят в столице – городе Ташкенте, областях и районах, образовательных учреждениях и махаллях. Главной целью этой деятельности является ограждение подрастающего поколения от антигуманистических и безнравственных идей, воспитание юношей и девушек в духе уважения к бесценному духовному наследию нашего народа.

Сегодня государственная молодёжная политика осуществляется посредством воплощения в жизнь целевой программы «Гармонично-развитое поколение – основа прогресса Узбекистана». Разработана система органов, занимающихся вопросами занятости молодёжи, развития и поддержки молодёжного предпринимательства. Одним словом, наблюдается целенаправленная активизация социальной деятельности всей молодёжи Узбекистана, работа ведётся с учётом всех возрастных категорий, всех профессиональных сфер, с охватом всех территориальных и этнических своеобразий.

Следует отметить, в Узбекистане происходит интеллектуальный социально-культурный прогресс, то есть, массовый всплеск образовательно-творческого порыва молодёжи. Конечной целью данного процесса является всесторонняя подготовка молодых людей к жизни, к самостоятельному развитию, умеющих противостоять различным идеологическим воздействиям и решающих жизненные проблемы. В этом процессе большая ответственность возлагается на Союз

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёилари

молодежи Узбекистана, который, ставит перед собой высокие цели по воспитанию физически здорового, духовно-зрелого и интеллектуально-продвинутого поколения, умеющего самостоятельно мыслить, защищать молодых людей от вредного воздействия внешнего мира и «массовой культуры».

В заключении нам представляется целесообразным предложить некоторые рекомендации для повышения эффективности деятельности Союза молодёжи Узбекистана.

Во-первых: критически проанализировать деятельность предыдущего молодежного движения “Камолот”, культивировать положительный опыт и активно отказываться от бюрократизма, формализма и “кампанейщины”.

Во-вторых: в своей деятельности руководствоваться научно разработанной стратегией действий, ясными ориентирами и реальными цифровыми показателями.

В-третьих: руководство Союза молодежи составляет наиболее образованная часть молодежи республики, соответственно, на ней лежит самая большая ответственность за умы, сердца своих сверстников, это, своего рода локомотив перспективного состава населения страны, т.е. от его ориентиров, приоритетов и ценностей зависит духовная атмосфера в молодёжной среде, что может, в конечном счете, влиять на перспективу развития страны.

В-четвертых: деятельность молодежной организации будет эффективной лишь тогда, когда в ее орбиту будет вовлечена вся без исключения молодёжь страны, в первую очередь, т.н. неорганизованная ее часть, и, когда степень удовлетворения потребностей, прав и свобод молодежи будет наивысшей.

В-пятых: целесообразно приоритетной ценностью в своей деятельности обозначить следующую триаду – духовное богатство, высокий профессионализм и достижение всеобщей занятости молодежи производительным трудом.

GLOBALLASHUVNING YOSHLAR SOTSIAL-SIYOSIY QIYOFASIDAGI O'ZGARISHLARGA TA'SIRI

Dilrabo Fazilova Xudaykulovna
Jizzax VXTXQTМОНМ, katta o'qituvchi

*Bu dunyo kurash maydonidir. Sog'lom tan, o'tkir
aql va yaxshi ahloq bu maydon qurolidir.
Abdurauf Fitrat*

Darhaqiqat, bugungi globallashuv jarayonlari hech kimni chetlab o'tmayapti. Hox u ijobjiy bo'lsin, hox salbiy o'ziga ohangrabodek jalg qilmoqda. Ayniqsa bu

jarayonlarning asosiy e'tibori yoshlarga qaratilmoqda. Chunki yoshlar har qaysi mamlakatning harakatlantiruvchi kuchi hisoblanadi.

Mamlakatimizda 18 yoshgacha bo'lgan yoshlar aholing 40 foizini, 30 yoshgacha bo'lganlar esa 64 foizdan ko'prog'ini tashkil etadi. Bu kuch-g'ayratga to'lgan, davlatimizning ertangi kuni, istiqbolini yaratadigan asosiy qatlama aholining ko'pchilik qismini tashkil etishi bilan izohlanadi. Shu bilan birga yoshlar hozirgi globallashuv jarayonlarida hayotiy pozitsiyasi ega bo'lish masalasi o'z dolzarbli va ahamiyatini hech qachon yo'qotmaydigan muammo darajasiga ham ko'tarilib bormoqda. Chunki bugungi tez o'zgarayotgan dunyo yoshlar oldida yangi-yangi, buyuk imkoniyatlarni ochish bilan birga har xil tahdidlarni ham yog'dirmoqda. Globallashuv jarayonlari yoshlar sotsial-siyosiy qiyofasidagi o'zgarishlarga ham ta'sir etib, o'ziga xos xarakterga ega bo'lib bormoqda.

Birinchidan, globallashuv jarayonlarining yoshlar sotsial-siyosiy qiyofasidagi o'zgarishlarga ta'siri asosan axborotlar almashinuvida sezilmoqda. Bu almashinuvar yoshlarni keng imkoniyatlarga chorlash bilan birga har xil ma'naviy tahdidlarga ham undamoqda. Yoshlar axborotlarni qabul qilishda media madaniyatga ega bo'lsalar, ularda axborot xavsizligi ta'minlanishi mumkin. Aks holda yoshlar bugungi axborot xurujlarining qurbaniga aylanishadi. Bu jarayonlarning yoshlar sotsial-siyosiy qiyofasidagi o'zgarishlardanamoyon bo'lishini yosh nuqtai-nazardan qatlamga bo'lib tahlil qiladigan bo'lsak, birinchi qatlama sifatida umumta'lim maktablarida o'qiyotgan o'quvchi yoshlar masalasi ham dolzarb bo'lib bormoqda. Bu qatlamga 14-17 yoshgacha bo'lgan o'quvchi yoshlarni kiritadigan bo'lsak, ular sotsial-siyosiy qiyofasi to'la shakllanmagan yoshlar hisoblanadi. Chunki bu yoshlar siyosiy jarayonlarning ishtirokchisi bo'la olmaydi. Lekin, ularda ta'lim jarayonida olgan huquqiy bilimlari asosida siyosiy qarashlari qisman bo'lsada shakllangan bo'ladi. Shu bilan birga ular mehnat qilish huquqiga ega bo'lganligi sababli jamoat ishlarida ham ishtiroki bo'lishi mumkin. Umuman olganda, bu qatlama yoshlarining sotsial-siyosiy qiyofasiga axborotlar olamining ta'siri kuchli bo'lishi aniq. Ikkinci qatlamga oliy-ta'limda o'qiyotgan talaba yoshlarni kiritdik. Ularni o'rtacha 17-25 yoshgacha bo'lganlarini oladigan bo'lsak, bu yoshlarning mamlakat ijtimoiy-siyosiy jarayonlardagi ishtiroki ularning sotsial-siyosiy qiyofasida namoyon bo'lishi bilan ham izohlanadi. Bu yoshlarda axborotlar olamidan foydalanish bo'yicha bir muncha ko'nikma va malakalar shakllangan bo'lib, ko'pchiligidan axborotlar bilan ishlash kompetensiyasi ham shakllanib ulgurgan. Bu yoshlar siyosiy jarayonlarga nisbatan mustaqil munosabat bildira oladilar hamda o'z fuqarolik pozitsiyasiga ega bo'lishga harakat qiladilar. Uchinchi qatlamga esamehnat qilayotgan ishchi-xodim yoshlarni kiritdik. Bu yoshlar 25-30 yoshgacha bo'lgan yoshlar hisoblanib, jamiyatdagi pozitsiyasi bilan ajralib turadigan qatlama hisoblanadi.

Yoshlarning siyosiy faolligi jamiyat taraqqiyotini ta'minlovchi asos hisoblanadi. Bugungi kunda O'zbekiston aholisining 64 foizidan ko'prog'ini tashkil qiluvchi

yoshlar mehnatga jalb etilgan mehnat resurslarining yarmidan ko‘pini tashkil etadi. Ular jamiyatning har bir jabhasida o‘ziga xos o‘rniga ega bo‘lib bormoqda. Jumladan, 2019 yil 22 dekabrda O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasiga bo‘lib o‘tgan saylovda ro‘yxatga olingan saylovchilarning 55,2 foizi, ya’ni 11 million 371 ming nafardan ziyodini 30 yoshgacha bo‘lgan yoshlar, shu jumladan, 2 million nafarga yaqinini saylovda birinchi marta ishtirok etuvchilar tashkil etgan. Saylov natijalariga ko‘ra Respublika Oliy Majlisi Qonunchilik palatasiga saylangan deputatlarning 9 nafari yoki 6 foizi 30 yoshgacha bo‘lganlarni tashkil etib, ularning 7 nafari erkak va 2 nafari ayollardir. Eng yosh deputat 26 yosh bo‘lib, u Xalq demokratik partiyasidan saylangan. SHu bilan birga 2 nafar 33 yoshli va 1 nafar 32 yoshli nomzodlar ham deputatlikka saylangan. Oliy Majlis Senatiga bo‘lib o‘tgan saylov natijalariga ko‘ra esa 1 nafar yosh senatorlikka tayinlangan.

Bu ko‘rsatkichlar yoshlar sotsial-siyosiy qiyofasini qaysidir darajada shakllanganligini bildiradi. Bu qiyofaning shakllanishida esa axborot olamining o‘rni alohida ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun ham yoshlarda axborotlar xavsizligini ta‘minlash borasida mamlakatimizda bir qancha huquqiy-me’yoriy asoslar qabul qilindi. Jumladan, Prezidentimizning 2017 yil 7 fevralda qabul qilingan “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmonida belgilangan beshinchi ustuvor yo‘nalishda “axborot xavfsizligini ta‘minlash va axborotni himoya qilish tizimini takomillashtirish, axborot sohasidagi tahdidlarga o‘z vaqtida va munosib qarshilik ko‘rsatish” [6] borasidagi vazifalar belgilab berildi. Shu bilan birga 2017 yil 8 sentyabrda qabul qilingan “Bolalarni ularning sog‘lig‘iga zarar yetkazuvchi axborotdan himoya qilish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi qonunidavoyaga etmagan bolalarni ularning sog‘lig‘iga zarar yetkazuvchi axborotdan himoya qilish maqsadida axborot mahsulotining yoshga oid tasnifiishlab chiqildi va televideniyadagi barcha axborotlar shu asosda namoyish etilmoqda.

Yoshlar o‘zining sotsial-siyosiy qiyofasini ijtimoiy muhit ta’sirida namoyon etadi. Ana shu ijtimoiy muhitga globallashuvning ta’siri keng imkoniyatlar berish bilan birga bir qancha muammolarni ham keltirib chiqarmoqda. Keng imkoniyatlardan foydalanayotgan yoshlarning hayot tajribasi, bilimi boyib boradi. Aqlan va ahloqan boyib borgan sari yoshlarning madaniyati ham kamol topadi, ularning qiyofasida oliyjanob fazilatlar o‘z aksini topadi. Bularning hammasi har bir yoshni o‘z oldiga biror maqsad qo‘yib, unga erishish uchun harakat qilishga undaydi. Aksincha, berilayotgan imkoniyatlardan foydalanmasdan, boqimandalik, befarqlik ko‘rinishiga ega bo‘lgan yoshlar ana shunday muammolar girdobiga tushib qolmoqda. Ular foydalanayotgan axborotlarini filtdan o‘tkazmaydilar. Media savodxonlik va media madaniyatga ega emasligi ularni axborotlar xavfidan qutqara olmaydi. Shuning uchun ha bu toifadagi ayrim yoshlar sotsial-siyosiy qiyofasida globallashuvning salbiy jihatlari namoyon bo‘ladi.

Globallashuvning yoshlar sotsial-siyosiy qiyofasidagi o‘zgarishlarga ta’sirining

salbiy jihatlarini bartarab etish uchun birinchidan, ularda bosqichma-bosqich axborotlar bilan ishslash kompetensiyasini shakllantirish darkor. Ikkinchidan, yoshlarni bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etishga oila va jamoatchilik hamkorligini keng jalb qilish kerak. Uchinchidan, yoshlarni nafaqat davlat boshqaruviga, balki keng mehnat jarayonlariga jalb qilishda yoshlar tashkilotlari, siyosiy partiyalar hamda harakatlar hamkorlikda faoliyat yuritishlari zarur. To'rtinchidan, boqimandalik, befarqlik ko'rinishiga ega bo'lgan ayrim yoshlarda ona vatanga daxldorlik tuyg'ularini uyg'otish masalalari ishlab chiqilishi lozim.

Zotan, millat, davlat taraqqiyotida yoshlar miqdori bilan emas, balki fuqarolik pozitsiyasi bilan xizmat qilsin.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Рахмонов Ҳамро Ҳазратович,

*ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича
Мувофиқлаштирувчи-методик марказ таянч докторанти.*

Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ёшлар сиёсати мамлакат ҳаётининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Истиқололнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон Республикасида ёшларни ижтимоий сиёсий жараёнларга жалб қилиш, уларнинг ислоҳотлардаги фаол иштирокини таъминлаш орқали демократик янгиланиш жараёнларининг иштирокчиси сифатидаги ролини янада ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистонда ёшлар сиёсатини такомиллаштиришга бағишлиган алоҳида бўлим киритилди. Унда ёшларга нисбатан давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш масалалари устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Ёшларга оид сиёсат йўналиши бир қанча ривожланган давлатларда XX асрнинг 60-70 йилларидан мустақил соҳа сифатида шаклланган. Жаҳон ҳамжамияти томонидан 1985 йил “Халқаро ёшлар йили” деб эълон қилиниб, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Халқаро ёшлар йили: иштироки, ривожланиш, тинчлик”, “БМТ ва ёшлар ҳамда ёшлар ташкилотлари ўртасидаги алоқа воситалари”, “Ёшлар учун имкониятлар” номли учта резолюциялар қабул қилингандан кейин ёшлар масаласи янада долзарб аҳамият касб эта бошлади. Дунёнинг бошқа мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида ёшлар ижтимоий қатлами манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш давлат сиёсатининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Тарихий жиҳатдан қисқа муддат ичида ёшларга оид давлат сиёсати ва уни амалга оширувчи институтлар фаолияти янгича

мазмунда қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон аҳолисининг салмоқли қисми ёшлардан иборат бўлиб, улар мамлакат келажагини ҳар томонлама юксалиши кафолати сифатида хизмат қиласди. Ўзбекистоннинг улкан салоҳияти бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб ижтимоий-сиёсий ҳаётга фаол кираётган, замонавий билим ва касб ҳунар сирларини пухта эгаллаган, навқирон ёш авлод тимсолида яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”.

Республикада ўтган йиллар давомида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, болалар ва ёшларга оид 22 та қонун, Ўзбекистон Президентининг 27 та Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 46 та қарори, 200 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар йили” давлат дастури тўғрисида”ги Қарори (2008 йил 29 февраль); Ўзбекистон Республикаси “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни (2016 йил 14 сентябрь); Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони (2017 йил 5июль) шулар жумласидан. Бу каби меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишида ёшлар ташкилотлари муҳим аҳамиятга эга. 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, адлия органлари рўйхатидан ўтган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони 641 тани ташкил этган. Ушбу ташкилотларнинг фаолияти ёшларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга ҳамда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган[7]. Ўзбекистонда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Камалак” болалар ташкилоти, “Ёшлар ташаббуслари” маркази, сиёсий партиялар ҳузурида “Ёшлар қанот”лари, “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи” каби ёшлар ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда ёшлар ташкилотларининг фаолияти йилдан йилга такомиллашиб ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий фаоллигини оширишга, иқтидорли ёшлар билан бирга қишлоқ туманларидағи уюшмаган ёшлар қатламларини ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Республикада мустақилликдан кейин дастлаб 1994 йилда “Камолот” жамғармаси сифатида ёшлар ташкилоти тузилди. Кейинчалик мазкур жамғарманинг фаолияти ва ваколатлари такомиллашиб борди ҳамда 2001 йилдан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати номи билан қайта ташкил этилди.

2001-2016 йилларда фаолият юритган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати маълум маънода ёшларнинг кўмакчиси ва бирлаштирувчи марказ вазифасини бажарди. Аммо бу ҳаракат бутун Ўзбекистон ёшларини ўз атрофида бирлаштира олмаганилиги, ташкилотнинг асосий муаммоларидан биридир. Республиканинг чекка ва олис ҳудудлари ёшларининг аксарияти “Камолот” ЁИҲ эътиборидан четда қолиб, уларнинг мавжуд муаммолари ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ва амалий ёрдам кўрсатилмаган. Бу ўз навбатида ҳаракат фаолиятидан норозиликларни келиб чиқишига олиб келди ва ёшлар ташкилотлари, хусусан, “Камолот” ЁИҲ фаолиятидаги камчиликлар, юзасидан танқидий муносабатлар билдирилиб, бир гурух талаба ёшлар томонидан “Камолот” ЁИҲ билан рақобатдош “Президент қанотлари” ёшлар ҳаракатини тузиш таклифи ҳамбидирилган эди[8]. Бу каби эътиroz ва таклифлар негадир эътиборсиз қолдирилган ва “Камолот” ЁИҲ марказий Кенгаши ва жойлардаги бўлимлари бу каби танқидлардан хулоса чиқармасдан, иш фаолияти деярли ўзгаришсиз давом этди. Мазкур ташкилот ўз фаолияти давомида республика ёшларини ишончини тўла намоён эта олмади.

2017 йилнинг 30 июнь куни Ўзбекистон “Камолот” ЁИҲнинг IV қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иштирок этиши ва давлатимиз раҳбари томонидан “Камолот” ЁИҲ фаолиятидаги жиiddий камчиликларни кўрсатиб берилиши, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш муҳим вазифа сифатида уни долзарб йўналишга кўтарди. Мазкур қурултойда ушбу ташкилот ўрнида республика ёшларининг барча тоифа ва гурухларини қамраб оловчи, янгича мазмун касб этувчи мутлақо янги ташкилот - “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” ташкил этилди. Мазкур санани республикамида “Ёшлар куни” сифатида нишонлаш белгиланди. 2017 йил 5 июль куни янги тузилган ташкилотни қўллаб-қувватлаш ваҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишва Ўзбекистон ёшлари иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи”нинг вилоят, туман, шаҳарлардаги ташкилот раҳбарларининг ваколатлари кенгайтирилди. Улар жойларда вилоят ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари этиб тайинланиши ёшларга тўғридан тўғри давлат раҳбарига муаммолар юзасидан мурожаат қилиш ваколатини тақдим этди. “Камолот” ЁИҲ ўрнида тузилган ҳамда унга нисбатан кенгроқ ваколатларга эга бўлган “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи” бугунги кунда республиканинг барча вилоят, туман ва шаҳарларида барча таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда фаол, самарали, фаолият олиб бормоқда. Ҳозирда “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи” ва “Камалак” болалар ташкилотиеспублика ҳудудлари кесимида турли тоифадаги жами 10 миллион нафардан ортиқ ёшларни ягона мақсад ўйлида бирлаштира олди.

Ўзбекистонда ёшлар ташкилотлари фаолиятининг йилдан йилга такомиллашиб бориши республика келажаги бўлган ёшлар билан боғлиқ турли муаммоларини ўрганиб, бартараф этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2020 йил 30 июнь-Ёшлар кунида Олий Мажлис Сенати ҳузурида Ёшлар парламентини фаолият бошлиши кутилмоқда[9]. Бу эса ўз навбатида республика ёшларини миллий қонунчилигимиз билан яқиндан танишиб бориш, ҳуқуқий саводхонлигини доимий ошириб боришга имконият яратади.

Таъкидлаш лозимки, турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги дунё манзараларида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ эканини замоннинг ўзи кўрсатиб туриди.

Тобора глобаллашув жараёнлари авж олиб бораётган бир даврда эса ёшлар камолоти ва тарбияси муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясида нутқ сўзлаб “... ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик гояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир.

Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим”, деб таъкидлади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан туриб, глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёsatни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишини таклиф этади. Ўзбекистоннинг мазкур халқаро ташаббуси ўз вақтида билдирилган муҳим воқелик эди. Чунки, ёшлар таълими, маънавияти, ҳуқуқлари, камолоти каби масалалар бугун ҳар кунгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Шу маънода Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус республика ёшларини бўш вақтини мазмунли ўтказиш, маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ҳамда фидойи этиб тарбиялаш билан бир қаторда ҳудудлар бўйлаб иқтидорли ёш авлод вакилларини аниқлаб фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Юқорида кўрсатилган мақсад вазифаларни амалга оширишда бевосита ёшлар ташкилотлари фаолияти алоҳида ўрин эгаллайди.

**ИККИНЧИ ЙЎНАЛИШ:
ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИГА
ТАЪСИРИ**

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРДА МЕҲНАТСЕВАРЛИК ТҮЙГУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АФОРИЗМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Каримов Қаҳрамон Содиқович
*Қўйғон давлат педагогика институти
Мактабгача ва бошлангич таълим факультети
Ёшлар билан ишилаш бўйича декан ўринбосари*

Глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий тарбия тизимини янада такомиллаштириш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, ёш авлоднинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларда интернетдан фойдаланиш маданиятини кучайтириш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ана шундай шароитда фақатгина ўз фикри, тафаккури, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида ривожлантиришга ҳаракат қилган инсон, халқгина ўзини асраб қолиши мумкин. Ёшларимиз орасида умуминсоний фазилатлар шаклланишида афоризмлардан фойдаланишнинг аҳамияти тўрисида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Устозимнинг сўзлари ёдимда, “...муваффақият учун нима муҳим, истеъодд ёки меҳнатсеварлик? Велосипед учун қайси ғилдирак муҳим олдими ёки орқаси?” Шуниси аниқки, ишчининг жисмоний ғайрати,- деган эди М.Горкий-мўъжизалар яратишга қодир²¹. Бунинг учун табиат томонидан бериладиган алоҳида истеъоддни кутиб яшаш шарт эмас.

Инсоннинг мақсадга йўналтирилган фаолияти меҳнатdir. Меҳнат қилиш жараёнида инсоннинг дунёқарashi, тафаккури ривожланади. У туфайли инсон ўзининг истеъодди, қобилияти ва лаёқатини намоён эта олади. Меҳнатда инсон дунёқарashi шаклланади, билим савиёси кундан-кунга ортиб боради. Руҳий ва жисмоний комилликка эришади.

Нарса ва ҳодисалар, ҳолатларни, воқелик образларини эслаш, шунингдек, ижодий ҳаёл суриш жараёнига тасаввур²² деб аталишини инобатга олсан, дарс жараёnlарида нега талабаларга эркин ижодий фикрлаш муҳитини яратмаслигимиз керак? Касаллик туфайли зааралangan аъзо ва системаларни тиклаш учун маҳсус танлаб олинган турли жисмоний машқлар, беморни парвариш қилишга

²¹ Tafakkur gulshani. Vladimir Vorontsov. G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti T., 1989, 64-бет

²² Аминов М.Н. Тарбия. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, Т.; 2010, 401-бет.

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

оид чиниқтириш усуллари ва гигиеник воситалар тизими ёрдамида даволаш бадан тарбияси амалга оширилишига қиёслаб қаралганды, шахс(талабалар) нинг соғлом муҳит тарбиясида ўйлайманки, тассавур ва тафаккур қобилиягини ўстиришда ва соғлом фиклашда миллий қадрятларга мос, замон талабларидан келиб чиқиб, ўринли ишлатилган ҳикматли сўзлар ва афоризмлар албатта, ўз са-марасини беради. Чунки, ҳикматли сўзлар ҳудди эрта тонгда нонушта вақтида нон устида сурилган сариёғ каби тотли бўлади. Ўз ички кечинмаларимизга на-зар ташлаганимида, одам руҳий мавжудот сифатида ўз вужуди ва кўнглида юз бергаётган барча ҳиссий кечинмаларни ҳамиша тўлиқ изоҳлаб бера олмаслиги-ни кўрамиз. Афаризмлар биз тарифлаш анчайин мушкул кечинмаларга қисқа ва лўнда шаклда барча учун тушунарли тилда баён этилган бўлади.

Хозирги кунда Кўқон давлат педагогика институтида жами 243 та академик гурӯхлар мавжуд. Биз фикр юритмоқчи бўлган мавзу олий таълим муассасалари-да ҳар жума куни ташкил этиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” дарслари-да меҳнатсеварлик туйғуларини талабалар-ёшларда шакллантиришда афаризм-лардан фойдаланишининг айрим фойдали хусусиятлари тўғрисида бўлади.

Сир эмаски, меҳнат тарбияси - тарбиянинг муҳим тури, шахсни шаклланти-ришнинг зарур шартларидан бири бўлган педагогик жараён²³. Меҳнат тарбия-си кишидан ижтимоий фойдали меҳнатга ички эҳтиёж, инстизом, батартиблик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ишчанлик, ишнинг кўзини билиш сингари сифатларни қарор топтиришга хизмат қиласи. Меҳнат инсон эҳтиёжларини қондиришнинг бирламчи ва асосий воситаси бўлганлиги учун ҳам меҳнат тар-бияси тарбиянинг бошқа ҳамма турларидан олдин пайдо бўлган.

Талабаларга меҳнат ва унга масъулият билан ёндашиш, меҳнатсеварлик ҳислатларига эга бўлишга онгли муносабатни ўргатишда ўқув даргоҳларининг ўрни катта ва масъулиятлидир.

Ҳаётимизни тез суръатлар билан безаб бораётган техника, технология, тур-ли ихтиrolар, электрон ва механик қурилмалар-у, уй-рўз-ор буюмлари жисмо-ний меҳнатга нисбатан талабни бир қадар сусайтиromoқда.

“Вижданан бажарилган ҳар қандай меҳнат фойдалидир, бинобарин, у ҳурматга лойик” – дёя бежиз таъкидламаган эди машҳур гарб ёзувчиси Стен-дал²⁴. Қалбан ҳис этган ҳолда ҳар вазифа ва масалага жиiddий ёндаша билиш эъ-тиборга моликдир.

Муҳаммад Газзолийнинг фикрича, инсон маънавий, руҳий оламини камол топтириш учун Дил-подшоҳ, Ақл-вазир бўлиб, Рух мамлакатини бошқариб ту-риши керак²⁵.

Шарқ мутафаккирлари инсон руҳий оламида Ақлни пошдоҳ деб биладилар

²³ Аминов М.Н. Тарбия. “Ўзбекистон миллый энциклопедияси”, Т.; 2010, 279-бет.

²⁴ Tafakkur gulshani. Vladimir Vorontsov. G'afur Gulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti T., 1989, 64-бет

Инсонни Ақл-идрок соҳиби бўлгани учун эъзозлаш зарур, деб ҳисоблайдилар. Моҳиятан инсонийлик икки нарсага - Ақл-идрок ва қалбнинг гўзал интилишларига таянади. Бундай талқин қилинган инсонийлик назаримда ахлоқий тушунчадир: инсонни, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг фазилатларини ва руҳий эркинлигини қадрлаш асосий ўрин тутади²⁶.

Жоиз бўлса меҳнат иборасини шундай тарифлаган бўлар эдим, “Меҳнат мисоли кўнгил мусаввири мўйқалами. У қалб гўзаллигини яратишда асосий воситадир” - албатта бу шахсий фикрим.

Талабанинг умумий лаёқати (юксак интеллекти, яхши хотираси, ижодий тасаввури ва ҳоказо)ларидан ташқари шахсий лаёқати (математика ёки техникага, санъатга ёки гуманитар фанларга қизиқиши)га ҳам эътибор қаратиш муҳим.

Ўз шахсиятига, қобилиятига ортиқча баҳо бериш, ўзини бошқалардан юқори қўйиш, калондимоглик оқибатида намоён бўладиган салбий ахлоқий сифат нима? – деган саволга ҳеч иккilanмай кибр дея жавоб берамиз. Аслида эса, “Оёғида тик турган дехқон тиз чўккан олифтадан минг бора афзал” – дея изоҳлаган эди Б.Франклин²⁷.

“Ҳар бир одам – деган эди Нобель мукофоти совриндори Э.Хемингуей, -нимадир бажармоқ учун дунёга келади. Ер юзида яшаб юрган ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўз вазифаси бор.” Дарҳақиқат, ҳар бир шахс ўз ўрнига эга. Хусусан талаба-ёшларнинг жамиятда тутган ўрни бекиёс. Бу борада айрим мулоҳазаларга диққатимизни қаратсак. Инфантлизм тушунчасига назар ташласак, катталарда болаларга хос бўлган морфологик, физиологик ва руҳий ҳолатларнинг сақланиб қолиши билан ифодаланадиган ҳолат²⁸ тўғрисида айтилган атама эканлигига амин бўламиз.

Инсон боласи тайёр меҳнатсеварлик туйғуси билан дунёга келмайди. У астасекин тарбия жараёнида таркиб топиб боради.

“Шон-шараф меҳнатнинг қўлида” – дея ҳаққоний сўзларни айтган эди буюк рассом Леонардо да Винчи. Ижодкорлик, ташаббускорлик, масъулият ҳисси, ишбилармонлик, ҳисоб-китобга моҳирлик, изланувчанлик, сабр-матонатли бўлиш каби ижобий инсоний фазилатларга эга бўлиш ҳам катта баҳт, ҳам катта ютуқдир. Буни талаба-ёшларга биз педагог-мураббийлар тўғри, аниқ ва ўз вақтида етказиш, тўлақонли тушунтириш лозим.

Инсоннинг ўзи эса меҳнаткаш бўлиб, у туфайли ўзининг истеъоди, қобилияти, лаёқатини намоён этади. Меҳнат жараёнида инсоннинг дунёқарashi

²⁵ Газзолий З.М.Кимёи саодат. –Т.; Камалак, 1994, 13-бет.

²⁶ Жакбаров М. Комил инсон гоясининг тарихий-фалсафий негизлари. “Тафаккур”, Т.: 2011, 87-бет

²⁷ Tafakkur gulshani. Vladimir Vorontsov. G’afur G’ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti T., 1989, 65-bet

²⁸ Аминов М.Н. Тарбия. “Ўзбекистон миллый энциклопедияси”, Т.; 2010, 163-бет.

кенгайиб, билим савияси ошиб, ўз-ўзини жисмоний ва маънавий жиҳатдан шакллантириб боради. Ёшлиқда пухта эгалланган ҳунар, меҳнат малакалари инсон умрининг охиригача роҳат-фароғатда турмуш кечиришининг гаровидир.

Бугунги кунда мустақил ёш республикамизда тобора кенгайиб, ўз шаклини ўзгартириб бораётган гарбона ахлоқсизликни эса аксарият гўр ва тажрибасиз ёшлар “европача маданият” ва “эркинлик” сифатида қабул қилишга интилиш ва алданиб қолиш ҳеч гап эмас. Умуман, бундай хавф-хатарлар дунёдаги ялпи глобаллашув жараёнларини таъсирида, ахборот оламидаги янгиликлар билан ниқобланган ҳолда жамият ҳаётига шу қадар шиддат билан кириб келмоқдаки, уларнинг заарали, тузатиб бўлмас оқибатини фақат кенг фикрлайдиган, ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг фарзанди эканини чуқур англайдиган, юксак манавиятли одамларгина тушуниши мумкин.

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ – ГЛОБАЛЛАШУВ ИНЬИКОСИ

Примов Қахрамон Абдижабборович
Бойсун туман адмия бўлими ходими

Бугун биз тез ўзгарувчан, ўта шиддаткор ва мураккаб бир замонда яшаемиз. Давлат ва сиёsat арбоблари, файласуфлар ва жамиятшунос олимлар, шарҳловчи ва журналистлар бу даврни турилича таърифлаб, ҳар хил номлар билан атамоқда. Кимдир уни юксак технологиялар асри деса, кимдир тафаккур асри, яна бирор ялпи ахборотлашув даври сифатида изоҳламоқда.

“Глобаллашув” ибораси 1983 йилда америкалик сиёsatшунос олим Т.Левитта томонидан истеъмолга киритилган. Янги атамага янада кенг маъно Гарвард бизнес-мактабида берилиди. Бу атаманинг асосий тарғиботчиси япон олими К.Омэ бўлиб, у 1991 йилда “Чегарасиз дунё” асарини чоп эттирган. Бу асарда глобаллашув тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган.

Глобаллашувга БМТнинг “Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза” ҳисботида қўйидагича таъриф берилган: “Глобаллашув – жаҳон иқтисодиётининг товарлар, хизматлар, сармоя, ишчи кучи ва фикр-кашfiётлар оқимининг кенгайиши, шунингдек, мамлакатларнинг жаҳон миқёсидаги иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган биргаликдаги ҳаракатлари туфайли давом этаётган интеграцияси” – дейилган.

Биз юқорида “Глобаллашув” ибораси 1983 йилда истеъмолга киритилганлигини таъкидлаган эдик. Бироқ глобаллашув жараёнлари бундан анча олдинроқ бошланган эди.

Хусусан, иккинчى жаҳон уришининг якунланиши янги интеграциялашган халқаро муносабатлар даврини бошлаб берди. Эндиликда дунё давлатлари олдида халқаро муносабатларнинг янги ва конструктив ҳамда ҳар томонлама шаклини барпо этиш вазифаси туради. Шу сабабли БМТ раҳбарлигига халқаро муносабатларнинг принциплари ишлаб чиқилди.

Халқаро муносабатларнинг принциплари давлатнинг бошқа давлатлар ва ташкилотлар билан олиб борадиган ташқи алоқалари ва муносабатларининг устувор қоидалари ҳисобланади.

Давлатларнинг ташқи сиёсати халқаро муносабатларнинг принципларига ва миллий қонунчилигига таянилади. Хусусан, БМТ Уставининг 2-моддасида БМТ ва унга аъзо бўлган давлатларнинг халқаро муносабатлардаги ўзаро муносабатлари принциплари белгиланган бўлиб, унга қўйидагилар киради:

- барча аъзоларнинг суверен тенглиги;
- халқаро шартномаларга кўра зиммасига олган мажбуриятларни вижданан бажариш;
- халқаро низоларни тинчлик воситасида ҳал этиш;
- давлатнинг ҳудудий даҳллизилиги ёки сиёсий мустақиллигига куч билан таҳдид қилиш ёки ишлатишдан тийилиш;
- халқаро ҳамкорлик;
- бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.

Шунингдек, БМТнинг 1970 йилги Халқаро ҳуқуқнинг принциплари тўғрисидаги Декларацияга кўра халқаро ҳуқуқнинг қўйидаги принциплари белгилаб қўйилган:

- куч ишлатмаслик;
- низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- аралашмаслик;
- ҳамкорлик;
- халқарнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилапши;
- суверен тенглик;
- халқаро ҳуқуққа оид мажбуриятларни вижданан бажариш.

Кўриниб турибдики мазкур принциплар халқаро муносабатларнинг глобаллашуви натижалари ҳисобланниб, давлатлараро ва миллатлараро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида ўз ташқи сиёсатини қўйидаги принциплар асосида амалга оширади:

давлатларнинг суверен тенглиги – барча давлатлар тенг кўрилади ва уларнинг барчаси билан бир хил очик мулоқот ва ҳамкорлик амалга оширилади;

куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қиласлик – Ўзбекистон халқаро муносабатларда ҳеч бир давлат ёки халқаро ташкилотга куч ишлатмайди ва куч иш-

латиш билан таҳдид қилмайди;

чегараларнинг дахлсизлиги – давлат чегаралари дахлсиз ҳисобланаб, у қўриқланади. Давлат чегараларини ноқонуний кесиб ёки бузиб ўтишга йўл қўйилмайди. Шунингдек, бошқа давлатларнинг давлат чегаралари дахлсизлиги хурмат қилинади;

низоларни тинч йўл билан ҳал этиши – халқаро ёки давлатлараро низолар фақат дипломатик воситалар орқали музокаралар воситасида ҳал этилади;

бошқа давлатларнинг ички шиларига аралашимаслик – бошқа давлатларнинг ички сиёсатига ҳар қандай йўл билан таъсир этилмайди, уларнинг ички сиёсатини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилмайди ҳамда давлат суверенитети хурмат қилинади.

Шундай қилиб, глобаллашув жараёнлари халқаро муносабатларнинг янги шаклининг вужудга келишига бевосита таъсир қилди ва бугунги кунда “глобаллашув” ва “халқаро муносабат” тушунчалирини бир-бирисиз тасаввур этиб бўлмайди.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЮРИДИК ФАНЛАР РИВОЖИГА ТАЪСИРИ

Примов Фарход Абдижабборович

*ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси катта
ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори*

Бугун ҳеч бир соҳа глобаллашув жараёнларидан холи бўлмагани сингари, юридик фанларнинг келгусидаги тараққиёти ҳам кўп жиҳатдан глобаллашув жараёнларининг таъсирига боғлиқ ҳосбланади. Бинобарин, глобаллашув инсоният тараққиёти ва жамият ҳаётининг жаҳон миқёсида интеграциялашиши натижасида содир бўлаётган жараёнларнинг оламшумул аҳамият касб этишидир²⁹.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, глобаллашув жараёнлари аллақачон юридик фанлар ривожига таъсир кўрсатиб улгурган. Бироқ бу турли мамлакатларда турлича юз бермоқда.

Мамлакатимизда глобаллашув жараёнларининг юридик фанлар ривожига таъсирини қўйидаги уч йўналишда кўриб чиқиш мумкин:

*биринчи йўналиши – ҳуқуқий тартибга солишнинг институционал асосларига;
иккинчи йўналиши – юридик фанларни ўқитишига;*

²⁹ Глобаллашув: унинг аҳамияти ва мазмун моҳияти // <http://fikr.uz/blog/17767.html>.

учинчи йўналии – ҳуқуқий тадқиқотларга.

Глобаллашув жараёнларининг ҳуқуқий тартибга солишнинг институционал асосларига таъсири. Глобаллашув жараёнлари шубҳасиз халқаро интеграцион муносабатларда акс этади. Мазкур муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниш эҳтиёжи ва амалиёти эса ўз навбатида миллий ҳуқуқ тизимининг институционал асосларидаги ўзгаришлар инъикосида намоён бўлмоқда.

Хусусан, аксарият қонунлардаги “Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг... тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади” деган норма мавжуд бўлиб, у ҳалқаро ҳуқуқ нормалари устунлиги принципининг миллий қонунчиликка жорий этилиши натижаси ҳисобланади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги “Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5719-сонли Фармонига кўра, “Навоий” ЭИЗ ҳудудида иш юритишида инглиз стандартлари, тамойиллари ва нормалари асосида “Навоий” ЭИЗ иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишини назарда тутувчи алоҳида ҳуқуқий режим ўрнатиш бўйича тегишли вазифалар белгиланишини³⁰ ҳам глобаллашув жараёнларининг ҳуқуқий тартибга солишнинг институционал асосларига таъсири сифатида баҳолаш мумкин.

Инглиз ҳуқуқи бир неча давлатлар ҳуқуқий тизимининг энг яхши жиҳатларини ўзида акс эттирган бўлиб, бизнес муҳити учун мутлақо қулай форматга эга. Эгибувчанлик, шаффофлик, олиндан аниқ ва осон прогноз қила олиш, тезлик, бюрократиядан ҳоли эканлиги бу тизимнинг афзал жиҳатлариидир. Зоро, қонунлар бизнес манфаатлари учун хизмат қилиши лозим, инглиз ҳуқуқи эса айни шу имкониятни беради.

Умуман олганда, турли шакл ва мазмундаги халқаро муносабатлар кўламининг кенгайиши ва чуқурлашиши ҳуқуқий тартибга солишнинг институционал асосларига глобаллашув жараёнларининг фаол таъсир этишига олиб келади.

Фикримизча, инглиз ҳуқуқи сингари тажрибаларни туризм, инвестиция, экспорт ва импорт, таълим, тадқиқот жараёнлари ва бошқа йўналишларга ҳам

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги “Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5719-сонли Фармони // Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.05.2019 й., 06/19/5719/3136-сон // lex.uz.

кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Глобаллашув жараёнларининг юридик фанларни ўқитишига таъсири.

Юридик фанлар тараққиётида ушбу фанларни ўқитиши самарадорлиги муҳим ўрин тутади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўқув-педагогик жараёнга инновацион илгор ва халқаро таълим стандартларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва профессор-ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, шунингдек таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни назарда тутадиган юридик таълим тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди³¹.

Юридик фанларни ўқитишининг илгор услубларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, замонавий талабларни инобатга олган ҳолда таълим стандартларини модернизациялаш ва ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш, бу борада ривожланган давлатлар билан конструктив ҳамкорлик қилиш, таълим жараёнига хорижлик мутахассисларни кенг жалб этиш каби вазифаларнинг ечими бевосита глобаллашув жараёнларининг таълим жараёнига таъсири билан боғлиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5987-сонли Фармони билан белгиланган юридик таълим ва фанни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари: замонавий талаблар, илгор халқаро юридик тажриба ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, ҳалол кадрлар тайёрлашни таъминлаш, ўқитишининг кредит-модуль тизимини ва талабалар билимини баҳолаш усулларини такомиллаштириш, ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳамда ўқув базасини модернизациялаш, клиник юридик таълимни ривожлантириш йўли билан ўқув жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида узвий алоқани таъминлаш, ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорликни, қўшма ҳуқуқий тадқиқотларни, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўзаро алмашинувини фаоллаштириш, ахборот ҳуқуқий технологиялар ва тизимларни (Legal Tech) ишлаб чиқсан ҳолда давлат ва ҳуқуқ соҳасида илмий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда юридик кадрларни тайёрлаш бўйича қўшма таълим дастурларини (double degree) амалга ошириш, ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиш, «Электрон университет» (E-University) тизимини жорий этган ҳолда очиқ, шаффоф, субъективлик ва сунистеъмолчиликлардан холи

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5987-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллый базаси, 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон // lex.uz.

бўлган таълим муҳитини яратиш кабилар глобаллашув жараёнларининг юридик фанларни ўқитишига нисбатан бугунги кундаги таъсирига мисол бўла олади.

Глобаллашув жараёнларининг ҳуқуқий тадқиқотларга таъсири. Бугунги кунда барча соҳалардаги сингари ҳуқуқий соҳасидаги тадқиқотларни амалга оширишда ҳам халқаро миқёсдаги жараёнлар ва фактик ҳолатларни инобатта олиш асосий талаблардан бири ҳисобланади. Буни докторлик диссертацияларига оид қўйилаётган қўйидаги объектив талаблардан ҳам кўриш мумкин:

биринчидан, докторлик диссертациясида тадқиқот мавзусининг долзарблигини асослашда мавзу юзасидан халқаро миқёсдаги жараёнлар ва фактик ҳолатлар ҳамда тенденцияларга эътибор қаратиш лозим. Бу эса тадқиқот мавзусининг умумбашарий масалалар билан уйғунлашувига замин яратади ва унинг аҳамиятини оширади;

иккинчидан, докторлик диссертациясида мавзу юзасидан халқаро тажрибаларни ўрганиш, хорижий манбаларни тадқиқ этиш, нуфузли хорижий нашрларда илмий мақолалар чоп этиш кабилар тадқиқотда илгор хорижий тажрибаларни жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва шу билан бирга илгор миллий тажрибаларни халқаро даражада оммалаштиришга хизмат қиласди;

учинчидан, фан докторлиги (DSc) диссертацияларида мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар ўрганилиши ва шарҳланишининг белгиланиши тадқиқотчини тегишли мавзу юзасидан жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотлар натижалари билан «ҳисоблашиш»га мажбур қиласди. Бинобарин, фан докторлиги тадқоти энг илгор ва энг сўнги тадқиқотлар билан ҳамоҳанг ва уйғун бўлиши даркор.

Шундай қилиб, юридик фанлар ривожини глобаллашув жараёнларининг таъсирисиз тасаввур этиб бўлмайди ва шу билан бирга мазкур жараёнларда миллий менталитет ва урф-одатлар, ижтимоий-иктисодий ва маданий муносабатларнинг шарқона хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ИЛК ИСЛОМ ТАРИХИ ТАДҚИҚИННИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Кушбаев Фаррух Кўчқаралиевич
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторантни

Дунёда глобаллашув жараёни тўхтовсиз давом этаётган бугунги кунимизда шубҳасиз, инсон онгини эгаллаш учун кураш тобора зўрайиб бормоқда. Замонавий технологиялар воситасида одам боласининг ҳар бир ҳаракатини кузатиш билан чекланмасдан, ҳатто унинг ўй-ҳаёллари, туйгулари ва қизиқишлигини

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

ҳам бошқариш имконини берувчи Сунъий интеллект устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада асосий ҳаракатлантирувчи омил бўлмиш ёшларга эътибор алоҳида эканлиги табиийдир.

Айни вақтда Ўзбекистонда аҳолининг 60 % қисмидан кўпргини ёшлар ташкил этишини назарда тутилса, вазият нақадар жиҳдий эканлиги аён бўлади.

Минтақа ва давлатларда ўз манфаатлари йўлида содир бўлувчи беқарорликни истовчи кучлар эса энг оддий усулуб –ёшлар онгига ирқчилик, диний-ақидапарастлик каби фанатик-радикал гояларни тиқиширишни ва бунда халқаро ОАВ ҳамда инернет тармоғидан кенг кўламда фойдаланмоқда.

Глобаллашув жараёнига фақат салбий қўз билан қараш ҳам, манфаатли эмас аслида. Боиси, ўтган даврлар, хусусан Совет Иттифоқида ўрнатилган дунёга нисбатан ёпиқлик сиёсати охир-оқибат унинг таназзули сабабларидан бирига айланди. Рақамли технологиянинг ривожи эса халқаро даражадаги интеграциясиз яшашни мушкул вазиятга келтириб қўйди.

Юқоридаги фикрлардан мулоҳаза қилиш мумкинки, жамиятда долзарб бўлган ҳар бир масалани, уни катта ёки кичик эканига қарамай алоҳида олиб тадқиқ этиш ва унга бўлган талабга қараб, илмий ёндашган тарзда ва чукур таҳдиллар асосида хулоса ва ечимлар тақдим қилишдир.

Ушбу тезисдан кўзланган асосий мақсадларидан бири ўрта асрларда шаклланган баҳсли масалаларни замонамиздаги вазиятдан келиб чиқиб бағрикенлик тамойиллари асосида очиб беришдир. Эътиқодлараро геосиёсий муносабатлар аниқ бир тўхтамга келиб олмаган бир вазиятда мавзунинг аҳамияти янада ортиб боради. Бунинг боиси, эътиқодлараро бирор ижобий яқинлик пайдо бўлган вазиятда ҳам, инсонлар хотирасида ўрта асрларда “уруш психикаси” руҳидаги ташвиқотлар таъсирида шакллантирилган исломга нолойиқ фикрларнинг ҳануз мавжудлигидир. Бундай ҳолатда, ўзаро тушуниш ва ишонч ҳамда ҳурмат зарурдир. Ўтган давр мобайнида гарб оламида исломга нисбатан душман қиёфасининг яратилиши оқибатида юзага келган улкан “бўхрон”нинг катта қисми ислом пайғамбари Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (с.а.в.) шахсига йўналтирилди. Аммо, бизнинг давримизда бундай кайфият ҳар икки томонга ҳам фойда келтирмаслиги кундай равшан бўлиб улгурди. Эндиликда ундан чиқиши йўлларини топиш қолди.

Илмий услуг мавзуни холис ўрганиш учун имконият яратади ва шу сабабли академик тамойиллар оқилона фойдаланишга ўз ҳиссасини қўшади. Тадқиқотимиз буни тасдиқлайди ва бизнинг дунёмиз умумий уйимизга айлангани сабаб, ҳар бир томон билиши ва тушуниши лозимки, ривожланиш биз ўз қарашларимизда ростгўй, самимий ва адолатли бўлганимизда амалга ошади.

Баъзи олимларнинг исломни ва мусулмонларни, хусусан пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) сиймосини танқид қилишга қаратилган аниқ онгли ҳаракатлари шубҳасиз биз интилган хотиржамлик учун манфаатли эмасдир.

Тезисда кўтарилиган мавзунинг мақсадларидан бири бу ислом дини, мусул-

монлар хусусан пайғамбар Мұҳаммад (с.а.в.) түғрисида гарб ва унинг таъсиридаги кишиларда ҳукмрон бўлган фикрларни шубҳа остига олишда ёрдам бериш. Бунда фаолиятни икки йўналишда олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўзимизда мавжуд билимни янада кенгайтириб, кўпайтириш;
2. Соҳада аввал йўл қўйилган аниқ хато ва камчиликларни тўғрилаш;

Хулоса ўрнида келтириш мумкинки, глобаллашув шароитида халқимиз минг иyllар мобайнида эътиоқд қилиб келган муқаддас динимиз, ўзгармас ақидамиз ва ажодларимиз меросини соғ ҳолда ёшларимизга таълим бериш. Бунда эса асосий йўлхаритаси ўлароқ миллатлараро ва динлараро бағрикенглик тамойилларига таянмоқ лозим бўлади. Зеро, ислом байроби остида бузгинчиликка чақираётган кимсаларга рафдия сифатида ёшларимизга ислом тарихини, хусусан пайғамбар Мұҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаёт давларини, Макка шаҳрида кечган машақатли аммо саботли ҳаёт йўлларини ўрганишга ва ибрат олишга чорлаш ва бунинг учун барча имкониятларни яратиб бериш фойдадан ҳоли эмасдир.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАЊНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДАТАЉИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Зиётова Адолат Эргашевна

*Самарқанд давлат архитектура-қурилии институти
«Ижтимоий фанлар» кафедраси катта ўқитувчиси*

Глобаллашув жараёнининг чуқурлашиб бориши натижасида инсон учун хавфли бўлган турли хил ноанъанавий таҳдиidlар юзага келмоқда. Булардан энг хавфилари инсонларнинг руҳиятига таъсир ўтказиши орқали миллатларнинг қадриятлари ва турмуш тарзини издан чиқаришига қаратилган ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаётида жиiddий таъсир кўрсатадиган мањнавий таҳдиidlар хисобланади.

Мањнавий таҳдиidlар шахс ахлоқий онгида салбий тушунчалар, туйғулар, хусусиятлар ва сифатларни ҳосил қилувчи иллатлар мажмуидир. Чунки “таҳдиid” сўзи “хавф-хатар, хуруж ва бузиш” мањноларини англатади. Шу мањнода мањнавий таҳдиidlар шахсни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан бузишга қаратилган мақсадли хуружлар дейиш мумкин.

Мањнавий таҳдиidlардан мақсад: биринчидан, шахснинг мањнавий-ахлоқий оламини бузиш; иккинчидан, ўз ватани ва жамиятига нисбатан ёвузлик фикрини уйғотиш; учинчидан, миллий ахлоқий қадриятларни айнитиш; тўртинчидан, ўзгалар жамиятини идеал деб билиш кўнижмасини ҳосил қилиш; бешинчидан, зарарли одатларга хуруж қўйишдир. Диққат қилсак, мањнавий

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёилари

таҳдиidlарнинг барча тури носоғлом турмуш тарзи билан боғлиқлигига ва у мағкуравий нуқтаи назардан энг хавфли омил эканлигига амин бўламиз. Чунки, унинг негизини шахс тарбиясини издан чиқаришга қаратилган фоя ташкил этади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда маънавий таҳдиidlар қўйидагича иллатларни тарғиб қилаётгани намоён бўлмоқда: худбинлик, нопоклик, нағс қутқусига учиш, ҳузур-ҳоловатта берилиш, енгил-елпи умр кечиришга даъват, гиёҳвандлик, мутаассиблик, тажовузкорлик, молу-дунёга ўчлик, ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни эскилик сарқити деб қараш, лоқайдлик, маҳаллийчилик, иродасизлик ва х.зо.

Глобаллашув яратадиган имкониятлардан ҳозирги кунда маънавий бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилаётган сиёсий ва мағкуравий марказлар фойдаланмоқдалар.(2) Бунинг оқибатида инсоният томонидан катта маънавий йўқотишлар, миллатимизнинг асрий қадриятлари, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзига хавф солаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Лунда қилиб айтадиган бўлсак, бундай мағкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, юртимида яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади. Бундай тажовузкорона ҳаракатлар бизлар учун мутлақо бегона мағкура ва дунёқарашни аввало беғубор ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилганлиги билан айниқса хатарлидир.

Янги таҳдиidlар, жумладан, “оммавий маданият” хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларни йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида тарихий меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва аждодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида жиiddий эътиборда эканлиги кишининг кўнглига таскин беради. Ҳар бир нарсанинг яхши ва ёмон томони бўлгани каби глобаллашув жараёни ҳам салбий ва ижобий моҳият касб этаверади. Профессор С.Отамуродов глобаллашувнинг ижобий жиҳатларига тўхталар экан, “кўпгина мамлакатларга фан техника, технология ютуқларининг жадал кириб келиши глобаллашув туфайли. Бу эса уларнинг иқтисодий ҳаёти ривожига, ҳалқлар турмуш тарзининг ортишига ижобий таъсир кўрсатмоқа. Шу тариқа башариятнинг умумий интеллектуал салоҳияти юксалишига ёрдам бермоқда”, деб таъкидлайди.

Глобаллашувнинг миллий маънавиятга кўрсатаётган ижобий таъсиrlари тўғрисида билдирилган фикрларни умумлаштириб қўйидагича хулоса қилиш мумкин:

– маданий алоқалар ва муносабатларнинг глобаллашуви, бир ҳудудда янги маданий ва маънавий қадриятларни, санъат турларининг вужудга келишига са-

баб бўлади, бу эса миллий маънавият таркибини янада бойиб боришига олиб келади;

– иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви эса, мамлакатлар моддий ҳаётини яхшилашга кенг йўллар очиб беради ҳамда фуқаролар фаровонлигининг таъминланишига имкон беради;

– фан ва техника соҳасининг глобаллашуви миллий маънавиятнинг асоси бўлмиш миллий интеллектуал салоҳиятни кучайтиради;

– сиёсий-мафкуравий соҳаларнинг глобаллашуви умумжаҳон маънавий мұхитни ривожланишига замин яратади, бу эса миллий маънавиятни янада та-комиллашишига асос бўлади.

Шу билан бир қаторда глобаллашув жараёнларининг миллий маънавиятга кўрсатаётган салбий таъсири хусусида қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

– демографик қўчишларнинг айрим ҳудудларда ҳаддан зиёд ошиб кетиши маънавий таъсиrlар оқимини ҳам ошишига олиб келади, бу ҳолат шу ҳудуддаги миллий маънавиятга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади;

– умумжаҳон миқёсида маънавий-маданий неъматларга эҳтиёж ривожланган давлатлар талабига кўра шаклланиши миллий маънавиятга бир қутбли таъсирини кучайтиради;

– трансмиллий компаниилар маҳсулотлари дунё бўйлаб тарқалиши маънавий таъсиrlар ташувчиси сифатида, айниқса жамият келажаги бўлган ёш авлод дунёқарашида шаклланиши ўз миллий заминлари ҳисобига эмас, балки унга зид бўлган “оммавий маданият” ҳисобига ривожланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида миллийликнинг барбод бўлиш жараёнини тезлаштиради;

– сиёсий-мафкуравий муносабатлар кескинлашуви, бу борадаги рақобат дунё сиёсий манзарасида моддий фан, техник, технологик имкониятлари юксак тараққий қилган мамлакатларнинг маънавий устуворлигини таъминлашга, бу ўз навбатида, миллий маънавиятнинг емрилишига олиб келади.

Буларнинг олдини олишда биринчи навбатда мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий анъаналар ва маънавий қадриятларни, Ватанни севиш ва маъсулиятни ҳис этиш руҳида тарбиялаш, шу билан бирга андиша, ғурур, ор-номус, улуғларга ҳурмат, муросачилик принципиага асосланган “шарқона демократия” тушунчасини ёшлар онгига сингдириш, уларни халқимизнинг урфодатларига, маънавий меросини улуғлаш, умуминсоний тамойиллар ва инсон қадрини ҳурмат қилиш каби фазилатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қартиш керак. Ёшлар ҳаётига кўринмас, яширин тарзда кириб келаётган глобал хуружларга онгли равшда муносабат билдириш, ёшларга “оммавий маданият” ниқобидаги мафкура нима эканлигини тушунтириш ва бу таҳдиidlарга қарши кураша оладиган баркамол инсонларни вояга етказиш зарурдир.(4) Булардан ташқари жамиятда маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларни олиб бориш

билин бирга бугунги глобаллашув шароитида ёш авлодда мустақил онгни шакллантириш мақсадида қуйидаги вазифаларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, давлатнинг ёшларга оид сиёсатини амалга тадбиқ этишда сиёсий институтлари, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар, маҳалла билан доимий ҳамкорликларни кучайтириш ва бу орқали ёшлар қизиқишлари, муаммоларини ўрганиб чиқиш;

Иккинчидан, ёшларнинг инновацион фаолиятини бойитиш, уларнинг хулқатвори, қизиқиши, қобилияти, билими, ҳарактини ҳисобга олиб, ижодий фаоллигини ҳар томонлама ошириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш;

Учинчидан, ёшларда мустақил фикрлашни шакллантиришда санъат ва маданият соҳасидаги қизиқишларини юксалтириш, уларда миллӣ ва умумбашарий қадриятларга содиқлик ҳиссини мустаҳкамлаш;

Тўртинчидан, ахборот алмашиниши, алоқа, ёш авлодни ривожлантириш ва тарбиялаш учун ахборот мұхитини хатарсиз, құлай тарзда кенгайтириш. Оммавий ахборот воситалари, матбуот, интернет порталларидан ёшларни ижобий ва самарали фойдаланишга жалб этиш зарурdir.

Бу хусусият ва омилларнинг ёшлар камолотида аҳамияти катта. Бу авваломбор, таълим ва маърифат тизимини такомиллаштириш, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни замонавий билим олишга йўналтириш, баркамол шахсни тарбиялаш билан боғлиқ эканини яхши англаймиз.

Мамлакатимизда давлат буюдженетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 7% таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмоқда. Буларнинг барчаси бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Ёшларимиз бизнес, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва спорт соҳаларида оламшумул муваффақиятларга эришмоқда. Бу мамлакатимиз истиқболига, буюк аждодларимиз бошлаган эзгу ишларни келажак авлодлар муносиб давом эттиришига катта ишонч бағишлиайди. Бу имкониятлар ўз навбатида ёшларни бугунги глобаллашув жараёнларида фаол иштирокини таъминлашда, мамлакатимиз тараққиёти ва келажагига ўз билим ва маҳорати билан ҳисса қўшишларида катта амалий ёрдам бўлиб хизмат қиласди.

Бу унинг учун таълим-тарбия муассасаларида ҳар бир педагог гуманистик (инсонга, унинг мавжудлигини таъминлашга, ривожланиши ва ўз-ўзини намойиш қилишга йўналтириш); акциологик (жаҳон ва кўп миллатли ўзбекистонликларнинг қадриятларини сақдаш); ижтимоий-маданий (миллӣ маданият билан бошқа халқдар ва жаҳон маданиятини омухта қилган ҳолда ўз халқи маданиятини эгаллашга кўмаклашиш); ижтимоий-мослашув (динамик янгиланувчан ижтимоий ҳаётта самарали мослашиш, шунингдек, касбий фаолиятга тайёрлашга таъсир кўрсатиш); инновацион (инсондаги билимлар ва фаолият усулларини янгилаш, илмий-тадқиқот фаолиятида унинг таянч йўналишларини шакллантириш); прогностик (инсон ҳаётида учрайдиган турли таҳдидаларни олдиндан сезиш ва унга қарши тура олиш қўнимкасини шакллантириш) асосида ёшларни даврга мослаш-

тиришга барча билим ва маҳоратини қаратишлари лозим.

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий таҳдидаларга қарши курашда таълим-тарбия муассасалари фаолияти тизимида бош ҳаракатдаги шахс, педагог, ўз шахсий потенциали ва маҳоратини ишга солған ҳолда талабалар билан ҳамкорликда ижодий ва ҳаётий фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этса, ўрганувчилар унинг барча шакл ва кўринишларида реал субъектга айланади.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ ТОЛЕРАНТЛИК ФАЗИЛАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ

Саифназаров Ислом Саифназарович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,

фалсафа фанлари доктори, профессор,

Мамиров Азизжон Ниязмухамедович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти (PhD)

Маълумки, ҳар бир миллат ўзига хос бўлган тилга, маънавиятга, урф-одатлар, анъаналар ва қадрияларга эга муайян ҳудудда яшовчи этник бирлиқдир.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида толерантлик тамойили XXI асрнинг умумбашарий foяларидан бири сифатида талқин этилмоқда.

Республикамизда ҳар бир миллат ва элат манфаатларини ҳимоя қилишининг объектив шарт-шароитлари, субъектив омиллари тизимини ривожлантиришнинг қонуний-ҳуқуқий асослари яратилган. Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида таълим мұхитини ўзгартириш, миллий манфаатларни умумисоний манфаатлар билан уйғулаштириш, фуқаролараро, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш – минтақавий тинчлик ва глобал барқарор тараққиёт шарти {1} сифатида кўрсатилмоқда. Таълим жараёнида миллий ва умумисоний манфаатларни уйғулаштиришнинг янги имкониятларини топиш ва ҳаётга тадбиқ қилишда толерантлик тамойилларига таяниш мұхим назарий, методологик ва амалий имкониятларни яратади.

Толерантлик-ҳар хил қарашларга, ахлоққа, одатларга нисбатан бағрикенглик маъносини англатади. Ҳозирда турли динлар, миллат ва элатлар урф-одатларига нисбатан сабр-бардошли ва ўзаро ҳурмат руҳида бўлишимиз зарур эканлигини даврнинг ўзи бизга кўрсатиб турибди.

Ҳозирда ахборот оқимининг ёшлар тарбиясига ҳам ижобий ҳам салбий жиҳатларини кўришимиз мумкин. Айниқса, ёшларни миллий толерантлик

руҳида тарбиялашда глобаллашув жараёнининг ёшлар онгиға таъсирини назоратга олиш жуда муҳим деб ҳисоблаш мумкин.

Бугунги глобаллашув жараёнида талаба ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга фидоийлик, ўз ҳалқига ва унинг урф одатлари, қадриятларига ҳурматруҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг толерантлик фазилатларини ривожлантириш мақсадида Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан бир қатор амалий инновацион ўқув лойиҳалари ишлаб чиқилди ва шу асосида талабаларнинг мустақил ишлари ташкил этилмоқда. Ушбу ўқув лойиҳалари мавзулари талабалар ҳаёт фаолиятининг тури жабҳаларини ўзида акс эттирган бўлиб, уларни бажариш жараёнида талабаларда мустақил изланиш олиб бориш кўнимкамлари шаклланади, уларнинг дунёқараси кенгаяди, мустақил фалсафий фикрлаш, мушоҳада қилиш қобиляйтлари ривожланади, толерантлик фазилатлари кучаяди, деб бемалол айта олишимиз мумкин ва тажриба ҳам буни тасдиқламоқда. Бу лойиҳаларнинг яна бир афзаллик томони шундан иборатки, унда талаба қўчирмачилик қилаолмайди, чунки у ҳар бир талабанинг ўзи билан боғлиқ бўлиб, уни мустақил ишлашга мажбур қиласди.

Хусусан, бу лойиҳалар, “Менинг оилам - менинг бахтим”, “Устозим - ҳаётим чироги”, “Менинг маҳаллам - менинг фаҳрим”, “Маҳалламнинг фаол тадбиркори ва инновацион тафаккур”, “Менинг ҳаёт фалсафам”, “Маҳалламнинг олим ва зиёли инсонлари” каби мавзулардан иборат бўлиб, талабаларда катта қизиқиш уйғотди.

“Менинг оилам – менинг бахтим” лойиҳасини бажариш жараёнида талабалар энг аввало оиласа бўлган меҳр-муҳаббат, унинг муқаддаслиги, инсон ҳаётидаги ўрнини англаши, ота-она ва ака-укалар, яқин қариндошларнинг инсон ҳаётида роли нақадар катта эканлигини тушуниши учун ўз оиласи мисолида мавзуни ёритиб, чиройли тақдимот тайёрлайдилар. Ҳозирда ёшларга оиласининг муқаддас эканлигини тушунтириш шуниси билан муҳимки, бугунги кунда оиласадаги ажрашишлар сонининг кўпайганлиги, оиласа фарзанд тарбиясига бўлган эътибор-сизликнинг кучайганлиги ва натижада тўлиқ бўлмаган оиласар сонининг ошиб-бораётганлиги жамиятимизнинг энг оғриқли жиҳатларидан биридир. “Менинг оилам – менинг бахтим” лойиҳаси орқали талаба ёшлар ўзларида оила олдидаги масъулиятини янада ошириб, келажакда ўз оиласининг мустаҳкамлигини таъминлаш учун ҳаётий дастурга эга бўладилар.

“Менинг маҳаллам - менинг фаҳрим” лойиҳасида талабалар онгида маҳалла ҳақида тўлиқ тушунча шакллантириш билан бир қаторда маҳалланинг кичик ватан эканлиги, ҳар бир маҳалланинг ўзигагина хос бўлган хусусиятларини ҳурмат қилиш ва инсон ҳаётида маҳалла ролининг нақадар катта эканлиги ҳақида тушунчанишакллантириш муҳим вазифа ҳисобланади.

“Маҳалламнинг фаол тадбиркорлари ва инновацион тафаккур” лойиҳаси,

университетимиз иқтисодчи, тадбиркор, менежер, маркетолог ва бошқа бизнес соҳасидаги кадрларни тайёрлашини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган бўлиб, талаба ёшларда ўз маҳалласининг фаол тадбиркорлари фаолияти билан яқиндан танишиш, улардан баъзи амалий жиҳатларни ўрганиш, ўз иш фаолиятини йўлга қўйган ва маҳаллага, қолаверса, халқига манфаати тегаётган шахслар фаолиятига ҳурмат билан қарашни шакллантириш ҳам ушбу лойиҳанинг мақсадларидан биридир. Фаол тадбиркор инсонлардан ибрат олиш ва талабаларнинг ўзлари ҳам уларга ўхшашга ҳаракат қилиши, албатта келажакда ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлашда жуда катта мактаб бўлиб хизмат қилади ҳамда уларнинг давлатимизга етук кадр бўлиб етишиб чиқишида, фойдали инсон бўлиб шаклланишида катта аҳамият касб этади.

“Менинг ҳаёт фалсафам” лойиҳасида талаба ёшларда ўз ҳаёт фалсафалари ни шакллантиришга катта эътибор қаратилади. Вақт ва ҳаёт қадрини билиш, ўтаётган ҳар бир кунни режалаштириш, келажакка режалар тузиш ва уларни белгиланган вақтда амалга ошириш, фаол ҳаёт кечириш ва ушбу фаолиятдан келиб чиқсан ҳолда ҳаёт фалсафасини ишлаб чиқиш асосий мақсад қилиб белгиланади. Ўз устида ишлаш, иродасини чиниқтириш, онгини ва дунёқарашини кенгайтириш учун китоб ўқиш, фойдали ишлар билан машғул бўлиш, келажакка улкан режалар қўйган ҳолда ўз ҳаётий қарашини шакллантириш масаласи асосий мақсад ҳисобланади.

“Маҳалламнинг олим ва зиёли инсонлари” лойиҳа мавзуси орқали талаба ёшларда маҳалладаги олим ва зиёли инсонларга ҳурмат ва иззат билан қараш каби юксак ахлоқий фазилатни шакллантириш, улар илмий фаолиятларидан ўрнак олиб, улар ҳаёт ва меҳнат фаолияти давомида қолдирган маънавий ижод маҳсулидан баҳраманд бўлиш, инсонга катта мактаб эканлигини талабаларга уқтириш, энг асосий мақсад қилиб белгиланган. Талабалар ўртасида олиб борилган юқоридаги лойиҳалар натижалари шуну кўрсатдики, талабаларни ўқитишида назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш, унда янги инновацион усуллардан фойдаланиш, ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврида талаба ёшларда оиласа, она Ватанга меҳр - муҳаббат, унинг асрий қадриятлари йўқолиб кетмаслигининг олдини олиш ва уни келажак авлодга етказиш масаласи, қолаверса уларда бағрикенглик, толерантлик, бошқа миллат ва элатга, турли диний, сиёсий қарашларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш фазилатларини шакллантиришда ўта муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

ВОПРОСЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ЗАНЯТОСТИ И БЕЗРАБОТИЦЫ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Хуррамов Анвар Худайшукирович

Ташкенский Государственный Экономический Университет

Старший преподаватель кафедры

«Математические методы в экономике»

Процесс глобализации в современном мире в настоящее время набирает новые обороты в связи ростом уровня цифровизации международных и национальных аспектов социального и экономического развития стран. Немаловажное значение в этом процессе играет также роль человеческих факторов, проявляющихся реализацией потенциальных возможностей работников различных категорий квалификаций и профессиональных качеств, для которых характерны занятость в транснациональных масштабах. С другой стороны, не все трудовые ресурсы будут вовлечены в процесс глобализации с экономической точки зрения; это означает, что экономические аспекты глобализации наряду с положительными сдвигами в национальных экономиках, порождает своеобразную проблему безработицы в силу неэффективного использования трудовых ресурсов в отдельно взятых экономиках стран. В этих условиях, решение социальной проблемы безработицы в отдельно взятой стране требует разработку и реализацию новых подходов к оценке уровня безработицы. Это связано с тем, что институциональная среда и структура национальной экономики во многом предопределяет основные направления и приоритеты, уровень эффективности использования трудовых ресурсов, а также уровень доходов работников в различных отраслях и видах деятельности в национальной экономике.

В Декларации Международной Организации Труда о социальной справедливости в целях справедливой глобализации (2008г) отмечается, что «... процесс глобальной экономической интеграции заставляет многие страны и отрасли сталкиваться с серьезными проблемами, связанными с неравенством в сфере доходов, хронически высокими уровнями безработицы и бедности, уязвимостью экономик перед внешними потрясениями, ростом как незащищенной занятости, так и неформальной экономики, оказывающей воздействие на трудовое правоотношение и на сферу той защиты, которую оно обеспечивает». Вместе с тем, в декларации резюмируется четыре стратегические задачи Международной организации труда (МОТ) в области содействия занятости в эпоху глобализации:

1. Содействие занятости благодаря формированию стабильной институциональной и экономической среды;

2. Разработка и расширение мер социальной защиты, социального обеспечения и защиты работников, носящих устойчивый характер и отвечающих национальным условиям;
3. Содействие социальному диалогу и трипартизму, как способу перевода экономического развития в русло социального прогресса, а социального прогресса в русло экономического развития;
4. Соблюдение, содействие и реализация основополагающих принципов и прав в сфере труда.

Таким образом, в декларации констатируется вывод о том, что государства-члены МОТ сами должны разрабатывать конкретные мероприятия, направленные на достижение описанных стратегических задач, на основе принятия национальной стратегии в области обеспечения эффективной занятости и снижения уровня безработицы. В связи с этим, на основе анализа положения дел в области обеспечения занятости и сокращения уровня безработицы в Узбекистане, предлагаем разработать и реализовать комплекс следующих институциональных, экономических и социальных механизмов формирования и эффективного использования трудовых ресурсов в нашей стране:

1. Необходимо разработать соответствующие отраслевые и региональные методические документы по определению эффективности системы подготовки кадров по всем уровням образования и квалификаций, на основе системного анализа структуры и эффективности занятости в экономике страны; здесь основными индикаторами такого анализа должны выступать уровень текущего размера доходов по профессиям и квалификациям в разрезе отраслей и регионов, а также соотношения этих доходов с динамикой минимального размера оплаты труда в стране. Это дает возможность эффективно оптимизировать расходы системы образования с учетом современных тенденций развития гибких программ подготовки кадров всех уровней образования и квалификаций. Такие программы способствуют повышению профессиональной мобильности работников, но основе реализации которой увеличивается занятость и сокращается уровень безработицы в среднесрочном периоде экономического и социального развития;

2. Определение критериев уровня социально допустимой нормы безработицы в региональном разрезе с тем, чтобы разработать соответствующие программы адресной социальной защиты населения; это даёт возможность повышать эффективность региональных мер по сокращению бедности, стимулированию самозанятости и увеличению доходов населения. Данные критерии должны учитывать сложившуюся тенденцию и динамику внешней трудовой миграции, уровня доходов этих работников-мигрантов, а также уровень валового внутреннего продукта на душу населения в стране.

3. Разработка механизмов налогового регулирования и кредитования раз-

вития нестандартных форм занятости (сезонная занятость, фрилансер, гибкие формы контрактов), направленных на стимулирование официальной занятости; при этом, уменьшение уровня неофициальной занятости должно сопровождаться желаемыми количественными соотношениями объемов сумм от налоговых льгот и льготных процентных ставок по кредитам и суммы от увеличения налоговых поступлений за счет увеличения доли официальной занятости в национальной экономике.

Предлагаемые меры позволяют в краткосрочном и долгосрочном периодах повышать уровень занятости населения и сокращать уровень безработицы, которые в свою очередь приведут к повышению доходов работников и сокращению бедности в стране. Кроме того, будут выработаны экономические стимулы повышения производительности труда, тем самым будет повышаться эффективность использования трудовых ресурсов, а также эффективность программ социального развития в стране.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Бурхонова Шахноза Ботир қизи
Toishkent давлат иқтисодиёт университети ассистенти

Хозирда тараққий этган давлатлар қаторига қўшилишимиз учун аввало илгор замонавий ахборот-коммуникация, интернет ҳамда рақамли технологиялар соҳасидаги билимларни чуқур эгаллаш орқали юксалишнинг энг қисқа йўлидан боришимиз керак. Бунинг учун жамиятимизнинг барча қатламларида инновацион технологияларни қўллаш борасидаги саводхонликни узлуксиз равишда ошириб боришимиз зарур.

Рақамли иқтисодиёт атамаси икки хил тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Биринчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ўзига ҳос назария бўлиб, унинг ўрганиш обьекти, ахборотлашган жамият ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганча, рақамли иқтисодиёт бу онлайн хизматлар кўрсатиш, электрон тўловларни амалга ошириш, интернет савдо, краудфандинг ва бошқа турдаги соҳаларни рақамли компьютер технологияларини ривожланиши билан боғланган фаолиятдир.

Бунинг натижасида мамлакат ЯИМ таркибида ишлаб чиқаришдан кўра хизматлар соҳасининг жадал суръатлар билан ўсиши юзага келади. Бундан

кўзланган асосий мақсад ҳам шундан иборатdir.

Ахборот технологияларини ривожланиши ва татбиқ қилиниши эвазига кундалик ҳаётимизда жуда кўплаб қулайликлар пайдо бўлмоқда. Рақамли технологиялар ривожланиши ортидан инсон, унга керакли хизматдан тезроқ фойдаланиши, интернет орқали ўзига керакли маҳсулотларни арzon сотиб олиш билан кўплаб пул маблағлари ва вақтини тежаши мумкин.

Албатта, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, замонавий технологияларнинг ҳаётимизга тадбиқ этилиши ҳар бир инсон ҳаётида кўплаб ижобий имкониятлар бериши мумкин.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини бошқа афзалликлари қуидагича бўлиши мумкин: ишлаб чиқаришда меҳнат самадорлигини ошиши; тадбиркорлар рақобатбардошлигининг ўсиши; ишлаб чиқаришдаги ҳаражатларнинг камайиши; янги иш ўринлари яратилиши; янги замонавий касблар пайдо бўлиши; камбағалликни енгиш ва ижтимоий тенгсизликнинг йўқолиши.

Булар рақамли иқтисодиётнинг бор йўғи бир нечта афзалликлари холос. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бизнинг кундалик ҳаётимизга ижобий тасир қилади, оддий фойдаланувчига кўплаб қўшимча имкониятлар беради ва қолаверса, бозорни ўсиши ва ривожланишини таъминлаб бериши мумкин.

Рақамли иқтисодиёт келтириб чиқариши мумкин бўлган хавфлар: кибер ҳужум хавфи, шахсий маълумотлар ҳимояси билан боғлиқ муоммолар; “рақамли қулил” (миллионлаб инсонлар маълумотларидан кейинчалик уларни ўзларини тутишини бошқариш учун фойдаланиш); ишсизликни ошиши, ахборот технологияларининг ривожланиши ва унинг татбиқ қилиниши ортидан бир қанча соҳалар ва касблар йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Рақамли иқтисодиёт ривожланиши учун давлат ҳамма учун тенг шароит яратиб бериши, иложи борича бозор қоидалари, қонунлар, шартномалар шаффоф бўлиши, қонунлар бозор талабидан келиб чиққан ҳолда(яъни бозордаги ривожланиш тенденсияларини олдиндан аниқлай олиши ва керакли норматив ҳужжатларни қабул қилиши) ўйин иштирокчилари учун эркинлик бериши зарур.

“Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида, мен юртимизда 2020 йилга “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб ном берилди.

Мамлакатимизнинг таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича асосий ҳужжатларидан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш милий дастури»да бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрловчи таълим муассасаларида ўкув жараёнини ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ), интернет ва компьютер тармоқлари негизида ташкил этиш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Мамлакатимиз таълим тизимида ушбу вазифа-

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

лар ўз вақтида ҳамда самарали амалга оширилмоқда. Белгиланган мақсадга эришишда узвий ва изчил, ўзаро уйгуналашган тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқдари ва интернет технологияларини жорий қилиш мақсадида «Электрон таълим» миллий тармогини барпо этиш ҳамда барча олий ўқув юртларини, кейинчалик эса академик лицей ва қасб-хунар колледжларини ягона компьютер ахборот тармогига улашни таъминлаш вазифаси»... белгилаб берилиб ҳозирги даврда мазкур тадбирлар комплекс тарзда муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Масофали таълим – бу, замонавий АҚТ ёрдамида масофавий ўқитиш жараёни қўлланадиган, таълим даражасини (таълим цензини) тасдиқдовчи, таълим олишнинг педагогик тизимиридан. Масофавий таълим – ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, масофадан туриб, ўқув ахборотларининг алмашувини таъминлайдиган, ўқув жараёнини олиб бориш ҳамда бошқариш тизимини амалга оширадиган билим ва кўникмаларни эгаллаш жараёниридан.

Масофавий таълим АҚШда ўтган асрнинг ўрталаридан, Европада эса 70-йилларнинг бошларида жадал ривожлана бошланди. Ўқитишнинг бу шакли таълим олувларидан ва ўқитувчиларнинг бир-бирлари ҳамда ўқитиш воситалари билан ўзаро таъсирининг мақсадга йўналтирилган интерфаол жараёнидан иборат бўлиб, бунда таълим жараёни уларнинг географик фазовий жойлашишига боғлиқ бўлмайди.

Пандемия шароитида таълим тизимидағи масофавий таълимни дастлабки синов босқичлари ўз-ўзидан амалга оширилмоқда. Бу эса аҳолининг потенциал қисми ҳам ўзининг бўш вақтларида нима биландир банд бўлиш учун ҳаракат қилиш имконияти бор эканлигини англаб етдилар.

ЁШЛАРГА ТАЪЛИМ БЕРИШ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛARНИНГ ЎРНИ

Шахноз Хикматовна Самиева

*Бухоро мұхандислик-технология институты,
педагогика факултии бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент,*

**Ситора Садуллаевна Асадова,
ўқитувчи-стажёр**

Жаҳондаги ривожланган давлатлар ўз фаолиятининг турли соҳаларини, шу жумладан, таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришни ҳам тегишли миллий моделлар асосида ташкил қилишган. Дунёда мустақил таълим олиш сифатини ошириш ёшларнинг жамиятда муваффақиятли ўз ўрнини топишида мұхим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Жумладан, 2030 йилгача қабул қилинган умумжаҳон

таълим Концепциясида “бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” гояси таълим олувчиларнинг мустақил таълим олишлари, мустақил ишлаш малакаларини узлуксиз ошириш орқали мутахассисларнинг зарурий компетенцияларини, ижодий яратувчанлик, тадқиқотчилик, мантиқий тафаккурини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда ёшларнинг зарурий компетенцияларини шакллантиришнинг интерфаол усуllibарини ҳамда мустақил таълимнинг замонавий парадигмаларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратимоқда.

Мамлакатимида таълим тизими учун ишлаб чиқиладиган Фармон ва Қарорлар, шунингдек таълим тизимининг барча меъёрий ҳужжарларида, илгор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп марта тақорорланади. Педагогик технологиянинг ўзи нима ва у анъанавий таълим методларидан нимаси билан фарқланади?

Ҳозирги кунда педагогик адабиёт, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий ҳужжатларда “янги педагогик технология”, “илгор педагогик технология”, “инновацион педагогик технология” иборалари кенг қўлланилмоқда. Айнан тизимли ёндашув педагогик технология асосида ўқитишни бошқа ёндашувлардан фарқловчи асосий белги ҳисобланади. Таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш методлари, назорат ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқада ва бир-бири билан боғлиқликда лойиҳалаш- кўпинча анъанавий ўқув жараёнида етишмайдиган нарсалардир. Кўп ҳолларда таълим, асосан, ахборотни эслаб қолишига йўналтирилган, таълим олувчининг бўлажак фаолияти эса муйайян ишларни бажариш ёки ташкилий, бошқарув вакасбий қарорларни кабул қилиш билан боғлиқ бўлади.

Замонавий педагогик технологиялардаги гоя таълимий фаолият ёки ҳарқандай таълим муассаси ва таълимнинг асосий звеноси бўлган таълим жараёнини бошқарилувчанлигидир. Айнан илмий асосланган технология таълимнинг асосий йўналиши, мазмунини, ўқитиш шакллари, усуllibарини танлашнинг назарий асосини белгилаб беради. Фикримизча, ижодий қобилияtlарини ва ички имкониятларини тўла намоён қилишга асос бўлади. Бундай технология энг аввали, таълимнинг ҳар бир босқичида педагог билим, кўникма ва малакаларни мунтазам ўз устида ишлаш (мустақил ва экстернат) ҳолда билим эгаллаши лозим.

Худоса қилиб шуни айтиш жоизки, замонавий педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнига қўллаш назарий методологик жиҳатдан асосланган, мафкурамизга хос шахсга йўналган бўлиши лозим. Шу билан бирга педагогларимизнинг педагогика ва психология, ўқитиш методикасини ҳозирги босқичда эришган ютуқлари ва имкониятлари даражасида бўлиши лозим. Энг муҳим жамиятнинг ривожлантиришни методологик асоси ҳисобланган ўзбек моделининг босқичма-босқич ривожлантириш моҳиятидан келиб чиқиб ташкил этиш орқали ўқув-тарбия жараёнини технологик асосга ўтказиш муҳимдир.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ҚЎЛЛАШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Шахноз Хикматовна Самиева

*Бухоро муҳандислик-технология институти, педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент,*

Марварид Ҳаким қизи Маджидова
ўқитувчи-стажёр

Республикамизда олий таълим соҳасида олиб борилаётган изчил сиёсат на-
тижасидаги ривожланиш ўқитишнинг янги шакларини жорий этишини тақоза
этмоқда. Шу сабабли, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали
масофавий таълим тизимини юқори сифат даражасида ташкил этиш ҳозирги
куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Ривожланган давлатлар
тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир мамлакатнинг дунёдаги иқтисодий,
ижтимоий ва сиёсий мавқеини, унинг иқтисодий ўсищда асосий омили бўлиб
бораётган интеллектуал бойлиги таъминлади.

Ҳозирги кунда республикамизда замонавий ахборот ва коммуникация тех-
нологияларининг таълим жараёнига кириб келиши янги ўқитиш шакли - масо-
фавий ўқитиш таълим мининг яратилишига омил бўлди. Бу эса ўз навбатида олий
таълимдада янгича тизим ташкил қилинишига асос яратади. Масофавий таълим
тизимида педагоглар, компьютер дастурчилари ва мутахассислари ёрдамида
ўқитишнинг инновацион шакллари, янги ўқитиш курслари, онлайн конферен-
циялар, вебинарлар ўтказишни амалга ошириш ҳамда масофавий ўқитиш ти-
зимини (Интернет, Кейс, ТВ – технологиялар ва ҳ.к.) ўзлаштирган бўлишини
тақозо этмоқда.

Олий таълим муассасасини бошқаришни автоматлаштириш, ўқув жараёнига
ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Ўзбекистон Республи-
каси Президенти томонидан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим
тизимини комплекс ривожлантириш дастури”нинг энг асосий йўналишларидан
бири ҳисобланади.

Ҳозирги даврда дунёдаги ривожланган мамлакатлар таълим муассасаларида
масофавий усула таълим беришнинг турли моделлари қўлланиб келинмоқда.

Масофавий таълимдада талаба ва ўқитувчи фазовий бир-биридан ажralган
ҳолда ўзаро маҳсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон
алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда
бўладилар. Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофавий ўқитиш
жаҳон ахборот таълим тармогига кириш имконини беради, интеграция ва

ўзаро алоқа тамойилига эга бўлган муҳим бир туркум янги функцияларни ба- жаради. Масофавий ўқитиш барча таълим олиш истаги бўлгандарга ўз мала- касини узлуксиз ошириш имконини яратади. Бундай ўқитиш жараёнида тала- ба интерактив режимда мустақил ўқув-услубий материалларни ўзлаштиради, назоратдан ўтади, ўқитувчининг бевосита раҳбарлигига назорат ишларини бажаради ва гуруҳдаги бошқа «вертикал ўқув гуруҳи» талабалари билан мулоқотда бўлади.

Масофавий ўқитиша турли хил ахборот ва коммуникация технологияла- ридан фойдаланилади, яъни ҳар бир технология мақсад ва масала моҳиятига боғлиқ. Масалан, анъанавий босма усулига асосланган ўқитиш воситалари (ўқув қўлланма, дарсликлар) талабаларни янги материал билан таништириш- га асосланса, интерактив аудио ва видео конференциялар маълум вақт орасида ўзаро мулоқотда бўлишга, электрон почта тўғри ва тескари алоқа ўрнатишга, яъни хабарларни жўнатиш ва қабул қилишга мўлжалланган. Оддиндан тасма- га муҳрланган видеомаърузалар талабаларга маърузаларни тинглаш ва кўриш имконини берса, факсимал алоқа, хабарлар, топшириқларни тармоқ орқали тезкор алмашиниш талабаларга ўзаро тескари алоқа орқали ўқитиш имкони- ни беради.

Масофавий ўқитиш – энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиш воситалари ва формаларини ўз ичига олган сиртқи ва кундузги таълим сингари ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формасидир.

Масофавий ўқиши – бу янги ахборот технологиялари, телекоммуника- ция технологиялари ва техник воситаларига асосланган таълим тизимиdir. У таълим олувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асоси- да ўқув шарт-шароитлари ва ўқитувчи билан мулоқотни таъминлаб бериб, ўқувидан кўпроқ мустақил равишда шуғулланишни талаб қилувчи тизим- дир. Бунда ўқиши жараёни таълим олувчини қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас.

Масофавий таълим – масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашувчи во- ситаларга асосланган, ўқитувчи маҳсус ахборот муҳит ёрдамида, аҳолининг бар- ча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим мажмуайдир.

Масофавий ўқитиш тизими – масофавий ўқитиш шартлари асосида таш- кил этиладиган ўқитиш тизими. Барча таълим тизимлари сингари масофавий ўқитиш тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усувлари, воситалари ва ташкилий шаклларига эга.

Нима учун масофавий таълим керак бўлиб қолди? – деган савол түғилиши табиий. Бу саволга жавоб тариқасида қўйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

– Таълим олишда янги имкониятлар (таълим олишнинг арzonлиги), вақт ва

жойга боғлиқмаслиги ва бошқалар).

- Таълим масканларига талаба қабул қилиш сонининг чекланганлиги.
- Таълим олишни хоҳловчилар сонининг ошиши.
- Сифатли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
- Халқаро интеграциянинг кучайиши.

Юқорида санаб ўтилган шароит ва имкониятлар масофавий ўқитишга эҳтиёж борлигини кўрсатади. Масофавий ўқитишнинг таълим тизимида бир-биридан фарқланувчи модел ва шакллари мавжуд бўлиб, улар қўйидаги қўлланиш шартлари билан фарқланади:

- географик шартлар (масалан, мамлакат территорияси, марказдан узоқликда жойлашуви, иқлими);
- мамлакатнинг ахборотлашуви ва компьютерлаштириш умумий даражаси;
- коммуникация ва транспорт воситаларининг ривожланиш даражаси;
- таълим жараёнида ахборот ва коммуникация технологиялари воситалари нинг қўлланиш даражаси;
- таълимда қўлланиладиган анъаналари;
- масофавий ўқитиш тизими учун илмий педагог кадрлар мавжудлиги ва уларнинг салоҳияти ва бошқалар.

Юқоридагиларни хulosса қилиб шуни айтиш мумкинки, масофавий таълим элементларини таълим муассасаларига жорий этилиши ҳар томонлама фойда келтиради. Олий таълим тизимида бу комплексни жорий қилиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Дарҳақиқат, масофавий таълим тизими орқали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, таълимнинг турли интерактив шаклларини бир-бирига яқинлаштиришга эришиш мумкин. Бугунги кунда хорижда масофавий таълим орқали уйдан туриб билим олиш, олий таълим томонидан тайёрланган видео дарслардан фойдаланиш, шунингдек бир вақтнинг ўзида қўшимча тарзда таълимнинг барча йўналишларида билим олиш ва шахсий қизиқишлари бўйича салоҳиятини ошириш тажрибаси кенг татбиқ қилинмоқда. Олий таълимда жорий қилинаётган ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаси ҳам келажакда бу каби имкониятлардан фойдаланишга хизмат қиласди.

Юқоридагиларни хulosса қилиб шуни айтиш лозимки, масофавий таълим моделларини таълим муассасаларига жорий этилиши ҳар томонлама ижобий самара беради. Республикаиздаги барча олий таълим муассасаларида ушбу тизимни жорий қилиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, замонавий компьютер, ахборот ва коммуникация технологиялари билан яхши таъминланган бўлиб, улар асосида амалга оширилаётган онлайн видеодарслар, видеоконференциялар, вебинарлар талabalарнинг ижодий қобилияtlарини ривожлантиришда катта ҳисса қўшади.

GLOBALLASHUV JARAYONIDA YOSHLARNING HUQUQIY MADANIYATINI YUKSALTIRISHNING AHAMIYATI

**Akramov Shohruh Shuhratjon o'g'li,
Maksumova Sevarahon Rustamovna**
Farg'onan politexnika instituti magistrantlari

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning har bir ma'ruzalari va aholi bilan uchrashuvlarida yoshlarning huquqiy ta'lif-tarbiyasi yuzasidan zarur tavsiyalarni berib kelmoqda. Davlatimiz rahbarining "Bosh Qonunimizni chuqur o'rganish, anglash, hayotga joriy etish va unga so'zsiz amal qilish – barchamizning sharafli burchimizdir", degan fikrlari yoshlarni huquq-erkinliklarini o'rganishlari uchun keng yo'l ochib berdi. Konstitutsiya va qonunlarimiz xaqiqatdan ham qudratli kuchga ega huquqiy davlat va adolatlilik shakllantirish suv va havodek zarur.

Yurtboshimizning "Oldimizga qo'yilgan ulkan vazifalarni amalga oshirishda biz uchun kuch-qudrat manbai bo'ladigan milliy g'oyani rivojlantirishimiz zarur", degan so'zlari bugungi tahlikali zamonda nihoyatda zarur va hayotiy haqiqatdir. Milliy g'oya, avvalo, har bir oilada tarkib topadi. Farzandlariga to'g'ri yurib, to'g'ri turishni o'rgatish huquqiy tarbiya bilan singdiriladi. Huquqiy tarbiyaning samaradorligi ko'p jihatdan ta'lif muassasalaridagi huquqiy bilimning chuqur o'rgatilishiga bog'liq.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 14 avgustdag'i "Yoshlarni ma'naviy-axloqiy va jismoniy barkamol etib tarbiyalash, ularga ta'lif-tarbiya berish tizimini sifat jihatdan yangi bosqichga ko'tarish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3907-sonli qarori ham yoshlarni uchun keng imkoniyatlarni ochib berdi. Vatanimizning ertanggi kuni, rivojlanishi va olib borilayotgan islohotlarning muvaffaqiyati ko'p jihatdan xalqimizning huquqiy savodxonligi va huquqiy madaniyati darajasiga bog'liq. Ma'lumki, mustaqillik yillarida mamlakatimizda yoshlarga ta'lif-tarbiya berish, har tomonlama yetuk shaxsni voyaga etkazish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishiga aylandi. Voyaga yetmaganlarning huquq va manfaatlarini himoya qilish, ular orasida nazoratsizlik va huquqbazarliklarning oldini olish hamda yoshlarning huquqiy ongi va madaniyati darajasini oshirish borasida keng qamrovli ishlar amalga oshirilmoqda.

Mamlakatimiz mustaqillika erishgan ilk kunlardan boshlaboq inson huquqi, uning qadr qimmati birinchi darajali masala sifatida ko'tarilib, barcha huquqiy asoslar yaratildi va yaratilmoqda. Jumladan fuqarolarning huquq va erkinliklarini ta'minlash, ularning buzilgan huquqlarini tiklash, fuqarolar murojatlariga ma'suliyat bilan yondashish va asosiy vazifalarning yana biri bu jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish ishlariga alohida e'tibor berilib kelinmoqda.

Mamlakatimizda o'sib kelayotgan yosh avlodni tarbiyalash davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan bir vaqtida yoshlarda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yanada yuksaltirish, ularni qonunlarga hurmat ruhida tarbiyalash mamlakatimiz oldida turgan muhim masalalardan biridir. Huquqiy demokratik davlat qurish va jamiyat taraqqiyotining rivoji o'sib kelayotgan avlod ta'lim darajasining, huquqiy savodhonligining yuqoriligiga bog'liqdir.

Mamlakatimizda iqtisodiyot, siyosat va davlat qurilishi, huquqiy tizim va jamiyatni ma'naviy o'zgartirish sohasida keng ko'lamli islohotlar o'tkazilmoqda. O'tkazilayotgan islohotlarning qonuniy zamini yaratildi. Ijtimoiy siyosiy hayotning huquqiy asoslari izchillik bilan mustahkamlanmoqda va takomillashtirilmoqda. Vatanimizning rivojlanishi va islohotlarning muvaffaqqiyati ko'p jihatdan xalqning huquqiy ongi hamda huquqiy madaniyati darajasiga bog'liqdir.

Xulosa qilib aytganda, yoshlar-kelajagimiz egalari. Yurtimizning ishonchli vorislardir. Xar bir davr yoshlarining bilim darajasi, dunyoqarashi, o'y-fikrlari, ma'naviy qiyofasiga qarab shu jamiyatning ertangi kunini aniq tasavvur etish mumkin. Yoshlarga yaratilayotgan keng imkoniyatlardan yoshlar o'zlarining ma'naviaytini yanada boyitishga, dunyoqarashini kengaytirishga, huquqiy madaniyatini yanada yuksaltirishda, eng asosiysi ularda Vatan uchun, oilasi uchun ma'sullik xissini oshirishda Vatan oldidagi yuksak vazifalarini sitqidildan bajarishga imkon berishlarida keng foydalanishadilar. Hamda bugungi kunlarda turli sohalarda erishgan hamda egallayotgan bilimlarini ona Vatnimizni yanada gullab yashnashi uchun safarbar etishadi degan umiddamiz.

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР МАДАНИЯТИДА ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИ

Ходжаев Собир Джумаевич

*Ёшлар муаммолариини ўрганиши ва истиқболли
кадрларни тайёрлаши институту ходими*

Тадбиркорлик фаолиятининг мазмунини белгиловчи омиллардан бири тадбиркорлар қатlamiga tegishli bўlgan madaniyat va qadriyatlар tizimi xisoblanadi. Rus tadqiqotchisi N.N.Zarubinining madaniyatga berган taъriifi tadbirkorlik faoliyatinining madaniy asoslarini kўrib chiqishga imkon beradi: "Madaniyatni ҳар қандай insон faoliyatining ma'naviy tarkiibiy қисми sifatiда, жамият yaxlitligi va rivojklaniшини tayminlovchi qadriyat yўnaliishlari, ma'ynolari, motivlari, meъёрларining umumiy tizimi sifatiда belgilaش mumkin. Madaniyat ҳар қандай faoliyat shakliда va ҳар қандай ijkti-

моий соҳада ўзининг инсонийлик ўлчови, зарурийлик ва мукаммаллик ҳақидаги тасаввурларни назарда тутиш ва амалга ошириш сифатида намоён бўлади”. Шу асосда қадриятлар тизимлари ёрдамида маданият тадбиркорлик фаолиятида қандайдир ўзига хос хулқ-атвор намунасини шакллантиради. Социологиядаги социал тизим ва ҳаракат назарияси асосчиларидан бири америкалик социолог Т.Парсонс маданият тизимидағи намунани сақлаб қолиш ва қайта ишлаб чиқиш билан бирга уни ижодий қайта ташкил этишга тенг бўлган вазифани юклайди. Маданиятни у табиий муҳитдан ҳам, ҳаракат тизимларидан ҳам мустақил бўлган иккинчи тизим сифатида тасаввур қилиб, уни фалсафий анъаналарга мувофиқ “энг олий воқелик” деб атайди. Бу М.Вебер инсон ҳаракатларининг “мазмуний муаммоси” деб атаган ҳолатга тегишли ва у ўз ичига билиш “жавоблари”ни камраб оладиган маданий тизимдаги мазмуний ориентацияларни гурӯхлаш орқали ҳаракатлар тизими билан боғлиқ.

Инсон маънавий маданиятда мужассамлашган қадриятлардан келиб чиқсан ҳолда ўз ҳаётининг мақсади, бу мақсадларни амалга ошириш стратегияси ва охири-оқибатда “ҳаёт мазмуни”ни белгилайди.

Тадбиркор учун маънавий қадриятларни ўз хатти-ҳаракатларида, хулқ атвирида, бизнес олиб бориш маданиятида, айнан бизнеснинг мазмунида моддийлашишида ҳам ифодаланади.

Н.Н.Зарубина фикрича, хўжалик маданияти қадриятлари, жумладан тадбиркорлик маданияти қадриятларини (бундан кейинги матнда “иқтисод” қадриятлари) икки турга ажратиш мумкин: Биринчидан, умуминсоний қадриятларнинг иқтисодиёт соҳасига “кириб келиши” натижасида шаклланган меъёр ва қадриятлар: “индивидуализм” - “иқтисодий индивидуализм”, “рақобат”, “иқтисодий рақобат” ва бошқалар. Иккинчидан, хўжалик маданиятига шахсий асосий қадриятлар ва меъёрлар: меҳнат, мулк, бойлик, амалиёт, фойда, даромад, рационаллик, ишбилармонлик” киради.

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли қадрларни тайёрлаш институти томонидан Ёшлар орасида тадбиркорлик муҳити ва унинг муаммоларига бағишланган ўтказилган тадқиқотда ёш тадбиркорлар маданиятида қадриятлар тизими етарли даражада ўрганилди³².

**Ушбу тадқиқот тадқиқот натижасида олинган маълумотлар таҳдили на-
тижасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган аксарият ёшлар-
ни ушбу фаолиятга ундан мотив иқтисодий омил эканлиги маълум бўлди.**

Респондентларнинг деярли 55% (моддий жиҳатдан бирорга қарам бўлмаслик истаги, кўпроқ пул топиш, ҳаёт даражасини яхшилаш, оила, қариндош-уругларни моддий фаравонлигини таъминлаш) айнан иқтисодий масала уларни тадбиркор-

³² Тадқиқот 2019 йилнинг октябр ойида республиканинг барча 14 ҳудудида ўтказилди, унда жами бўлиб 1196 нафар ёш тадбиркорлар ҳудудлар бўйича квотали танлаш асосида сараланди.

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

лик фаолиятига ундаганлигини қайд этишиб, 10,7% эса жамиятдаги маълум ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун бу фаолиятга қўл уришганини билдиришган 6,8% ёшлар эса тадбиркорлик фаолияти уларга юқори мансабга кўтарилиши учун шароит яратиб, имконият беринин таъкидлашган (1-жадвал).


1-жадвал.

Тадбиркорлик фаолиятига ундаган мотивлар (фоиз ҳисобида)

| Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга турткі бўлган омиллар | % |
|--|------|
| Моддий жиҳатдан бирорга қарам бўлмаслик истаги | 28,6 |
| Кўпроқ пул топиш, ҳаёт даражасини яхшилаш | 14 |
| Оилам, қариндош-уругларимни моддий фаравонлигини кўтариш | 12,3 |
| Ўзимнинг шахсий фазилатларимни намойиш этиш | 5,7 |
| Юқори малакали касбдошлар билан ишлаш | 6 |
| Касбий маҳоратни ишга солиш | 5,2 |
| Юқори мансабга эришиш учун шароит яратиш | 4,2 |
| Обрў – мансабга эришиш | 2,6 |
| Жамиятдаги муаммоларни ҳал этишга ҳисса қўшиш | 10,7 |
| Кўп куч сарфламай меҳнат килиш | 2,2 |

Тадбиркорлик ва бизнес билан шуғулланадиган ёшларда – фойда олиш, пул (28,6%) муҳим қадрият сифатида қайд этилган бўлса, савоб – инсоф (18,8%), эътиқод (7,8%), билим ва малака (16,8%),adolatлилик (14%) ҳамда масъулиятлилик (14,6%) сингари замонавий хислатлар ҳам эътиборли эканлиги маълум бўлди. Бундан хулоса қилиб айтшимиз мумкинки, Ўзбекистонда ёш тадбиркорларнинг қадрияtlар тизимида моддий қадрияtlардан фарқли ўлароқ, **маънавий қадрияtlар, хусусан диний қадрияtlар** муҳим аҳамият касб этмоқда (1-расм).

Немис социологи Макс Вебер мамлакатлар тараққиёти асосига ғояни қўйиши билан бирга бу борада киши эътиқод қиласидиган дин муҳим ўрин тутишини таъкидлаб ўтган эди. Хусусан, М.Вебер протестантлик ахлоқи аҳамияти ва харизматик тадбиркор шахсининг хусусиятларининг муҳимлигига асосий эътибор қаратган. Ўзбекистонда тадбиркорлар қатлами маданиятида маънавий қадрияtlарнинг етакчи ўрин тутиши ва уларнинг моддий қадрияtlар билан ҳамоҳанг келиши **авлодлар ўртасидаги алмашинув, диний сиёsat доирасидаги ижобий тенденциялар, глобаллашув жараёнидаги ўзгаришлар ва янгиликларни қиёсий таҳдил қилиш имкониятининг пайдо бўлганлиги, жамиятда жамоавий шаклдаги урф-одат ва анъанааларга муҳим ўрин тутиши** билан изоҳданади.



1-расм. Ёш тадбиркорларнинг қадриятлари

Тадбиркорнинг онгида “иктисодий қадриятлар” мутлоқлаштиришдан қочиш учун гуманизм билан боғлиқ тамойилларни кўриб чиқиш зарур бўлади. Гуманизмнинг асосий тамойилларидан бири альтуризм ҳисобланади. Бир қарашда, альтруизм иқтисодиёт учун бегона, лекин биз ҳисоблаш ва самарадорлигини етишмаслиги сифатида эмас, балки бегаразликнинг бир кўриниши сифатида, яъни бошқалар манфаатлари заарига ўз манфаатларини қондиришдан воз кечиши тамойилидан келиб чиқиладиган бўлса, у ҳолда умумий манфаат, жумладан шахсий манфаатларни қондириш учун ўзаро иқтисодий фаолиятни самарали ташкил этиш мумкин бўлади. Н. Ф. Фёдоров таъкидлаганидек, “ўзингиз (эгоизм) ва бошқалар (альтуризм) учун эмас, балки ҳамма билан ва ҳамма учун яшаш керак”. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви инсон ҳамма нарсани ўзи қила олмаслигини ва бу учун нимадандир воз кечиши лозимигини назарда тутади. Иқтисодиётда воз кечиши тушунчаси субъектнинг умумий манфаат учун ўз фойдасини эътиборсиз қолдира олиш қобилиятини англатади.



2-расм. Ёш тадбиркорларнинг ижтимоий иншоотлар қуриш истаги

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлиари

Иқтисодий муносабатларни уйғунлаштириш учун хайрихоҳлик ва ҳамдардлик каби гуманизмнинг қадриятли асослари зарур бўлади. Айни шу маънода тадбиркорлар қадриятлар тизимини таҳлил қилишда оддий ҳалқ учун тадбиркорларнинг қандай ижтимоий иншоотлар қуриб бериши масаласига доир саволга берилган жавоблар ёш тадбиркорлар учун **маърифатли ва билимли бўлиш (29%)**, **эътиқод (20%)**, **таълим (19%)**, **уй жой (12%)**, **спорт (11%)**, **анъана ва урф-одатлар (9%)** шаклида ўрин тутиши тадбиркорларда **маърифий**, диний ва таълимга оид қадриятлар кўпроқ муҳим аҳамият касб этажетганлигини англатади.

Сўровда қатнашган ёш тадбиркорларнинг фикрига кўра муваффақиятли тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда **билим (20,4%)**, **омад (19,4%)**, **маблағ (капитал) (17,2%)** ва **ҳаракат (16,5%)** мухим ўрин тутиши аниқланди. Шу билан бирга, иқтисодий эркинлик (7,8%), давлат томонидан қўллаб-қувватлаш (6,9%) сингари расмий ижтимоий омилларни **2-тоифага**, ота-она, қариндошларнинг қўллаб-қувватлаши (5,5%), таниш-билишчилик (3,2) ва түгма қобилият (3,2%) сингари жиҳатларни эса **учинчи тоифага** киритиш мумкин (9-диаграмма).



З-расм. Тадбиркорлик ривожланиш омиллари

Бироқ, иқтисодий ҳаётнинг асосий қадриятлари ҳам, ҳар бир дақиқада фойда олишга шаштида бўлган инсон онгида шаклланган қадриятлар ҳам ўзгаришга маҳкум бўлиши мумкин. Симпатия, эмпатия, алътротизм қадрияти-йўналган онгнинг асосини шакллантиради, унинг муҳим хусусияти ватанпарварлик саналади. Хўжалик ҳаётида ватанпарварлик сингари гуманистик тамоилил протекционизм шаклида кўзга ташланади. “Иқтисодий фаолият тамоилили сифатида ватанпарварлик нафақат иқтисодиётнинг маънавий пойдевори, шу билан бирга унинг маънавий ҳукмронлигидан ҳам далолат беради”. Гуманизм қадрияtlарига, хусусан ватанпарварликка таянмайдиган рационализм ва “иқтисодиётнинг бошқа асосий қадрияtlарни” иқтисодиётни

шакллантиради, унинг бу ҳолатини С. Н. Булгаков бартараф этиш қийин, аммо айнан шарт бўлган иқтисодий-материалистик чайқалиш деб номлаган. С. Н. Булгаков, фикримизча, иқтисодий фаолият субъектлари томонидан кўрсатилган идеал, маънавий, моддий ва ташқи томондан “юқори” бўлган хўжаликка бўлган ёндашувни асослаб берган. Агар хўжаликнинг мақсади иқтисодиётдан юқори турса, у ҳолда у маънавият соҳасида белгиланади.

Жамият ҳаётини яхшилашга қаратилган самарали хўжалик юритишига тадбиркор онгидағи “экономизм” тамойилларини инсонпарварлик қадриятлари, унинг маданий ва маънавий тараққиёт даражаси билан мутаносиб бўлсагина эришиш мумкин. Бу ва бошقا қадрият йўналишларининг ҳам энг муваффақиятли намоён бўлиши тадбиркорнинг “иқтисодий онг ва хўжалик юритиш тафаккурнинг технологик асослари” даражасига, яъни унинг ақлий сифатларига боғлиқ бўлади.

ЁШЛАРНИНГ БЕҚАРОР ИШ БИЛАН БАНДЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Набиев Олимжон Абдисаломович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети таяни докторант

Жаҳондаги глобал иқтисодий ва технологик жараёнларда меҳнат бозорининг либераллашиши, меҳнат ресурслари мобиллиги ва миграциясининг кенгайиши, ижтимоий кафолатларга эътиборнинг сусайиши, ҳамда аҳолининг норасмий иш билан бандлиги меъёрларининг ошиб бораётгани ходимнинг муқим иш жойида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи анъанавий моделларига жиiddий ўзгартиришлар киритмоқда. Натижада меҳнат бозорида меҳнат ресурсларининг прекариат (лотинча: “precarium” – “бекарор”, “кафолатланмаган” сўзларидан) номини олган табақаси шаклана бошлади ва Халқаро меҳнат ташкилотининг иш биланмуносиб бандлик концепцияси талаблари бузилишига сабаб бўлмоқда.


Хусусан 2017 йилда жаҳондаги иш билан бандларнинг 42% дан кўпроғи ёки 1,4 млрд. киши прекариатлар (бекарор иш билан бандлар) ҳисобланади ва хар иили 17 млн. киши улар қаторига кўшилмоқда. Жумладан, жами иш билан банд бўлган аҳолининг ривожланган давлатларда 10% дан ортиқ қисми, саноати ривожланган мамлакатларда 46,5%, ҳамда ривожланаётган мамлакатларда 78% дан кўпроқ қисми текарор иш билан банд бўлганлар улушига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПҚ-4947 сонли Қарори билан қабул қилинган “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш юзасидан давлат органлари ишлари самарадорлигини ошириш, фуқароларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, янги иш ўринларини ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган. Жумладан, аҳолининг иш билан бандлиги даражаси ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш вазифасига алоҳида устуворлик берилган.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Республика аҳоли бандлиги ва меҳнат муҳофазаси илмий маркази томонидан 2019 йилнинг декабрь ойида 108 та шаҳар ва туманда 485 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, 4,9 мингта уй хўжалиги ва 25,8 минг нафар фуқаро қамраб олинган ижтимоий тадқиқот натижаларига кўра, ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 9,0% ни ташкил этган. Бу эса 2018 йилга нисбатан 0,3% га пасайганинги кўрсатади. Ишга муҳтож бўлган аҳоли сони 1 335,3 мингни ташкил этган, 16-30 ёшли аҳоли ўртасида ишсизлик 15,0% ни, аёллар ўртасида - 12,8% ни ташкил этган. (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистонда иш билан бандлик кўрсаткичлари
(2020 йил 1 январга бўлган маълумот, минг кииши)**

Ўзбекистон меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган аҳолининг таркибида ёшларнинг улуши кўпроқ. Расмий статистика маълумотларига кўра, мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли, яъни 16-25 ёшдаги йигит-қизлар аҳолининг умумий сонида 16% ни ташкил этади. Улар ўртасида ишсизлик даражаси 17% дан, яъни мамлакат бўйича ишсизликнинг умумий кўрсаткичидан деярли икки баравар ортиқ бўлган. Шу билан бирга улар ўртасидаги иқтисодий фаоллик 45,8% га tengdir. Янада ташвишланарлиси, кейинги йилларда ёшлар иш билан тўла бандликка қараганда беқарор иш билан бандликни кўпроқ танлашлари кузатилмоқда.

Ёшлар ўртасида беқарор иш билан бандлик даражаси юқорилигининг ўз сабаблари бор. Бу, биринчидан, иш берувчиларнинг ана шу ёшдаги йигит ва

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

қизларни касб-хунарларга ўргатиш, малакасини ошириш учун қўшимча харажатлар қилишни хоҳдамасликлари билан изоҳданади. Шунинг учун иш берувчилар ёшларни кўпроқ алоҳида тайёргарлик талаб қилмайдиган мавсумий қишлоқ хўжалик ҳамда қурилиш ишларига, савдо-сотик, умумий овқатланиш тизимида хизмат кўрсатиш соҳаларига вақтингча ёллашни мақбул қўрадилар.

Иккинчидан, бекарор иш билан бандлик ёшларга ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда таълим олишни давом эттириш имкониятини беради.

Учинчидан, ёшлар ўзлари учун бўлажак касб ва ихтисосликларни танлаш мақсадида турли соҳаларда қобилиятларини синаб кўриш мақсадида бекарор иш билан бандлик турларини танлашлари аниқланган.

Сўнги йилларда 16-25 ёшдаги йигитларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида бандлиги даражаси кескин камайганлигини (ушбу ёшдаги умумий иш билан бандларга нисбатан 45% дан 7% га) таъкидлаш керак. Бунинг асосий сабаблардан бири урбанизация жараёнлари билан – ёш йигитларнинг манфаатлироқ иш топиш учун қишлоқдан шаҳарга ички мобиллиги билан боғлиқдир.

| Иқтисодиёт соҳалари | Йигитлар | Қизлар |
|----------------------------------|----------|--------|
| Ижтимоий сектор | 11,0 | 28,0 |
| Хизмат кўрсатиш | 27,0 | 28,0 |
| Молия, сугурта, кўчмас мулк | 4,0 | 4,0 |
| Чакана савдо | 7,0 | 12,0 |
| Улгуржи савдо | 2 | - |
| Транспорт ва коммунал хизматлари | - | 8,0 |
| Саноат ишлаб чиқариши | 4,0 | 20,0 |
| Қурилиш | 36,0 | - |
| Тоғ-кон саноати | 2,0 | - |
| Қишлоқ хўжалиги | 7,0 | - |

1-жадвал. Ўзбекистонда 16-25 ёшдаги йигит ва қизларнинг иқтисодиёт соҳаларида иш билан бандлиги (умумий иш билан банд йигит ва қизлар сонига нисбатан %)

Шу билан бирга олиб борилган таҳдиллар олий маълумотга эга бўлган ёшлар ана шундай маълумотга эга бўлмаган тенгдошларидан фарқли равишда аксарият ҳолатларда иш берувчилар билан расмий шартномалар тузишларини кўрсатди.

Бекарор иш билан бандликка кадрлар тайёрлаш квоталарининг миллий иқтисодиёт эҳтиёжларига номувофиқлиги, айниқса қучли таъсир кўрсатмоқда. Масалан, саноатда ташкил этилган иш жойлари билан мазкур ихтисосликлар бўйича тайёрланган олий маълумотли мутахассисларнинг нисбати 8:1 нисбатини ташкил этади. Саноат ишлаб чиқариши учун, айниқса ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллаган техника йўналишидаги мутахассислар ҳамда замонавий бошқарув усулларини ўзлаштирган ишлаб чиқариш менежерлари тақчиллиги кузатилмоқда. Шу билан бирга иш билан бандлар таркибида олий маъ-

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИНГ ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мамарахимов Бекзод Эркинович

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент*

Глобал муаммолар ўзаро боғлиқликнинг яққол кўринишларидан бири ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида ҳозирги давр цивилизацияси ўзининг ри-вожланиш жараёнида ҳеч қачон ҳозирги кундагидек кескин муаммолар гирдо-бига дуч келмаган. Жаҳон иқтисодиётида бу муаммоларни ҳал этмасдан туриб, инсоният ижтимоий-иктисодий тараққиёт йўлидан ривожланиб ҳаракат қила олмайди. Жаҳон иқтисодиётида у ёки бу муаммони глобал, яъни, умумжаҳон миқёсдаги муаммолар эканлигини кўрсатувчи асосий мезонлар қуидагилар ҳисобланади:

- Унинг оламшумул аҳамият касб этиши;
- Инсонлар ҳаётининг барча соҳаларига таалкуқлилиги;
- Муаммони ҳал этишда кўпчилик давлатларнинг биргаликда ҳаракат қилишлиги ва ҳ.к.лар.

XXI аср бошидаги глобал муаммолар орасида экологик, озиқ-овқат, демо-график, иқтисодий, энергетик муаммолар, молиявий ва иқтисодий инқирозлар алоҳида ажралиб туради.

Глобаллашувнинг бу муаммоларини миллий ва халқаро институтларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, икки томонлама, минтақавий ва халқаро дара-жада ечиш орқали ҳал қилиш мумкин.

Маълумки, жаҳон иқтисодиётида демографик муаммоларнинг мавжудлигига биринчи бўлиб XVIII асрнинг охирида илк бор инглиз олими Т.Р. Мальтус ўз эътиборини қаратган эди. Бу муаммонинг мазмуни ва моҳияти шундаки, озиқ-овқат маҳсулотлари ва инсонлар ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий неъматлар ишлаб чиқаришга нисбатан аҳоли сонининг ошиб боришидан иборатdir. Кўз олдимиизда юз берадиган бундай «демографик портлашлар» кейинчалик табиий ресурсларни тақрор ишлаб чиқаришни ва инсонларни хўжалик фаоли-ятидаги мувозанатнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Бу эса ўз навбатида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида рўй берадиган камбағалликни енгиш, очликни камайтириш, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги бир қатор муаммоларни янада чуқурлаштириб юбориши мумкин.

Мамлакатимизда “мехнатта қобилиятли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини ошириш, ишга жойлаштиришга муҳтоҷ шахсларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш” [1] 2017-2021 йилларда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш стратегиясининг муҳим йўналиши сифатида белгилаб олингандигининг ўзи ҳам юртимизда ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланишининг ЯИМни яратиш жараёнида нақадар муҳим аҳамиятга молик бўлган омил эканлигидан далолат беради.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ишчи кучи ресурсларининг бандлигини таъминлашда энг катта захиралардан бири ҳисобланади. Халқаро меҳнат ташкилоти таҳдилларига кўра, сервис индустрясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқартиради. Бу эса хизмат кўрсатиш соҳасида иш ўринлари яратиш бўйича жуда катта имкониятлар борлигидан далолат беради. Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур йўналишда 100 минглаб қўшимча иш ўрни яратиш мумкин.

Шундан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимизда ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4742-сон қарори билан ўзини ўзи банд қилган, қўлида касб-хунари бор фуқароларга муносиб шароит яратиш мақсадида янги тизим жорий этилган бўлиб, унга кўра, 1,5 йиллик имтиёзли даврда Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз паст қилиб бериладиган 7 йиллик муддатга мўлжалланган кредит линияси очилиши, унда хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектларига, айниқса майший, таълим, тиббий, ахборот-коммуникация ва бошқа талаб юқори бўлган соҳаларда фаолият кўрсатадиган корхоналарни ташкил этиш ва жиҳозлашга йўналтирилиши, маблағларининг камида 20 фоизи аёллар ва ёш тадбиркорларга ажратилиши, ўзини ўзи банд қилган шахслар учун «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратилиши кўзда тутилган.

2019 йилда 451 мингдан зиёд ёшлар мактабларни ва 188 минг нафари коллежларни тамомлади. Шунингдек, олий ўқув юрти битирувчилари 71 мингдан ортиқни ташкил этади. Уларнинг бир қисми, яъни 103 минг нафари олий таълим муассасаларига, 90 минг нафари касб-хунар коллежлари ва техникумларга ўқишига киришини инобатга оладиган бўлсак, қолганларининг иш билан бандлигини таъминлаш зарур. Уларнинг жойларда қайси касб турлари билан банд

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Масалан, майший ускуналарни таъмирлаш устахоналари, кимёвий тозалаш шохобчалари, компьютер дизайнерилиги, бухгалтерия, реклама, пуллик тиббий хизмат каби тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш лозим.

Ушбу ишларни амалга оширишда устоз-шогирд тизимини кенг амалиётта тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Қайсиdir касб эгаларининг рўйҳатдан ўтган ҳолда бандликка кўмаклашувчи марказлар тавсияси асосида (ёшларнинг қизиқишилари инобатга олинган ҳолда) шогирдликка олиниши натижасида (бир йилда ўртача 3 нафар) уларга қандайдир имтиёзларнинг тақдим этилиши (солиқлар ва бошқалар) орқали уларни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бир қаторда, ишсизларни ишга жойлаштиришда хусусий секторнинг иштирокини кучайтириш ва бу ишда хусусий кадр агентликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш лозим. Бугунги кунда Республикаизда хусусий кадр агентликлари фаолияти деярли мавжуд эмас. Фақат айрим интернет сайтларида гина бўш иш ўринлари ва иш қидиругчилар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилмоқда. Ишга жойлаштириш ва ишчи кучи ёллаш бўйича хусусий сектор хизматидан фойдаланиш натижасида ишчи кучи бозорида рақобат муҳити шаклланади. Соғлом рақобат эса талаб ва таклифнинг қондирилишини ҳамда улар ўртасидаги ўзаро миқдорий ва таркибий нисбатнинг яқинлашувини таъминлайди.

Умуман, хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз ЯИМ ҳажмини кўпайтиришда энг асосий омиллардан бири ишчи кучи ресурслари ҳажми, таркиби ва сифати жуда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун мамлакатда ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланишда юқорида кўрсатилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА БОШҚАРУВ ПСИХОЛОГИЯСИ МУАММО СИФАТИДА (“Патрик Ленсиони” модели мисолида)

Қосимова Наргиза Дилмуродовна

*Андижон вилояти халқ таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
худудий маркази, «Педагогика ва психология,
таълим технологиялари» кафедраси мудири,
психология фанлари номзоди*

Бошқарув муаммоси XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида энг дол зарб муаммолардан бирига айланди. Бу ҳолат инсон омилиниң барча ижтимоий жараёнлардаги ошган роли бўлиб ҳисобланди. Бундан ташқари, инсонларнинг ўзида ҳам илк ёшлиқдан лидерликка иштиёқ, хизмат лавозимларида

муваффақиятга интилишга мойиллик каби шахсий сифатлар ҳам намоён бўла бошлади. Бундай ижтимоий психологик ҳодисалар энг аввало бошқарув соҳасини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш, меҳнат маҳсулдорлиги ва инсоний муносабатларни ошириш, каби масалаларда ушбу омилнинг таъсирчан ролининг ошганлиги кун тартибига долзарб қилиб қўйди. Бошқарув тизимида раҳбарнинг профессионал муҳим сифатлари масаласи охирги йилларда мутахассислар ва амалиётчиларни кўпроқ қизиқтиromoқда. Бир гуруҳ олимлар американлик ва япониялик раҳбарлар фаолиятини ўрганиб, уларга хос бўлган энг муҳим сифатларнинг блокларини ажратганлар. 1500 та американлик менеджер ва 41 та йирик Япония фирмалари раҳбарларининг сифатлари қўйидагича табақаланади:

А. Концептуал қобилият ва хулқ-автор стандартлари: дунёқарашнинг кенглиги, глобал ёндашув, узоқни кўра билиш, ташаббускорлик, таваккалчилик, мунтазам ўз устида ишлаш ва узлуксиз ўқиш, изланиш;

Б. Шахсий сифатлар: мақсад ва йўналишларини аниқ белгилаш, тинглаш қобилияти, холислик, самимият ва бағрикенглик, адолатли қарор қабул қилиш, симпатик хусусиятларга эга бўлиш;

В. Саломатлик. Лекин барча ўтказилган тадқиқотлар натижасида шу нарса аён бўлганки, американлик раҳбарлар кўпроқ ҳодимларнинг шахсий-индивидуал ташаббуслар кўрсатишларига имкон берувчи муҳитнинг бўлиши тарафдори бўлсалар, японияликлар – ҳодимларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари самарасини оширувчи шароитларни яратишга эътибор беришар экан. Бизнинг шароитмизда бугунги кун бошқарув психологиясининг асосий муаммоларидан бири бу маънавий, психологик, молиявий, иқтисодий, соҳалардаги тажрибаларнинг етишмаслигиdir. Бунинг учун бошқарув соҳасига кадрлар танлашда энг аввало даъвогарнинг шахсий сифатларига ва фаолият мотивациясига эътибор бериш лозим. Масалан, молиявий бошқарув соҳасига раҳбарларни танлаш учун зарур бўлган психологик сифатларни аниқлаш бўйича турли психологик тест ёки психодиагностик методикалар тмавжуд ва улардан айримларини амалий машғулотларда ишлаб чиқариш тавсия этилади. Биз тавсия этадиган модель Американлик олим Патрик Ленсиони томонидан 2005 йилда таклиф этилган бўлиб – “Жамоанинг 5 дисфункцияси” (“Five Dysfunctions of a Team”) деб ҳам номланади. Муаллифнинг фикрича: тортишувлар, келишмовчиликлар, ички курашлар ва ким нима учун жавобгар эканлигини тушунмаслик оқибатида энг аҳил жамоа ҳам кўз олдимизда тезда парчаланиб кетиши мумкин. Кўнгилсизликлар шунчаки тез содир бўладики, қорбўрон босимидан қочиш қандай қийин бўлса, бу ҳолат ҳам шунга ўхшаш. Лекин вазиятни тузатиш учун бир йўл бор? Патрик Ленсионининг яратган моделида жамоанинг тезда қулашига олиб келадиган қўйидаги бешта омилни тез-тез ўрганиб, таҳдил қилиш асосида жамоадаги тарқоқликни келтириб чиқарувчи камчиликларни бартараф этиш зарур. Шунда

шаклланган жамоа узоқ вақт самарали фаолият олиб боради! Ушбу модель гурӯҳ ичидағи дисфункция (тарқоқлик) орқали тушунмовчиликлар ва мажароларга сабаб бўлган ҳолатларни эрта аниқлаш ва уни бартараф этиш имконини беради. Модель ҳар бир жамоанинг тарқоқлигига олиб келувчи 5 асосий сабабни ўз ичига олади: а) ишончсизлик; Б) зиддиятдан қўрқиш; В) масъулиятнинг этишмаслиги; Г) жавобгарлиқдан қочиш; Д) натижаларга эътиборсизлик.

Ишончсизлик. Жамоа аъзолари ўз заиф томонларини намойиш этганда ва хато ва камчиликларини тан олишни истамаганларида юз беради. П.Ленсионининг фикрича, ишончсизлик жамоада бўлиши мумкин бўлган энг жиддий муаммодир.

Зиддиятлардан қўрқиш. Ишонч бўлмаса очиқ мулоқотга кириб бўлмайди. Бундай ҳолларда ички мажаролар ёпиқ мунозаралар ва яширин мухокамаларга олиб келиши мумкин.

Масъулиятнинг этишмаслиги. Масъулиятсизлик ва қарор қабул қилишда сусткашлик жамоанинг самарали келажагини истиқболи учун юқори таъсирга эга омиллардан биридир.

Жавобгарлиқдан қочиш. Ҳар бир жамоа аъзоси ўзини истаганча тутади. Жамоада қўллаб-қувватлаш йўқ, юқори стандартлар ўрнатмаганликлари учун ходимларда деградация (инқироз) ҳолатлари бошланади.

Натижаларга эътиборсизлик. Агар жамоа аъзолари масъулиятни ўз зиммасига олмасалар, уларда шахсий эҳтиёжларини жамоа мақсадларидан устун қўйишига мойиллик пайдо бўлади. Агарда жамоа натижаларга эришиш хоҳиши (зарурати)ни йўқотса – жамоанинг умумий мақсадидан узоқлашади.

Жамоадаги дисфункция (тарқоқлик)ни бартараф этиши бўйича тавсиялар:

Ишончсизлик. Сиз яхши намуна сифатида ўзингизни номзодингизни кўрсата олинг. Фақат ўрнак бўлиш орқали ўзини қандай тутиш ва ҳаракат қилиш кераклигини кўрсатиб бера оласиз. Жамоангиз билан кўпроқ мулоқот қилинг, иложи борича шаффоф ва очиқ бўлинг. Жамоангиз орасидаги ижобий муносабатларни мисол келтириб рағбатлантиринг, илиқ муносабатларни ривожлантиришга туртки беринг. Уларга фақат жамоавий иш орқали муваффақиятга эришиш мумкин бўлган лойиҳаларни яратинг ва амалиётга татбиқ этинг. Зиддиятлардан қўрқиш. Зиддиятлар конструктив характерга эга бўлса улар фойда келтириши мумкинлигини жамоангизга тушуниринг. Уларни ўз фикрини, гоясини, нуқтай назарини билдиришга ва уни жамоа аъзоларига изоҳлаб беришга унданг. Дебат ва мунозаралар муаммоларга ечим топишнинг энг мақбул йўлидир.

Масъулиятнинг этишмаслиги. Масъулиятсизлик ва қарор қабул қилишдаги сусткашлик. Кўшма қарорлар қабул қилиш ва лойиҳалар мухокамасида кенг жамоатчилик иштирокини таъминланг. Ақлий ҳужум (Brainstorming) техникасидан фойдаланиб барчанинг фикрини тингланг ва уларнинг жамоа учун фой-

дали шахслар эканлигини ҳис қилишига имкон яратинг. Жамоангизни ҳатто ноаниқлик вазиятида ҳам қарор қабул қилишига ўргатинг. Фактлар ҳеч қачон етарли бўлмаслигини уларга тушунтиринг, шунинг учун шу ерда ва ҳозир ҳаракат қилиш кераклигини тушунтиринг.

Жавобгарлиқдан қочиш. Жамоа аъзоларини ишлаш, ютуқлар ва хатти-ҳаракатлар ҳақида ўзаро мулоҳаза юритишга ундаш. Самарасиз натижалар учун жавобгарлик мавжудлигини жамоа аъзолари билиши шарт. Масъулиятли ходимларни қадрлашингизни кўрсатинг, яъни, бундай хулқ-атворли шахсни рағбатлантиринг, мотивациясини, керак бўлса, мансабини янада оширинг.

Натижаларга эътиборсизлик. Эҳтимол, жамоа (корхона, ташкилот) кўзлаётган мақсадларни аниқ белгиламаган бўлишингиз мумкин. Бу англешимловчиликнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш, биргалиқда эришиш керак бўлган бош мақсадни такрорлашдан чарчаманг. Албатта, бунда сиз намуна бўлишингиз керак. Умумий муваффақият учун тиришқоқлик билан меҳнат қилаётганингизни жамоага кўрсатинг.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТДА КЕЧАЁТГАН МУАММОЛАР

Ҳалимова Ойгул Бозорқуловна

Тошкент кимё-технология институти ассистенти

Глобаллашув шароитида инсон, айниқса, ёшлар қалби ва онги учун кураш борган сайин шиддатли тус олиб, дунёning мафкуравий манзараси тубдан ўзгариб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг қуидаги фикрлари: “Бугун қанча ёшлар сохта алдовларга учиб, ўз умрини хазон қилаётганини ўйлаб, тўғриси, тунлари ухламасдан чиқаман. Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу аччиқ ҳақиқат юрагимизга ханжар бўлиб санчилиши керак эмасми? Ахир, кечагина шу ёшлар, ўзимизнинг қоракўзлар, биримизнинг маҳалладошимиз, биримизнинг ўғлимиз, биримизнинг қизимиз ёки жиянимиз эди-ку! Улар қачон адашди, қачон нотўғри йўлга кириб кетди? Биз нега гафлатда қолдик? Қачон, қаерда хатога йўл қўйдик? Фарзандларимиз қачон бегоналарнинг қўлига ўтиб кетди? Нима жин урдию улар ўз ота-онаси, ўз юртининг душманига айланиб қолди? Бугун бу мудҳиш бало-қазонинг олдини олмасак, бор кучимизни шунга сафарбар этмасак, эртага кеч бўлади”, дея таъкидлаганлари ҳар бир касб эгасига долзарб вазифа бўлиши зарур.

Шунингдек, глобаллашув даврида кечаётган муаммолар айниқса ёшларимиз-

ни онгини ва мафкуравий бўшлигини динимизга ёт бўлган гоялар билан йўлдан адаштириб келмоқдалар.

Мафкуравий бўшлиқни тўлдириш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш- баркамол авлод тарбиясининг муҳим йўналишидир. Бугунги инсоният турли хил гоялар ва сиёсий курашлар бутун жаҳон миқёсида авж олаётган, гоявий қарама-қаршиликлар кескинлашаётган бир шароитда яшамоқда. Бундай вазиятда гоявий лояллик сиёсий курашда ютқазишга олиб боради. Айниқса, ҳозирги глобаллашув шароитда ҳар қандай мафкуравий йўлдан воз кечишини, мафкурасизлик йўлини тарғиб этишни мақсад қилиб олган сиёсий кучлар, мафкурасизлашган тоифаларнинг онгига ўзларининг усти ялтироқ космополитик гояларини сингдиришга ва шу асосда турли тоифадаги миссионерлик гоялари учун, диний-фундаменталистик, экстремистик, террористик мазмундаги гоялар учун йўл очиб беришга эришишади. Бундай шароитда маънавий тарбиянинг икки муҳим жиҳатига муҳим эътибор қилишга тўғри келади.

Биринчидан, гоявий бўшлиқни бунёдкор гоялар билан тўлдириш масаласи ва иккинчидан, ҳарбийлар онгиди мафкуравий иммунитетни шакллантириш масаласи.

Бугунги кунда бутун дунёда глобаллашув, маданиятлар аралашуви жараёни кечмоқда. Бу мураккаб жараён нафақат ёшларга, балки катталар дунёқарашига ҳам таъсир этяпти. Бир томондан, ахборот технологиялари кундалик ҳаётимизга шу қадар шиддат билан кириб келяптики, буни ҳар қандай рақамларсиз ҳам кутишимиз мумкин.

Ёшларда миллий ифтихор, миллий ғурурни шакллантириш ва мустаҳкамлаш асосида уларнинг ижтимоий фаолликларини оширишга алоҳида аҳамият бериш бошланди. Ана шу фазилатларни ёшларимизда шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Ҳозирги глобаллашув жараёнида интизомли, масъулиятли, сабр-бардошли, диёнатли, виждонли, иймонли, эътиқодли, бағрикенг, инсонпарвар, ижтимоий фаол ва шу каби олийжаноб фазилатлар эгаси бўлган ёшларгина яшаш учун зарур бўлган барча қулийликларни вужудга келтиришга қодир бўла оладилар. Ижтимоий тараққиётнинг демократик ривожланиш жараёни шахснинг ўз-ўзини англаши, қадр-қимматини қай даражада эъзозлаши, жамият учун хизмат қила олиш имконияти ва ҳаракатларига ҳам бевосита боғлиқ. Буларнинг барчаси шахснинг ижтимоий фаоллиги билан боғлиқ.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Бизнинг асосий вазифамиз ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик гояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда глобаллашув ва ахборот коммуникация

технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенциясини ишлаб чиқиши таклиф этади.” Шунингдек, айнан Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифи ва ташаббуси билан, ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгасида “ШХТ давлат раҳбарларининг ёшларга қўшма мурожаати” қабул қилинди.

Мазкур муаммога оид турии нуқтаи назарлар, фикр мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда қайд этиш мумкинки, ёшларнинг дахлдорлик фазилати таълим, тарбия уйғуналигида, интеллектуал, эмоционал ва амалий фаолияти билан боғлиқлиқда шакллантирилиши керак.

GLOBALLASHUV JARAYONIGA TABIIY FANLAR TARAQQIYOTINING TA'SIRI

Ruziyev Erkin Abdirajabovich

Samarqand davlat universiteti kimyo fanlari nomzodi, dotsent,

Ruziyev Yorqin Abdirajabovich

Samarqand davlat universiteti o'qituvchisi,

Ruziyev Jamshid Erkinovich

Samarqand davlat universiteti doktoranti

Globallashuv jarayoni insoniyat hayotining barcha soha va yo'nalishlariga ijobjiy yoki salbiy holda ta'sir ko'rsatadi. U nafaqat ma'nnaviy yoki ma'rifiy sohalarda, balki so'zlashuv, muloqot tillarining mavqeい bilan birgalikda tabiiy va aniq fanlar ta'limi tizimlarida ham o'z o'rнига ega. Globallashuv jarayonida o'zbek tiliga e'tibor bu sohadagi muammolarni bartaraf etish va oldini olishda muhim hisoblanadi. Shuning uchun ham ta'lim tizimining barcha bosqichlarida ona tilining ijtimoiy rolini oshirishga qaratilgan bir qancha chora-tadbirlarni ham bajarish lozim. Bunday sharoitda amalga oshiriladigan chora-tadbirlarning asosiy Dasturi-O'zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida”gi qonuni talablarini to'liq bajarishdan iboratdir. Oliy va o'rta maxsus ta'lim tizimidagi oliygohlarda, masalan, tabiiy fanlar yo'nalishidagi kimyo fanlarini o'qitish va ilmiy metodik ishlarni tashkil qilishda lotin yozuviga asoslangan darsliklar, o'quv va uslubiy qo'llanmalarning ahamiyati g'oyat kattadir. Bunda fan va ta'lim yo'nalishiga tegishli bo'lgan tushunchalar, izohli so'zlarning tog'ri yozilishi ham muhim o'rнegallaydi. Bu holda ham nafaqat o'quvchi yoki talabalarning, balki o'qituvchi-professorlarning nutq madaniyati ham talab darajasida bo'lishi zarur. Nutqning mazmunli, to'g'ri, aniq, mantiqli va ta'sirchan bo'lishi, avvalo, til madaniyatiga bog'liq. Uning biror tildagi so'z va atamalarining to'g'ri ifodalananishi fan va ta'lim jarayonlarining ta'sirchanligini yanada oshiradi.

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёилари

Talabalar ko'p hollarda fanga oid bo'lgan so'zlarni aynan muloqotda ifodalagani kabi yozadilar, bu esa ilmiy tadqiqotlarda ancha chalkashliklarga olib keladi. Shuning uchun ham dars jarayonlarida talabalar bilan birgalikda ustozlar ham bunga katta e'tibor qaratishlari lozim bo'ladi.

Mamlakatimiz xalq xo'jaligi barcha tarmoqlarining jadal rivojlanishi avvalo mutaxassis kadrlarning mavjudligi bilan emas, balki ularning sifati bilan ham belgilanadi. Fundamental fanlarni o'qitishda, ayniqsa, yangi ilmiy texnologiyalarga asoslangan zamonaviy ta'lim olish uslubiyatini yaratish, ta'lim tizimida axborot texnologiyalarini qo'llash, zamonaviy asbob-uskunlalar bilan ta'minlash va foydalanish ta'lim sifatini oshirishda muhim ahamiyatga egadir. Analitik kimyoni o'qitish uning nazariy asoslarini mukammal tushunishdan, ulardan foydalanishdan, har bir analitik natijaning to'g'rilingini metrologik jihatdan baholashdan, turli analitik usullardan olingan ma'lumotlarni ilmiy-metodik nuqtai nazardan asoslashdan va analitik tushunchalarni davlat tilida mantiqiy izohlashdan iborat bo'ladi. Analitik kimyoda atrof-muhit ob'yektlarining analizlari kimyoviy, fizikaviy va fizik-kimyoviy usullar yordamida bajarishda elektrometrik va optik kattaliklarning barchasidan aniq modda miqdori va sifatiga bog'liqligi xususiyatlaridan foydalaniladi. Shuning uchun ta'lim tizimida o'qitishning ilmiy metodik jihatdan yuqori bo'lishini ta'minlashda bir-biriga yaqin bo'lgan fanlar aloqalaridan foydalanish lozimdir. Bularning bari global oliv ta'lim tizimida ilmiy tadqiqotlar yoshlarning potensial imkoniyatlarini va qobiliyatini faollashtirishni talab qiladi. Ushbu global muammoning yechimi shaxsnинг o'zini o'zi takomillashtirishni ijtimoiy manfaatlar bilan har bir kishini har tamonlama rivojlantirishni davlatning ijtimoiy va iqtisodiy taraqqiyoti ehtiyojlari bilan, bozor iqtisodiyoti talablarini gumanistik ma'naviyatni o'stirish bilan integratsiyalashning yangi shakl va usullarini izlab topishdir. Integratsiyalashgan darslarni tashki qilish uchun oq'ituvchi darsga tayyorgarlik ko'rishda talabalarda faollikni oshirish yo'llarini, mavzuni o'tish modellarini, mashg'ulot jarayonida foydalanish lozim bo'lgan vositalarni, usullarni aniqlab oladi. Bu ishlarni amalgalashtirishda mavzuga oid izchil talablar qo'yilishi lozim. Buning uchun o'qituvchi darsning kengaytirilgan rejasini tuzib, shu reja asosida ish olib boradi. Talabalar mustaqil fikrlesh orqali individual ravishda izlanadilar, natijada tafakkur qobilyatlari rivojlanadi. Integratsiya tafakkurni o'stirish uchun imkoniyat, sharoit yaratib beradi. Integratsiya jarayoni talaba bilan mustaqil ishslash va uni faollashtirishning muhim vositasi hisoblanadi. Fan va ta'limning rivojlanishida, aytaylik, analitik kimyo fanini o'qitishda o'zaro turdosh fanlar va o'qitish jarayonlarining integratsiyalashuvini quyidagi tizim asosida yo'lga qo'yilishi maqsadga muvofiqdir:

- atrof-muhitdag'i analitik ob'yektlar muhofazasi uchun zarur bo'lgan ta'limiy jihatlarni to'g'ri tanlash va ularidan o'z o'rnida foydalanish;
- analiz ob'yektlariga tegishli bo'lgan qonunlar, tushunchalar va nazariyalarning umumiyligiga e'tiborni qaratish va ilmiy-tadqiqot jarayonlarida tanlangan ilmiy

uslubiyatlarining qo'llanilishidagi hamda aqliy faoliyat usullarining va fanlarning o'zaro integratsiyalashuvidan umumiylilik;

- ilmiy-tadqiqot va ta'lif jarayonlarida fanlarning integratsiyalashuvidan istiqbolli aloqalar va axborot texnologiyalari, zamonaviy o'lchov vositalari va fundamental tadqiqotlar jarayonidagi o'xshashliklar va umumiyliliklar;

- analitik natijalarning tog'riliqini ta'minlovchi mantiqiy-strukturaviy sxema, jadvallar va usullarning umumiyligi;

- tahlilning o'quv-dasturiy hujjatlaridagi va tushunchalarning mantiqiy to'g'ri ifodalishidagi umumiyliklardan iborat.

Bugungi kunda tayyorlanayotgan analistik bakalavr va magistrler tor doiradigi alohida mutaxassislik bilan cheklanib qolmasdan, xalq xo'jaligining va ta'limning tuli sohalarida ishlab ketish imkoniga ega bo'lishini nazardan chetda qoldirmasligimiz lozim. Shuning uchun ham bugungi talaba o'quv rejasida ko'zda tutilgan fanlarni o'zlashtirish bilan birgalikda yangi axborot texnologiyalarini, zamonaviy o'lchov vositalarini, chet tillarni va davlat tilida to'g'ri muloqot qilish ko'nikmalarini o'zlashtirishga harakat qilishlari zarur.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МЕТАЛЛУРГИЯГА ОИД ХАЛҚАРО ТЕРМИНЛАРНИНГ ФАН РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

Темирова Феруза

*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
биринчи босқич магистранти*

Маълумки, ҳар бир фаннинг ривожланишида халқаро интеграция, хорижий олимларнинг назарий ва амалий тадқиқотлари натижасида олинган билим ва тажрибаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Глобаллашув жараёнида мазкур омилнинг аҳамияти янада ортади. Глобаллашувнинг ижобий томонларидан бири ҳам шуки, мазкур ҳодиса илм-фан соҳасидаги тараққиётни янада жадалаштиради. Қайд этиш лозимки, юртимизда кўпгина соҳа ва тармоқлар қатори металurgiya саноатида ҳам халқаро термин ва иборалар кўплаб қўлланилмоқда. Бу мазкур жабхада тадқиқотлар ўтказиш, лугатлар яратиш эҳтиёжини юзага келтирмоқда.

Юртимизда қадимдан металurgiya, тоғ-кон саноати яхши ривожланган. Тарихий манбаларда ҳам мамлакатимиз ҳудудидининг ер ости ва ер усти бойликларига ниҳоятда бойлиги, улкан табиий заҳираларга эгалиги ҳамда аждодларимизнинг кончиллик ишлари билан жуда қадимдан шуғуллангани таъкидланади. Таниқли тарихчи олим Ўқтам Мавлонов Ўзбекистон ҳудудида неолит давридаёқ

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

кончилик, металлургия соҳаси шаклана бошлаганини қайд этади. Жумладан, «Марказий Осиёда ҳам бу жараён сўнгги тош давридаёк бошланиб, ибтидоий аждодларимиз меҳнат қуроллари ясаш учун керакли тош конларини қидириб, неолит давридаёк табиий мис, олтин, кон-темур тош (метеорит-темир) ва бошқа металларга дуч келганлар» деб ёзib қолдирган.

Ўрта асрларга келиб Ўзбекистон ҳудудида металлургия соҳасининг жадал тараққий этиши топонимикада ҳам ўз аксини топди. Хусусан, Марказий Осиёдаги қўпгина жой номларида металл ёки унга боғлиқ терминлар асос бўлди: Темиркон, Тиллакон, Кумушкон, Чўянкон, Янгикон ва бошқалар. Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилган туркӣ қабилалар орасида инсонларга ном беришда ҳам металлургияга оид сўзлар қатнаша бошлади. Булар, Олтин, Кумуш, Темиртош, Темирхон ва бошқалар.

Йирик қомусий олим Абу Райҳон Беруний «Минералогия» асарида 30 дан зиёд қимматбаҳо тош ва металларнинг номи, уларнинг кимёвий ва физикавий хоссаларини аниқлаш, эритиб синаш, деярли барча қимматбаҳо тош ва турли минераллар, уларнинг қотишмалари ҳақида қизиқарли маълумотлар ёзib қолдирган. Хусусан, асарнинг 2 қисми «Металлар ҳақида» деб номланади. Берунийнинг фикрича, филиззат (яъни металлар)нинг фойдали томонлари ундан фойдаланишга қараб 2 хил бўлади. Биринчиси, олтин, кумуш каби металлар қимматбаҳо тақинчоқлар учун ишлатилади. Иккинчи турдаги мис, темирдан турли хил буюмлар ва ҳимоя воситалари ясаш учун фойдаланилади.

Беруний «Минералогия» асарида маълум бир металлнинг турли тилларда ифодаланишига ҳам эътибор қаратади. Мисол учун, олтиннинг рум тилида – ҳарусун (хризос), суря тилида – даҳаба, ҳинд тилида – суварн, турк тилида – алтун, форсчада – зар, арабчада – заҳаб деб юритилишин қайд этиб ўтган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тоф-кон, металлургия соҳаси янада ривожланиб, замон талабларига мос ҳолда модернизация қилинмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда Навоий кон-металлургия комбинати ҳамда Олмалиқ тоф металлургия комбинатлари жаҳон стандартларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Халқаро бозорларга чиқиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда соҳага илфор хорижий тажрибани жорий этиш бугунги куннинг дол зарб вазифаларидан ҳисобланади.

Хукуматимиз томонидан соҳага қаратилаётган эътибор кейинги йилларда янада ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «Кон-металлургия тармоғи корхонлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва бошқа ҳужжатлар соҳа тараққиётининг ҳукукий

асосларини белгилаб бермоқда.

Шу сабаб, металургияга оид халқаро терминлар, сўз ва ибораларни лингвистик таҳдил қилиш, уларнинг имло, изоҳли ва таржима лугатларини ўзбек тилида яратиш муҳим масалалар сирасига киради. Зеро, металургия соҳасининг мутахассислари томонидан хорижий терминларни билиш, ўзбек тилидаги атамаларнинг инглиз тилидаги таржимаси билан танишиш халқаро муносабатлардаги муваффақиятларнинг гарови бўлиши мумкин.

Металургияга оид терминларнинг лугатини яратишда бир қанча омилларга эътибор қаратиш лозим. Хусусан, инглиз тилидан ўзлашган сўзлар. Металургияга оид айрим тушунчалар инглиз тилидан ўзбек тилига кириб келган ҳамда муомалада кенг фойдаланилади. «Маълумки, ҳар қандай тил ички ва ташқи манба асосида ўз лугат бойлигини доимий равишда ошириб боради. Биз ички имконият тушунчаси остида маълум бир тил лугат таркибининг бевосита ички имкониятлар, яъни грамматик қўшимчалар, бир сўз туркумидан бошқа бир сўз туркумига ўтиш каби воситалар орқали кенгайиб боришини тушунсак, ташқи имконият деганимизда турили хил сабаблар натижасида бир тилдан иккинчи бир тилга кириб келган лугавий бирликларни кўз олдимиизга келтирамиз.

Манбаларда таъкидланишича, ташқи манба асосида лугат бойлигининг кенгайиши ўзбек тили доирасида 30-35 % ни ташкил этади». Мисол учун “**adhesion**” сўзини таҳдил қиласак. Металургияда бу тушунча «юзлари тегиб турувчи турли жинсдаги қаттиқ ёки суюқ жисмларнинг ўзаро ёпишиб қолиши» маъноси ни билдиради. Бу сўз ўзбек тилида «адгезия» деб ишлатилади. Худди шундай сўзлар қаторига “**diffuser**” - диффузор(суюқлик (ёки газ) қувурларининг торайган жойи, кесими. Бу жойда суюқликнинг босими ошади, оқими тезлашади), “**isotherm**” – изотерма(ҳолат диаграммасидаги бир хил ҳароратли нуқталарни бирлаштирувчи чизиқ), “**caisson**” – кессон(Сув айланиб совутиладиган пўлат қути. Печларнинг ички деворига ўрнатилиб, уни совутишда фойдаланилади) кабилар киради. Юқоридаги сўзлар инглиз ва ўзбек тилларидағи талаффузи деярли ўхшаш.

Яна бир муҳим жиҳат борки, металургияга оид сўзларнинг ўзбек тилидаги муқобили бўлсада, биз асосан инглиз тилидагисини ишлатамиз. Масалан, “**magnet**” – магнит. Бу сўзни аждодларимиз жуда қадимдан «оҳанрабо» дея талаффуз қилишган. Бугунги кунга келиб “оҳанрабо” сўзини ўрнига магнит сўзи муамолага кириб келган.

Шунингдек, металургияга оид яна кўплаб сўзлар борки, уни инглиз тилига таржима қилишда инсондан лингвистик таҳдил, таржимонлик қобилияти талаб этилади. Мисол учун “Мувозанат доимийси” (Мувозанат барқарорлашган вақтда реакция натижасида ҳосил бўлган моддалар фаоллигининг реакцияга киришувчи моддалар фаоллигига нисбати) тушунчасини инглиз тилига

“equilibrium constant” деб таржима қилиш ўринли.

Кўриниб турибдики, металургияга оид сўзларнинг таржимаси билан шугулланиш долзарб масалалардандир. Бу борада электрон лугатлар, мобил иловалар, онлайн таржимонлар яратиш ўзбекистонлик лингвист олимлар, мутахасислар олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

МАКТАБДА ИЖТИМОЙ ВА ПСИХОЛОГИК СОГЛОМ МУҲИТНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Пардаева Мехринисо Донияровна

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги

Республика таълим маркази,

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бугунги кунда мактабда таълим-тарбия жараёни, яъни узлуксиз таълимнинг 11 ийлик босқичи ёшларни тарбиялашнинг энг муҳим босқичи бўлиб, болалик, ўсмирик ва ўспиринликнинг ўзига хос физиологик ва психолигик жиҳатларига бевосита боғлиқdir. Ўқувчиларда шу даврлардаги бундай ўзгаришлар уларнинг таълим-тарбиясига бевосита таъсир қилиши жуда кўплаб кузатувлар, тадқиқотлар натижасида илмий асослаб берилган.

Ҳар биримиз ҳаётимида ота-она сифатида фарзандларимиз, педагог сифатида ўқувчиларимиздаги турли ўзгаришларни кўп кузатганмиз. Ўқувчиларнинг болаликдан ўсмирикка, ўсмирикдан балоғатта ўтиш даврида юз берган ўзгаришлар аксарият ҳолларда катталарнинг ёрдами, тушуниши, дўстона муносабати, психолигик қўллаб-қувватлаши ва ишончи, меҳрибонлиги натижасида ижобий кечган бўлса, айрим ҳолларда санаб ўтилганларнинг етишмаслиги натижасида салбий оқибатларга олиб келганлигига гувоҳ бўлганмиз.

Фарзандларимиз куннинг кўп қисмини мактабда ўтказадилар, шунинг учун мактабда ижтимоий ва психолигик соглом муҳитни яратилганлиги, ҳар бир ўқувчи ўзини хавфсиз ва дўстона муҳитда эканлигини ҳис қилиши, ўқиш ва эришган натижаларидан завқданиши, шахс сифатида шаклланишида намуна олиши мумкин бўлган юксак маданиятли ва маҳоратли ўқитувчилардан таълим-тарбия олиши жамият учун муҳим аҳамият касб этади.

Мактаб раҳбарияти ва педагогик жамоанинг энг асосий вазифаларидан бири шундай ижобий-ижодий, ижтимоий ва психолигик соглом муҳитни таъминлашдан иборат бўлиб, бу бевосита таълим-тарбия сифатига ижобий таъсир этувчи омиллардан бири бўлиб, мактаб фаолияти самарадорлигининг зарурый шартидир.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги глобаллашув шароитида шахслараро муносабатларга таъсир этувчи омиллар, жумладан, ижтимоий ва психологик муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳар биримизни бефарқ қолдирмаслиги лозим.

Бола шахсининг шаклланиши ҳамда ривожланишида оила ва мактабнинг ўрни беқиёс бўлиб, уларга боғлиқ ва кўпчиликни ҳавотирга солиши мумкин бўлган айрим муаммоларга тўхталамиз.

Бола шахсининг ривожланишига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган оиласага боғлиқ муаммолар:

- катталар фикри ва қарорларининг болаларга нисбатан устунлиги белгилаб қўйилганлиги (кўпинча катталар ўзини ҳақ деб ҳисоблайди);
- болаларнинг қизиқишларига кўра, масалан, таълимнинг кейинги босқичи ёки касб танлаш ва бошқаларни танлаш имкониятларининг чегаралангандиги (айрим ҳолларда умуман мавжуд эмаслиги);
- гендер тенглик масалаларига субъектив ёндашув (айниқса қизларнинг касб ёки бошқаларни танлашида);
- объектив ва субъектив сабабларга кўра ота-она фарзандининг кундалик фаолияти ва таълим олишда эришган натижалари билан қизиқмаслиги;
- оиласадаги салбий муносабатлар, меҳрсизлик ва нософлом психологик муҳит;
- психологик ва жисмоний зўровонлик ҳамда нософлом турмуш тарзига боғлиқ ҳолатлар.

Бола шахсининг ривожланишига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган мактабга боғлиқ муаммолар:

- ўқувчилар ўртасидаги бўладиган, у ёки бу субъектив сабабларга кўра айримларни яккалаш ҳолатлари;
- ўқитувчилар томонидан ўқувчи оиласининг моддий ва жамиятда эгаллаган ўрни, мавқесига қараб муносабатда бўлиши;
- айрим сабабларга кўра ўқувчининг ўқув натижаларининг пасайиши;
- ўқувчи тарбиясига салбий таъсир этувчи гурухларга қўшилиб қолиш, жумладан, ижтимоий тармоқларда;
- ўқувчидағи ўзгаришларга синф раҳбари, мактаб психологининг эътиборсизлиги ва бошқа ҳолатлар бўлиши мумкин.

Мактабда ижобий психологик муҳитни шкаллантириш учун мактаб раҳбариятиadolatli, бунда ўқитувчи ва ўқувчиларга нисбатан бир хилда,adolatli ва шаффоғ бошқарув тамойилларига риоя қилиши зарур.

Мактаб фаолиятига оид ҳар қандай қарорларни ўқувчи ва ўқитувчилар манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда, иложи борича уларнинг фикр мулоҳазалари асосида қабул қилиши лозим. Бу унчалик мураккаб эмас, айниқса, ахборот алмашуви осонлашиб, ўз фикрини очиқлик асосида билдириш қўллаб-кувватланаётган ҳозирги даврда.

Кўйида амалиётда қўллаб кўрилган ва ижобий натижка берган бир неча таж-

рибаларни келтирамиз.

Мактабда ҳар бир ҳафтада битта мавзуда, бир ўқув йилида жами 34 та мавзуда ўқувчи, ўқитувчи ва бошқаларнинг муносабати, фикр ва мулоҳазаларини билиб, улар асосида бошқарув фаолиятини коррекциялаб, яхшилаб бориш мумкин.

Масалан, мактаб фойесида ўқувчилар сонидан келиб чиқсан ҳолда бир ёки иккита катта доскага осилган ватман қоғозига шу ҳафтанинг мавзуси ёзилиб, ўқувчиларнинг ўз муносабатлари (уларга қулай пайтда)ни маркер ёрдамида ёзib қўйиши сўралади.

Ўқитувчилар учун эса ўқитувчилар хонасида ватман қоғозда мавзу (ўқувчиларники билан бир хил ёки умуман бошқача бўлиши ҳам мумкин) ёзиб қўйилади ва маркер ёрдамида муносабат билдириш сўралади.

Масалан, Энг яхши фаолият олиб бораётган ўқитувчиларни аниқлашда ўқувчи ва ўқитувчиларнинг муносабатларини билиш бўйича сўровнома ўtkазиш (ўқитувчиларга директор жамгармасидан устамалар белгилаш учун қўллаш мумкин). Сўровнома аноним ўtkазилади.

Ўқувчилар учун савол: Сиз қайси дарсни яхши кўрасиз?.

Ўқувчилар ватманга яхши ўқитилаётган фанлар номини ёзиб қўяди. Бунда нафақат яхши ўқитилаётган фанлар, балки ўқувчиларнинг қизиқишиларини ҳам аниқлаш мумкин. Энг кўп қайд этилган фанлар бўйича дарсларни кузатиш асосида энг яхши ўқитувчини (шу фан ўқитувчилари бир нечта бўлиши мумкин) аниқлаб олиш мумкин. Энг кам қайд этилган фанлар ўқитувчилари фаолиятини ҳам синчковлик билан ўрганиш керак, чунки уларга методик ёрдам бериш ёки фаолияти назоратини кучайтириш зарурати мавжуд бўлиши мумкин.

Ўқитувчилар учун савол: Қайси ҳамкасбингизнинг тажрибаси, иш услуби сиз учун фойдали бўла олади?

Бунда ўқитувчилар яхши ишлаётган ўқитувчиларни ёзиб қолдиради. Ёзганларини асослаш учун бир-бирларининг дарсларини кузатади, иш услубларини ўрганади, масъулиятли бўлади. Ўзига нисбатан бошқаларнинг муносабати ижобий бўлиши учун ўз устида ишлашга мажбур бўлади. Директор эса кадрлар салоҳиятини баҳолаш ва рағбатлантиришда шаффофлик ва адолатни таъминлашга эришади. Натижада ижтимоий ва психологик соғлом рақобат мұхити шаклланади, ўқувчиларнинг сифатли таълим-тарбия олиш ҳуқуқлари таъминланади.

Шунингдек, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг кундалик фаолиятда қайси интернет сайtlар, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишини аниқлаш учун ҳам очик ёки ёпиқ сўровномалар, жумладан, онлайн тарзда ҳам, ўтказиш мумкин.

Интернетда (<https://support.google.com/docs/answer/6281888?co=GENIE>) Google шакллар ёрдамида онлайн-сўров ва тестлар тайёрлаш ва уларни респондентларга юбориш бўйича З қадамдан иборат йўриқнома тақдим этилади.

Мактабда ҳамкорлик ва самарали фаолият натижасида яратилган ижтимоий

ва психологик соғлом мұхит үқувчилар давомати, саломатлиги, ижтимоий-психологик ва рухий барқарорлиги, энг асосийси, ёшларнинг таълим-тарбиясига ижобий таъсир қилишини унутмаслигимиз керак.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР ИНТЕРНЕТ ТАРМОГИДАН ФОЙДАЛАНИШИННИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Низомова Раъно Азиз қизи

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат бошқаруви академияси қошидаги

Ёшлар муаммоларини ўрганиши ва истиқболли

кадрларни тайёрлаши институти ўқитучиси

Охирги йилларда глобаллашув жараёнининг авж олиши ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси ва таълим самарадорлигини ошириш зарурияти билан боғлиқ муаммоларни юзага келишига сабаб бўлмоқда. Ахборот асри даврида ёшларга ёпирилиб келаётган ахборотлардан фойдалана олишлари, хусусан, носоғлом ахборотлардан ҳимояланана олишлари, коммуникация воситаларидан тўғри фойдалана билишлари учун билим ва тажриба керак бўлади. Айнан мана шу борада улар катталар, айниқса, ота-оналар ва педагогларнинг маънавий-руҳий кўмагига муҳтож.

Дунё миқёсида ахборот технологияларининг кескин ривожланиб кетаётганлиги, Интернет тизимнинг барча давлатлар, маданий ҳудудлар, барча ёшдаги инсонлар учун қулай ахборот алмашинуви воситасига айланиб бораётганлиги муносабати ҳеч кимга сир эмас. Таъкидлаш жоизки, 2020 йилда глобал тармоқ 31 ёшга тўлди. Фойдаланувчилар ўрнатилган мобил иловалар орқали баъзи онлайн ҳаракатлар амалга оширишларига қарамай, дунё бўйлаб кўплаб инсонлар вебни Интернетнинг синоними сифатида қабул қиласидар. Халқаро электрон тармоқ иттифоқи маълумотларига кўра, биринчи миллиард Интернет фойдаланувчисини топиш учун 16 йил керак бўлди. Тармоқнинг иккинчи миллиард фойдаланувчилари эса атиги 6 йилда қўшилди. Бугунги кунда Интернет 2,7 йил ичида 1 миллиард янги фойдаланувчилар тезлигида ўсмоқда.

Маълум бир даражада, Интернет оммавий ахборот воситаларига ўхшайди. Бугунги кунда онлайн журналистика мавжуд, онлайн журналлар ва газеталар нашр этилади. Аммо Интернет анъянавий оммавий ахборот воситаларига қараганда кўпроқ универсал ва глобал таъсир воситасидир. Бугунги кунда Интернет жуда арzonлашмоқда ва оммаболашмоқда. Статистикага кўра, 2007 йилда дунё бўйича

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

400 миллионга яқин Интернет фойдаланувчиси бўлган³³. 2019 йилда келиб дунё бўйлаб Интернет аудиторияси 4,39 миллиардга етди. Бу ўз ўрнида 2018 йил январидаги кўрсаткичларга қараганда 366 миллионга (9%) кўп.

Ҳар йилнинг бошида “We Are Social” ва “Hootsuite” платформаси бутун дунё бўйлаб рақамли бозорнинг ҳолатини таҳдил қиласи ва Global Digital ҳисоботларини тақдим этади. Биз ушбу тадқиқотларни оҳирги уч йиллик кўрсаткичларини таҳдил қиласиз. Унга кўра, 2019 йилда дунёда 5,11 миллиардни ноёб мобил фойдаланувчилар ташкил этаяпти ва бу 2018 йилга қараганда 2%га, яъни 100 миллионга кўпроқ.

2019 йилда 3,88 миллиард фойдаланувчилар 2018 йил кўрсаткичлари билан таққослаганда 288 миллион (9%)га кўпроқ фарқ қиливчи кўрсаткич билан ижтимоий тармоқларда рўйхатдан ўтганлар. Яъни, 2019 йилда мобил қурилмалардан 3,26 миллиард киши ижтимоий тармоқлардан фойдаланади. Бу 2018 йилдагига нисбатан 10 фоизга кўп, демак, ижтимоий тармоқда 297 миллионга камроқ одам уяли алоқа аппаратларидан фойдаланган³⁴.

Яқин кунларда We Are Social ва Hootsuite ҳар йили тайёрлайдиган Digital 2020 – рақамли соҳанинг ҳолати тўғрисидаги янги ҳисботи нашр қилинди. Рақамли технологиялар, мобил қурилмалар ва ижтимоий тармоқлар бутун дунё одамларининг кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланганлиги ҳақидаги гипотеза тасдиқланишига энди шубҳа йўқлиги исботланди. Демак, 2020 йил бошидага кўрсаткичларга таянган ҳолда, бугунги кунда 4,5 миллиарддан ортиқ инсонлар Интернетдан фойдаланади, ижтимоий тармоқларнинг аудиторияси эса 3,8 миллиарддан ошди. Дунё аҳолисининг қарийб 60% аллақачон онлайн режимда ва йилнинг ўрталарига келиб, сайёрамиздаги барча одамларнинг ярми ижтимоий тармоқлардан фойдаланади, дейиш учун барча асослар бор³⁵.

Ўртacha ҳисобда фойдаланувчи ҳар куни Интернетда 6 соат 43 дақиқа вақт сарфлайди. 2019 йил кўрсаткичидан 3 дақиқа кам, аммо барibir ҳар бир фойдаланувчининг йилига 100 кунидан ортиқ ҳаёти глобал тармоқда маконида сарф этилиши шубҳасиз. Агар инсон кунига тахминан 8 соат ухласа, бу уйғоқ соатларимизнинг 40 % дан ортиғи Интернетда сарфланишини англатади.



³³ Галицкий Е.Б. Опросы «Интернет в России». 2002 [Электронный ресурс]. URL: www.fom.ru/reports/frames/body/o0209241.html (дата обращения: 10.02.2011).

³⁴ Электрон манба: <https://www.web-canape.ru/business/vsya-statistika-interneta-na-2019-god-v-mire-i-v-rossii/>

³⁵ Электрон манба: <https://www.web-canape.ru/business/internet-2020-globalnaya-statistika-i-trendy/>

Аҳолининг Интернетга сарфлаш вақти турли мамлакатларда сезиларли фарқ қиласи.

Масалан, Филиппинда кунига 9 соат 45 минут, Японияда эса 4 соат 22 минут. Россияда эса ҳар куни 7 соат 17 дақиқа Интернетдан фойдаланади. Ўзбекистонда эса қуидаги кўрсаткичлар: 15 дақиқадан 1 соатгача – 30%; 1 соатдан 3 соатгча – 36%; 3 соатдан кўпроқ – 12% ёшларни ташкил этса, 21% – бу борада ўзини чегараламасликлари (хисоб-китоб юритмайди) аниқланди.

Ўзбекистон Интернет сектори ривожланиши юқори даражада долзарблигини намоён қилиш учун, республикамиз бўйлаб қайд этилган статистик кўрсаткичларга бироз тўхталиб ўтамиз. 2016 йил Internet Live Stats³⁶ рейтингига, 201 та давлатлар кўрсаткичлари ўрганиб чиқилган. Унда Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар сони 15,45 миллиондан ортиқ одамни ташкил этган, бу ўз ўрнида, мамлакат аҳолисининг 51% га teng кўрсаткич. Хусусан, ушбу умумий рейтингда Ўзбекистон 37-ўринни эгаллади. 2018 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 20 миллиондан ортгани эълон қилинди³⁷.


2020 йилга келиб ёшларнинг 60% Интернет ва ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланмоқда. Шу ерда, магистерлик диссертация ишимизга бағишлиланган тадқиқотимиздан лавҳаларни келтириб ўтиш жоиз, деб топдик. Унда, ахборот маълумотларидан фойдаланиш мавзуларини аниқлашда қуидагича натижалар олинди, жумладан - таълим 26%, ижтимоий-сиёсий жараёнлар 25%, спорт 16%, маънавий-ахлоқий, тарбиявий 11%, ҳуқуқий 8%, кўнгилочар 8% ҳамда диний 5% характеристига эга. Мазкур ҳолат, ёшлар ахборот тизимидан кундалик ҳаётда кузатилаётган муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида маълумотларни кўпроқ излайди, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий мазмундаги ахборотларга эса нисбатан камроқ мурожаат қилмоқда. Бундан ташқари, ёшларнинг 85% Интернетдан – асосан мобил телефон орқали фойдаланиши аниқланди. Кўшимча тарзда, тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг 80% ижтимоий тармоқ ва месенжерлардан фаол фойдаланишини қайд этган бўлиб, бунинг асосий сабаблари – дўйстлар ва бошқалар билан мулоқот қилиш истаги ҳамда турли мавзулар бўйича фикр ва мулоҳазалар билдириш мумкинлиги билан боғлиқ.

Жумладан, Телеграм тармоғи 44%, Инстаграм 32%, Фейсбуқ 12%, Одно-классники 11% ва Вконтакте тармоғидан 1% ёшлар фойдаланиши маълум бўлди. Ёшлар томонидан асосий маълумотларни олишда маҳаллий веб-саҳифаларнинг ижтимоий тармоқдардаги гурӯҳ ва каналлар ҳамда хорижий оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиши кузатилмоқда.

³⁶ Электрон манба: <http://stv.uz/news/newsuz/5136-uzbekistan-zanimaet-37-mesto-v-mire-poluchestvu-internet-polzovateley.html>

³⁷ Электрон манба: <http://infocom.uz/2018/01/26/kolichestvo-internet-polzovateley-v-uzbekistane-prevysilo-20-millionov/>

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари



Хусусан, тадқиқотда иштирок этган ёшларнинг 68% интернет тармоғидаги ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали хорижий оммавий ахборот во-ситалари хабарларини кузатиб боради. Таҳдилга кўра, Тошкент шаҳри кесими-даги ёшлар Би Би Си – 20%, Россия ОАВлари – 22% ёшлар томонидан доимий кузатиб борилиши маълум бўлди. Алоҳида қайд этиш жоизки, респондентларнинг ҳар иккинчиси, яъни 50,3% мазкур ахборот манбаларида ёритилган маълу-мотларга тўла ёки қисман ишонишини таъкидлаган.

Юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон аҳолиси рақамли дунё билан ҳамоҳанг қадам қўймоқда ва барча янгиликлар, трендлардан боҳабар бўлмоқда.

Яна бир бор таъкилаш жоизки, ушбу кўрсаткичлар юқори бўлишига ва дунё талабларига тўлақонли жавоб берга олишда ёшларимизнинг ўрни беқиёс. Шуни инобатта олган ҳолда, ривожланаётган Ўзбекистон учун бу бир даъват ўрнида ҳам келади. Мамлакатимиз ўз ёшларида ишончли ахборот манбаларини то-пиш, ундан фойдаланиш, таҳдил қилиш, ахборотни тақдим этишини ўрганиш, яъни умуман олганда, ахборот хавфсизлиги маданиятини шакллантириш ва ри-вожлантириш зарурати ошиб бормоқда. Нафақат Ўзбекистонда, балки бутун рақамли дунё, жамият ва ёшларнинг ривожланишида ушбу муаммоларга эъти-борни қаратиш энг долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Ахборот маконининг глобаллашуви жараёнида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тад-бирлар режасини ишлаб чиқиши, буни амалга оширишда жамиятимизнинг кенг қатламлари: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ор-ганлари, ота-оналар ва педагогларни кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқ экани яқъол намоён бўлмоқда.

**УЧИНЧИ ЙЎНАЛИШ:
ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА
ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА
РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ
ИМКОНИЯТЛАРИ**

TARAQQIYOT SAHIFALARIDAGI GLOBALLASHUV

Ahmadova Zebiniso Shavkatovna
Buxoro davlat universiteti 1-bosqich magistranti,
Navoiy nomidagi davlat stipendiyasi sovrindori

Yer yuzi yaralibdiki inson muammosi azal-azaldan butun dunyo mutafakkirlari qarashlar-yu, olim-u tadqiqotchilarining diqqat markazida bo'lib kelyapti. Bu kabi qarashlar inson zotini yuksaklikka, uni tirik mavjudotlar orasida eng a'losi hisoblaganligidan salolatdir. Davrlar o'zgarishi, inson tafakkurning shakllanishi bilan insonga bo'lgan e'tibor kuchaydi, unga g'amxo'rlik qilish, uning manfaatlari to'g'risida qayg'urish, jamiyatni ijtimoiy himoya qilish davlatning ustuvor siyosatiga, kundalik faoliyatiga aylanib bordiki, ahamiyati kundan-kunga oshib bormoqda.

Moziyda yashab o'tgan mutafakkirlarning inson va uning yashashdan maqsadi, mukammal jamiyat, odil va ma'rifatli shoh, komil inson haqidagi qimmatli fikrlari hozirgacha o'z qadrini yo'qotmasdan, insoniyatga ma'naviy ozuqa sifatida xizmat qilmoqda.

Shu o'rinda buyuk mutafakkir, Hazrat Alisher Navoiyning nasriy va nazmiy asarlarida, dostonlarida umuminsoniy ruh bilan sug'orilgan komil inson, mukammal jamoa va odil hukmdor haqidagi g'oyalarni ilgari surilganligi, olti asr oldin bugungi hayotni ko'ra bilgan ulug' Hazratning bugungi kun insonparvarlik, ilm va kasb-hunar egallah, axloq qoidalari, ta'lim-tarbiya, yuksak insoniy qadriyatlar to'g'risidagi dono fikrlarining tarbiyaviy ahamiyati yanada dolzarblashdi.

Alisher Navoiyning ma'naviy-axloqiy va ijtimoiy-siyosiy qarashlari kishilarda Vatanparvarlik, o'zlikni anglash, odamiylik, halol va pok bo'lism, nafshi tiyish, sabr-bardoshli va yetuk inson bo'lib yetishish kabi fazilatlarni kasb qilishida, o'z manfaatlardan ko'ra davlat manfaatlarni ustun qo'yuvchi yuksak iste'dodli, barkamol avlodni tarbiyalshda ma'naviy irfon vazifasini o'taydi.

Bundan tashqari hozirgi globallashuv jarayonida axborot xurujlari, turli terroristik chiqishlar, aqidaparastlik kabi vayronkor va buzg'unchi g'oyalar yoshlar ongiga salbiy ta'sir ko'rsatmoqda.

Davlatimiz rahbari Muhtaram Shavkat Mirziyoyev e'tirof etganlaridek, – "... hozirgi murakkab va o'ta tahlikali zamonda milliy o'zligimiz, qadriyatimiz, azaliy urfatdarlarimizga yot va begona bo'lgan turli xil xurujlar, yoshlarimizning ongi va qalbini egallahga qaratilgan g'arazli intilishlar tobora kuchayib borayotgani barchamizni yanada hushyor va ogoh bo'lismaga da'vat etishi tabiiydir, bunday holatlarni oldini olish uchun, eng asosiy tarbiyani oilada mustahkamlab, ota-onas masulyatini farzandiga nisbatan oshirmoq kerak. Qaysidir ota-onas farzandi tarbiyasida loqaydlikka yo'l qo'ysa, buning uchun alohida qonun ishlab chiqilsin, takror aytaman qonun ishlab

chiqilsin” [1, 53].

Asli haqiqat ham shu, qush uyasida ko’rganini qiladi, degan maqol bejizga aytilmagan, albatta. Ota-onadan talab qilinadigan ma’sulyat esa faqat birta: bola ko’z o’ngida ota yohud ona nimaiki bajarsa, bola shuni qayta qo’llaydi. Masalan: otaning qo’lida telefon emas, biror bir ma’naviy ozuqa bera oladigan badiiy asar, obraz jonlantirilsa ham tarbiyaviy ham ma’naviy muhit yaratiladi.

O’z tadqiqotlarim jarayonida ham psixologik, ham pedagogik usullarni qo’llab, tahlil qilib ko’rar ekanman, aynan bir xonadon yohud ta’lim muassasasi jarayonida kuzatishlar olib bordim. Yosh bolaning atrofdagi o’zidan yoshi ancha katta insonga taqlid qilib, u bajargan hatti-harakatlarni bajarishga urundi, xo’sh, xulosa o’zimizdan...

Bugungi kun yoshlari shiddat ila qadam tashlab, fan-texnika, axborot almashinivi asri yoshlariiga aylanib ulgurishdi, texnikasiz va axborotsiz bugungi davrni tasavvurga sig’dirish uyoqda tursin, yashash amri mahol bo’lib qoldi go’yo. Globallashuv va XXI asr taraqqiyotini kechagi kun bilan bog’lar ekanman, yoshlari ma’naviyati va tarbiyasi, axloqi eng asosiy mezon ekanligini Hazrat Navoiy asarlaridagi komil inson g’oyasi va insonparvarlik qadriyatlari yoshlarning dunyoqarashini kengaytirib, ularni tarbiyalashga, yoshlari ongini yuqorida nomlari keltirilgan zararli g’oyalar ta’siridan saqlashga yordam beradi.

Bugungi kunda Alisher Navoiy merosiga bo’lgan munosabat yanada kuchaydi. Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev O’zbekiston Respublikasi Oliy Majlis palatalarining qo’shma yig’ilishidagi ma’ruzalarida Navoiyni yana ham kengroq o’rganishni, uning asarlarini xalqimizga sodda va tushunarli tarzda yetkazish zarurligini uqtirdilar va Hazratning “Odami ersang” so’zlari bilan boshlanadigan baytlarini misol qilib oldilar.

Mening fikrimcha, Alisher Navoiygacha hech kim, hech bir mutafakkir oddiy yaratuvchi odamlarni bu qadar samimiyat, chuqur hurmat va ehtirom, insonparvarlik ruhi bilan sharaflamagan, sababi Navoiy asarlarida bugungi kun global muammolari to’laqonli ochib berilgan.

Davlatimiz rahbari Muhtaram Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev, - “Alisher Navoiy asarlaridagi teran fikrlarga qo’shimcha qilgan holda, har tomonlama rivojlangan barkamol insonning qiyofasi, uning barkamolligi, orifligini ifodalovchi mezonlar haqida ham ajoyib fikr-mulohazalarga to’xtalib fikrlarining davomi sifatida, biz yoshlarga fundament vazifasini o’taydigan ma’naviy irfonimizni barkamol insonning eng muhim fazilatlaridan biri - xalqparvarlik, vatanparvarlik axloqiy mezonlar, yurt tashvishi bilan yashab xalqiga, yurtiga ko’p foyda yetkazgan kishini chinakam insoniy fazilatlarni o’zida aks ettirgan inson deb hisoblashlarini” aytilib o’tdilar [3, 3].

Men bu so’zlarga qo’shimcha sifatida biz yoshlarga shior bo’ladigan Navoiyning eng qimmatli ushbu misralarini misol keltirmoqchiman: Ushbu misralarni Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev “Ozod va farovon demokratik O’zbekiston davlatini mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz” sarlavhasi ostida Oliy Majlis

palatalarining Qo'shma yig'ilishida so'zlagan nutqlaridan yod olgan edim:

*Odami ersang demagil odami,
Oniki yo'q xalq g'amidan g'ami.*

Darhaqiqat yoshlar hayotida ta'lif-tarbiya, odob-axloq, o'qish-o'qitish, o'rganish, ustoz-murabbiylar mehnati, ota-onaga nisbatan hurmat, ma'rifat, ma'naviyat haqidagi ijtimoiy, falsafiy, siyosiy, badiiy fikrlari, umuminsoniy g'oyalalar oiladagi vatanparvarlik va mehr-muhabbatdan boshlanadi. Bu uyg'unlik esa o'zi bilan birga biz kabi munosib avlodlar uchun doimiy ma'naviy ozuqa vazifasini abadul-abad o'tab kelaveradi.

GLOBALASHUV JARAYONLARIDA YOSHLAR MEDIA SAVODXONLIGI VA AXBOROT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH MASALALARI

Muxamadiyev Xojjakbar Aslitdinovich
*O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi
Davlat boshqaruvi akademiyasi qoshidagi
Yoshlar muammolarini o'rganish va istiqbolli
kadrlar tayyorlash instituti tinglovchisi*

Hozirgi zamon jamiyatni hayotini axborotlarsiz tasavvur etib bo'lmaydi. Ushbu axborotlardan samarali foydalanish mamlakat xavfsizligini va demokratik axborotlashgan jamiyatni muvaffaqiyatli shakllantirilishini ta'minlaydi. Bunday jamiyatda axborot almashinuv tezligi yuksaladi, axborotlarni yig'ish, saqlash, qayta ishslash va ulardan foydalanish, ilg'or axborot kommunikatsion texnologiyalarni qo'llash keng ko'lamda amalga oshiriladi va bu o'z navbatida axborotlashgan jamiyatni tezlik bilan shakllanib borishiga imkon yaratadi.

Bugungi globalashuv jarayonlarida axborot dunyosida davlat chegaralari degan tushuncha yo'qolib bormoqda. Shuning uchun ham mavjud axborotlarga noqonuniy kirish, ulardan foydalanish va o'zgartirish, yo'qotish kabi muammolardan yoshlarni himoya qilish dolzarb masala bo'lib qoladi.

Mutaxassislarning fikricha, hozirda axborot iqtisodiyotning eng serdaromad manbaiga aylanib bormoqda. AQSH strategik tadqiqotlar institutining ma'lumotlariga ko'ra, axborot mahsulotiga sarflangan har bir dollar, yoqilg'i-energetika sohasiga sarmoya qilingan 1 dollardan ko'ra bir necha barobar ko'p foyda berar ekan. Bu faqat uning iqtisodiy jihat, uning siyosiy jihat esa o'z shaxsiy manfaatlariga o'ta arzon, o'ta qulay yo'llar bilan erishish sifatida qaralmoqda. Shu nuqtai nazardan

bugungi kunda axborot omili ham siyosiy, ham iqtisodiy jihatdan ayrim kuchlar manfaatiga aylanib bormoqda. Shuning uchun ham davlatlarning milliy xavfsizligini ta'minlashda siyosiy, iqtisodiy, harbiy omillar bilan bir qatorda uning axborot jihatlari borgan sari dolzarblashmoqda.

Shu nuqtai-nazardan globallashuv jarayonlarining dolzARB mavzularidan biri sifatida informatsion tahdidlarga qarshi kurashishda yosh avlodda media savodxonlik va axborot xavfsizligini ta'minlash maqsadida bir qancha islohotlar amalga oshirilmoqda. Bugungi kunda mamlakatimizda 18 yoshgacha bo'lgan yoshlar aholing 40 foizini, 30 yoshgacha bo'lganlar esa 64 foizdan ko'prog'ini tashkil etadi. 2020 yil 1 yanvar holatiga ko'ra esa 0-14 yoshgacha bo'lgan jami bolalar soni 9 million 870 ming 276 nafarni tashkil etadi. Mana shu yosh avlodda media savodxonlikni shakllantirish hamda axborot xavfsizligini ta'minlash masalalari borasida bir qancha huquqiy-me'yoriy asoslar yaratildi. Jumladan, axborot xavfsizligini ta'minlash va axborotni himoya qilish tizimini takomillashtirish, axborot sohasidagi tahdidlarga o'z vaqtida va munosib qarshilik ko'rsatish borasidagi vazifalar O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasining beshinchı ustuvor yo'nalişida ham belgilab berildi. 2017 yil 8 sentyabrda qabul qilingan "Bolalarni ularning sog'lig'iga zarar yetkazuvchi axborotdan himoya qilish to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonuni esa voyaga etmagan bolalarni ularning sog'lig'iga zarar yetkazuvchi axborotdan himoya qilish sohasidagi munosabatlarni tartibga soladi. Ushbu qonunga binoan axborot mahsulotining yoshga oid tasnifi-uni bolalarning quyidagi yosh toifalaridan biriga kiritish yo'li bilan amalga oshiriladi: etti yoshga to'limgan bolalar uchun axborot mahsuloti "0+", etti yoshga to'lgan bolalar uchun axborot "7+", o'n ikki yoshga to'lgan bolalar uchun axborot mahsuloti "12+", o'n olti yoshga to'lgan bolalar uchun axborot mahsuloti "16+", bolalar uchun taqiqlangan axborot mahsuloti "18+" yozuvini aks ettirishi kerak. Albatta bu axborotlardagi yosh tasnifi faqat televideniyadagi axborotlar xavfsizligini ta'minlashga xizmat qiladi. Bunda ota-onalar ham hushyor bo'lishi talab etiladi. Shu bilan birga maktab yoshidagi o'quvchilarda media savodxonlik va axborot xavfsizligini ta'minlash masalasi 2017-yil 6 aprelda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan qabul qilingan "Umumiyl o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi Qarorida ham keltirilgan. Jumladan, o'quvchilarda fanga doir kompetensiyalarni tayanch kompetensiyalar bilan birgalikda shakllantirish masalasi ko'tarilgan. Aynan tayanch kompetensiyalaridan biri esa axborotlar bilan ishslash kompetensiyasidir. Axborotlar bilan ishslash kompetensiyasi mediamanbalardan zarur ma'lumotlarni izlab topa olishni, saralashni, qayta ishslashni, saqlashni, ulardan samarali foydalana olishni, ularning xavfsizligini ta'minlashni, media madaniyatga ega bo'lish layoqatlarini shakllantirishni nazarda tutadi. Agar o'quvchida yosh xususiyatni hisobga olgan holda, bosqichma-bosqich axborotlar bilan ishslash kompetensiyasi shakllantirilsa, unda media savodxonlik, media madaniyat o'z-o'zidan takomillashib

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёилари

boradi. Bu esa o'quvchi yoshlarda axborot xavfsizligini ta'minlashga xizmat qiladi.

Media madaniyat bu - turli media asarlarni tahlil qilish, baholash, yaratish uchun zarur bo'ladigan bilim, ko'nikma va malakalar yig'indisidir. Ukrainalik pedagog olima S.M.Sterdenko media madaniyati yuqori kishini shunday tasvirlaydi:

- 1) uning media bog'lanishlari soni va davomiyligi rejalashtirilgan bo'ladi;
- 2) o'ziga kerakli axborotni to'g'ri tanlay oladi;
- 3) axborotga tanqidiy yondashadi, chunki medianing zararli ta'sirlarini biladi, qarshisida ochilgan mediamatnni o'z filtridan o'tkazib, keyin qabul qiladi;
- 4) mediamahsulotdan foydalanishda axloq me'yorlariga amal qiladi;
- 5) mediamahsulot yarata oladi.

Aynan mana shu media madaniyat yoshlarni axborot xavsizligidan himoya qilish bilan birga ularni frilanserlik bozorida ham o'z pozitsiyasiga ega bo'lishiga yordam beradi. Ma'lumotlarga ko'ra, "upworking.com"da Oliy ta'limda ham o'qimagan tuman yoshlari uyda o'tirib 10 million so'm daromad topmoqda.

Bu faoliyatni qo'llab-quvvatlashning ham huquqiy asosi qabul qilindi. Jumladan, 2020 yil 8 iyunda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Tadbirkorlik faoliyati va o'zini-o'zi band qilishni davlat tomonidan tartibga solishni soddalashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarorida shunday ko'rsatildi. "Internet tarmog'i orqali xizmatlar ko'rsatuvchi (ishlar bajaruvchi) o'zini o'zi band qilgan shaxslarga (frilansing) quyidagi huquqlar berilsin: ko'rsatilgan xizmatlar (bajarilgan ishlar) uchun chet eldag'i jismoniy va yuridik shaxslar – norezidentlardan xorijiy valyutadagi to'lovlarni Tashqi savdo operatsiyalarining yagona elektron axborot tizimiga tegishli ma'lumotlarni kiritmagan holda O'zbekiston Respublikasining banklaridagi hisobraqamlariga qabul qilish; kontrakt tuzmasdan, kelishuv to'g'risidagi ommaviy taklifni (oferta) qabul qilish yoki elektron yozishmalar almashish yoxud hisob-kitob fakturalarni (invoys), shu jumladan, elektron shaklda taqdim qilish yo'li bilan chet ellik jismoniy va yuridik shaxslarga xizmatlar ko'rsatish (ishlar bajarish).

Umuman olganda, bugungi globallashuv jarayonlarida yoshlardan media savodxonligi va axborot xavfsizligini ta'minlash uchun barcha shart-sharoitlar yaratilmoqda. Faqatgina biz, yoshlarni o'rab turgan muhit ularni bu jarayonlarda to'g'ri yo'lga boshlashimiz hamda nazoratni kuchaytirish orqali ularni yangi-yangi innovatsion faoliyatga undashimiz darkor.

THE ROLE OF DIGITAL TECHNOLOGIES AND INFORMATION IN THE EDUCATION OF THE YOUNG GENERATION IN THE PROCESS OF GLOBALIZATION

Kilichev Elyorjon

*Samarkand State University, Faculty of Art History,
4th year student of music education*

Ikromov Nodirbek

Samarkand State Institute Foreign Language master's degree student

It is well known from historical facts that since the dawn of human society, man has felt the need to receive, disseminate and use information. Of course, in ancient times the process was very simple. As the world has developed, it has become more complex and the role of information in society has increased. It is no coincidence that even today our time is called the "Information Age". With this in mind, in today's globalization process, it is important to increase the role of digital technologies in the education of our younger generation and to increase their national immunity in the use of accurate information. At the same time, it is important to guide them in all aspects of the proper use of digital technologies.

Especially in the 21st century, due to the rapid development of computer technology, it has become more important in the minds of mankind. This space has been further improved with the help of digital telecommunication technologies. Its adoption by consumers has allowed the community to quickly and efficiently share its content with the Internet, a unique innovation of the new era, in addition to mobile phones, cable TV, comfort cars with a modern design. People who are members of the information society have begun to face uncertainty as they have acquired an excessive database.

Given that the latest generation of communication technologies, which has changed frequently in recent years, is the social stratum that is always "thirsty" - the youth, each generation of communication changes in their thinking and lifestyle, causing new uncertainties.

The systematic transformation of our country into the global world in the process of globalization is also important, first of all, with the country's youth and their socialization. The characteristics of the socialization of modern youth in the conditions of the social environment depend on the transformed society and, as a result, on the subjective situations that arise. In this process, the tasks set by young people, adaptation to the conditions and the goals to be achieved in the future should be analyzed and predicted from a social point of view. There is no denying that the issue of youth has been seriously analyzed in a number of social sciences and

humanities.

However, the current information society poses various challenges to modern youth, especially the inability to use the Internet at all times, and in some cases the lack of ideological immunity to the flow of information, leading them to socialize in a technologically transformed society. indicates a difficult transition.

In particular, along with the positive aspects of informatization and promising information technologies to increase production efficiency and labor efficiency, the rapid spread of scientific knowledge and advanced technologies in society, increase the overall level of intellectualization of society, the struggle for information space and information-psychological it also poses a particular risk, such as an increase in exposure.

Realizing this, the first President Islam Karimov in his speeches with some thoughts from the legacy of our great scholar Abu Rayhan Beruni: "Because of the informants, it takes on the appearance of truth and falsehood. Because people's goals are so much to draw and argue between different peoples. There are also people who, by their very nature, have become accustomed to spreading false news, as if they have been entrusted with this task, and they cannot rest without spreading the message. It stems from bad desires and the presence of perverted thoughts in their nature." The processes of informatization and globalization of development, unfortunately, have also created categories that seek only to satisfy material interests and needs, have almost lost their national image, and are ready to use any idea for their own ends. Such a negative situation affects the population of our country, especially our youth. It is necessary to fight consistently, using every opportunity to eliminate this threat.

This means that now that every piece of information has no boundaries, it is important for many people to think about the inviolability of the spiritual world of the young generation, whose consciousness and worldview are just being formed. Restricting the Internet or banning access to information will not solve the problem. In today's globalized world, where it is difficult to imagine life without the media, the Internet is becoming a major source of information for young people. In order to feel free in the face of a huge flow of information, one must have an information culture. The concept of information culture is a systematized set of knowledge, learning and skills to meet the information needs that arise during education, science and other activities.

The question of what principles should be based on and what aspects should be focused on in the educational process to protect the spiritual world of the younger generation from destructive influences is in the focus of philosophers and social scientists. We believe that paying more attention to educating young people is important in ensuring the inviolability of their spiritual world. Forming the attitude of young people to the flow of information is one of the directions in the development of intelligence. Parents, teachers, and educators need to educate young people about

the difference between thought and knowledge, how to compare ideas, and how to differentiate.

It can be said that the formation of an information culture among young people is a matter of social significance in the country, as it is directly related to the development of society. For this reason, it remains a priority to train people, especially young people, not only in the ability to train and use new technologies, but also to ensure their broad participation in the creation and improvement of such technologies. This, in turn, makes it an urgent task for young people to acquire deeper knowledge, fully master and use large amounts of information.

Contrary to popular belief, there is a certain perception in the public opinion that computers have only a negative effect on the minds of the younger generation, but the positive and effective impact of new information technologies on society, including the education system. Elevated views are also prevalent. At the same time, today, despite the impact of globalization, our young people are using the information they need because of the formation of positive national ideas in their minds. This is evidenced by the positive use of information, especially in today's society, the transition to a full digital world.

GLOBALLASHUV JARAYONIDA YOSHLAR TA'LIM-TARBIYASIDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNING IMKONIYATLARI

Ravshan Xalilov Qahramon o'g'li
Toshkent Davlat Agrar universiteti talabasi

Bugungi kunda har qanday davlatning barqaror taraqqiyoti asosini innovatsion faoliyat va raqamli texnologiyalar tashkil etadi. Har bir soha o'z rivojlanish darajasini ushbu faoliyatga bog'liq ravishda o'zgartirayotgani ham sir emas. Chunki yangilanayotgan zamon, yangi tashabbus va yangi g'oyalarni talab qilmoqda. O'z-o'zidan ayni qonuniyatga proporsional ravishda qarama-qarshi harakat qilish esa biror soha inqilobiga hissa qo'shamdi deb aytaolmaymiz.

Tarix ham shundan dalolat beradi, inson o'zining aql-zakovati, innovatsion g'oya va tashabbuslari bilan dastlabki mehnat quollarini o'ylab topishdan tortib algaritm, nanozarralar, zamonaviy innovatsion kompyuter va boshqa yuqori texnologiyalarni kashf etishgacha bo'lgan murakkab yo'lni bosib o'tdi. Bu mashaqqatli va kimlar uchundir o'z navbatida aql bovar qilmas g'oyalarning haqiqatga aylanishi uchun zamin yaratgan ilm yo'li, butun insoniyat ehtiyojini qondirish, yashayotgan hayotimizni yaxshilash uchun juda ko'plab ixtirolarni taqdim etdi. Ilm-fanning yechilmagan jumboqlari, insoniyat uchun mavhum bo'lgan tushunchalari chegarasiz. Hali hamon

insonning yaralishiga o'xhash, oliv tafakkurning nihoyasi borligi haqidagi faraz mavjud emas. Jadal rivojlanib borayotgan innovatsion texnologiyalar bizga juda ko'plab imkoniyat va yengilliklarni taqdim etmoqda.

Texnolektronik taraqqiyot XXI asrning birinchi o'n yilligidayoq jamiyat transformatsiyalashuvi yadrosining tezligini ijtimoiy taraqqiyot qobig'ida, bir necha karra oshirib yuborgani ham buning yaqqol tasdig'idir. Ko'pchilik davlatlar qatori O'zbekiston ham global dunyoga tizimli ravishda kirib bormoqda. Bu esa birinchi navbatda mamlakat yoshlarning ijtimoiy lashuvi bilan ahamiyatlidir. Ayni davrda ijtimoiy tarmoq jadallik bilan global auditoriyani egallab borayotgani, hech kimga sir emas. Sababi u, barcha soha imkoniyatlarini o'zida mujassam etgan. Globallashuv sharoitida AKT asosan yoshlar ta'lif-tarbiyasiga bevosita ta'sir etuvchi omilga aylangan. Statistikaga nazar tashlaydigan bo'lsak, mamlakatimizdagi besh million nafar yosh foydalanuvchi ijtimoiy tarmoqlarda o'z profiliga ega. Mutaxassislarning fikriga ko'ra, axborot texnologiyalari jamiyat tuzilmasining shu qadar ajralmas qismiga aylanib ulgurdi-ki, endi u shunchaki texnologik jarayon emas, aksincha, ijtimoiy jarayonga aylanib bormoqda. Davlatning iqtisodiy qudrati, xalqaro nufuzi, demokratik institutlarning rivojlanish darajasi – asosan axborot texnologiyalari taraqqiyotiga bog'liq bo'lib bormoqda. Jamiyatni axborotlashtirish o'tgan asrning 70-yillarda AQSHda, 80-yillarda Yaponiyada boshlangan bo'lsa, qolgan qit'alarda ushbu jarayon o'tgan asrning 90-yillaridan boshlangan. Barcha tizimlarga AKTni joriy qilish natijasida jamiyatning ushbu sohadagi intellektual salohiyati bir necha pog'ona yuqoriga ko'tarildi. Misol uchun, AQSHda axborot sohasida deyarli 75% mehnatga layoqatli aholi ishlaydi. Bu ko'rsatkich boshqa mamlakatlarda 40% tashkil etsa, ayrimlarida 20–25 % yoki undan ham past ko'rsatkichlarni tashkil etadi. Bugun zamon talabiga mos ravishda, yoshlarning qiziqishlaridan kelib chiqqan holda internet imkoniyatlaridan to'liq foydalanib, milliy qadiriyatlarimiz, ma'naviy-ma'rifiy aqidalarimiz va buyuk tariximizni keng targ'ib etish, kampyuter dasturlari, elektron lug'atlar hamda buyuk mutafakir bobokalonlarimizning benazir asarlari asosida kompyuter va mobil telefonlar uchun ilovalar, o'yinlar yaratish hayotining asosiy qismini zmonaviy texnologiyalar egallab ulgurgan yosh avlodni, e'tiborsiz qoldirmaydi. Va bu, ertangi kun egalarining qalbida milliy g'urur, va ehtirom tuyg'ularini shakillantiradi. Mamlakatimiz kundan-kunga rivojlanishning yangi bosqichiga ko'tarilmoida. Biz allaqachon davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan yangilashga qaratilgan innovatonasion rivojlanish yo'liga o'tib bo'ldik. Va bu yo'lda bizga innovatsion tashabbuslar va Start Up loyihalar yangi imkoniyatlarni taqdim etadi. Bugun bizning oldimizga qo'yilgan asosiy vazifa, yoshlarni ijtimoiy tarmoqlarda mavjud axborot oqimlaridan to'g'ri maqsadlarda foydalana olishga o'rgatishdan iboratdir. Buning uchun internet tarmog'ining milliy segmentida resurslarni ko'paytirish, ularni foydalanuvchilarga qulay tarzda taqdim etish axborotlarning shaffofligi hamda xavfsizligini ta'minlash, turli tashqi zararli

axborot ta'sirlardan himoyalash va foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish chora-tadbirlarini ishlab chiqish talab etiladi. Globallashuv jarayonining o'ziga xos jihatni uning mafkuraviy ta'sir o'tkazish quroliga aylanishi mumkinligi bilan izohlanadi. Bugun uzoq-yaqin mintaqalarda yuz berayotgan voqealarni inobatga olsak, hali ongi, hayotiy qarashlari shakllanmagan yoshlarni chalg'itishga qaratilgan g'arazli kuchlar internet tarmog'idan o'z manfaati yo'lida foydalanishmoqda. Demak, yoshlarning intellektual salohiyati va ma'naviy immunitetini kuchaytirish, axborot ma'daniyati va mediasavodxonligini oshirish, axborot xavfsizligini ta'minlashning bosh omili desak, mubolag'a bo'lmaydi.

Bugun internetdan foydalanuvchilarini shartli ravishda, ikki toifaga ajratish mumkin. Birinchi toifadagilar kasbi, talabidan kelib chiqqan holda yoki ilmiy tadqiqotlari uchun zarur axborot olish maqsadida internetga murojaat qilayotganlar bo'lsa, ikkinchi toifadagilar shunchaki, qiziqishiga ko'ra, deylik, axloqsizlik, tanishuv saytlariga kirib yoki onlayn o'yinlari bilan kun o'tkazish kayfiyatida bo'lganlardir. Virtual olam insonni manipulyatsiya qilmoqda. Manipulyatsiya — bu fikriy qaramlik orqali o'ziga bo'ysundirish demakdir.

O'zbekistonning turli tuzilmalari tomonidan axborotlarni uzatish tarmoqlarida ta'lim va yoshlar bo'yicha yaratilayotgan axborot resurslari yagona ZiyoNET axborot tarmog'iga birlashtirilgan. Uning vazifasi yoshlar uchun milliy axborot resurslarini shakllantirish bilan birgalikda ularning ham ilmiy, ham ma'naviy qarashlarini yuksaltirishdan iboratdir. Yurtimiz o'tgan yillar mobaynida jamiyatning transformatsiyalashuvi davridan modernizatsiyalashuviga yoki raqamli va axborot texnologiyalarining rivojlanish bosqichi sari qadam qo'ydi. Xususan, AKT sohasiga alohida e'tibor qaratilmoqda va ushbu sohaga oid ko'plab qarorlar qabul qilinmoqda. Jumladan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1999-yil fevral oyidagi "Milliy tarmoqni yaratish va dunyo axborot tarmoqlaridan foydalanishni tartiblash to'g'risida"gi, keyinroq "O'zbekiston Respublikasida 1999–2003 yillar ichida ma'lumotlarni uzatish milliy tarmog'ini rivojlantirish va takomillashtirish dasturi", 2002-yil iyundagi "Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot — kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorlari qabul qilindi. Bugungi kunda esa IT parklarning faoliyati yo'lga qo'yilmoqda, raqamli texnologiyalar bilan ishlovchi yoshlarga barcha imkoniyatlar yaratib berilyapti.

Xulosa qilib aytganda mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish, zamonaviy infratuzilmalarni qo'llash va AKTni jamiyat hayotiga keng targ'ib etishga oid juda ko'plab ishlar amalga oshirilmoqda. Albatta, bu qarorlar biz yoshlarga globallashuv jarayonida ta'lim olishimiz uchun raqamli texnologiyalardan maqsadli ravishda foydalanish imkoniyatini taqdim etadi. Bu esa albatta, jahon hamjamiyatida mamlakatimizning tutgan o'rni, obro'e'tiborini yuksaltirishga ijobiy xizmat qiladi. Zero, kundan kunga ravnaq topib borayotgan yurtimizning kelajagi yoshlarning orzu maqsadlari ustida bunyod bo'ladi.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МАСОФАВИЙ ВА ОНЛАЙН ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Эрназаров Дилмурод Зухриддинович
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети (ТДИУ),
Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори*

Глобаллашув жараёнида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун БМТ томонидан барқарор ривожланиш мақсадларини ишлаб чиқди. Бу бутун жаҳон давлатларига нисбатан дунёнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазиятини ҳар томонлама яхшилашга қаратилган глобал чақириғи бўлиб, у инсонларнинг фаровон турмушини янада яхшилаш, атроф-муҳитни асраб-авайлаш ва биологик хилма-хилликни сақлаб қолишга имкон беради. 2030 йилгача Барқарор ривожланишнинг асосий мақсади – қашшоқликни бартараф этиш ва дунёни барқарор ривожланишга йўналтиришдаги янги глобал мажбуриятдир. Ушбу ҳужжат 2015 йилнинг сентябр ойида БМТ саммитида давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан қабул қилинган. У кенг кўламли комплекс 17 та мақсад ва 169 та вазифани ўзида ифода этади.

Глобал ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистон БМТнинг ўндан ортиқ дастурлари, жамғармалари ва агентликлари, жумладан, БМТ Тараққиёт Дастири (БМТТД), Таълим, фан ва маданият муассасалари бўйича ташкилоти, (ЮНЕСКО), Аҳоли қатламлари фонди (ЮНФПА), Халқаро Болалар ташкилоти (ЮНИСЕФ), Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ), БМТ Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (ЮНДОК), БМТнинг ОИВ/ОИЦ бўйича қўшма дастури (ЮНАИДС) БМТнинг Ахборот ва ижтимоий алоқалар бўйича бўлими, Қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссар бошқармаси, Саноат Тараққиёти Ташкилоти (ЮНИДО), БМТнинг Кўнгиллилар Дастири (ЮНВ) фаолият олиб боради. Шунингдек, БМТнинг Бреттон-Вуд муассасалари Жаҳон Банки, Халқаро Валюта фонди сингари бир қатор ихтисослашган муассасалари ҳамда Ўзбекистонда ваколатхонаси бўлмаган агентликлари, жумладан, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (БМТ ЕИК) билан ҳамкорлик алоқаларни ўрнатган.

Глобал мақсадлардан бири бу таълим соҳасини ривожлантиришdir. Таълим соҳасини жаҳон стандартлари даражасида ривожлантириш учун халқаро субъектлар билан фаол ҳамкорликни амалга оширмоқда. Ўзбекистон олдида турган катта вазифалардан бири бу – замонавий масофавий таълим тизимида ўтиш ва ривожлантиришdir.

Экспертларнинг фикрича, замонавий глобал ахборот дунёсида анъанавий таълим ва масофавий таълим ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг йўқ бўлиб кетиши

тенденцияси мавжуд, чунки кўпчилик ўқув жараёнида Интернетдан фойдаланади. Масофавий таълим ҳозирги замон муаммоларини ҳал қилишнинг алтернативи - тезкор усули сифатида тан олинмоқда. Онлайн таълим ва масофавий таълим жамиятни виртуаллаштириш жараёнининг намоён бўлиши ҳисобланади.

Масофавий таълимнинг қисқача тарихи 1700-йиллардан бошланади. 1728 йилда Калеб Филипс Бостон газетасида хатлар алмашиб орқали талабаларни мамлакатнинг ҳар қандай жойида стенография ўқиш учун эълон берди. Бу масофавий таълимнинг бошланиши бўлди. Кейинчалик, Исаак Питман масофавий таълимни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. 1840 йилда у ўз дарслари ўзлаштиришу учун барчага талабгорларга хат юборди. 1856 йилда Ч.Тусен ва Г.Ланченштейдлар Берлиндаги сиртқи таълим институтини ташкил этди. 1873 йилда АҚШда биринчи сиртқи мактаблар ташкил этилди. Кўп ўтмай, 1892 йилда Чикаго Университети биринчи масофавий ўқитиш дастурини яратди ва шу билан АҚШдаги биринчи масофавий таълим муассасасига айланди. 1899 йилдан бошлаб Қиролича университети Канадада масофадан туриб талабаларга дарс беришни бошлади. 1906 йилда Балтимордаги Салверт бошлангич мактаблари ҳам масофавий ўқитишни бошлади.

XX-асрнинг биринчи ярмида янги технологиялар пайдо бўлиши билан масофавий таълимни ривожлантириш жараёни тезлашди, у турли форматларда ва кенг доирадаги талабалар учун таклиф қилинди. Шундай қилиб, радио ихтироси билан масофавий ўқитишнинг ривожланиши жадаллашди, талабалар билан ишлашнинг янги шакллари пайдо бўлди. Кўп ўтмай, 1925 йилда Аёва штати университети бешта курслар учун талабалар учун кредитлар беришни бошлади. 1934 йилда ўша университет дунёдаги биринчи таълим каналини ишга туширди ва у бугунги кунда ҳам ишлайди. 1950 йилларда телевизор пайдо бўлиши билан телевизор курслари ривожланди. Шундай қилиб, 1953 йилга келиб курслар телевизион трансляцияси АҚШ ва Европадаги университетлар орасида кенг тарқалган.

1965 йилда Висконс университети телефон ўқитиш форматидан фойдаланган ҳолда шифокорлар учун кенг қамровли ўқув дастурини жорий этди. 1968 йилда Небраска штатининг Линколн университетида масофавий таълим асосида аккредитациядан ўтган дипломни олиш мумкин эди.

XX асрнинг 60-йилларда масофадан туриб ўқитиш халқаро миқёсда тан олиниб, ЮНЕСКО кўмаги билан фаол ривожлана бошлади. 1963 йилда Буюк Британия Бош вазири Г.Уилсон масофавий таълимдан фойдаланган ҳолда барча ўқув муассасаларини бирлаштиришни мақсад қилган Очик университети (Open University) ташкил этилганлигини эълон қилди. 1969 йилда Англияда Очик Университет ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу университет жуда машҳур бўлиб, унда турли мамлакатларда 200000 дан ортиқ талабалар турли соҳаларда таҳсил олишади.

1970 йилда ўқитувчилар учун телевизион курсларни ривожлантириш мақсадида Калифорнияда ишчи гуруҳ тузилди. Кейинчалик университетлар, кутубхоналар ва жамоат телевизион каналларига ўқув фильмларини тақдим этадиган бутун бир ташкилот - Coastline Community College номи билан ташкил этилди. 1976 йилда Coastline дастури бўйича ўқитиладиган биринчи “виртуал коллеж” очилди. Шунга қарамай, битта технология тезда бошқасини алмаштирди ва тез орада сунъий йўлдош станциялари орқали онлайн курсларни ўқитиш таклиф қилинди, шундан кейин Интернетнинг имкониятлари кенгайди. Вақт ўтиши билан комьютерлар масофавий ўқитиш учун фойдаланила бошланди. 60-йилларда IBM компанияси Coursewriter номли ноёб масофавий ўқитиш дастурини ишлаб чиқди. Уни турли синфлар учун мослаштириш мумкин эди ва у 1968 йилдан 1980 йилгacha Алберта университетида 17 хил курсларда ишлатилган.

Рақамли саводхонлик - бу рақамли технологияларни ҳаётнинг барча соҳаларида ишончли, самарали, танқидий ва хавфсиз равишда қўллашга тайёрлиги ва қобилиятидир. Масофавий формат ўқувчиларга ўқув дастурларини ўзлаштиришларига тўскенилик қилмайди ва улар ўқитувчилар билан маслаҳатлашишда давом этишлари мумкин. Қисқа вақт ичида узоқ манбаларга қандай кириш тўғрисида тушунтириш берилади.

Педагогика, хуқуқ ва бошқа соҳаларда масофадан ўқиётган талаба қўйидаги афзалликлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади:

1. Иқтисодиёт ва қулайлик. 2. Ўйда ўқиш имконияти. 3. Дарсларда қатнашмасдан ўқитувчи билан доимий алоқа. 4. Топшириқлар устида ишлаш қулай вақтда амалга оширилади. Бугунги кунда мактаб, лицей, колледж ва университет талабалари учун масофавий технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим дастурларини амалга ошириш долзарб бўлиб қолди. Масофавий таълим тизимиға ўтган барча ўқув муассасалари очиқлик ва ўқув жараёнини ташкил этиш, ўтказишда индивидуал ёндашувни талаб қилди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, ўқув жараёни узоқ масофали сайtlарга ўтади. Талаба ва ўқитувчи ўртасида электрон дастур, платформа ёки бошқа рақамли технология маҳсулоти шаклида “Онлайн платформалар” мавжуд. Ушбу онлайн платформаларда талаба ва ўқитувчининг ўзаро муносабатларида янги ахлоқ нормалари пайдо бўлади, натижада ижтимоий муносабатларнинг янги этикаси юзага келади.

INTELLEKTUAL YOSHLAR TA'LIM-TARBIYASIDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR

Odinaboboyev Fazliddin Bahriiddin o'g'li,
Termiz davlat universiteti magistranti

Zamon pedagogi davlat qudarati, jamiyatning faravonligini taminlaydigan yetuk kadrlarni mukammal ta'lif tarbiya, intellektual salohiyatli qilib yetkazib berishdek vazifalar zimmasida. Buning uchunyuqori suratda rivojlasnib borayotgan sohalarning yutuqlaridan unumli foydalanish talab etiladi. Olimlar va jurnalistlar tomonidan XXI asrni turlichayta'riflab, turli nomlar bilan atash moqda. Kimdir gadjetlar svilizatsiyasi, yana boshqasi axborot va globallashuv kabi bir qator turli talqinlarini bildirmoqda. Shunday ekan yosh avlod "XXI asr-intellektual asr"ning ishtirokchisi bo'lishi uchun mazkur davrning ta'lif tarbiya svilizatsiyasining faol ishtirokchisi bo'lishi lozim va o' novbatida ikki xil ijobjiy va salbiy ta'sir ko'rsatadi. Albatda salbiy ta'sirdan himoyalanish kerak. Bunday sharoitda pedagoglar yosh avlodni zarali xolatlardan muhofazalash uchun bir qator vazifalkarni aamalga oshiradi: xalqimizning boy ma'naviy merosi bilanyo'g'rilgan tarbiyaniberilishi, urfatlarimiz, milliy va ma'naviy tarixiy an'anlarimiz, boy merosimiz bilan tanishtirib borilishi, umumbashariy qadriyatlarimizga asoslanga ta'lif tarbiyani tashkil etishi kabilarni keltirishimiz mumkin.

Pedagog ta'lif oluvchi uchun globallashuv jarayonida beriladigan axborotlarga ilmiy yondashishi, jamiyat ijtimoiy, iqtisodiy, ma'naviy rivojlanishga zid bo'lмаган, ijobjiy muhit yarata oladiganlarini proqnoz qilishi va oddiydan murakkabga qarab yo'naltirilgan holda tanishtirishi maqsadga muvofiq. Buni biz quyidagi keltirlgan havolada ham ko'rshiz mumkin.

"Jumladan," Inson miyasi turli xil axborotlarni turli darajada qabul qilish qobiliyatiga ega, bu esa ma'lumotlarni yengil, erkin va qiziqarliuzatilishi talab etiladi. Texnik vositalardan mashg'ulotlar o'tkazish jarayonida samarali foydalanish didaktik muammosi hisoblanib, asosan, ko'rsatmalilik prinsipini ta'milash borasidagi faol hrakat, usul deb baholanadi" [1,205-bet].

Globallashuv- bu avval ijtimoiy, iqtisodiy hayot suratlarining beqiyos darajada tezlashuvi demakdir. Bunday tez suratda kechayotgan jarayondan chetda turish o'zining salbiy ta'sirini ko'rsatmay qolmaydi. Shunday ekan jarayonda faol ishtirok ayniqsa dalatlar o'ttasida turli sohalarda integratsiyaning kuchayishiga olib keladi. O'z novbatida ta'lif-tarbiyani va bir qator boshqa tarmoqlarini rivojlantirish uchun rivojlangan xorijiy davlatlar investitsiyalarini kiritilishiga, axborot texnologiyalari, ilm-fan yutiqlarining tezlik bilan tarqalishi va xabardor bo'lish kabi qator imkoniyatlar vujudga keladi. Axborot texnologiyalar zamonida ijtimoiy haotning

raqamlashib borayotgani korishimiz mumkin. Yosh ilmiy tadqiqotchilar bunda tadqiqot obyektlarini turli ko'rinishda belgilaydilar.

Tadqiqotlarning bunday ko'rinishiga ushbu ma'lumotni keltirish kifoyadir. "Zamonaviy ilmiy tadqiqoylar obyektlari sifatida insonparvarlikka asoslangan tizimlarni ajratib ko'rsatish mimkin-bunday tizimlar insonning o'zini asosiy component sifatida ko'rib chiqishni taqozo etadi. Bunday tizimlarga quyidagilarni misol qilibkeltirish mumkin: biosfera, internet globallashuv tarmog'I, zamonaviy texnologik loyihalashtirish tizimlari, bunda nafaqat mashina, "inson-mashina" tizimi ham emas. Yanada murakkab rivojlanayotgan kompleks "inson-mashina-ekomuhit" tizimiga tatbiq etilib, ijtimoiy-madaniy muhit esa ushbu texnologiyani qabul qiladi"[2,8-bet].

Ta'lim-tarbiyada raqamli texnologiyalar qator qulayliklar tug'diradi. Xususan qo'llanilayotgan texnologiyalar asosida pedagogda ta'lim oluvchi bilan individual ta'limni tashkil qilgan holda ijobjiy kommunikativ aloqa o'rnatish va kognitiv fikrlash qulay muhit yaratadi. Jaroyonning bunday olib borilishi intellektuallik koeffitsientini oshishiga xizmat qiladi. Hozida hukumatimiz tomonidan ta'limda raqamli texnologiyalarning tadbiqi qator rivojlangan davlatlar tajribasini o'rgangan holda amalga oshirilmoqda. Xususan , Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Axborot kommunikatsiya texnologiyalari yo'nalishiga oid fanlarni chuqurlashtirib o'tishga ixtisoslashtirilgan maktabning tashkil etilishini misol qilishimiz mumkin. Maqsadni raqamli texnologiyalarni faqatgina foydalanuvchisigina emas, faolshusohaning tashkil etuvchisi ham bo'lishi kerakligini yuqoridaq ishlar misolida ko'rishimiz mumkin. Pedagog raqamli texnologiyalardan foydalanib jahoning eng samarali metodlaridan foydalanib ilm-fanning yutuqlari haqida ma'lumotlar olib, ta'lim oluvchilarni tez suratda boxabar qilish imkoniga ega bo'ladi. Ta'limda esa innovatsion vaziyatlarning yuzaga kelishiga xizmat qiladi. Ta'lim oluvchilarda bu kabi usullardan foydalanganda adabtadsiya jarayonini qay suratda ketayotgani sinchkovlik bilan nazorat qilib borishi muhim. Ta'limda raqamli texnologiyalarni qo'lash, o'quvchilarda bilim olishni faollashtiradi, o'lashtirilishi kerak bo'lagan bilimlarni optimallashtirishga, o'quvchini mustaqillikka va o'z bilimlarini tekshirishga o'rgatadi.

ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Зулунов К.

Андижон вилоят ХТҲҚТМОҲМ мустакил тадқиқотчиси.

XXI аср бошларида кечеётган глобал ижтимоий-иқтисодий ва геосиёсий жараёnlар, дунёning гоявий-мафкуравий қиёфасин ўзгартириб янгича тафак-

кур ва дунёқарашини шакиллантиришини тақазо этмоқда. Мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли навқирон авлоднинг замонавий билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун беқиёс имкониятлар яратилган. Юртимиз ўғил-қизларини баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётган бундай эзгу сайд-ҳаракатлар доирасида ёшларнинг чуқурлаштирилган тартибда ва инновацион технологиялар асосида билим олишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги вақтда «инновация» тушунчаси жуда кенг қўлланилмоқда. Инновация сўзи инглизча сўз бўлиб, инновацион янгилик киритиш деган маънони билдиради, яъни тизим ички тузилишини ўзгартириш, деб таърифланади. Инновация амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий обьект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимиdir.

Таъкидлаш керакки, таълимда инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, таълим тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади. Шу боис улар таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Маълумки инновация – маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишига олиб келиши маълум бўлган охиригни натижадир.

Бугун Ўзбекистонда, барча фанлар қатори ижтимоий фанларни ўқитишни такомиллаштириб бориш ва унга инновацион ёндашув – ёшларнинг дунё қарашини кенгайтиришда ва уларни интелектуал ривожланган шахслар бўлиб етишишларида муҳим роль ўйнамоқда. Умумтаълим мактаблари ва олий таълимда мазкур фанларнинг ўқитилиши келажақда етук миллий кадрлар тайёрлашда ўзининг амалий ва фундаментал аҳамияти ва фуқаролик жамиятини ривожлантириб бориш жараёнида аҳоли, айниқса, ёшлар онгида демократик тамойиллар ва дунёқарашни шакллантиришда аҳамияти ортиб бормоқда. Бинобарин мамлакатимиз ёшлари ижтимоий фанларнинг таъсирида улкан ижодий, интелектуал, ижтимоий-сиёсий салоҳиятга эга эга бўлмоқда. Шу боис ёшлар деб аталган ана шу куч ва салоҳиятни юрт тинчлиги, ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги сари сафарбар этишда ижтимоий фанларнинг ўрни роли ва нуфузи ортиб боради.

Ёшлар – жамиятнинг туб негизи, аҳолининг илғор қатлами, келажакнинг ишончли эгалари. Жаҳон ҳамжамиятида ўзининг суверен мақомига эга ҳар қандай давлат ёшларининг билим даражаси, дунёқарashi, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб ўша давлатнинг, жамиятнинг нафақат яқин келажаги балки узоқ муддатли тараққиётини аниқ тасаввур этиш мумкин. Шу маънода, юртимизнинг ҳар томонлама тараққий этиши, юксалишида илм-фанинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг роли беқиёс даражада каттадир. Ҳозирда, ижтимоий фанларни, тарих, одобнома, миллий форя вамаънавият асосларини ўқитишга инновацион ён-

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

дашиш орқали у, педагогик ва психологик жиҳатлари билан узвий боғлаган ва унга инновацион ёндашган ҳолда уларни янада такомиллаштириб бориш орқали таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида сифат ўзгаришларига эришишга эришилмоқда. Бунинг учун эса, таълим тизимининг барча босқичларида фаолият кўрсатаётган педагоглар, барча фан ўқитувчиларининг интеллектуал салоҳиятини замонавий талаблар асосида ошириб бориш, уларга инновацион фанларни ўқитишида инновацион ёндашиш мухим аҳамият касб этади.

“Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб- қувватлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106 сонли Фармонида таъкидланганидек, глобаллашув даврида таълим-тарбия жараёни замон қўяётган талабларга жавоб бериши ундан орқада қолмаслиги мухим аҳамиятга эга.

2016 йил 30 декабрда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бир гурӯҳ олимлар, илм-фан вакиллари билан бўлган учрашвида таъкидлаб ўтганидек, “Ёш авлодни салоҳиятли кадрлар этиб тарбиялашдаги биринчи босқич – мактаб таълимини тубдан такомиллаштириш, илмий кадрлар ва юксак малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш зарур. Бу йўлда ҳеч нарсани аямаймиз.” Мазкур учрашувда Президентимиз иқтисодиётимизнинг барча соҳалари тараққиётида илм-фаннынг ўрни, аҳамияти ғоят катта экани, бу борада давлатимиз тараққиётида фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги бугун ниҳоятда долзарб эканини алоҳида таъкидлади

Таълим-тарбияга инновацион ёндашиш билан боғлиқ янгилик 2017 йил 20 февралда, мамлакатимиз иқтисодиётининг инновацион ривожланишида илмий – тадқиқот ва инновацион фаолиятни бошқариш ва тартибга солишининг ягона тизимини шаклантириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасини ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришда илм – фаннинг ўрнини ошириш мақсадида “Фанлар академияси фаолияти, илмий – тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида ҳам кўрсатиб ўтилган эди. Ушбу қарорда илм фанинг таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси механизмларини мустаҳкалаш ва ривожлантириш – устувор вазифа қилиб белгилаб берилган.

Шунингдек, 2017 йил 7 февралда тастиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида ҳам илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалийтга жорий этишнинг самарали меҳанизмларини яратиш- олий ўкув юртлар ва илмий- тадқиқот институтлари хузурида ихтисослаштирилган илмий – экспериментал лабораториялар юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этишга таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг энг мухим йўналишларидан бири сифатида

алоҳида эътибор қаратилган .

Хулоса қилиб айтганда, таълим тизимининг барча йўналишлари ва босқичларида ёшларнинг, инновацион таълим тарбия тараққиётининг ҳаққоний ҳаракатлантирувчи куч сифатида ўқитувчи фаолиятини янгилашга, таълим тарбия жараёнини мақбул (оптимал) қуришга, ўқувчи ёшларда ҳур фикрлилик, билимга чанқоқлик, Ватанга содиқлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

GLOBALLASHUV JARAYONIDA KVANT KRIPTOGRAFIYASI RIVOJINING O'RNI

Xushmanova Hilola Aktam qizi


*Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU Qarshi filiali,
Axborot xavfsizligi yo'nalishi talabasi*

Global lashuv jarayoni to'xtatib ham, sekinlatib ham bo'lmaydigan o'zaro aloqa va integratsiya jarayoni bo'lib, transit va kommunikatsion texnologiyalar rivojlanishi asosida o'sib boradigan jarayon ekan, raqamli olamning eng qimmatli elementi – axborot, uning hajmi va unga nisbatan tahdidlar hajmi bu jarayonga karrali ravishda ortib bormoqda. Klassik kompyuterlar chegarasi bashorat qilinganidan so'ng, insoniyat axborot erasini global lashuv shartlariga moslashtirish uchun mutlaqo yangi inqilobiy texnologiya - kvant hisoblash mashinalari davri zarur edi.

Xavfsizlik tushunchasi zaifliklar bilan oldinma-ketin, biri-biridan o'zib ketib rivojlanib boraverar ekan, hisoblash mashinalarining mutlaqo yangi asrini boshlab bergen kvant kompyuterlari kriptografiya sohasida inqilobga yuz tutdi [1], desak mubolag'a bo'lmaydi. Kvant kriptografiyasi, fizika va kriptologiya fanlari qonunlarining umumlashuviga asoslanib, yangi davr texnologiyalardan mumkin bo'lgan tahidlarga moslashtirilib borildi: kvant aloqaning yangi texnologiyalari yaratildi. Talab doirasida kvant kriptografiya bozorlari paydo bo'ldi va kvant kriptografiyasining himoya uchun mahsulotlar sotuvga qo'yilgan. Ayniqsa, kvant hisoblash statistikasi so'nggi ikki yil ichida juda katta o'sishni ko'rsatmoqda [5].

Marketing: kvant kriptografiyasi bozori

Kvant kriptografiyasi bozorining global miqyosida rivojiga so'ngi yillardagi kiberxujumlar sonining keskin oshib borishi, yangi avlod simsiz tarmoq texnologiyalarining rivojlanishi oqibatida esa har doimgidanda kiberxavfsizlikka talab va moliyalashtirish hajmining oshishi sabab bo'lmoqda. Yangi bosqichda rivojlanib kelayotgan ilm sohasini AT sohasidagi gigant kompaniyalar o'z bizness faoliyatining ajralmas qismiga, o'rganilish sohasiga aylantirib ulgurishdi.



1-rasm. Kvant kriptografiyasi bozorida talabning o'sib borish prognozi.

Bunda ko'rsatkich mos hududlardagi shifflashga asoslangan dasturlardan foydalanish darajasi va kiberxujumlar xavfiga nisbatan olinadi.

1 – jadval.

Prognoz tadqiqotlari xususiy xossalari

| Hisobot o'lchovlari | Tafsilotlar |
|--|---|
| Yillar davomida mavjud bo'lgan bozor hajmi | 2017–2023 |
| Hisoblangan yil | 2017 yil |
| Prognoz davri | 2018–2023 |
| Prognoz birliklari | Qiymati (USD) |
| Segmentlar qoplangan | Komponent (yechimlar va xizmatlar), xavfsizlik turi, vertikal va mintqa |
| Geografik yoritilgan hudud | Amerika, APAC, Evropa va Yaqin Sharq va Afrika |

Kvant kompyuterlari g'oyasi paydo bo'lgandan toki shu kungacha va ayniqsa o'tgan bir necha yillar mobaynida AT gigantlari tomonidan bu texnologiya uchun jalb qilingan sarmoya va mutaxasis ishchilar sonining, bиргина 2015-yilda kvant texnologiyasi sohasida 16 mingga yaqin (15650 ta) fizik mutaxasislarning ish bilan ta'minlanishi va 2018-yilda esa oldingi yildagidan 3 martadan ortiq yangi kasblar paydo bo'lishi [6] bilan ham bu texnologiya jahon miqyosida qanchalik e'tibor kasb etib borayotganini ko'rish mumkin. Dunyoning rivojlangan mamlakatlari yo'lidan borayotgan O'zbekiston iqtisodiyotida AT sohasining muhim rol o'ynab, yildan-yilga sohaga e'tiborning kuchaytirilayotgani va izlanuvchan yoshlarga yaratib berilayotgan sharoitlar ko'lamiga bu yangi sohaning ham kiritilishi fizika va IT sohasiga qiziquvchi minglab yoshlar izlanishlari asosida yaqin kelajakda o'z samarasini beradi, albatta.

Imkoniyat va Muammolari

Koinot, tibbiyat, kimyo, iqtisodiyot va shu kabi ko'plab ilm-fanning hali yechim

topilmagan savollarga javob topish imkoniyati [2] dan tashqari, sohaning bizga hali ma'lum bo'lmanan qulayliklari qancha? Axborot olamida ulkan ahamiyat kasb etib ulgurgan Suniy intellekt uchun ham bu texnologiya juda ulkan hajmdagi ma'lumotni soniyalarda o'rganishga imkon yaratadi [3]. Bu hali ro'yxatning boshlanishi bo'lib, bulut texnologiyasi, Internet buyumlari [4] sohasida ham inqilobiy rejalar amalgalashirilishi kutilmoqda.

Klassik kompyuterlarda millionlab tranzistorlar juda uzoq vaqt mobaynida hisoblagan muammoni kvant superpozitsiya holatlari yordamida, bir hisoblash amali davomida ikki darajasining kubitlar soni barobaridagi songa teng bo'lgan holatni ko'rib chiqsa olish imkoniyati hisobiga bir necha soniyalarda hal etilmoqda. Kvant suniy intellekt laboratoriyasida 2018-yilda ishlab chiqarilgan 72 kubitlik protsessor tezligini esa aqlga sig'dirish qiyin. Bu super tezlik biz shu paytgacha ishonchli deb foydalanib kelayotgan har qanday kriptotizmlar, fond birjalari, banklar, shifoxonalar, qimmatli axborot saqlanadigan har qanday axborot tizimining buzilishi imkonini berib, amaldagi xavfsizlik choralarini yo'qqa chiqarib, ulkan tahdidlar xavfini va noroziliklarni yuzaga keltirmoqda.

Hozirgi kunga kelib esa kubitlar sonini oshirish va munosib dasturiy ta'minot yaratish bo'yicha izlanishlar davom etmoqda.

Bu soha bo'yicha dunyoning rivojlangan mamlakatlarida texnik ta'minotga ega laboratoriylar, institutlar va ularda yaratilgan. 10 dan ortiq katta-kichik hajmdagi kvant kompyuterlari bilan bir qatorda, turli OTM darajalarida ta'lim olayotgan talabalar va qiziquvchilar uchun soha bo'yicha virtual laboratoriylari ham tashkil etilgan. Bu laboratoriylar kvant fizikasi olamini tashkil etadigan qonunlarini ish stoli yonida experimental va nazariy o'rganish va bevosita boshqarish imkoniyatini yaratishga mo'ljallangan.

Xulosa

Bugungi davr talabiga ko'ra axborot xavfsizlik masalasi yechimi kvant kriptografiyasiga bog'liq ekan, soha istiqbollarining kurtaklari allaqachon global miqyosda unib chiqib ulgurdi va kompaniyalar umumiyligi maqsad yo'lida texnologiyalarini birlashtirmoqdalar. Respublikamizda mamlakatimizning kiberxavfsizlik, fizika va dasturlash sohasiga qiziquvchan yoshlariga bu texnologiyaning dastlabki nazariy tushunchalarini virtual imkoniyatlarga boy bo'lgan online laboratoriylar yaratish orqali katta imkoniyatlar eshigini ochish mumkin. Bu rivojlangan mamlakatlar tajribalari asosidagi laboratoriyalarning qulay va foydalii tarifi shundaki, soha bo'yicha kelajakda horijda tajriba orttirish maqsadida bo'lgan izlanuvchilar uchun nazariyani tushunish va experimental bilimlar tajribasini beradi.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТЛАШУВНИНГ КЕНГАЙИШИ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Қодиржон Одилов

*Андижон вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириши ҳудудий маркази доценти, фалсафа фанлари номзоди*

Биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиласиган шиддатли ва айни пайтда ўта мураккаб замонда яшамоқдамиз. Мутахассислар бу тезкор даврни “оммавий ахборотлашув” ёхуд “глобаллашув асри” деб аташмоқда. Боиси ер юзининг қайсиидир бир чеккасида юз берган воқеадан бир неча сония ичида бутун дунё аҳли хабар топмоқда. Ҳамижобий, ҳам салбий томонларни ўзида қамраб олган глобаллашув жароёнлари дунё ҳалқларини она сайёрани фарзандларига айлантириди. Ижобий томондан, глобаллашув илм-фан тараққиёти, инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш бўйича давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг узвий ҳамкорлигини таъминлаш, барча соҳа ва тармоқларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни рақамли технологиялар билан қамраб олиш, бу борада замонавий билимларни чуқур эгаллаган, интеллектуал салоҳиятли кадрларни етиштириш, мамлакатда “ахборотлашган жамият” мұхитини яратиш масалаларини қамраб олади.

Салбий томондан, ҳозирда Ер ўзида ахборот алмашинуви миссализ тезлашган шароитида, айрим “марказлар” бундан фойдаланиб, бошқа давлатлар ва ҳалқлар ўртасида гарб ҳаёти “жозибалари”ни жумладан, “оммавий маданият” таъсирини эркинлик шабадалари тарзида имкон қадар кенгроқ ёйишга бор кучи билан ҳаракат қилмоқда. Бунинг натижасида мафкураси ҳали шаклланиб улгурмаган ва тафаккурида ғоявий бўшлиқ ҳосил бўлган айрим шахслар бу каби иллатлар таъсирига жуда тез тушиб қолиш ҳолатлари кўп қузатилмоқда.

Бундай холатда мамлакатимизда миллий ахборот тизимимизни янада мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси масалалаларига эътиборни янада кучайтириш тақазо қилинади. Зеро Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганлариdek, “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам мұхим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. Тарбия қанча мукаммал бўлса, ҳалқ шунча баҳтли яшайди”, дейди донишманлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада

бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”³⁸.

Дарҳақиқат глобаллашув шароитида “Диний экстремизм, терроризм, гиёхвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзод асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оиласи қадриятларга путур етказмоқда”³⁹.

Таъкидлаш керакки, глобаллашув жараёнларида ахборотлашувнинг кенгайиши маънавий таҳдидаларнинг янада кучайишига олиб келмоқда. Бу эса маънавиятни ёшлар онгига сингдириш, инсон қалбига йўл топишни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда олиб бориш бу соҳадаги фаолиятни янада кучайтиришни талаб этмоқда. Ёшлар тарбиясида маънавий хавфсизлик масаласи ҳақида гапирганимизда шуни айтиш жоизки, тадқиқот мавзусининг муҳим қирраларидан бири бўлмиш миллий маънавий хавфсизлик омиллари роли масаласини тадқиқ этиш муаммоси янада долзарблашиб бораверади. Ёшларимизда интеллектуал салоҳиятни юксалтириш, улардаги миллий ўзликни англашни кучайтириш, миллатпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Хеч кимга сир эмаски бугун ёшлар ахборий эхтиёжларини оммавий ахборот воситалари (ОАВ) дан олмоқда. Шу боис мамлакатимизда яратилган миллий ва маънавий қадриятларимизни акс эттирувчи дастурлар, сайтларда таълим-тарбияга оид мақолаларни доимо янгилашиб бориш керак. Айниқса, аниқ ва табиий фанлар соҳасида фаолият юритган Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг илмий, тарихий ва фалсафий мероси, уларнинг астрономия, математика, география, геодезия, тиббиёт, фармакология, кимё, минералогия каби замонавий илмифан шаклланиши ва ривожланишига қўшган улкан ҳиссасига оид мақолаларни кўпроқ бериш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу халқ таълими вазирлиги томонидан белгилашиб қўйилганидек, замонавий илмий билимлар билан қуролланган ва баркамол инсонни шакллантиришга хизмат қиласиган таълимнинг янги миллий моделига тўлиқ ўтиш жараёнларига мос келади. Зоро, юксак илмий салоҳиятга эга бўлган инсонларгина жамиятнинг гуллаб-яшнашини таъминлай олади.

Тажрибаси ҳам бўлмаган ёшларнинг ҳаётий тушунча ва тасавурларини асосан ОАВ ҳамда интернет шакллантиромокда. Бу эса таълим-тарбия муассасаларининг иш фаолиятини қийинлаштириб қўймоқда. Ахборотнинг катта оқими шароитида инсон ўзини эркин ҳис эта олиши учун ахборот маданиятига эга бўлиши керак. Бу ўринда ахборот маданияти дейилганда таълим, илмий билиш ва фаолиятнинг бошқа турлари давомида юзага келадигак ахборотга бўлган

³⁸ Ш.М.Мирзиёев “Жисмоний ва баркамол ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг хал қиувлечи кучидир”. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қурилтойида сўзлаган нутқ. 2017йил 30 июнь. Тўла асарлар тўплами 1-жилд, Тошкент “Ўзбекистон” 504-505 бетлар.

³⁹ Ўша жойда.

эҳтиёжларни қондиришга қаратилган билимлар, ўқув ва қўникмаларнинг тизимлаширилган йигиндиси тушунилади.

Ёш авлоднинг маънавий оламини бузгунчи таъсирлардан асраш учун таълим-тарбия жараёнида қандай тамойилларга асосланиш ва қандай жиҳатларга эътибор қаратиш керак, деган масала барча устоз-мураббийларнинг, давлат хизмати, жамоат ва нодавлат ташкилотларнинг диққат марказида туриши лозим. Фикримизча, глобаллашув шароитида ёшларнинг тафаккур тарбиясига кўпроқ эътибор қаратиш улар маънавий оламининг дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, қаерда юксак ақд-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудрати кучга айланади.

TA’LIM JARYONIDA RAQAMLI TEKNOLOGIYANING AHAMIYATI

Polvonova Sitora Dilmurod qizi
Toshkent shahar YODJU texnika instituti talabasi

Bugun biz tez sur`atlar bilan o`zgarib borayotgan, insoniyat hozirga qadar boshidan kechirgan davrlardan tubdan farq qiladigan o`ta shiddatli va murakkab bir zamonda yashamoqdamiz.

Hayotimiz har jihatdan texnika va texnologiyalar bilan bog`liq: ertalab soat bongidan boshlab to kun rejasini tuzish va o`qish bilan yakunlashgacha. Biz ta’lim sifatini oshirish va rivojlantirish uchun texnologiyalardan manfaatli foydalanish imkoniyatini yaratishni istadik. Qachonki, planshet ta’lim olishning bir elementiga aylansa, bolalar o`qish jarayoniga katta qiziqish bilan kirishadi. Bu o`yin bilan klassik ta’limni birlashtirishga tengdir. Natijada o`qish jarayoni yaxshilanadi, o`zlashtirish, ta’lim darajasi va kadrlarni tayyorlash samaradorligi oshadi. Bilimli avlod, professional kadrlar – bu jamiyatning keng miqyosda rivojlanishining garovidir.

Davlat va siyosat arboblari, faylasuflar va jamiyatshunos olimlar, sharhlovchi va jurnalistlar bu davrni turlicha ta`riflab, har xil nomlar bilan tamoqda. Kimdir uni yuksak texnologiyalar zamoni desa, kimdir tafakkur asri, yana birov yalpi axborotlashuv davri sifatida izohlamoqda.

Globallashuv jarayoni hayotimizga tobora tez va chuqur kirib kelayotganining asosiy omili va sababi xususida gapirganda shuni obyektiv tan olish kerak- bugungi kunda har qaysi davlatning taraqqiyoti va ravnaqi nafaqat yaqin va uzoq qo`shnilar, balki jahon miqyosida boshqa mintaqqa va hududlar bilan shunday chambarchas bog`lanib boryaptiki, biron mamlakatning bu jarayondan chetda turishi ijobiy natijalarga olib kelmasligini tushunish, anglash qiyin emas.

Axborot olamidagi globallashuvning shiddatli kuchi, uni hech narsa bilan qoplab

bo'lmaydigan ulkan ziyon etkazishi mumkinligini – axborot va texnologiya inqilobi tufayli dunyo ilgarigiga qaraganda yanada jips va mushtarak bo'lib bormoqda. Shu ma'noda, globallashuv – bu avvalo hayot sur'atlarining beqiyos darajada tezlashuvi demakdir.

Bugungi kunda zamonaviy axborot maydonidagi harakatlar shu qadar tig'iz, shu qadar tezkorki, endi ilgarigidek, ha, bu voqeа bizdan juda olisda yuz beribdi, uning bizga aloqasi yo'q, deb beparvo qarab bo'lmaydi. Ana shunday kayfiyatga berilgan xalq yoki millat taraqqiyotidan yuz yillar orqada qolib ketishi hech gap emas.

Globallashuv jarayoning tendensiyalari ko'rib turganimizdek ijtimoiy hayotning barcha sohalariga ta'sir qilib kelmoqda. Ayniqsa, davlatlar va xalqlar o'rtasidagi integratsiya va hamkorlik aloqalarining kuchayishi, xorijiy investitsiyalar, capital va tovarlar, ishchi kuchining erkin harakati uchun qulayliklar vujudga kelishi, ko'plab yangi ish o'rinalining yaratilishi, zamonaviy kommunikatsiya va axborot texnologiyalarining, ilm-fan yutuqlarining tezlik bilan tarqalishi, turli qadriyatlarning umuminsoniy negizda uyg'unlashuvi, sivilizatsiyalararo muloqotning yangicha sifat kasb etishi, ekologik ofatlar paytida o'zaro yordam ko'rsatish imkoniyatlarining ortishi – tabiiyki, bularning barchasiga globallashuv tufayli erishilmоqda.

Turgan gapki, bunday vaziyatda ta'lim dolzarb ahamiyat kasb etadi. Mamlakatimizda ilm-fanni yanada ravnaq toptirish, yoshlarimizni chuqur bilim, yuksak ma'naviyat va madaniyat egasi etib tarbiyalash, raqobatbardosh iqtisodiyotni shakllantirish borasida boshlagan ishlarimizni jadal davom ettirishmaqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoevning 2020- yil 24- yanvardagi Oliy Majlisga yo'llagan Murojaatnomasida 2020- yilga "Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili" deb nom berish taklifi ilgari surilishi tom ma'noda O'zbekiston hayotida global taraqqiyotga hamohang ravishda tarixiy burilish davri boshlanganini tasdiqladi.

Bundan tashqari, barcha sohalarda raqamli iqtisodiyatning ahamiyatini oshirish uchun, yanada ko'plab qarorlar ishlab chiqilmoqda. Hattoki, "Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora- tadbirlari to'g'risida"gi qarorida 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini "Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili"da amalga oshirishga oid davlat dasturida belgilangan vazifalarga muvofiq hamda iqtisodiyot tarmoqlari va davlat boshqaruvi tizimiga zamonaviy axborot texnologiyalarini keng joriy etish va telekommunikatsiya tarmoqlarini kengaytirish orqali respublika iqtisodiyotining raqobatbardoshligini yanada oshirish maqsadida ko'plab vazifalar belgilab berildi. Bularidan eng asosiysi, ta'lim tizimining barcha bosqichlarida raqamli texnologiyalarni keng joriy etish va zamonaviy iqtisodiyot uchun zarur bo'lgan raqamli bilimlarning darajasini oshirish, ta'lim infratuzilmasini takomillashtirish, shuningdek, "Besh tashabbus" loyihasini amalga oshirish doirasida 2022-yilga qadar respublikaning barcha hududlarida raqamli

bilimlarga o'qitish markazlarini ochish alohida vazifa qili belgilab berildi.

Zamonaviy texnologiyalar bir joyda to'xtab turmaydi. U muntazam takomillashgani sayin, tabiiyki, sohaning qonunchilik asoslari ham mustahkamlanib boraveradi. Va, albatta zamononing to`xtovsiz rivoji tufayli bundan keyin ham raqamli texnologiyaning barcha sohalarda ta'sirini oshirish uchun qonun va loyihalar ishlab chiqilishi davom etaveradi.

Mamlakatimiz taraqqiyotining istiqboli ham raqamli iqtisodiyot rivojlanishi va raqamli texnologiyalarning qamrov darajasiga tayanadi. Bunga erishish uchun raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning quyidagi asosiy shartlari va ustuvor yo'naliшlarini sanab o'tish maqsadga muvofiq:

- raqamli texnologiyalar barqaror faoliyat ko'rsatishi uchun institutsional muhit va raqamli infratuzilmani yaratish, davlat xizmatlarini ko'rsatish, iqtisodiyotning real sektori tarmoqlari, sog'liqni saqlash, davlat kadastri va boshqa sohalarda raqamli texnologiyalarni keng joriy etish, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi hududini rivojlangan mamlakatlar darajasida internet global tarmog'iga ulanish imkoniyatlari bilan imkon qadar to'liq qoplashni bosqichma-bosqich ta'minlash;

- kadrlar tayyorlash ko'lmini kengaytirish va bu yo'naliшlar bo'yicha chuqu bilimga ega malakali dasturchilar va injener-texnik xodimlarni yetishtirish, ta'lim tizimining barcha bosqichlarida xalqaro andozalarga to'liq javob beradigan zamonaviy axborot texnologiyalarini o'qitish, shu jumladan, xorijiy hamkorlarimiz bilan birgalikda "1 million dasturchi" loyihasini muvaffaqiyatli amalga oshirish;

- raqamli iqtisodiyot sohasida ilmiy-nazariy bazani mustahkamlash va bu sohada "Raqamli ishonch" jamg'armasi mablag'laridan maqsadli foydalangan holda ilmiy faoliyatni qo'llab-quvvatlash;

- aholining keng qatlamlari o'rtaida "raqamli savodxonlik"ni targ'ib kilish va kengaytirish, ularni axborot texnologiyalarini o'zlashtirishga jalb qilish maqsadida o'quv yurtlarida seminar, kurslar va boshqa tadbirlarni o'tkazish;

Xalqaro tajriba shundan dalolat bermoqdaki, bugungi kunda raqamli texnologiyalar asosan ilmiy hamjamiyat va xususiy sektorda jadal rivojlanmoqda. Shuning uchun davlat, aynan, ushbu sohalarda innovatsion loyihalar va IT-kompaniyalarni qo'llab quvvatlagan holda qulay ekotizimni yaratishi lozim.

| | |
|--------------------|----------|
| KIRISH..... | 4 |
|--------------------|----------|

**БИРИНЧИ ЙЎНАЛИШ: ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА
ИЖТИМОЙ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

| | |
|---|----|
| Азимова Д. М. ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ДАВЛАТНИНГ БОШ ИСЛОҲОТЧИ ВАЗИФАСИДА Бўлиши – МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОЛИК ГАРОВИДИР. | 6 |
| Ш.Ш.Шовкатов “ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ИНСОН” АЛОҚАДОРЛИГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ..... | 9 |
| О.Х. Ражабов ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИҚТИДОРИИ ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВИ МУАММОЛАРИ: АХБОРОТЛАР ТАЪСИРИ ВА ҲИМОЯЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИ..... | 13 |
| Б.Б. Баходиров, З.Ш. Закирова ЁШЛАРНИНГ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНАШ МЕХАНИЗМЛАРИ | 16 |
| З.Т.Лухманова ГЛОБАЛИЗАЦИЯ КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ КАДРОВ ПО ПРОФЕССИИ «РАБОТА С МОЛОДЕЖЬЮ» В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН | 21 |
| С.Б. Ҳўжақулов ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш - ЁШЛАР ЎРТАСИДА ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигининг кафолати..... | 25 |
| Н.Т. Норкулова ЁШЛАР ВА КАРАНТИН: ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР, АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР..... | 28 |
| Ш.С. Райимова МЕҲНАТГА РАҶОБАТБАРДОШЛИК – ФАРОВОН ТУРМУШ АСОСИ | 31 |
| Г.К.Уразбоева ЗАМОНАВИЙ ЁШЛАР: ЮТУҚЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ | 34 |
| Л.Махмудов, Ж. Остонов ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРДА ТУРЛИ ЁТ ФОЯЛАРГА ТАРГИБОТНИ КУЧАЙТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ! .. | 37 |
| Ш.А. Эрматов, Ш.Авазов ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ МАСАЛАСИ. | 40 |
| Z.Po'latov GLOBALLASHUV JARAYONIDA MILLIY QADRIYATLAR ASOSIDA YOSHLARNING MA'NAVITY MADANIYATINI YUKSALTIRISH.. | 43 |
| Н.И. Тайлаков, А.Э. Эрназаров ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР. | 44 |
| И.М.Исматов ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ЁШЛАРНИНГИШТИРОКИ..... | 47 |
| N.A.Saidqulov, Sh.R.Yo'ldoshev GLOBALLASHUVNING YOSHLAR DUNYO QARASHIGA TA'SIRI | 51 |

| | |
|---|----|
| Б. М. Мухтаров НОСИРУДДИН САМАРҚАНДИЙНИНГ “АЛ-ФИҚХ АН-НОФЕБ” АСАРИДА БАЁН ЭТИЛГАН ИЖТИМОЙЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ..... | 54 |
| С.И.Матёкубов ГЛОБАЛЛАШУВ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ..... | 56 |
| Р.Қ.Мўминов, А.Х.Каримов , Г.А.Азимова ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛЛАРИ | 58 |
| К.Э.Раджапов, Б.К.Эркаева СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ И ИХ РЕШЕНИЯ В ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ..... | 60 |
| М.Л.Абдужабборова ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР МАСТУЛИЯТИ ВА ИЖТИМОЙЛАШУВИ МАСАЛАЛАРИ..... | 63 |
| О.Ф.Давлатов ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРНИНГ МАФКУРАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИ ВА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРТЛАРИ | 66 |
| Х.Х.Хайдаров ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР ТАЪЛИМ- ТАРБИЯСИДА МАЪНАВИЙ МЕРОСНИНГ АҲАМИЯТИ..... | 69 |
| Ш.М. Закиров, А.А.Абдуқадыров ПРИОРИТЕТНЫЕ ЦЕННОСТИ МОЛОДЁЖИ УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ..... | 72 |
| D.X. Fazilova GLOBALLASHUVNING YOSHLAR SOTSIAL-SIYOSIY QIYOFASIDAGI O'ZGARISHLARGA TA'SIRI..... | 74 |
| Х.Х. Рахмонов ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР..... | 77 |

**ИККИНЧИ ЙЎНАЛИШ: ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИ**

| | |
|---|----|
| Қ.С.Каримов ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРДА МЕҲНАТСЕВАРЛИК ТУЙГУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АФАРИЗМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ | 82 |
| Қ.А.Примов ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ – ГЛОБАЛЛАШУВ ИНЬИКОСИ | 85 |
| Ф.А.Примов ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЮРИДИК ФАНЛАР РИВОЖИГА ТАЪСИРИ | 87 |
| Ф.К.Қушбаев ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ИЛК ИСЛОМ ТАРИХИ ТАДҶИҚИНИНГ ДОЛЗАРБАЛИГИ | 90 |
| Ф.Э. Зиётова ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛА- РИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ | 92 |
| И.С.Саифназаров, А.Н.Мамиров ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ ТОЛЕРАНТЛИК ФАЗИЛАТИНИ РИВОЖЛАН- ТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ | 96 |
| А.Х.Хуррамов ВОПРОСЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ЗАНЯТОСТИ И БЕЗРАБОТИЦЫ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ | 99 |

| | |
|---|-----|
| Ш.Б. Бурхонова РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ..... | 101 |
| Ш.Х.Самиева, С. С.Асадова ЁШЛАРГА ТАЪЛИМ БЕРИШ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛарНИНГ ЎРНИ | 103 |
| Ш.Х. Самиева, М.Х.Маджидова ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ХАЛҚАРО ТАЖ-РИБАЛАР ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ҚЎЛЛАШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ | 105 |
| Sh.Sh.Akramov, S.R.Maksumova GLOBALLASHUV JARAYONIDA YOSHLARNING HUQUQIY MADANIYATINI YUKSALTIRISHNING АНАМИYATI | 108 |
| С.Д.Ходжаев ЁШ ТАДБИРКОРЛАР МАДАНИЯТИДА ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИ | 109 |
| О.А.Набиев ЁШЛАРНИНГ БЕҚАРОР ИШ БИЛАН БАНДЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР | 114 |
| Б.Э.Мамарахимов ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИНГ ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ | 117 |
| Н.Д.Қосимова ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА БОШҚАРУВ ПСИХОЛОГИЯСИ МУАММО СИФАТИДА (“Патрик Ленсиони” модели мисолида) | 119 |
| О.Б. Ҳалимова РЕСПУБЛИКАМИЗДА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТДА КЕЧАЁТГАН МУАММОЛАР | 122 |
| E.A. Ruziyev, Yo.A.Ruziyev, J.E.Ruziyev GLOBALLASHUV JARAYONIGA TABIIY FANLAR TARAQQIYOTINING TA'SIRI | 124 |
| Ф.Темирова ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИДА МЕТАЛЛУРГИЯГА ОИД ХАЛҚАРО ТЕРМИНЛАРНИНГ ФАН РИВОЖИДАГИ ЎРНИ | 126 |
| М.Д. Пардаева МАКТАБДА ИЖТИМОЙ ВА ПСИХОЛОГИК СОҒЛОМ МУҲИТНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ | 129 |
| Р.А.Низомова ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР ИНТЕРНЕТ ТАРМОГИДАН ФОЙДАЛАНИШИННИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ | 132 |

**УЧИНЧИ ЙЎНАЛИШ:
ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА
РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛарНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ**

| | |
|--|-----|
| Z.Sh.Ahmadova TARAQQIYOT SAHIFALARIDAGI GLOBALLASHUV..... | 137 |
| X.A.Muxamadiyev GLOBALLASHUV JARAYONLARIDA YOSHLAR MEDIA SAVODXONLIGI VA AXBOROT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH MASALALARI | 139 |
| E.Kilichev, N.Ikromov THE ROLE OF DIGITAL TECHNOLOGIES AND INFORMATION IN THE EDUCATION OF THE YOUNG GENERATION IN THE PROCESS OF GLOBALIZATION | 142 |

Дунё глобаллашув жараёни ва Ўзбекистон ёшлари

| | |
|--|-----|
| R.Q.Xalilov GLOBALLASHUV JARAYONIDA YOSHLAR TA'LIM-TARBIYASIDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNING IMKONIYATLARI.. | 144 |
| Δ.З.Эрназаров ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МАСОФАВИЙ ВА ОНЛАЙН ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ | 147 |
| F.B.Odinabobo耶ев INTELLEKTUAL YOSHLAR TA'LIM-TARBIYASIDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR | 150 |
| Қ.Зуалнов ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ | 151 |
| H.AXushmanova GLOBALLASHUV JARAYONIDA KVANT KRIPTOGRAFIYASI RIVOJINING O'RNI | 154 |
| Қ.Одилов ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТЛАШУВНИНГ КЕНГАЙИШИ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ | 157 |
| S.D.Polvonova TA'LIM JARYONIDA RAQAMLI TEXNOLOGIYANING AHAMIYATI | 159 |

